

**АЛ ХОРАЗМИЙ НОМЛИ УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ФИЛОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИ**

**ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИ**

**ОШИҚНОМА**

**5 - КИТОБ**

**МАСЬУЛ МУҲАРРИР:**  
**профессор С.Р.РЎЗИМБОЕВ**

**УРГАНЧ -2011**

«Ошиқнома» рукни остида 5-китоб бўлиб чиқаётган ушбу мажмуага “Тохир ва Зухра”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Лайли ва Мажнун” достонининг Умар Боқий варианти, “Ошиқ Кумри”, “Саёд ва Ҳамро” достонининг оғзаки варианти киритилди. Мазкур достонлар ҳам китобхонларнинг эътиборига сазовор бўлади деган умиддамиз.

**Таҳрир ҳайъати:** Абдулла Аҳмедов, Сотим Аваз, Сафарбой Рўзимбоев, Рўзимбой Эшчанов, Рўзимбой Йўлдошев, Исҳақжон Исмаилов

**Нашрга тайёрловчилар:** С.Р.Рўзимбоев, С.М.Сориев,  
М.Ш.Жамметова, У.Б.Бобожонова.

**Тақризчи: Филология фанлари номзоди доцент: И.С. Деванова**

**«ХОРАЗМ» НАШРИЁТИ – 2011  
С.Р.РЎЗИМБОЕВ, С.М.СОРИЕВ, М.Ш.ЖАММЕТОВА,  
У.Б.БОБОЖНОВА.**

**«ОШИҚНОМА»**

## ТОҲИР ВА ЗУҲРА

Ровийлар андоғ ривоят қилурларким, Тотор деган бир катта вилоят бор эрди. Унинг Бобохон отлиғ подшоси бор эрди, бу подшонинг бир вазири бор эрди, уни Боҳир вазир дер эрдилар. Буларнинг иккаласининг ҳам молдавлатдан, обрў- эътибордан кам-кўсти йўқ эрди, аммо бир камчилиги буларнинг иккаласида ҳам фарзанд йўқ эрди. Подшо билан вазир фарзандлик додига ҳеч чора тополмай қўп ғамгин бўлиб, зору- гирён қилар эрдилар.

Бир куни подшо билан вазир ўзаро сұхбатдош бўлиб, маслаҳат қилдилар. Шунда подшо вазирга айтдики:- Эй Боҳир вазир, бизларнинг иккимизда ҳам ўғил- қиздан нишон йўқ. Фарзандсиз кишига бу вилоят, бу юрт ҳаромдир. Кел, иккимиз бошимизни олиб, бу ватанин тарқ этиб бир тарафларга кетали, деди.

Вазирга бу маслаҳат хуш келиб, “ ажаб бўлғай” деб жавоб берди. Шу ниятда подшо билан вазир иккаласи тонг чоғида ҳамма уйқуда вақтида ҳеч кимга билдирамасдан, шаҳардан чиқиб чўлу-биёбон, дашту-биёбонга қараб равона бўлдилар, шу боришлирида кун ботар вақтида қадим вақтдан қолган бир катта қабристонлиқقا дуч келдилар. Булар бу кечани шу қабристонда тунамоқчи бўлдилар. Иккаласи шу ерда ўтириб, яратгандан фарзанд тилаб, нола қилдилар. Шунда подшо худодан бир ўғил тилаб бир ғазал айтди:

Даргоҳингга юзим тутдим яратган,  
Санменинг дардимга далолат айла.  
Сенсан аввал мени йўқдан бор этган,  
Бузилган шахримни иморат айла.

Шукрим кўпdir дўнмоқ бўлmas йўлингдин,  
Ал кўтардим давлатингдин молингдин,  
Карамли зотингдин, қудрат-қўлингдин,  
Бир фарзанди солиҳ-саҳоват айла.

Захар ичарман, шарбатим йўқ, болим йўқ,  
Жудо тушдим, ватаним йўқ, элим йўқ.  
Ўрним тутган авлодим йўқ, ўғлим йўқ,  
Холимга ҳомий бўл, ҳимоят айла.

Сен туфайли жаҳон-олам мунаvvар,  
Фахри жаҳон сенсан, оламга сарвар,  
Ҳақнинг дўсти сенсан, Расул пайғамбар,  
Икки дунё манга шафоат айла.

Юртнинг подшосиман, Бобохон отим,  
Боҳир вазиримдур, кўнгулда шодим,  
Унмади ўрнимда ўғил-зурёдим,  
Иккимизга фарзанд иноят айла.

Алқисса, Бобохон подшо сўзини тамом этди. Бу кеча қабристонда ётдилар, аммо кўзларига уйқу келмади. Тонг саҳар чоғида кўзлари уйқуға

кетди. Боҳир вазир тушида бир аҳвол кўрди: Подшонинг қучоғига бир чақалоқни, Боҳир вазирнинг қучоғига бир чақалоқни келтириб солдилар. Шунда вазир уйқудан уйғонди, шул вақтда подшо ҳам уйқудан уйғонди. Подшо сўради –қани, эй вазир, нима аҳвол қўрдинг? Боҳир вазир айтди: - Эй подшоҳим, тушимда бир аҳвол қўрдим, толеъинг, иқболинг очилди, толеъ сенга кулиб боқди, деб бир ғазал айтди:

Эй шоҳим, ётардим, бир аҳвол қўрдим,  
Раҳмат майи мени маston айлади.  
Мақсадинг ҳақ берди, таъбирин йўрдим,  
Барча мушкулларинг осон айлади.

Ҳафтан, ситан, чилтан барча жам бўлди,  
Қўлин очиб ҳақға муножот қилди,  
Тилади муродинг-худодан олди,  
Хар кимга бир зурёд аён айлади.

Давлат қуши соя солди бошинга,  
Раҳм айлади кўздан оққан ёшинга,  
Икки анвар туғиб келди қошинга,  
Нуридин жаҳонни бўстон айлади.

Икки анвар бир-биридин зиёда,  
Лабларида шароб, қўлида бода,  
Аҳволим барҳақдур, етдим мурода,  
Менинг кўнглим мундоғ гумон айлади.

Боҳир айтар, будир кўрган аҳволим,  
Сизларга гумонлиғ, ўзимга маълум,  
Бир кун чиқар икки сарви ниҳолим,  
Бизнинг била аҳди паймон айлади.

Алқисса, подшо вазирнинг бу сўзларини эшишиб дарров ўрнидан туриб, вазирининг юзидан ўпид айтди:

-Эй Боҳир вазир! Агар сўзларинг чин бўлиб, худои таоло иккимизга ҳам ўғил берса, улар иккаласи дўст бўлсинлар, бир тан, бир жон бўлсинлар. Агар иккаласи ҳам қиз бўлса, улар қиёматлик опа –сингил, дугона бўлсинлар. Агарда бири ўғил-бири қиз бўлса, унда улар бир-бири билан жуфти ҳалол бўлиб, иккаламиз қуда бўламиз, деди.

Шунда Боҳир вазир: -Эй подшоҳим, давлатингиз барқарор бўлсин. Сиз бир подшо, ҳукмдор бўлсангиз, мен эса эшигингиздаги бир хизматкор бўлсам, бу қандай аҳду паймон бўлади,-деди. Унда подшо ҳеч вақт сўзидан тонмаслигини айтиб қасам ичди. Сўнгра қўлига қоғоз-қалам олиб, “валлоҳи-аълам” деб, аҳд боғлаб аҳднома ёзиб, муҳр босиб, вазирнинг қўлига берди. Бу ишдан вазирнинг вақти чоғ бўлди. Сўнгра иккаласи шаҳарга қайтдилар. Келиб, подшоҳ ўрнида ўтириб, ҳукм сурмаклиқда давом этди. Подшо хотинларининг орасида Шоҳижон деган бир аёли бор эрди. Вазирнинг

суюкли бир аёли бўлиб, унга Шоҳихӯбон деб ном берар эрдилар. Кунлардан бир кун Шоҳижаҳон ҳомиладор бўлди. Унинг изи билан бир ҳафтадан сўнг вазирнинг хотини Шоҳихӯбон ҳам ҳомиладор бўлди.

Шундан кейин орадан тўққиз ой, тўққиз қун, тўққиз соат, тўққиз дақиқа ўтгандан кейин подшонинг бир қизи бўлди. Бу чақалоқнинг оғзи ғунча, лаблари лаъл, қўзлари мастона, қалам қошли, инжу тишли, қора сочли, юзи жаннатнинг гулидай, овози Боги Эрам булбули янглиғ, ҳусни ойдай ғунчай офтобдай, ўн тўрт кечалик ойдай шуъласи осмонни ёритар, кўрган кишида бир меҳр пайдо қиласр эрди. Шу вақтда бир каниз подшоға бориб суюнчилади ва: -Эй подшоҳи олам! Давлат чироғинг ёнди: Шоҳижаҳондан бир офтоб дунёға келди,” деб суюнчилади.

Подшо бу сўзни эшитиб, хазинасидан канизга суюнчи учун кўп инъомлар бериб, узатди ва шаҳарнинг ичида тўй-томуша бошлаб юборди. Барча қулларни озод этди, фақиру-фуқаро, ғарибу- бенаволарга кўп инъомлар улашди. Бу тўю-томуша тўққиз кеча-кундуз давом этди. Сўнгра подшо қурондоз, мунажжимларни, фалакиёт илмидан хабардор уламоларни, ҳокимларни, бекларни йиғиб буларнинг ҳар бирига лойик инъом-эҳсонлар бериб: “Бу моҳи анварга бир от қўйинг”-деди. Бири: “Ой қўяйлик” деса, яна бири “Қуёш қўяйлик”-дейди. Шу ерда бир неча от айтилган бўлса –да, уларнинг ҳеч бири қўнглига маъқул бўлмади. Шу тўйда бир меҳмон бор эрди, отига Мулланафас Мару Шоҳижаҳон деб от берар эрдилар. Унинг аёлига Бўстончи элти деб от берар эрдилар. Уларнинг иккаласига ҳам Пайғамбарнинг сояси, худонинг назари тушган эрди. Подшо: “Мана шу инсонлар исм қўйсинлар, шулар от қўймаса, бошқаларнинг қўйган отлари менинг қўнглимга маъқул тушмади”,-деб амр этди. Шундан сўнг элтини чақирдилар: элти келиб бувак қиз билан қутлади. Элти бика ўз олқишлиарни тугатгандан сўнг, шу ердаги аёллардан бири айтди: -Эй элти биби подшонинг қизига от қўймоқлик ихтиёри сизга берилди. Бу қизга сиз от қўйинг. Аммо лекин отининг бир тарафидан ой-ва қуёш айрилмасин, деди. Элти жойида ўлтириб, бувак қизнинг юзини очиб, зиёрат этди ва айтди:

-Эй ҳалойик бу қиз ойнинг, куннинг баробаридаги қиз экан, яна ўн икки юлдуз бордир-шамс дерлар, қамар дерлар ақраб дерлар, мезон дерлар, қовус дерлар, офтоб бурчида намоён бўлурлар. Ҳам яна бир юлдуз бордур, отига моҳи-Муштарий дерлар-унинг нури, шуъласи ойдан кундан зиёдадир. Яна ҳам бир юлдуз борким-у тўққизинчи фалакнинг юзида туғади. Отини Зухра дерлар, -ўзи мутриб -созанда бўлар-ишиқи баланд созандадир.

Юзининг шуъласи ой-куннинг шуъласидан етти ҳисса зиёдадур. Бу қизнинг отини Зухра қўймоқлик душвордур,-деди. Ҳалойиклар қабул этдилар: “Юзи Зухра, оти ҳам Зухра бўлсин”-деб қутладилар. Шу тариқа қизнинг отини Зухра қўйдилар. Сўнгра Зухранинг ёнига икки юз канизи билан Мулланафаснинг аёли Бўстон энагани тарбияламоқ учун бердилар.

Зухра қизнинг юрагида ишқ ҳаваси борлиғи учун унинг мудом йиғламоқдан бошқа иши йўқ эрди. Аммо юзи, ҳусни жамоли кун-кунга, зиёда бўлиб, кўрган одамнинг ақлини шошириб, ҳамма унга ҳавасда бўлдилар.

Унинг ҳуснининг овозаси Қофдан Каъбага мағрибу-машриққа, еру-кўйка тарқалиб, олам –жаҳонга овоза бўлиб кетди.

Эндиғи сўзни Бобохондан эшитинг. Подшо қиз фарзанд қўрганидан сўнг, кўнглига шундай бир хаёл келдики: “Боҳирнинг ўғли бўлса мен нима қиларман? Жаннат гулинни бир туяга ҳамсұхбат этмак ноўрин бўлар? Мен катта бир юртнинг подшоҳи бўлсан, Боҳир менинг қулим бўлса, мен унга нима учун қизимни беришим керак? Аммо, лекин энди унга қизимни бермасам, аҳди-вафо қилганман, сўз берганман. Оқибатини ўйламасдан, аҳдимни елга бериб, бу ишларни фикр этмасдан, бекорга аҳднома ёздирибман, охирини ўйламасдан иш қилибман”, -деб кўп ғам-қайгуға ботди. “Аммо мени бундай аҳди-паймон қилганимни ким кўрибди, ҳеч ким кўрган эмас. Агарда мабодо Боҳирнинг хотини ўғил туғса нима бўлади? Шунинг учун Боҳирнинг бошига тез етайн, уни гумдон қилайин, деб ўйлай бошлади.

Ана вақти соати етиб Боҳир вазирнинг ўғли бўлди. Гўдакнинг жамоли ойдан, кундан ҳам зиёда, ҳусни чиройидан бутун олами жаҳон мунаввар бўлди. Ҳаттоки шоҳлар буни кўрса, бошларидағи тожларини бунга лойик топар эрдилар. Зухра билан иккиси гўёки олмани бир бўлиб қўйғондек эди. Боҳир вазир ҳам тўй-томоша бошлади.

Ўғлининг отини Тоҳир Мирзо қўйдилар. Бу чақалоқни ҳам энагага топширдилар. Энагалар бу иккаласини элдан –кўздан сақлаб, вояга етказдилар. Ана кундан-қун, ойдан ой ўтиб Тоҳир ва Зухра етти ёшга етдилар. Кунлардан бир кун Боҳир вазир бу оламдан кетди. Унинг ўрнига душман ўтириди, булар оиласининг давру-даврони тугади. Эндиғи сўзни Бобохон подшоҳдан эшитинг. Подшо Мулланафас охунни мулла қилиб тайинлади. Бутун эл ўз фарзандларини Мулланафасга тарбия қилиш учун бердилар.

Шоҳижаҳон Зухражонни, Шоҳихўбон Тоҳирни муллага топширди. Зухражон ва Тоҳиржон мактабда бўлган вақтларида мактабга, устоз ва жами болаларга шодлик элтиб, шод-хуррам бўлар, вақтлари хуш бўлар эрди. Уларнинг иккаласи мактабдаги бошқа болаларнинг орасида ой билан қуёшдек, болалар бўлса гўёки уларнинг атрофидаги юлдузлардек эди. Тоҳиржон билан Зухражоннинг ҳусн-жамоли ҳам, бўйи-бости, зехнлари ҳам баробар эрди. Домла-устоз таълим берса, ўзлари билар эрдилар, вақтларини хушлаб, қуръон оятларини ўқир эрдилар. Айни шу тарзда ойлар, кунлар ўтиб, булар вояга етдилар. Вақти келиб Зухражон ва Тоҳиржоннинг ўртасида ишқ муҳаббат асари пайдо бўлди. Улар бир-бирини кўрганда ишқ ўти буларнинг юрагидан кечар эрди. Агарда соат бир-бирини кўрмасалар, бир-бирининг ишқида дали-девона бўлар эрдилар. Эрта билан туриб, мактабга келгандарига ҳам бирга келиб, бирга кетар эрдилар. Шу тарзда кунлар ўтаверди.

Бир куни Тоҳиржон эрта ўрнидан туриб Зухражонга учрашадиган жойга келди. Аммо Зухра қиз келмади. Тоҳирнинг юрагига ларза тушиб: Зухражонга бир гап бўлғонға ўхшайди, келмади”-деб интизор, муштоқ бўлиб тургонида мактабдошларидан Гулқамар отлиғ бир қиз Тоҳирнинг ёнидан ўтаверди. Ошиқ Тоҳиржон айтди: -Эй Гулқамаржон, тўхта, бироз кутиб тур.

Гулқамар тўхтади. Шу ерда Тоҳиржон Зухражондан хабар сўраб бир ғазал айтди. Гулқамаржон ҳам жавоб берди. Иккисининг саволли-жавобли сўзи:

**Тоҳир:**

Гулқамаржон, хабар бергил бизлара,  
Ҳамсирдошинг Зухражонни кўрдингми?  
Қурбон бўлай шаҳду-шакар сўзлара,  
Кўнглим олған дилрабони кўрдингми?

**Гулқамар:**

Ёрим келмади деб гумон айлама,  
Келар Зухражонинг, ғамгин бўлмағил.  
Шод кунларинг охирзамон айлама,  
Келар Зухражонинг, ғамгин бўлмағил.

**Тоҳир:**

Бугун мен айрилдим савсон сўнадан,  
Ман билмадим, гап етдими онадан,  
Нечун юз ўғирди мактабхонадан,  
Тоза очилған тар ғунчани кўрдингми?

**Гулқамар:**

Рост қомати алвон гуллар ичинда,  
Элнинг назаргоҳи тўйлар ичинда,  
Тахтин қурмиш яхши ўйлар ичинда,  
Келар Зухра жонинг, ғамгин бўлмағил.

**Тоҳир:**

Ола кўз, оқ жайрон ақлимни олди,  
Эйланди, келмади, ничик сир бўлди,  
Сабоқлар ўқилмай, бандивон қолди,  
Шоҳнинг қизи, шаҳзодани кўрдингми?

**Гулқамар:**

Тўйга сайрон этди қизларнинг хони,  
Ёнинда қиз-келин, ҳам навжувони,  
Ёндириб, куйдириб жумла жаҳонни,  
Келар Зухра жонинг, ғамгин бўлмағил.

**Тоҳир:**

Нечук тўйдур ушбу кунлар тутулғон,  
Эҳсоннинг ўрнига зиён битилғон,  
Зухражон банд бўлиб, ой-кун тутулғон,  
Жондан азиз ул жононни кўрдингми?

**Гулқамар:**

Ман санга сўзларман сирри-пинҳоним,  
Санга ёлғон айтсан тўқилсин қоним,  
Етишар дамба-дам, сабр айла жоним,  
Келар Зухражонинг, ғамгин бўлмағил.

**Тоҳир:**

Тоҳир айтар, бошим меҳнат тошинда,

Йиғлаб ўлар бўлдим етти ёшимда,  
Ўзим мунда, кўнглум ёрнинг қошинда,  
Зухра отли саргардонни кўрдингми?

**Гулқамар:**

Гулқамар дер, бошим сизларга банда,  
Кўрдим кўнгулларни ҳижрон шоминда,  
Санинг кўнглинг-ёрда, ёр кўнгли-санда,  
Келар Зухражонинг, ғамгин бўлмағил.

Алқисса, бу сўзлар тамом бўлғандан сўнг, Гулқамаржон мактабга қараб жўнайверди. Тоҳиржон бу ерга келиб, икки соат кутиб турди, аммо Зухражон келмади. Тоҳиржоннинг охири сабру-қарори тугаб Зухра қизнинг боғига қараб равона бўлди. У боғда сарви деган бир баланд дараҳт бор эрди. Тоҳирбек шу дараҳтга чиқиб, Зухрининг йўлига қараб ўтириди. Бир оз вақтдан сўнг Зухра қиз канизлари бирлан олам-жаҳонни нурга тўлдириб келаверди. У қўлидаги қизил олмани хидлаб, қизил тилладан жилдланган ҳафтиякни кўтариб келар эрди. Заррин камар, эгнида кийим-либослар ярашган, ўн бармоғида ўн тилло узук, ҳар узути бир қиммат дурдин ясалған. Кўллари хиноли, юзи гулоб сувли, холлари ўсмали, қўзлари сурмали, қулоқлари исирғали, бошинда қизил ёқутдан ўтоға, қар-қара суратинда битилган дуру-жавоҳири гулдек очилиб, бу ёлғончи дунёни гулистон этиб келаверди. Бунга назари тушган Тоҳир ёниб-куйиб бир абёт ўқиди:

Санго тушди назарим, севгили жонон, бари гал,  
Сочи мушк исли юпор сунбули райҳон бари гал,  
Гулбадан, гулгун ранги, тўни зарафшон бари гал,  
Ол яноқ, киприки олма занахдон бари гал,  
Жонингга садқа бўлам, севгили жонон бари гал.

Париларнинг подшоҳи, балли мастона гўзал,  
Сен бир шам чироғу, ман санга парвона гўзал,  
Хулқи хуш, лабзи ширин юzlари нурона гўзал,  
Бағри бўш сўzlари дуз, тиллари дурдона гўзал,  
Лаби, лаъл кийдиги ол, жаннати ризвон, бари гал.

Чекарам ҳар кечаларда оҳу зорингни сани,  
Мандан ўзга ким чекади дарду зорингни сани,  
Берманам юз минг тумана зулфи торингни сани,  
Оқ кўксингда битган олма, анорингни сани,  
Тутмасам қолар буқун жонимда армон, бари гал.

Гоҳ кулиб, бари боқиб, ноз бирла саллонасан,  
Гоҳда қошингни читиб, ҳар тарафа тавлонасан,  
Ўз юзинг шуъласина, балки ўзинг ҳам ёнасан,  
Олама шуъла солган сен бир ажойиб сўносон,  
Жигарим ўтга ёқкан оташи сўзон, бари гал.

Севдигим, ҳар сўзингга, сўзла ширин жонни берай,  
Ҳар нуқта холингга мен Эрону Туронни берай,  
Ҳар сочинг бир торина ҳур ила ғилмонни берай,  
Сайр этиб, боқишинга Балху Бадашонни берай,  
Қилайн ман бу жаҳонни санга қурбон бари гал.

Дуймосин ганда рақиб бир ера пинҳон бўлоли,  
Жонни жон ичра қўшиб, бир тану бир жон бўлоли,  
Мақсади ҳосил қилиб, мушкули осон қилоли,  
Ўйнашиб бир-биримиз, бирга қадрдон бўлоли,  
Беш кун сиз бизга, биз сизга меҳмон, бари гал.

Уялиб, ерга боқиб, бизданки ибо қиласан,  
Кўзлайиб кўз учила сийнама ўтлар ёқасан,  
Бир куни ўлдирасан, охири жоним оласан,  
Бандивон ўлдинг ҳамиша шаҳду шаккар била сан,  
Тоҳиринг кўнгли севган тоза гулистон бари гал.

Тоҳирбек Зухранинг бу келишини зеб-зийнатлар билан безатилган либосларини томоша этиб, юзи заъфарондек сарғайди. Ва ақли ҳайрон, кўзлари гирён бўлиб яна бир байт айтди:

Хусни минг –туман баҳоли,  
Дилбарим, дилдорим келди!  
Сўрмоқа келмиш бу ҳоли,  
Ғамимга ғамхорим келди!

Лабларинда бол сочиленган,  
Мехрибон бўлиб очилғон,  
Сунбул бас келмас соч ила  
Жон риштаси торим келди.

Ел келса, зулфинг доғитур,  
Сийнамда ишқинг доғидур.  
Етмасман ёрнинг доғидур,  
Гўзал вафодорим келди.

Қувондим хусни-олина,  
Алдандим макру-олина,  
Қўлимни қўйиб олдина,  
Зулфлари шоморим келди.

Жилваси олам норидур,  
Илтифот биздан наридир,  
Қўлинда олма-норидур,  
Қўзлари хунхорим келди.

Жамоли олам ёридур,  
Хар зулфи олам ёритур,  
Кўрган дер: “Кимнинг ёридур”  
Ул фасли баҳорим келди.

Оқ юзида нуқта ҳоли,  
Тоҳирнинг не кечар ҳоли,  
Сўрмоқа келмас бу ҳоли,  
Соқий гулрухсорим келди.

Алқисса, Тоҳиржон сўзини тамом этди. Шу вақтда Зухра қиз ҳам етиб келди. Тоҳиржон дараҳтдан тушди. Иккаласи бир оз вақтгача ўпишиб, қучоқлашиб, бир-бирига печакдай чирмashiб, бир-бирининг вақтини хушлаб, шод –хуррамлиқда ўтиридилар. Шундан сўнг Тоҳиржон Зухранинг кеч қолгани учун хафа бўлиб, бир баёт айтди:

Эй шамси анвар юзи гул,  
Кўрмагай эрдим кошки.  
Аввалда мен сенга кўнгил,  
Бермагай эрдим кошки.

Эй булбул Боғи Эрам,  
Эй меҳрибон зебо-санам,  
Лаълинг закотин дам-бадам,  
Сурмагай эрдим кошки.

Ишқингда мен, эй бехабар,  
Йифлаб кезиб шому-саҳар,  
Хижронингда хуни жигар,  
Тилмагай эрдим кошки.

Сан жилва айлаб жон аро,  
Девонаман инсон аро,  
Бошдан қочиб майдон аро,  
Кирмайгай эрдим кошки.

Излаб висолинг мен гадо,  
Қилдим азиз жоним фидо,  
Ҳиммат этагин белима,  
Урмагай эрдим кошки.

Тоҳир айтар, эй бокарам!  
Бўлдим мен бугун ложарам,  
Мардонавор ишқقا қадам,  
Қўймағай эрдим кошки.

Алқисса Тоҳиржон бу сўзини тамом қилғандан сўнг Зухражоннинг ишқи жўш уриб: -Эй Тоҳиржон, жоним йўлингда қурбон бўлсин. Энди юр, мактабга кетайлик”-деб иккиси мактаб тарафга жўнадилар. Бу икки ёшнинг ишқ савдоси олам-жаҳонга овоза бўлиб кетди. Аммо Бобохон билан Боҳир вазирнинг аҳду вафо қилғанлари юрт аҳлиға, шаҳар халқиға маълум эрди. Аммо Тоҳиржон билан Зухрахоннинг бу гап-сўздан хабарлари йўқ эрди.

Кунлардан бир кун Зухражон билан Тоҳиржон мактабдан қайтганда, буларнинг йўли бир бўз тўқиётган момонинг уйи устидан ўтар эди, у қари момо бу ошиқ-маъшуқларнинг олдиларига чиқиб айтди: -Эй қўзиларим мен бу ерда бўз тўқийман, сиз менга бўз тўқиётгонда ҳалақит берасиз, тўқиётган матомга зарар-зиён етказарсиз. Бўзларимнинг устидан ўтманг, ўзга ердан ўтинг ва бу билан бир савоб иш қилиб, мен ғарибнинг дуосини олинглар, кампирнинг сўзларига Тоҳиржон қулоқ солмади. У ошиқни тикиб, қўлидаги қўргошин қуйилган соққани отиб юборди. Соққа ошиққа тегиб юқорига сакраб дастгоҳнинг икки аршини кесиб ўтди. Бунга кампирнинг қахри келиб: “Эй болаларим биз бир ғариб-камбағал бўлсак, сизлар бир бекзода бўлсангизлар. Сизларга ёмон ёки қаттиқ сўзлаб билмасман, ҳар ҳолда икки калима арзим бор”, деб бир ғазал айтди:

Тоҳиржон ҳазил этма манга,  
Ҳазил этгил Зухражон билан.  
Ўйнаб –тегишмоқ ярашмас,  
Кампирга нав жувон билан.

Ҳар ким ўйнар ўз тенгила,  
Бош урма дунё жангина,  
Ғафлатда қолиб сўнгина,  
Ўтмагайсан армон билан.

Орангизда бир сўз бордир.  
Шоҳ вазирга ошкорадир,  
Шаҳар халқи бехабардир,  
Аён эрмас гумон билан.

Ёмон йўлдир ишқнинг йўли,  
Бўларсан девона, дали.  
Хақиқатни сўргил вале,  
Онанг Шоҳихўбон билан.

Даврон устингизда турмас,  
Кўнглинг истаган ерга юрмас,  
Шоҳ Зухрани сенга бермас,  
Елга учар думон билан.

Юзлари жаннатнинг гули,  
Зулфлари савсон-сунбули.

Овози Эрам булбули,  
Үртар сени фифон билан.

Кексаларнинг пандин олсанг,  
Ғариларга раҳм қилсанг,  
Зухражона ошиқ бўлсанг,  
Ўтар умринг ҳижрон билан.

Кампир айтар будир сўзим,  
Кўп савдолар кўрди кўзим,  
Сан-ўғлим, Зухражон –қизим,  
Аҳдингиз бор паймон билан.

Тоҳиржон бу сўзни эшитиб юрагига ўт тушди ва ўйнамоқдин –  
кулмақдин ва емак-ичмақдин безор бўлди. Ўйин –кулги, соз сухбат йироқ  
бўлди. Сўнгра онасининг ёнига бориб айтдики:

Эй она, сахрова ёз чиқибдир, гуллар очилибдир, ажаб лолазорлик  
бўлибдур. Зухра билан сайлга чиқсак не қилур? Шунда онаси: Эй кўзимнинг  
равшани, кўнглимнинг чироғи, бошимнинг тожи, бағримнинг пайванди,  
юрагимнинг тираги, олло таолонинг менга берган ёлғиз фарзандим. Сенга  
ростини айтмасам кимга айтаман: Эй қўзим! Бобохон билан Боҳир вазирнинг  
аҳду паймон этгани тўғридир. Аммо Бобохон аҳдидан қайтди у замонлар, у  
вақтлар ўтиб кетди. Отанг ҳам оламдан ўтиб кетди. Сен ҳам бу ниятингдан  
қайтгил, умидингни узгил. Чунки у ваъдалар пуч бўлғандир. У шоҳ эрур. Сув  
сойға, бой ҳам бойға деганлариdek, шоҳлар шоҳлар билан лойикдир. Биз бир  
факирдирмиз. Сен ҳам ўз тенгингни топарсан. Зухражонға кўнгил берма,  
фитналик пайдо бўлар, душманлик ортар!-деди. Унда Тоҳир: Эй она!  
Аввалроқдан хабардор этсанг, яхши бўлар эрди. Энди сўрсанг, ишқ манинг  
ихтиёrimни олибдур. Жонимни Зухра қизнинг йўлида фидо этарман!-деб,  
ишқи аввалгидан ҳам зўрайиб, бир ғазал айтди. Фазал будир:

Мен бугун душмишам ишқнинг йўлина,  
Она, менда на ихтиёр бор энди?  
Зухражоннинг оқ юзинда холина,  
Кўнглим ҳавас, кўзим интизор энди!

Ишқнинг ўти ўртар тану-зоримни,  
Булбулим сайр этар гулузоримни,  
Бир замон кўрмасам севар ёrimни,  
Телба кўнглим бўлар бекарор энди.

Куйинда қуюндеқ оввора бўлсам,  
Чорасин топмайин бисёра бўлсам,  
Зухрининг қошинда юз пора бўлсам,  
Муродим, мақсадим, шунда бор энди...

Ёлғиз ўзим, юз душмандин шаънима,

Охир бир кун қолар ноҳақ қонима,  
Шоҳнинг раҳми келмас ширин жонима,  
Ошиқларға ҳақдир мададкор энди.

Ишқнинг ўти тушса, жаҳонни ўттар,  
Отам ўлса, тақдир яна бир тортар,  
Олтин ерда ётса, шуъласи ортар,  
Гавҳар кулда қолиб, бўлмас хор энди.

Ҳақ ошиқман, ишқ йўлинда ўтарман,  
Ё раб, мақсадима қачон етарман,  
Зухра билан сайри боға кетарман,  
Очилибдир боғда гулузор энди.

Ҳеч бир кимса хабар олмас ҳолимдин,  
Ман номардам, агар дўнсам йўлимдин,  
Тоҳир айтар, мастман, қўрқмам ўлимдин,  
Курсалар олдимдан юз-минг дор энди.

Алқисса, Тоҳир сўзини тамом этиб, кисасига бир қисм бўғирсоқ солиб, мактабга қараб йўл олди. Мактабдаги барча муридларнинг, ўқувчиларнинг энг билоғони Зухражон иккови эрди. Устозларининг оти Мулланафас Мару-Шоҳижон ҳақони эрди. У кўп нарсалардан хабардор эрди, ҳам жуда ишқбоз бўлиб, ишқ йўлинда кўп заҳматларни бошидан кечирган эрди. Бу мулла Зухра билан Тоҳирнинг бир –бирларига ошиқу-бекарор эканликларини билар эрди. Кунлардан бир кун мулла айтадики:-Эй Зухражон, Тоҳирбекнинг ҳам сабоқидан бехабар бўлмагил деб, ўзи чиқиб кетди. Қараб кўрса ошиқ бир-бирларига савол беришган бўлиб, ўз меҳрларини изҳор этар эрдилар.

Буларнинг ишқи кун-кундан ортиб борди. Зухражоннинг ҳусни кун-кундан ортиб, Тоҳиржон унинг атрофида парвона бўлиб, иккаласи ишқ оташига гирифтор бўлиб, висоли-ҳижрон ўтларга тушиб айрилсалар бир-бирини ёдлаб йиғлар эрдилар. Кунлардан бир кун Зухражон айтдики:

-Эй Тоҳиржон ишқнинг йўли мashaққатли бўлар, бу йўлда ранжу-машаққат кўп кўрилса керак. Анча ошиқлар ишқ дардида дод этиб ўтгандир. Ишқнинг юки тоғдан-тошдан ҳам оғир бўлар, ишқ ўти дўзах ўтидан ҳам баттардур. Бу ишқни олло-таоло иккимизнинг бошимизга солибдир. Ошиқлик йигит кишининг ишидур, бу йўлда мардона бўлмоқ керак!-деб, Зухражон бир ғазал айтди:

Тоҳиржон, бу йўлда мардона бўлғил,  
Бу кун ишқнинг савдосига тушмишам.  
Жоним қурбон санга, жонона бўлғил,  
Бу кун ишқнинг савдосига тушмишам.

Рақиб билса, бизни қилар ошкора,  
Маломат кўп бўлиб, қилур овора,  
Мен дўнмасман, агар бўлсам юз пора!

Букун ишқнинг савдосиға тушмишам.

Аввал қисмат бизга қилди бу дардни,  
Иқди никоҳ айлаб, бир-бирга берди,  
Отам ахдин бузди биздан на кўрди,  
Бу кун ишқнинг савдосиға тушмишам.

Нечун бу висолда кўп йифладинг зор?  
Кетирсанг кўнглинга бир айрилиқ бор,  
Ошна бўлмок осон, айрилиқ душвор,  
Букун ишқнинг савдосиға тушмишам.

Ишқнинг ханжаридан сийнам жароҳат,  
Истагим соғлигинг, бўлғил саломат,  
Энди менда не сабр бор, не тоқат,  
Бугун ишқнинг савдосига тушмишам.

Ман нотавон ким эшитар бу дардим?  
Магар мадад берса пирим, устодим.  
Зухражон дер, сансан мақсад-муродим,  
Букун ишқнинг савдосиға тушмишам.

Алқисса, Зухражон бу сўзини тамом этгандан сўнг айтдики:-Эй Тоҳиржон, вакти келиб бошинга ўлим ёки зулм тушса, отамдек ахдингдан қайтмагил. Вақting хуш бўлған вақтида “ошиқман” деб, бошинга иш тушганда, дўнсанг, мени ва ўзингни элга масхара этарсан, деди.

Унда Тоҳир:-Эй Зухражон! Мен сенга ўз эрким билан ошиқи –бекарор бўлған эмасман, менинг сенга ошиқлигим боқий ва ҳақиқийдир, -деб бир абёт айтди:

Бир ошиғи мастонингман,  
Қўрқмам каманди-дорингдан!  
Ўлсам сенинг курбонингман,  
Хавф этмагил дилдорингдан.

Сан бир гулсан, ман хорингман,  
Чин ошиқи дийдорингман,  
Мастона булбул зорингман,  
Қувламасанг гулзорингдан.

Ишқ ичра сийнам доғлиман,  
Фарҳоду Мажнун чоғлиман,  
Бир итинг бўйни боғлиман,  
Банд ўлмишам бир торингдан...

Куйинда телба нодонман,  
Жон бериб орзу-жононам,

Ҳуснинг боғинда-боғонам,  
Термишам олма-норингдан.

Лайли, Шириң сенча бордур-  
Десалар, ул сўз бекордур,  
Телба қўнглим ваҳмдордур,  
Юзда икки шоморингдан.

Ҳақ назар солмиш ўзинга,  
Қошинга, нарғис кўзинга,  
Давомат боқсам юзинга,  
Кўзим тўймас дийдорингдан.

Тоҳир дер, кунда ёнаман,  
Ишқ ўтиға парвонаман,  
Соф эмасман, девонаман,  
Кечмишам номус-оримдан.

Алқисса, Тоҳиржон бу сўзини тамом этди, иккови бир-бираининг қўнглида не борини билиб, бир биридан рози бўлишиб, ўпишиб, қучишиб йиғлашдилар. Шул вақт Тоҳир айтди: Эй Зухражон, кел бу ерда йиғлашиб, ғамгин бўлиб, ўтирмайлик, боғ сайлига кетайлик.

Зухранинг отасининг бир боғи бор эрди. Уни Зухражонга атаб барпо қилдирган эди. Боғнинг отига Богимайдон дер эрдилар. Бу боғнинг таърифига сўз йўқ эрди, мисли жаннатнинг боғларидан эрди. Кимки ғамгин бўлган вақтда борса, хушвақт бўлиб, йиғлағанлар кирса кулиб чиқар эрдилар.

Тоҳиржон Зухражоннинг муборак оппоқ билагидан тутиб: “Богимайдонга сайронга кетали” деб, бир ғазал айтди:

Боғларингда тоза гуллар очилмиш,  
Кел, Зухражон, боғ сайлига кетали.  
Булбуллар маст бўлиб шабнам сочилмиш,  
Юр, Зухражон, боғ сайлига кетали.

Сириң маълум этсанг яхши-ёмона,  
Васфинг етар ўн саккиз минг жаҳона,  
Рақиб билса, бизни қўймас омона,  
Юр, Зухражон, боғ сайлига кетали.

Алифдек қоматинг ўхшатма дола,  
Қурбон ўлам, сарви қадди-ниҳола,  
Жоним фидо бўлсин оқ юзда хола,  
Юр, Зухражон, боғ сайлига кетали.

Булбул сайрон этар гулда, чаманда,  
Айролик ваҳмидан қўнглим фигонда,  
Тоҳир айтар, армон қолмасин жонда,

Тур, Зухражон боғ сайлига кетали.

Алқисса, Зухра қиз: “Хар ким вაъда қилиб, ваъдасидан топса, унинг иймони йўқдир! Отам аҳдидан тонса ҳам мен ҳаргиз тонмасман. Кел, Тоҳир билан боғ сайлина борсам борай”, -деб, боққа кетдилар. Иккови Лайли-Мажнундек бири қизил, бири ложарам гулгун либосларини кийиб, гўёки эгизаклардек бўлиб, боққа сайд этиб, вақтларини хушлаб юрар эдилар. Гоҳ Зухранинг қўли Тоҳирнинг бўйнига чирмашиб, гоҳ Тоҳирнинг қўли Зухранинг бўйнига чирмашди.

Аммо боғнинг Ҳасан чуғул отли бир боғбони бор эрди. Кун чошгоҳ вақти у ҳам боғни айланиб юрган эрди. Кўрса боғнинг ичидаги бир овоз эшитдики, минғир-минғир. Боғбон бу овозни қушникими, инсонникими, ёки инс-жинсникими, яхши англаб билмасдан қўрққанидан қочиб ташқариға чиқди. Кейин: “Агар бунинг аниғига етмасам, бирдан боққа қароқчи зарар етказса, подшоға не деб жавоб берарман”, -деб яна боққа кириб, аста-аста юриб, шоҳ-шаббалардан букилиб ўтиб, овоз томонга яқин борди. Яқинроқ бориб кўрса, Тоҳир билан Зухра... Зухра қиз бир ширу-шаккар, ошиқона оҳангда ғазал ўқимоқдаки, унинг овозига, товушига жумлаи жаҳон масти бўлаётир. Ана боғбон ҳам бир оз ҳушидан кетиб, бехуш бўлиб ётди. Бир оздан кейин ўзига келиб: “Буларға озор етирамайин. Буларнинг гул каби менгзини сўлдирмайин, ўзгага ошкор этмайин”-деб аста чиқиб, изига қайтди. Ана боғбон шундай деб борар экан, унинг кўнглига шайтон васваса солиб, ўзига ўзи айтдики: -Эй Ҳасан чуғул, сен умринг давомида гап-сўз, миш-миш, гийбат ташимоқдан бошқа иш қилмадинг. Олтмишингдан ўтгандан кейин каткудо бўлмассан. “Эгри ёғоч ўз ётишида кетади” деган нақл бордир. Икки бошдан бу сўзларни бирорга айтмасдан юриб билмассан. Ҳар неки бўлса ҳам аввалги баракат топған корингдан қўл узмагил. Ва бу ҳақда тезлик билан подшога хабар бергил, деди ва Бобохоннинг ёнига бориб, қўл қовуштириб: “Шоҳи Бокарам. Бу ғариб қулингизни сизга айтажак арзи бор!” деди ва Зухрани гулга, Тоҳирни булбулга мангзатиб, бир ғазал айтди:

Гул билан булбул келиб, гул ичра сайрон қилди гул,

Гул томошосин кўриб, ўз баргини қон қилди гул.

Гул бу кунлар ҳолина, гулларни сайрон айлади,  
Рашкидин раҳм айлайиб, азми биёбон қилди гул.

Мен дедим: «Ё раб, не гулсан, гулни ҳайрон айлаган»,  
Гул кулиб, сўзлаб ўзи, ҳам бизни хандон қилди гул.

Гул гула сарви хиромон, гул била айлаб хиром,  
Сарвни айлаб адам, гулни хиромон қилди гул.

Булбула гуллар муносиб, гул муносиб булбула,  
Булбула ўтлар солиб, ҳуснин гулистон қилди гул.

Гул юзига гулни ўхшатсан, гулга не айб эрур,

Ўзининг зийнатини, ер бирла яксон қилди гул.

Гул гула гулгашт этар, гуллар гула ҳайрон ўлуб,  
Шабнам эрмас, гул аро васл ичра гирён қилди гул.

Гул гула бас айласа, гуллар муносибдур гула,  
Гулга булбул масти этар, оламни мастан қилди гул.

Гул шитоби суратиндин, музтариб, гул ҳар тараф,  
Гул ўтидан ваҳм этиб, ўрнинда ларзон қилди гул.

Сунбулидур ёки сарғармиш юзи, гул тобидин,  
Булбула ёлғиз йўл очиб, зулфин зарафшон қилди гул.

Исми гул, рухсори гул, десам хатодир ул гула,  
Воҳ, ажаб донолари васфинда нодон қилди гул.

Боғбони бўлуб бу кун, боғ ичра кўрдум бир булбул,  
Булбулнинг сурин кўриб, чоки гирибон қилди гул.

Алқисса, боғбон хабарни айтган заҳоти, подшо буни фаҳмлади. Подшо айтди: “Эй боғбон, яхши хабарингни бердинг”-деди. Боғбон изига қайтди.

Подшо дарғазаб бўлиб, тилло тахтига чиқиб жаллодларга: “Боринг, Тоҳирни тутиб келтиинглар” деб амри-фармон этди. Ясовуллар дарҳол бориб, Тоҳирни бехабар ўтирган жойидан тутиб, подшонинг ихтиёрига олиб келдилар. Халойик тўп-тўп бўлиб келганларида, уюлишиб, оёқ остида қолиб нечалари босқида қолиб ўлдилар. Шу вактда бир сандик келтириб, Тоҳиржонни сўзлатмасдан, хабар сўрамасдан, сандикқа солдилар. Подшо:-дарёга ташланг!-деб ҳукм қилди. Тоҳирнинг аҳволига шаҳарнинг етти ёшидан етмиш ёшигача бўлған аҳли йиғлашдилар.

Шу вактда Тоҳиржон:-Эй ясовуллар, бироз сабр этинг, менга фурсат беринг, сандиқнинг оғзини бир давр, бир соат очинглар, бир оз ёқти жаҳонни кўриб, ўлайнин. Мен бугун сафар этарман. Зухражондан айриларман, Зухра қиз билан аллаёрлашиб кетайин,-дейди. Шул ҳолатда Зухра қиз юрагига ўт тушиб, кўзида ёш, бағрида тош, хунигирён бўлиб, зор-зор йиғлаб, халқни бир тарафга суриб, Тоҳиржоннинг ёнига борди. Айтди: -Эй Тоҳиржон, хизматинга келдим, бу жоним санга қурбондир, на сўзинг бўлса айтавер!-деди. Шунда Тоҳиржон зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлаб, бир ғазал айтди:

Зухражон, йиғлагил айрилиқ куни,  
Кетар бўлдим, олло ёринг, хўш энди!  
Ғазаб уриб, сўлди умрим гулшани,  
Кетар бўлдим, олло ёринг, хўш энди!

Сан бир гулсан, қўнган зоғу-зоғондур,  
Гулдан айри булбул иши фифондур,  
Туганмас айрилиқ, охирзамондур,

Кетар бўлдим, олло ёринг, хўш энди!

Келиб, нима кўрдим дунё ичинда,  
Ғарип бошим юз-минг ғавғо ичинда,  
Сандиқдир масканим дарё ичинда,  
Кетар бўлдим, олло ёринг, хўш энди!

Отам келиб менинг орқамни тутмас,  
Гадоларнинг иши шоҳлардан битмас,  
Ул сабабдан ошиқ мурода етмас,  
Кетар бўлдим, олло ёринг, хўш энди!

Фалакнинг ишига ҳайрон бўлибман,  
Хижронингда зору-тирён бўлибман,  
Кўзларинг ёшига қурбон бўлибман,  
Кетар бўлдим, олло ёринг, хўш энди!

Бу нечук замондир, нечук макондир,  
Дарёдан сув топмай, ичдигим қондир,  
Ғарип онам, оти Шоҳихўбондир,  
Кетар бўлдим, олло ёринг, хўш энди!

Тоҳир айтар, мендан юзинг дўндирима,  
Аввал куйган жоним яна ёндирима,  
Боғларимға зоғу-зоғон қўндирима,  
Кетар бўлдим, Зухражоним, хўш энди!

Алқисса, Тоҳиржон бу сўзини тамом қилди. Зухра қиз айтди: -Эй Тоҳиржон! Агар мени ҳар куни Жиржис каби ўлдириб-тирилтирсалар ҳам, Ҳазрати Закариё алайхиссаломдек бошимни арра билан, пора-пора қилсалар ҳам, то қиёмат маҳшаргача сендан бошқани демасман, деб бир ғазал айтди:

Зоғу-зоғон қўнтар дейиб йиғлама,  
Сенинг учун боқгум сўлу соғлара,  
Сен бўлмасанг мунда тураг чоғлама,  
Хазон тегсин бу бўстонли боғлара.

Яратган эшитсин оҳу-зоримни,  
Унга топширмишам ҳарна боримни,  
Тердигинг тар гулинг олма-норимни,  
Раво кўрмам қарға билан зоғлара.

Яна бу жойларга гузар солмасанг,  
Ёринг билан беш кун ўйнаб кулмасанг,  
Мундан кетиб, келар чоғда келмасанг,  
Мен ҳам кетам дарёларға, тоғлара.

Қодир олло бизни бор этди йўқдан,  
Ўтдан сувдан, елдан ҳок-тупроқдан, -  
Умидим кўп яна етсанг йироқдан,  
Тушмагайсан жаллод қурган дорлара.

Шартим будир, яна бу жоя келсанг,  
Ҳасратли ночорнинг кўнглини олсанг,  
Бобохон ўлдирса, Зухра деб ўлсанг,  
Менам тутам, азиз бошим тиғлара.

Зухра қиз сўзини тамом этди. Бу воқеани Шоҳихўбон эшитиб: -Эй бархудоё! Поки парвардигоро? Бу нечук сир бўлди, бу некуч хабар бўлди... – деб? Сандиқнинг ёнига келди ва кўзидан қатра-қатра ёшин тўкиб,: -Яна ҳам бир оз вақт сабр қилинг. Эй ҳалойик! Бу икковлари менинг жоним-жаҳоним, руҳи-равоним, имоним, жонимнинг роҳати дардимнинг дармонидир. Булардан жудо бўлиб, юрганимдин юрмаганим яхшироқдир. Эй ҳалойик! Менинг ҳақимға бир дуо ўқинг, мен ҳақнинг олдида жон таслим этиб, омонатимни топширайин, бу менинг мақсадимдур: ҳеч бир она менинг каби зору-гирён, бағри бирён, ақли ҳайрон бўлмасин... Булар менинг бошимнинг тожи, умримнинг равшани. Мен бориб подшоға арз этайин юракда армоним қолмасин!-деб, подшонинг ёнига борди ва : “-Эй подшоҳим, ғариб-бечораларнинг ғамхўри, суянган-таянгани сенсан!-деб бир сўз айтди:

Подшоҳим, санга арзим сўйлайин,  
Кел, менинг боламни озод айлагил!  
Сени яратганга қурбон бўлайин,  
Кел, менинг қўзимни озод айлагил!

Озод айла, яратган ҳаққи учун,  
Ҳақ мурсали анбиё ҳаққи учун,  
Севар қизинг-Зухражон ҳаққи учун,  
Менинг Тоҳиржоним озод айлагил!

Боҳир вазир билан айладинг паймон,  
Дўнмагил аҳдингдан, гар бўлса иймон,  
Ошиқлар қалбинда қолмасин армон,  
Кел, менинг Тоҳирим озод айлагил!

Тоҳиржоним бугун ўн тўрт ёшинда,  
Сен сабабли душманлари дошинда,  
Умр сурсин Зухражоннинг қошинда,  
Сен менинг Тоҳирим озод айлагил!

Бугун ўтирмасин отнинг тўзинда,  
Оқизиб юборма дарё юзинда,  
Зухранг жонин берар унинг изинда,  
Шоҳ менинг ўғлимни озод айлагил!

Адолатли шохда бир бўлар икрор,  
“Шоҳман!” деб аҳдини” бузмоқ не даркор?  
Ёзиқли қулингман, бўлдим харидор,  
Шоҳ менинг ўғлимни озод айлагил!

Дунё бир фонийдир, бўлмас поёни,  
Ютар бир лаҳзада шоҳни, султонни,  
Хушнуд этиб юбар Шоҳихӯбонни,  
Шоҳ, менинг қўзимни озод айлагил!

Шоҳихӯбон сўзини тамомлади. Подшо айтдики: -Эй Шоҳихӯбон! Сен тезда бу ердан кет, жони-бошинг омонлиқида. Сенинг ўғлингнинг жазоси ўлимдир. Ҳануз сақлаб турибсизларми? Тезда дарёға элтиб ташланг!-деб ҳукм этди.

Ана подшонинг ясовуллари Тоҳиржонни сандиққа солиб, дарёning ёқасига олиб бордилар. Ул вақтда улли-киччи шаҳар ҳалқи йиғналишиб: -Подшога яна бир арз этиб кўрайлик, -деб яна подшоға арзи-дод қилдилар. Аммо подшо уларнинг сўзлари тугул, ўзларини ҳам қабул қиласдан, ясовулларига айтиб, ҳайдаб солди. Улар ҳам руҳлари сўниб, йиғлашиб, доду-фарёд этиб қайтдилар.

Ясовуллар сандиқни беркитиб, қулфладилар ва уни дарёға ташладилар. Шу вақтдан Зухражон қўлларида қора рўмол, белида қора белбоғ, қора кўйлак кийиниб, ўтға тушган порвонадек бўлиб, зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб, сандиққа ёпишиб “ё ҳув” деб, сандиқни изидан ўзини дарёға ташлади. Шоҳнинг қизига ҳеч ким қўл теккизиб билмади. Бунинг изидан канизлардан ва томоша қилиб турғон ҳалқнинг ичидан уч юз йигирма киши ўзини дарёға ташладилар. Зухражон сувда гоҳ чўмиб, гоҳ чиқиб, чўмилиб-чиқиб, оқиб бориб сандиққа ёпишли. Шу вақтда дарёда шундай бир тўфон бўлдики, гўё Ҳазрат Нуҳ пайғамбарнинг тўғонидай, кўп одамлар дарёға чўкиб ҳалок бўлдилар. Қирғоқда турғонларнинг ҳам кўпчилиги тўғонда ҳалок бўлдилар. Аммо Зухражон эса сандиққа маҳкам ёпишиб, оқиб бадар кетди. Ҳалойик:-Тоҳиржон кетди, Зухражон ҳам у билан кетиб қолади”,-деб зору-афғон қилдилар. Шу вақтда сандиқ бир гирдобга етди. Гирдоб сандиқни айлантириб-айлантириб дарёning қирғоғига чиқарди. Шу вақтда Шоҳихӯбон этиб келди ва ўзини дарёға ташлаб Зухражон билан сандиқни тортиб дарё ёқасига чиқардилар ва беҳуш бўлиб йиқилдилар. Буларнинг устиға тўн ёпиб қўйдилар. Ясовуллар сандиқни яна дарёға отдилар. Шу вақтда сандиқдан: “Эй Зухражон, ҳамма улли-киччилар, олло ёрингиз бўлсин”-деб овоз чиқди. Зухражон кўзини очди. Қарасалар сандиқ дарёда оқиб бораётир... У: -Мен ҳам Тоҳир билан кетарман, -деб, ўзини дарёға отмоқчи бўлиб турғанинда, Зухражоннинг қирқ канизи бор эрди, бу канизлар ичida Гулзода, Гулқамар, Гавҳар ва Садина деган тўрт саркарда канизлари бор эрди, улар Зухражоннинг тўрт тарафидан тутиб юбармадилар: Эй Зухражон, ошиқ заҳмат чекмай, ҳижронни бошдан ўтирумай мурода етмас. Ҳижрон чўлига тушмаган ошиқ-ошиқ бўлмас. Энди яна дарёға тушсанг ҳалок бўларсан.

Тоҳир дарёning ичи билан оқиб кетса, биз қирғоқдан кетамиз. Бир қулайроқ жойда дарёдан чиқариб олармиз, дедилар. Зухражон қирқ канизи билан дарёning қирғоғидан равона бўлдилар. Шунда Зухражон қариндоштушишганлари билан видолашиб, бир ғазал айтди:

Хуш қол энди, элим куним,  
Бу манзилда турарим йўқ.  
Дарёға тушди маҳзаним,  
Қолмоқға ихтиёrim йўқ.

Кўп савдоға солдим бошим,  
Тинмай оқар кўздан ёшим,  
Ботибdir ойим, қуёшим,  
Чиқмагунча қарорим йўқ.

Қайға борса, ман бормасам,  
Ёр билан даврон сурмасам,  
Тоҳирнинг юзин кўрмасам,  
Хеч сухбатда турорим йўқ.

Ёр кетди, саргардон манам,  
Ишқнинг ўтиға ўртанам,  
Мани ёқди отам-онам,  
Эл-кун сиздан озорим йўқ.

Менам дарёда кезарам,  
Гоҳи бўйлаб, гоҳ сузарам,  
Эл-кун, сиздан ал узарам,  
Тарқ этдим, номус орим йўқ.

Кетмакка белим боғларман,  
Қонли жигарим доғларман,  
Севар ёр учун йиғларман,  
Файри бир касби-корим йўқ.

Зухра дер, баҳтим қародир,  
Юрагим юз минг яродир.  
Сийналарим минг порадир,  
Юрай десам, мадорим йўқ.

Алқисса, Зухражон сўзини тамом этиб, яна йўлиға равона бўлди. Аммо юрмакка мадори бўлмади, ишқ қувватини олибdir, айрилиқ ваҳми уни шунчалик ожизлаштирибдики, гўё қаноти қирқилған қушдек мажолсиз эрди. Тоҳирнинг қароси аста-секин узоқлашиб борар эрди. Зухражон шунда не қиларин билмасдан бир сўз айтди:

Ёрим кетди, ёлғиз қолдим изинда,  
Ё яратган, мадат берар кунингдир.

Гул таним кул бўлди ҳижрон тўзинда,  
Бугун манга қувват берар кунингдир.

Ё пайғамбар саллоҳоҳу вассалам,  
Ё ҳазрато, барчалардан мукаррам,  
Бу ҳолимни раҳм айлаб дамба-дам,  
Бу кун менга қувват берар кунингдир.

Орзуим бор, кетсам бирга юрмака,  
Қувватим йўқ, йўлға қадам урмоқа,  
Мажолим йўқ ўтирмаға, турмоқа,  
Бугун манга қувват берар кунингдир.

Вайрон бўлсин шахри Тотор қалъалар,  
Тоҳир учун қанда работ солалар,  
Манга келсин санга келган балолар,  
Бугун манга қувват берар гунингдир.

Зухра дер, қолмади сабру-қарорим,  
Дарёға ғарқ бўлди севикли ёrim,  
Бу ишқнинг офати олди мадорим,  
Бугун манга қувват берар кунингдир.

Алқисса, Зухражон сўзини тамом этди. Унинг нолишини олло таоло эшиитди. Зухранинг танаи андомида қувват пайдо бўлди. Ундан сўнг Зухра қизнинг юрагида ўт, тўрт тарафға, телмуриб, яна туриб, канизлари билан йўлға равона бўлди. Юришлари илдам эрди.

Шаҳарга: “Зухра қиз қирқ канизини олиб, ўлқадан чиқди”, деган хабар овоза бўлиб кетди. Бу хабарни подшо эшитиб, аркони давлати-вазиру вузаролари билан шаҳардан чиқиб, қизнинг олдиға келиб: -Эй Зухражон! Менинг ғуломимға мунча кўнгил бериб, менинг номус-оримни ерга урдинг. Инишоолло, ўз баробаринга қўшиб, муродингта етирарман”- деб тавалло этди. Аммо Зухражон отасининг сўзига қулоқ солмай кетаверди. Шоҳ вазир, вузаролари билан ҳар қанча ялинсалар ҳам бўлмади. Шундан сўнг подшо: “Зухражон, юртдан чиқадир, мунга тавалло этиб бунга гапини, сўзини ўтириб биладиган шаҳарда ҳеч бир одам йўқми?”-деди. Шул вақтда бир киши: - Зухражон билан Тоҳиржонни ўқитган бир мулла бор. Балки Зухражон шунинг гапи –сўзига қулоқ солар, -дейди. “Зухра қизни нишатсам ҳам қайтарайлик”-деб, шул муллаға бир одам юбордилар.

Мулла подшонинг одам юборганлигини эшитиб, унинг ҳукмини икки қилмасдан, отини эгарлаб, хуржунни ҳам эгнига ташлаб, элтини ҳам от орқасига миндириб йўлға равона бўлди.. У Зухражоннинг изидан етиб бориб, олдига ўтиб: -Эй қўзим! Отангни мунчалик ҳижолатға қўйма:-деб ёлворди. Аммо Зухражон устозининг хабарини олмасдан, ўз қарорини ўзгартирмасдан, яна йўлидан қайтмасдан кетаверди. Шунда мулла:-Бу қиз бизни аввалги кўрган, аввалдан тарбиялаган Зухра қиз эмас, -деб яна қизнинг олдини тўсади.

Аммо Зухражон бу сафар ҳам ёнидан ўтиб, аввалгидан ҳам шиддат билан йўлида давом этаверди. Шунда мулла:-ҳай, ҳай Зухражонни тут! Тўхтат! Унга бир тавалло этиб қолайлик!-деди. Элтибика ўзини отдан ташлаб, бориб Зухражоннинг қўлидан тутди. Зухра қўлинин силкиб олди. Элтибика уни дарров белидан қучоқлаб, қўйиб юбормасдан; айтдики: -Эй Зухражон! Сен бироз тўхтаб, мулланинг сўзларига қулоқ тут... Сўнг қаерга кетсанг-кетавер, сени қўйиб юборамиз. Мен ҳам сенингдек, ишқ дардига йўлиқкан бўлмасам ҳам, оз-моз бошимдан кечирганман. Сендеқ ошиклиқни кўрмаган бўлсам ҳам, чалароқ ёнидан ўтганман, -деди. Шул вақтда Мулланафас Зухрининг олдига ўтиб, уни тўхтатиб: -Эй Зухражон! Мен ҳам шу элти учун ишқ сахросида кезиб эрдим. Ишқнинг асоси сабр этмақдир. Сабр қилиб севганинга етарсан, деб Зухражонга кўнгиллик бериб, бир сўз айтди:

Иншоолло мақсадинга етарсан,  
Йифлама, Зухражон қизим, қайт энди!  
Тоҳир билан ўйнаб-қулиб ўтарсан,  
Йифламағил, Зухра қизим, қайт энди!

Отанг этган иши оламга тонгдир,  
Ҳали сенга шоҳдир, маҳшар кетгандир.  
Элти бир онангдир, мулла отангдир.  
Севар қўзим, Зухражоним, қайт энди!

Золим отанг қанотингни қайирди,  
Тоҳиржонни оқизишга буюрди,  
Бугун сени севар ёрдан айирди,  
Эрта келар, Зухра болам, қайт энди!

Кўп анбиё-авлиёлар ҳаққи чун,  
Минг бир отли оллоҳимнинг ҳаққи чун,  
Тангрим олган ул қуръоннинг ҳаққи чун.  
Сўзим тингла, Зухра қизим, қайт энди!

Ишқ ўти туташса ёлғон жаҳона,  
Ёндирап кул қилиб ушбу замона,  
Сансан ишқнинг юкин чеккан мардона,  
Мардона бўл, Зухражоним, қайт энди!

Лайли чекди ул Мажнуннинг жафосин,  
Суриб билмай ўтди завқу сафосин,  
Ким қўрибдур бу дунёнинг вафосин,  
Мехрибоним, Зухра қизим, қайт энди!

Нафас дер, дунёға келиб-кечибман,  
Ишқ баҳриндан етти дарё ичибман,  
Мунажжим илминнан китоб очибман,

Таъкиқ келар, Зухражоним, қайт энди!

Алқисса, Мулланафас сўзини тамом этди. Зухражон устозининг сўзиға қулоқ солиб, тўхтади. Аммо дарёning қонхўр тўлқинлари мавж уриб, ҳар мавжи осмонга чиқиб, сандиқни оқизиб бадар кетди. Дарёning шу жойида бир гирдоб бор эрди. Унга Гирдоби Марям деб от берар эрдилар. Сандиқ шу гирдобга тушиб, гоҳ у қирғоққа, гоҳ бу қирғоққа урилиб, гоҳ у гирдобға, гоҳ бу гирдобға тушиб, борар эрдики, шу вақтда шамол сандиқ тараф эсиб, сандиқ томондан, сандиқнинг ичидан зори-гирён бир овоз келди. Овоз шундай нолали, зору-гирёнли эрдики, халойик эшитиб кўрсалар, қулоқ солиб кўрсалар Тоҳиржоннинг овози. Тоҳиржоннинг оқиб бораётган жойида зору—гирён билан айтиб бораётган сўзи:

Зухражон, ҳажринга куйдим, жон сендин айрилиб,  
Чун бўлиб дийдаларим гирён сендин айрилиб,  
Бузилиб кўнглум уйи-вайрон сендин айрилиб,  
Қолмади тоқат манга фармон сендин айрилиб,  
Топмадим бу дардима дармон сендин айрилиб.

Гар ғазаб қил, гар раҳм қил, меҳрибоним сен менинг,  
Жоним ол, ё жон беру, ороми-жоним сен манинг,  
Қадди зебо, боғ аро сарви-равоним сен менинг,  
Кўнглим олғон бир париваш дилситоним сен менинг,  
Юз алам, юз нолайи-афғон сендин айрилиб.

Кўнглими хушгоҳи сенсан, кўзларимнинг равшани,  
Барча хўблар сарвари, ишқ элининг тожу-сари,  
Бормидир ушбу жаҳонда сен каби зебо пари,  
Зийнати рўйи заминнинг ҳам осмоннинг анвари,  
Оқмишам дарё билан, армон, сендин айрилиб,

Новаки мужгонларинг бағримда пайкондур бугкун,  
Айрилиқ охирзамондир, рўзи-ҳижрондур бугун,  
Ежагим заҳри қотил, ичганим қондур бугун,  
Бу тириклиқдан манга ўлмаклик осондир бугун,  
Бўлмади бир мушкулим осон, сендин айрилиб.

Тоҳир айтар, Зухражон сўрмоқа келмас ҳолими,  
Сендан ўзга ким билар бошдан кечган аҳволими,  
Найлайн каж айлади қаҳбо фалак иқболими,  
Кошки кўрсам юзинг қилсам тасаддуқ молими,  
Ўтди биздан давлату-даврон, сендин айрилиб.

Алқисса, Тоҳиржон сўзини тамом этди. Дарёning ёқасида бир кўшк бор эрди. Сандиқ оқиб бориб, шу кўшкнинг остидан ўтаётган вақтида дарёда тўлқин туриб, дарё суви чарх уриб, сандиқ у ён-бу ёнға урилиб борар эрди. Шунда Зухражон бошини ерга уриб зор-зор йиглаб, бир ғазал айтди:

Дод этайин Бобохоннинг алиннан,

Бугун мани севар ёрдин айирди.  
Шайдо булбул учди тоза гулиннан,  
Боғнинг кўрки-булбул зордин айирди.

Муштоқ бўлдим ёрнинг юзин кўрмака,  
Рақиблар қуймади бундай юрмака,  
Қарорим йўқ ўтироқа, турмоқа,  
Гул-чаманли харидордан айирди.

Ёрим кетди, қолдим мунда қон йиглаб,  
Айрилик ўтиға жигарим доғлаб,  
Қоларди қўшқ узра ҳар дам сўроғлаб,  
Кўлим кўрки, бўз шунқордин айирди.

Ман билмадим, не гирдобға етибдур,  
Гирдоб ичра қайси балиқ ютибдур,  
Шамчироғим қайси лойға ботибдур,  
Фалак мени номус-ордан айирди.

Зухра айтар, йўқдур сабру-қарорим,  
Жайхунга гарқ бўлди, севгили ёrim...  
Йиғлаб ўтди умри, лайли-наҳорим,  
Тоҳир отли шаҳсувордан айирди.

Зухражон сўзини тамом этди. Дарё мавж уриб, сандиқни оқизиб кетаверди. Зухра қиз сандиқни кўриб, халқقا ёлворди, бўлмади. Зухражоннинг гапи сўзига қулоқ осадиган одам бўлмади. Ана ночор қиз зорзор йиғлаб, “Дилбаримдан айрилдим!”-деб, фалакдан шикоят қилиб бир мухаммас айтди:

Нозли ёр, эй гулузор, чўх бекарор этдинг мани,  
Йиғлатиб зор, элга ошкор телба кор этдинг мени,  
Алмудом хуснингга зор, девонавор этдинг мени,  
Бешумор дарда гирифтор, хаққа зор этдинг мени,  
Зарнигор, эй шоҳимор, сен шармисор этдинг мани.

Ёна-ёна, ҳар ёна, парвонадай бўлдим бугун,  
Термулиб, хуснинг кўриб, чўх сарғариб-сўлдим бугун,  
Дард ила, ҳасрат ила, фурқат ила ўлдим бугун,  
Ёр сен, дилдор сен, ғамхўр сен-бийдим бугун,  
Санга ёр, жоним нисор, чўх интизор этдинг мени.

Ҳар замон зулм этса, гар қахри ёмон бўлғай манга,  
Бегумон, беҳадди-сон охирзамон бўлғай манга,  
Билмадим ишқ илгидин суди-зиён бўлғай манга,  
Ўртаниб ҳажрингда, васлинг бепоён бўлғай манга,

Айрилиб, ақлим олиб, чўх bemador этдинг мани.

Хуш сўзинг, хушрўй юзинг, нарғис кўзинг жонимдадур,  
Қош қоқиб, эгри боқиб, бу шум рақиб ёнимдадур,  
Мен сенинг терсам гулинг, бир истагинг қонимдадур,  
Шум рақибнинг шодлиғи бу зори гирёнимдадир,  
Зухра дер, кўп йиглатиб, итларга зор этдинг мани.

Алқисса, Зухражон сўзини тамом этди. Сандиқ бир гирдобға тушиб, тўлқинда бир кўтарилиб, бир кўриниб, бир кўринмасдан оқиб борар эрди. Дарёниг ёқасига азм этиб, ларzon ураг эрди. Зухражон икки кўзини сандиққа тикиб, сандиқ қаерга оқса, бу ҳам шу ёққа қараб борар эрди. Бирдан сандиқ у ён-бу ён айланиб ўврилиб, қачонлардан буён қўпириб оқаётган ерга бориб, серпилиб, охири ул бўғозда йилдиримдек кечиб, паст томонга равона бўлди: Зухра қиз буни кўриб, қолмоқға тоқати бўлмасдан, югуриб мулланинг ёнига бориб: -Менга руҳсат бер, муллам! Тоҳир кетди... Тоҳиржондан қолмақға тоқатим йўқ! –деб ёлвориб, бир сўз айтди:

Ёrim кетди, дарё билан айланиб,  
Кўйвор охун, ёrim билан кетайин.  
Элсиз-кунсиз бир сандиқа жойланиб,  
Кўйвор, муллам, ёrim билан кетайин.

Ёrim кетди, жон риштаси узилди,  
Бағрим кабоб бўлди, шиши тизилди.  
Ожиз бўлдим, бошим шума ёзилди,  
Кўйвор муллам, ёrim билан кетайин.

Дарё ютди дур нуқранинг қошини,  
Қайси балиқ ютди азиз лошини,  
Чорам йўқдур отам қилган ишини,  
Кўйвор, муллам ёrim билан кетайин.

Ё бу майдон ичра ўлдиргил мени,  
Бошимга тушмасин ҳижроннинг туни,  
Қиёматлик отам демишам сени,  
Кўйвор, муллам ёrim билан кетайин.

Зухра деяр, гул юзимда ҳижобдур,  
Ишқ расвоси бўлиб бағрим кабобдур,  
Бу айрилиқ ўлмагимга сабабдур,  
Кўйвор, муллам ёrim билан кетайин.

Алққисса, Зухражон сўзини тамом этди. Мулладан нидо чиқмади, Зухражон сўзи битмажагини билиб, ундан умидини узди. Ёнида элти бика бор эрди, унга қараб:-Икки дунё қиёматлик энам, мен сенинг тузингни еб эрдим, сен бу ишимга бир чора топ, мулладан руҳсат олиб бер, деб уни кучоқлаб, ёлбориб бир абёт айтди:

Сут ўрнига шакар берган энамсан,  
Охунимга орзу ҳолим, арз айла.  
Хаста бўлсам ҳолим сўрган энамсан,  
Рухсат берсин, кетар йўлим, арз айла.

Алифбедан илм ўқидим абжаддан,  
Ошиқ бўлдим қайтмоқ йўқдур бу дардан,  
Тоқатим йўқ жоним чиқар жасаддан,  
Қаро бўлди каж иқболим, арз айла.

Эл ўртанар афғонимдан, сўзимдан,  
Сўрма дардим, фаҳм айлагил юзимдан,  
Тоҳирим, деб қонлар оқар кўзимдан,  
Ёвуз куним, бу аҳволим, арз айла.

Сийнам узра турли-турли яродур,  
Айрилиқ дардидин бағрим порадур,  
Ҳумой бахтим ўз феълимдин қародур,  
Фалак бузган бу аҳволим, арз айла.

Сайёд ажал тузоқ қурди қошима,  
Қаҳбо фалак оғу қўшди оshima,  
Зухра айтар раҳм эт, кўзда ёshima,  
Йифлаб ўтган моҳи солим, арз айла.

Алқисса, Зухражон сўзини тамом этди. Элти бика айтди: -Эй Зухражон, мен сенинг нолишинга чидаб билмасман. Муллага ёлбориб кўраман, деб эрига юзланиб: -Эй охун, сен ҳам мен сабабли кўрган жафоларингни эсла, ошиқлик мушкул ишдур. Ишқ ўти дўзахдан бадтардур, деб бир ғазал айтди:  
Мулла, сенга арз айлаюр Зухражон,  
Кўйвор, муллам, Зухра кетсин йўлина.  
Тоҳир учун жонин айламиш қурбон,  
Кўйвор, муллам, Зухра кетсин йўлина.

Тоҳиржонга сандиқ ичи бир зиндон,  
Ғарқи гирдоб ўлмиш кўзлари гирён,  
Зухражоним қолмиш изида ҳижрон,  
Кўйвор, муллам, Зухра кетсин йўлина.

Гулдек юзи заъфаронда сўлибдур,  
Жони чиқиб, жасад мунда қолибдур,  
Тирик гумон этма-Зухра ўлибдур,  
Юбор, муллам, Зухрам кетсин йўлина.

Хоҳиш этиб, ўзинг бунда соларсан,

Барча ишни мендан яхши биларсан,  
Ошиқларнинг заволина қоларсан,  
Юбор муллам, Зухрам кетсин йўлина.

Ёри гайри юртга бўлибдур мумтоз,  
Чўлдан учди, дарё тушди олғир боз,  
Ёридан айириб, қилмағил парвоз,  
Қўйвор муллам, Зухрам кетсин йўлина.

Отаси раҳм этмас ёлғиз қизина,  
Зухра сифинмишдур ҳақнинг ўзина,  
Қулоқ солғил Бўстонжоннинг сўзина,  
Қўйвор, муллам, Зухрам кетсин йўлина.

Алқисса, хоним сўзини тамом этди. Мулла бунга не деб жавоб берарин билмасдан, паришон бўлди,-мулладан садо чиқмади. Зухра қиз нолиш қилди, инс-жинслардан ваҳий келди фалакдан малаклар нола қилди:

-Даргоҳи илоҳо, ё парвардигоро! Бу икки ошиққа ўзинг раҳм эт!-деб нола қилиб арз этдилар. Шу вақтда Мулланафас ҳам таҳорат қилиб икки ракъат намоз ўқиб қиблаға юз буриб:

-Илоҳим, бу ошиқлар фазлу-марҳаматингдин етири-деб, зор-зор йиглаб, ҳожатини худой таолодан тилаб, бир муҳаммас айтди:

Ё илоҳо, барча гуллар кўнглини сен шод қил!  
Ўзингга дўст айлайиб, дўстинг уйин обод қил,  
Алмудом ёд айлайин, сен ҳам гулингни ёд қил,  
Раҳм этиб ожизлара, золимларни барбод қил,  
Ё Карим сан, Зухражонни ғам-қайғудин озод қил.

Кулли оламни яратган подшоҳу-бокарам,  
Кеча-гундуз ҳожатим-сеннан давомат истарам,  
Лол бўлибдур хор ичинда булбули Боғи Эрам,  
Зухражон сўрса савол, унинг жавобин не берам,  
Ё тангриим, сен Зухра жонни қайғудин озод қил.

Кечакундуз этибон, истайиб жабборини,  
Фурқат ўти куйдирибдур, ҳуснунинг гулзорини,  
Шум рақиблар қасд этиб, ёрдан айирди ёрини,  
Раҳм этиб ожозларға ҳар дам эшиитгил зорини,  
Ё Карим, сен Зухра жонни қайғудин озод қил.

Кетди ёри қошидан, дарё билан мажлис қуриб,  
Кўзлари изинда гирён, чор тарафга термулиб,  
Гўёки парвонадур оташ аро ўзин уриб,  
Тоҳиридан айрилиб, белин букиб, бўйин буриб,  
Ё Раҳим, сен Зухра жоним қайғудан озод қил.

Барча хўбларнинг ичинда хурлиқо, соҳибтамиз,  
Айрилик ўти қора бахтин қилибдур резу-рез,  
Кунда юз вақт термулиб хизматинда қирқ каниз,  
Йиғлабон дарё лабинда, ёрин истар Зухра қиз,  
Нафас айтар, Зухражонни қайғудан озод қил.

Алқисса Мулланафас сўзини тугатгандан сўнг кўқдан бир нидо келди.  
Эшитиб туриб, кўрсалар: олтиндан ясалған бир таҳт, устида дарёдаги жамики  
ошиқларнинг подшоси ўтирибди. Фарходу Ширин, Лайли ва Мажнунлар, ҳар  
тарафида юз каниз. Улар ерга тушдилар ва айтдиларки: -Эй мулла, кел, бу  
ҳақиқат шаробини олиб, Зухра қиз бирлан ўзингиз ичинг,-дедилар.

Мулла яқинроқ бориб кўрса, олтиндан бир лаган, ичида тўққиз пиёла  
шароб. Мулла тўрттасини кўтариб ичди ва беш косасини Зухра қизга берди.  
Иккаласи ҳам шаробни ичиб ҳушидан кетиб йиқилдилар. Ундан сўнг хоним  
Муллани, Гавҳар каниз Зухрани кўтариб, шаҳарга кетдилар.

Эндиғи хабарни Тоҳирдан эшитинг. Сандиқ дарёнинг ўртаси билан  
оқиб борар эрди. Дарёда бир гирдоб бор эрди. У гирдобға ҳар неки тушса,  
уни балиқ ютар-эрди. Сандиқ шул гирдобға тушиб, бир кеча унда турди,  
аммо сандиққа ҳеч зот зиён бермади. Сандиқ шул зайлда яна йўлиға равона  
бўлди. Тоҳирбек сандиқнинг ичида ётған ерида англадики, сандиқ яна йўлиға  
тушиб кетди. Шунда Тоҳиржон эл-кун, туғишган –қариндошларидан  
айрилганини билиб, юрагини доғлаб, жон-ҳавлига ўтга тушиб, юраги жўш  
уриб, бир сўз айтди:

Шум фалакнинг гардишидин,  
Юракда армоним қолди.  
Айрилдим ёрнинг қошидин,  
Қошлари камоним қолди.

Фалак манга ситам қилди,  
Гўзал ёрдан айро солди,  
Дардлар манинг билан бўлди,  
Табибим, дармоним қолди.

Сафоли манзил маконим,  
Ёrim кетди ёнди жоним,  
Қон тўқди чашми-гирёним,  
Гулим, гулистоним қолди.

Ёр макони ўзга бўлди,  
Висол йўлин рақиб олди.  
Қуруқ жasad бунда келди,  
Ёр ёнида жоним қолди.

Осмон бошина йиқилиб,  
Кўзиндин ёшлар тўқилиб,  
Қомати нундек букилиб,

Ул сарви-равоним қолди.

Айро тушиб, ақлим тошиб,  
Рақиблар билан бош қўшиб,  
Ёр узатиб, йўллар ошиб,  
Моҳи меҳрибоним қолди.

Дош қолди тахтим-саройим,  
Дарёдир манзилим жойим,  
Энди туғмас куним, ойим,  
Ул ёхти жаҳоним қолди.

Мудом хизматда турдигим,  
Соз билан сұхбат қурдигим,  
Жонимдин азиз кўрдигим,  
Иzzатли меҳмоним қолди.

Тоҳир деяр, дунё ёлғон,  
Сенсан сийнамга ўт солғон,  
Ёнида қирқ каниз билан,  
Йиғлаб Зухражоним қолди.

Алқисса Тоҳиржон сўзини тамом этди. Сандиқ оқиб йўлида борар эрди. Шу бориша уч ой дарёда оқиб борди. Тоҳиржоннинг ёнида заҳирада ғамлаб қўйған ейимлик кўп эрди. Аммо ичимлик суви оз эрди. Тоҳиржон дарё сувининг намини сўриб, шимиб, қаноат этар эрди. Шу бориша бир гулгулзорлик жойға етишди. У жойда сув одамлари бор эрди. У сув одамлари чўл одамларидан қўрқар эрдилар. Улар: “Одамзоднинг иси келиб турибди!” деб, баланд овозда қий-чув солдилар. Ва овозларининг етган еридан қўшин йифиб, бир соат ичида уч юз минг қўшин жамладилар. Сўнгра атрофина қоровул қўйиб: “Бу одамзод бизнинг бир томонимиздан чиқар, унинг билан уришармиз” , деб тайёр бўлиб турдилар. Шу вақтда сандиқ ҳам оқиб буларнинг ёниға келди. Аммо улар: “Бу сандиқдан қўрқманг, аммо ҳамма бало сандиқнинг ичинда..” деб, ҳар қайсиси бир ёна қочди, урушишга ҳам иложлари қолмади.

Тоҳир эса келган бу шовқиннинг нималигини, кимданлигини тушунмас эрди. Бироздан сўнг бу шовқин-сурон, ур-тўполон бирдан тиниб қолди. Тоҳиржон уларнинг қочганини билди. Сандиқ шу жойда бироз тўхтади. Сўнгра дарё яна чайқалиб, тўлқинланиб, сандиқни оқизиб бадар кетди. Сандиқ шу оқиб боришида яна бир гирдобға тушди. Ул гирдобда катта-катта наҳанг балиқлар бор эрди.

Дарёнинг қирғогида дов-дараҳтлар ўсиб, қўкариб турар эрди. Ул дараҳтларнинг боши осмон қадар баланду, осмон билан баробар эрди. Шоҳалари дарё сувининг устига тегиб турган эрди. Шу ёғочларнинг, дов-дараҳтларнинг устида катта-катта қушларнинг уялари бор эрди. Ул дараҳтларнинг орасидан икки қуш чиқиб, сувнинг устига тушдилар. Қараб

кўрсалар, нақшли, бир ажойиб сандиқ оқиб келётири. Қушлар буни анойи кўриб, кўтариб, учиб, уяларига чиқардилар. Сандиқ бу ерда бир неча кун қолиб суви қуриди. Тоҳиржоннинг юрагига ғулғула тушиб: “Бунда турғондан кўра дарёдан оқиб кетганим яхши эрди. Оҳир бир вилоятнинг чегарасидан чиқар эрдим ва бирор кўрар эрди ва қутқарап эрди. Аммо бу дараҳтнинг устида сандиқни ким кўриб, ким эшитади. Ким ёрдам беради...” деб, худога ёлвориб, бир мухаммас айтди:

Эй соҳиби маҳлукот, қолдим бир чоҳ ичинда,  
Бу ҳолимға раҳм айла, ушбу маъво ичинда,  
Бир сандиқ ичра зиндан, дилим сано ичинда,  
Ишқнинг юки орқамда, қоматим ё ичинда,  
Лошим ҳар ёна тортар, қушлар ошё ичинда.

Сайфул Митҳаджамол деб, уммонда сурди даврон,  
Билқис дейиб Сулаймон, сайр этди суйи- осмон,  
Юсуфжон деб Зулайҳо, давомат чекди армон,  
Варқа, Гулшод топмади ишқнинг дардина дармон,  
Мурод ҳосил бўлмади, ўтди армон ичинда.

Ошиқ Фарҳод Ширин деб, йиглаб югурди ҳар ён,  
Тошларни лаъл этарди, кўзларидан оққан қон,  
Қора товга газ уриб, ясанди қўшки-айвон,  
Висол дейиб йиглади, етишди рўзи-хижрон,  
Ширин дебон жон берди Фарҳод қоя ичинда.

Мажнун дали-девона истаб ул Лайли ёрин,  
Лайли қизнинг юзинда кўрарди ҳақ жамолин,  
Мудом йиглаб кезарди, чақириб бируборин,  
Бир кун худо дуч этди, эшитиб оҳу-зорин,  
Шул вақтда жон берди Мажнун сахро ичинда.

Вомиқ Узро ишқинда ширин жондан кечарди,  
Юзин кўрмаган чоғда оғзидан ўт сочарди,  
Вомиқина раҳм этиб, гоҳи юзин очарди,  
Қамбар Арзужон дейиб, гоҳ ёниб, гоҳ ўчарди,  
Кўр Тоҳир Зухра дейиб, оқди дарё ичинда.

Алқисса, Тоҳиржон нолишини олло таоло эшитиб, бир куни кучли бир баҳор шамоли туриб, чанг-тўзон кўтарилиб, Тоҳиржоннинг сандиқини сувға тушириди.

Дарё суви сандиқни яна оқизиб бадар кетди. Тоҳиржон сувсизликдан чанқаб, қаттиқ хўрланди. Ул: -Эй худойим, бу дарё манинг ўлар жойим бўлди, деб шум фалакнинг кажлиғига, шумлиғига ёнар эрди.

Яна ўзига –ўзи тасалли бериб: Сабр-вақти хушлиқнинг қалитидир, “келар бўлса келар шому-Ироқдан; кетар бўлса кетар қошу-қапокдан”, киши

ҳар аниқ мақсадига сабр ила етар. Мен ҳам сабрли бўлайин, деб бир абёт ўқиди:

Қафас ичра лочин каби ҳаволаб,  
Қанот қоқиб учма ҳар ёна кўнглим.  
Зухранинг дийдорин оллодан тилаб,  
Шукр айла яратғон субҳона кўнглим.

Оташ жудо бўлмас ишқ ичра ҳисдан,  
Ишқ ичра ўлган эр ишқсиз-нокасдан,  
Ёрнинг орзусида чиқсин қафасдан,  
Ҳаёжон солмағил бу жона кўнглим.

Кўнглим мардона бўл мардлигинг сўйла,  
Чиқарсан дарёдан, оқмассан бўйла,  
Инжима сарғайма бир дам сабр айла,  
Етарсан мақсадли макона кўнглим.

Токи бориб термай Тотор гулидан,  
Жоми май тутмаса оппоқ қўлидан,  
Бош кетса ҳам ҳаргиз қайтмам йўлимдан,  
Бўлса бу чун охир замона кўнглим.

Тўйибдур бу жоним хижрон захрина,  
Мудом интизорман висол баҳрина,  
Кетсанг тез етарсан Бағдод шаҳрина,  
Моҳим отли севар жонона кўнглим.

Тоҳир айтар, рақиб дарбадар бўлсин,  
Ҳоки замин билан сарбасар бўлсин,  
Бу йўлда хайр бўлсин, ёки шер бўлсин,  
Киргил, менинг билан майдона кўнглим.

Алқисса Тоҳир сўзини тамом этиб, оллодан мадад сўраб кўнглини оллоға боғлаб йўлға равона бўлди. Шунда сандик бирдан дарё сувининг кучли зарби билан қирғоқда турғон катта тошга бориб урилди. Бу зарбдан сандиқнинг поналари, михлари бўшашибандай бўлди. Аммо сандиққа бошқа ҳеч нарса бўлмади. Натижада сандик яна оқиб кетаверди. Бу дарё Фирот дарёсига бориб қўшилар эди. Фирот дарёси Бағдод шаҳрининг ўртасидан ўтар эрди. Сандиқ шу боришда Бағдод шаҳрига етди. Бу шаҳарнинг подшосининг отига Одилшоҳ дер эрдилар. У одилликда қадим ўтган Эрон шоҳи Нўширавондан, сахийликда Хотамтойдан қолишимас эрди. У подшоҳнинг уч қизи бор эрди. Каттасининг оти Жаҳонгир, ўртанчасиники Шаҳрижон ва кенжасига Моҳимжон дер эрдилар. Подшо буларнинг ҳар бирига битта кўшк ва қирқ каниз бериб қўйган эрди. Улар подшонинг кўрар кўзи эрди. Бир кеча Моҳимжон туш кўрди. Тушида бир йигит кунчиқар томонга қараб ўтирибди. Моҳимжон уни қўриб, ақлу-хушидан айрилиб, унга

ошиқ бўлиб қолиб, ҳар неча бор “Бу ёнга боқ” деб қичқирса ҳам боқмас эрди. Шунда Моҳимжон: “Эй йигит, бир раҳм этгил, бир қиё боқғил” деб йиғлаб ёпишди. Шунда у йигит: Эй жон, мен бир оллонинг бандаси, ишқ гулзорининг булбулиман. Ўзим Тотор вилоятидан мен, насибам тортиб келурман. Ман бир гулга ошиқ, яна ўша гулнинг висолига кетарман, отамнинг отини Боҳир дерлар, менинг отим Тоҳирдир. Мендан сенга висол эмас ситам етар”, деди. Бу сўзнинг устида Моҳимжон сесканиб, ох тортиб уйғонди. Кўрсаки ҳеч ким йўқ, туши эркан.

Моҳимжоннинг юрагига ўт тушиб, онасининг ёниға йиғлаб бориб: -Эй она, мен бир туш кўрдим, сенга айтарман. Сан уни менга бир йўриб бер, - деди. Онаси: Хўп бўлади, болам, -деди. Моҳимжон кўрган тушини баён этиб, бир муҳаммас ўқиди:

Ушбу дарё ичра кўрдим бир ажиб зебо йигит,  
Сўзлаганда, хуш сухандир булбули шайдо йигит,  
Ногаҳон кўрдим юзин-мудом ажиб барно йигит,  
Олди жоним юзи анвар, қомати раъно йигит,  
Асли одамзодадан ҳеч бўлмафай пайдо йигит.

Бир замон кўрдим жамолин, ақлими ҳайрон этар,  
Фурқат айёминда доим кўзларим гирён этар,  
Ёрими сандикда кўрдим, сув аро сайрон этар,  
“Кўрмаган гулдек юзун кўрсам”, -дейиб армон этар,  
Мен куярман ул дейиб, бизданки бепарво йигит.

Эгнида атлас либос, бекмудур, султонмидур,  
Ёки бир ишқда куйган саргаштайи ҳайронмидур,  
Билмадим жодуму бир, ё Юсуфи Канъонмидур,  
Ёр дейиб васфин ўқийдур, дурмидур, достонмидур,  
Ҳар пари тушига кирмас бўйла бир мирзо йигит.

Найлайн, ишқ –муҳаббат савдоси тушди бошима,  
Қародур баҳтим менинг-раҳм этмади кўз ёshima,  
Айтабилмам бу сирин, кўнгил ёриб teng тушима,  
Кунда юз кўрсам юзин, келса, ўтиrsa қошима,  
Шамчироқдан ою-куннан, кўрки бир турфа йигит.

Кўлларинда баҳри лочин ҳам уталғу баҳри-боз,  
Овлағи совсан сўна, кўлларда кезган қув ва ғоз,  
Сўзласа булбул наво, қолди қулогимда овоз,  
Моҳим айтар, кўзларим мен тоғи тоши сарафroz,  
Дунёда ўзи каби ҳеч бўлмомиш пайдо йигит.

Алқисса, Моҳимжон сўзини тамом этди. Онаси айтди: -Эй  
Моҳимжон, қулоқ сол, мен сенга тушингни йўриб берайин деб бир сўз айтди:  
Эй Моҳижоним, бу тушнинг,  
Сенга зарра вафоси йўқ,

Йиғлаб, күздан тўқма ёшинг,  
Бир зарралик фойдаси йўқ.

Жоним дейиб жон ёқарсан,  
Кўзларингдан қон тўқарсан,  
Бу гун изтироб чекарсан,  
Эрта келжак сафоси йўқ.

Бир булбул қўнмиш гулинга,  
Беш кун сайр этар элинга,  
Ногаҳон тушса қўлинга,  
Бир гавҳардир баҳоси йўқ,

Ишқ дарёсина тушибсан,  
Шаҳзодага йўлиқишибсан,  
Минг турли дардга тушибсан,  
Бу дардингнинг давоси йўқ.

Вафоси йўқдир бу сўзинг,  
Ботил йўлга тутма юзинг,  
Ишрат юзин кўрмас кўзинг,  
Суржак завқи-сафоси йўқ.

Ўчар йигитлик чироғи,  
Сийнангдан айрилмас доғи,  
Сенга етар жафо тифи,  
Даво бўлар шифоси йўқ.

Давомат ишқа ёнарсан,  
Ёнарсан, қачон сўнарсан,  
Хижрон майиндан қонарсан,  
Висолға ибтидоси йўқ.

Онанг йўрди ушбу тушинг,  
Ўртанаарсан ёзу-қишинг,  
Эмас вафоли йўлдошинг,  
Куймаклигинг равоси йўқ,

Алқисса, онаси сўзини тамом этиб айтди: -Эй Моҳимжон, мен сенинг тушингни йўрдим, санга кунчиқар тарафдан бир гўзал йигит келар, аммо санга унинг вафоси йўқдир. Унинг ўз дарди ўзиға етарлидир, у бир парининг дилдоридир, сенинг билан иши йўқдир. Бу тушингни ҳеч кимга айтмағил, масхара бўлиб ортиқча гап сўзга қоларсан, қаттиқ томфа теша ургандек бўларсан.

Моҳимжон хар неча ўзиға тасалли бериб ўзини-ўзи босмоқчи бўлса ҳам ўтира олмади. Кеча-кундуз орому-қарори қолмади, алмудом кунчиқар

тарафини кўзлаб юрар эрди. Сўнгра: “Онам буни йўриб билмади, йўргудай истаги бўлмаса керак. Буни қизларга ҳам бир айтиб қўрайин. Улар не дерлар, сўзларини эшитиб қўрайин, балки, улар бошқача йўрарлар”, -деб, Моҳим қизнинг ишқи дамба-дам кўтарилиб, тоқат қилабилмасдан, канизларини излади. Улар келиб:

-Не учун бундай бекарор бўлдинг? –деб сўрадилар. Унда Моҳим кўрган аҳволини баён этиб, бир ғазал айтди:

Тушимда бир булбул кўрдим,  
Уркиб келмиш гулзориннан,  
Қайси боғнинг булбулидур,  
Қайси боғчанинг нориннан.

Кўрмишам сахар чоғлари,  
Сийнама ботмиш доғлари,  
Бошда қаро ғулпоқлари,  
Нозикдир сунбул ториннан.

Қурбон бўларман ўзина,  
Шакардан ширин сўзина,  
Давомат боқсам юзина,  
Кўзим тўймас дийдориннан.

Юзи ойдек шуъла сочар,  
Ҳусни фалақдин бож олар,  
Ёраб, ёрим қачон келар,  
Борсам дарё канориннан.

Ёқди мани бир нозанин,  
Фидо бўлсин рўйи замин,  
Ҳеч бир кимса манинг каби,  
Айрилмасин нигориннан.

Кўнглимда оху-зоридур,  
Юзлари машриқ саридур,  
Билманам кимнинг ёридур,  
Хабар келмас дийдориннан.

Ҳеч кимга сирин бермаса,  
Моҳимнинг ҳолин сўрмаса,  
Ошиқ бир зулм кўрмаса,  
Айро тушарму ёриннан.

Алқисса, Моҳимжон сўзини тамом этди. Моҳимжоннинг қирқ канизлари бор эрди. Уларнинг ичинда тўрут бошлиғи бор эрди. Ўзлари жуда гўзал эрдилар. Бирининг оти Садаф, бирининг оти Гулзор, бирининг оти

Гулирањо ва яна бирининг оти Гулзебо эрди. Бу тўрт қизнинг ҳар бири ўн қизнинг бошлиғи эрди.

Моҳим қиз хизматини шу тўрт қизга буюар эрди. Қизлар:

-Эй дугоналар, бу бир улуғ воқеадир, маслаҳат беринг”,-деб бир-бир кенгаш қилдилар. Гулзебо –Бизлар бир ёши кичик одам бўлсак,-деди. Унда Моҳимжон айтди:

-Эй Гулирањо сенинг бу канизлардан ақлингда, ҳуснингда шойи-зиёд. Бу тушни сен йўр-деб буюрди. Гулирањо каниз бир коса май ичиб, сармаст бўлиб, зехнини жамлаб:-Эй бибим, сенга олло узоқ умр берсин, умрингни зиёда қилсин! Бу тушингнинг таъбирини мен кўп яхши айтарман, деб бир ғазал ўқиди:

Бир шаҳзода келмиш Машриқ шахриннан,  
Гашт айлайур гул-ғунчали жойларни.  
Ёрдан айро тушмиш шоҳнинг қаҳриннан,  
Кўпдир юрагинда оху-войлари.

Назар солиб соғи билан сўлинга,  
Ёринг келар раҳм айлаюр ҳолинга.  
Суярсан севдигинг тушар қўлинга,  
Хуш кечарсан бу кунлару ойлари.

Бағрина санчилмиш бу гулнинг хори,  
Магар сандан ўзга ёри бор, ёри,  
Не учун гўзламиш ул Машриқ сари,  
Сенинг сари тўлғанмамиш сойлари.

Мен таъбир айладим кўрган тушингга,  
Тоғларнинг тарлони қўнар бошинга,  
Дамба-дамдан ёринг келар қошинга,  
Ул кун тутар томошали тўйлари.

Гулирањо дер, ичдим қўлимда бода,  
Сўзим йўқдур энди, бундан зиёда,  
Олло етири барча қулни мурода,  
Ҳақ солибдур санга ушбу кўйлари.

Алқисса, Гулирањо сўзини тамом этди. Моҳимжон бирдан ўрнидан туриб, Гулирањоға бош-оёқ сарпо берди.

Алқисса Одилшоҳнинг қизларининг бир боғи бор эрди, унга Ризвон дер эрдилар. Бу боға подшонинг уч қизи канизлари билан навбатма-навбат сайрга чиқар эрдилар. Гуллар очилғон, неъматлар сочилиғон, баҳор айёми бўлғон вақтлар эрди.

Булбуллар соз этиб, қумрилар қуқулашиб, тўтилар ваъз айтиб боғнинг гуллаб очилиб, ажаб бир лолазорлик касб этган вақти эди.

Кунлардан бир куни Моҳимжоннинг боққа сайр этар вақти, навбати келди. Моҳимжон айтардики:

-Эй қизлар, бошқа вақт якка-якка сайдар этар эрдик, бу сафар жам бўлиб сайдар этайлик. Канизлар жони тили билан: -Хуш бўлғай!-дедилар. Шундан сўнг Моҳимжон ўзига яқин билганларига: -Боғи Ризвонга ва Фирот дарёсиға томоша этмакка кетайлик –деб нома юборди. Ўзи-ҳам саҳар туриб ҳаммомға кириб ювиниб тараниб гўё моҳитаб, шуълаи офтобдай бўлиб, товус қушдай ҳусн жамолини борича намоён қилиб, заррин либосларини кийиб, қошлариға ўсма, кўзларига сурма чекиб, қирқ ўрим қилиб ўрилган зулфларининг ярмисини сийнасининг устидан юбориб, ўзига безак, зеб оройиш бериб туғишганлари бирлан бокқа сайдар этмакка кетар бўлди. Буларни кўрган одамлар ақл-хушларидан айрилиб, ҳайрон қолар эрди. Бода қуриш учун бир чодир юбордилар ва отасининг каттакон қайиқларидан бирини боғнинг чеккасига келтиридилар.

Улар боғ ичиға кириб, томоша қилиб юриб, боғнинг ичидан Фирот дарёси оқиб ўтар эрди, булар қайиқ бирлан дарёға кезмакка тушдилар. Моҳимжон қайиқда дарёнинг шамолиға юзини тутиб борар эркан, ногоҳон сувда узоқдан бир қаро кўриндики, олтиндек шўъла сочиб келар эрди. Моҳимжон яхшилаб сар солиб кўрса, сандиққа мангзайди. Шунда сингилларига қараб:

-Дарёда бир зот оқиб келур. Агарда у сандиқ бўлса, ичи меники, ташқариси сизларники,-деди. Синглилари қабул қилдилар: қараб кўрсалар оқиб келаётирған нарса сандиқ эркан. Моҳимжон: -Ғаввосларға айтинг, сандиқни сувдан чиқариб олсинлар, деб буюорди. Ғаввослар: -Такиб тортиш учун бир арқон керак-дедилар. Арқон топишмади. Аммо Гулираъонинг қирқ қулоч сочи бор эрди. Бу сочни кўрган одам ҳайрон қолар эрди. Ўрилган сочининг кокиллари нозик бўлса ҳам, қалинлиги шундай берк эдики, ҳар ёнидан ўн киши тортса ҳам узилмас эрди. Сандиқни Гулираъонинг сочига боғлаб, дарёнинг қирғоғига чиқардилар. Кўрсалар сандиқ мум билан пухта қилиб маҳкамланган, сиртига сув кирмаслиги учун яхшилаб ишлов берилган.

Моҳимжон, синглиларига: -Агар ваъдага вафо бўлса, сандиқнинг оғзини очармиз –деди.

Туғишганлари: -Ичидага оламга баробар зот бўлса ҳам сеники бўлсин, сенга баҳш этдик, –дедилар. Моҳимжон шатир-шутур сандиқнинг оғзини очди. Кўрсаки, сандиқнинг ичидаги бир гўзал йигит ётибди, на жони бор, на нафас олади. Моҳимжон ўйлаб кўрса, ўз тушида кўрган ўғлони, икки жаҳон матлаби экан.

Моҳимнинг ишқи кўтарилиб, бир оҳ уриб, бехуш бўлиб йиқилди. Дунё юзи туман бўлди, еру-кўк ларзага келди. Оҳига дунёни тутун қоплаб, қуёшнинг борлиғини билмас даражага етди. Бироздан сўнг канизлар, Моҳимнинг юзига сув сепиб, уни хушига келтиридилар. Шунда унинг ҳусни жамолидан жаҳон юзи ҳам ёп-ёруғ бўлди. Шаҳрижон: -Эй Моҳимжон, сенга не бўлди?-деди. Шунда Моҳимжон зор-зор йиглаб: -Эй қондошим, бу-ищдан асло бехабар экансан. Бу йигитни тушимда кўриб эрдим. Шундан бери менинг сабру-қарорим йўқдир. Бу менинг бошимга ишқ савдосини солған йигиттур, -деди. Канизлари:

-Эй Моҳимжон, бу йигитдан хабар ол, ҳалок, бўлмасин,-дедилар.

Шундан сўнг дарров Тоҳиржоннинг юзига гулоб сепиб ҳушига келтиридилар. Моҳимжон хабар сўради, Тоҳиржон ҳам жавоб берди:

**Моҳимжон:**

Хабар бер, не ердан келдинг бу ёқقا?

Сўзла жоним, қайси боғнинг гулисан?

Сандиқ билан нечун кирдинг дарёға?

Сўзла, жоним қайси боғнинг гулисан?

**Тоҳир:**

Гул эмасман, булбулиман бир боғнинг,

Гулдан-гулга сайрон этиб келарман.

Ҳам ул гулнинг доғи, ҳам сенинг доғинг,

Ақлу ҳушим ҳайрон этиб келарман.

**Моҳимжон:**

Не чамандан эсиб келган шамолсан?

Қайси ойдан айро тушган ҳалолсан?

Не шакардин томған обу-зилолсан?

Сўзла, жоним қайси боғнинг гулисан?

**Тоҳир:**

Ўзим Тоҳир, менинг отамдир Бохир,

Оғир бозиргонам, кўпдур жавоҳир,

Пинҳон сирим санга айлайн зоҳир,

Ул мулкимни вайрон этиб келарман.

**Моҳимжон:**

Булбул бўлсанг, гулузоринг қаерда?

Гавҳар бўлсанг, харидоринг қаерда?

Ошиқ бўлсанг севар ёринг қаерда?

Сўзла жоним, қайси боғнинг гулисан?

**Тоҳир:**

Гулнинг булбулиман ҳусни-хазона,

Чиқардим кўшкина зинама-зина,

Бугун жудо бўлдим кўнглим камина,

Кўз ёшимни гирён этиб келарман.

**Моҳимжон:**

Ё мужаррамусен, катхудомисен?

Ё бир пари учун жон фидомусен?

Ё қаландармусен, ё гадомусен?

Сўзла, жоним қайси боғнинг гулисан?

**Тоҳир:**

Бир ғаривам, мададкорим йўқ менинг,

Қавму-қардош, ховандорим йўқ менинг,

Сендан ўзга севар ёrim йўқ менинг,

Ҳижрон кунинг думон этиб келарман.

**Моҳим:**

Моҳим айтар, қаро баҳтим уйғонди,

Давлатинг чироғи қўлимда ёнди,

Худо бахш айлади даврон дўланди,  
Магар энди Моҳимжоннинг гулисан.

**Тоҳир:**

Моҳимжон эшитгил, тўғри сўзимни,  
Мудом Машриқ сари тикиб қўзимни,  
Тоҳир деяр, мусофирам, ўзимни,  
Беш кун сенга меҳмон этиб келарман.

Алқисса, Тоҳир билан Моҳимжон сўзларини тамом этдилар.  
Моҳимжон Тоҳиржоннинг бир ошиқ йигит эканини англади. Ўйладики:  
“Менга ҳам тўннинг бир этаги етар”, деб хушвақт бўлиб сандикни  
хизматкорларға кўтартириб кўшкига келди. Моҳимжон Тоҳиржоннинг  
дийдорига муштоқ бўлиб, қўзини ундан узмай ўтирди. Аммо у қанчалик  
тикилиб ўтирмасин унинг хусн-жамолига тўймас эрди.

Моҳимжон ўйладики: “Бу ишдан, воқеадан отамни хабардор этайин,  
отам шу юртнинг эгаси. Баногоҳ қўнглига оғир олиб, мени ёзгариб, Тоҳирни  
ҳам қувиб юбормасин”, -деб, ўзининг хизматкорларини чақириб, отасига бир  
хат юборди, хатнинг мазмуни шундай эрди:

Бобоға бир нолишим бор,  
Бахш айласин бобом менга.  
Бир неча арзу-ҳолим бор,  
Бахш айласин бобом менга.

Бир сандик келди дарёдин,  
Ҳадя келибдур оллодин,  
Тилагимдур Одилшоҳдин,  
Бахш айласин бобом менга.

Олма-аноримиз пишди,  
Боғбон келиб қўлга тушди,  
Оллоҳим раҳматин сочди,  
Раҳм айласин бобом менга.

Бир сандикдир, хонга лойик,  
Бек ила султонга лойик,  
Берса, Моҳимжонға лойик,  
Бахш айласин бобом менга.

Умидим бор, отам келса,  
Сандикда не борин билса,  
Қўли билан ҳар зот бўлса,  
Бахш айласин бобом менга.

Моҳим айтар, қилдим изҳор,  
Бобомға бўйла арзим бор,  
Дунёнинг моли не даркор,

Бахш айласин бобом менга.

Одилшоҳ мактубни олиб ўқиб, мазмунини англаб, шундай жавоб берди: “Эй қўзимнинг равшани! Ул сандиқнинг ичинда нима бўлса ҳамки, агар сандиқнинг ҳар тахтаси забаржаддан, қулфи-калити олтин-кумушдан бўлса ҳам, юз-минг туманлик мол-дунё бўлса ҳам, агар у сандиқнинг ичинда дуру-жавохир, ёки мушки Хўтан ёки одамзодму паризодму, ҳуру-ғилмон наслиданму, магарам олам-жаҳон мулкина арзигулик-баробар зот бўлса ҳам санга бахш айладим, насиб этсин”,-деди. Бу хат Моҳимжонга етишди. Моҳимжон отасидан келган хатни ўқиб, шоду-хуррам бўлиб, кўп замонлар ҳайрон-ҳаяжон билан осмонға бокиб, худоға шукур қилиб, отасининг даргоҳи томонға қараб уч марта таъзим қилди. Шундан сўнг Тоҳиржонни ювинтириб, тарантириб, бош-оёқ қимматбаҳо сарполар кийдириб, бошиға мурассаъ тож кийдириб, белига олтин камар боғлади. Тоҳиржон аввалгидан ҳам кўркли йигит, унинг кўркига янада кўрк кўшилди. Аммо буларнинг ҳеч бири Тоҳиржонни қизиқтирилди. Чунки Зухражоннинг хаёли билан банд эди. Шу ўй-хаёл билан кеча-кундуз ох-фарёд чекиб, кўзларидан қатра-қатра ёш тўкиб юрар эрди. Моҳимжон бир сўз деса ҳам, розилик билан жавоб бермас эрди. Шу аҳволда Боғдод шаҳрида неча йил умр сурди. Шу алфозда ойлар, кунлар ўтаверди. Қарасаки, орадан етти йил ўтибди.

Бир куни Моҳимжон ўзига зеб-зийнатлар бериб, товусдай жилоланиб Тоҳирнинг ёнига келиб: -Эй севгилим, танимдаги жоним, бошимнинг тожи, кўрар қўзимнинг равшани! Мана сен келгандан буён неча йил бўлибдики, сабр қилиб, ҳажрингда ёниб жафо чекиб келдим. Энди менинг сабр косам тўлиб, тоқат қолмади. Менга раҳм этиб бир назар солсанг,-деди. Аммо Тоҳиржон бу сўзга ҳам жавоб бермади. Канизлар ҳам жавоб кутдилар, ва лекин алик олабилмадилар. Чунки Тоҳир бечоранинг мусофирилиғи ёдига тушиб, тили томогига тиқилиб гаплаб билмас эрди. Шунда канизлар: -Бунинг сўзламасдан жим ўтироғони розилигидан нишонадир. Жимлик розилик аломатидир. Бу эса шариатга тўғри келар,-деб, никоҳ қийиб, Тоҳиржон билан Моҳимжонни бир майдонда қолдириб қўйиб қайтдилар. Моҳим қиз шоду-хуррам, вақти хуш бўлиб бир ғазал ўқиди:

Шукур олло, бугун етдим мурода-  
Ғарип кўнглим ёр васлига етишди.  
Ҳижрон чекиб ҳалол бўлган қоматим,  
Раъно бўлиб нав ниҳолга етишди.

Юзим ойға тушди, кўзларим қунга,  
Айролик кунларни солмасин яна,  
Мудом чўлда кезган ташналаб сўна,  
Бугун мурғзорли кўла етишди.

Юрагим қон бўлиб, кўзим ёш бўлиб,  
Гизлаган сирларим элга фош бўлиб,  
Гул булбула, булбул гула дуч бўлиб,  
Иккиси мурода бирла етишди.

Икки ошиқ бир-бирина жам бўлиб,  
Соз каби тортилиб, зили-бам бўлиб,  
Шум рақибнинг сабо вақти шом бўлиб,  
Кўз ёши ранг топиб, ола етишди.

Товус жилва айлаб қув ва ғоз билан,  
Қумрилар дам тортиб хуш овоз билан,  
Булбул наво тузди нағма соз билан,  
Тўти гуфтор айлаб бола етишди.

Ошиқлиқ барчани ҳайрон айлагай,  
Жабрлар доғина сайрон айлагай,  
Белин букиб, қалбин вайрон айлагай,  
Ишқинг юки Рустам Зола етишди.

Моҳим айтар, сухбат қурдим ёр билан,  
Булбул ҳамроҳ бўлди лолазор билан,  
Назарим йўқ қардош, ховондор билан,  
Оч кўзларим юзи хола етишди.

Алқисса, Моҳимжон сўзини тамом қилди. Бир кеча улар бир-бирининг висолига етишдилар. Улар висол оғушида ётган бўлсаларда биринчи кечада Моҳимжон ҳам, Тоҳиржон ҳам бир-бирига ҳеч бир чурқ этмадилар. Иккинчи кечада Моҳимжон ўзига жилва бериб, ясаниб, тараниб, етти қат парданинг ичида товусмисол жилваланиб, нозу-ишвалар билан Тоҳиржонни ўзига мойил қилмоқчи бўлди. Аммо Тоҳиржон буларнинг ҳеч бирига эътибор қилмади. Шунда Моҳимжоннинг сабри тугаб, тоқати тоқ бўлиб; -Эй Тоҳиржон! Аввалда мен сени дарёдан қутқариб олдим ва сенинг жонсиз тананга жон бағишлидим. Сени деб ор-номусдан кечдим, ҳар тарафдан душанларнинг гап-сўзига қолдим. Оқибатда элга масхара бўлдим. Шахзодалардан келган совчиларнинг ҳеч бирини қабул қилмадим. Биргина сени деб шахзодалиғим билан ўзимни сенга муносиб кўрганимда, сен не учун ўзингни манга муносиб кўрмассан?-деди. Тоҳиржон бечора бу сўзни эшишиб:-Эй Моҳимжон! Бошим сенга садақа бўлсин. Аммо манда бир гавҳари-шамчироқ бор эрди. Ул гавҳардан айрилғаним учун, бу дунёни ўзимфа талоқ қилдим, ҳаром қилдим. Ул гавҳарни яна бир кўрсам армоним йўқ. Агар кўрмасам бутун жумлаи оламнинг зебу-зийнатлари, мол-дунёсини ўзимга ҳаром биларман, деб бир сўз айтди:

Моҳимжон, арзимни баён айлайин,  
Бир гавҳари шамчироқдан айрилдим.  
Гоҳи майдон ичра сайрон айлабон,  
Ёр юритида шаҳар ўтовдин айрилдим.

Баҳор бўлса, қизил гуллар очилар,  
Мушки-анбар чор тарафга сочилар,  
Майхонада гулгун шароб ичилар,  
Сармаст бўлиб кезан чоғдан айрилдим.

Чорвалари сахроларда кезарлар,  
Қизу жувон яйраб нағма тузарлар,  
Йигитлари олма-анордин узарлар,  
Олмали-анжирли боғдан айрилдим.

Тоғларига чўқар абрю-сиёҳлар,  
Жилғасида унар турли гиёҳлар,  
Каптари, яйлови, баланд қоялар,  
Тарлон маскан тутғон тоғдан айрилдим.

Тоҳир дер, сифиндим пиру-устода,  
Рақибнинг дастидин қолмишам доға,  
Ишқнинг мажлисида қўлида бода,  
Пиёлалар сунган соғдан айрилдим.

Алқисса, Тоҳиржон сўзини тугатиб айтдики: -Эй Моҳимжон! Менинг дардим бошимданам зиёда, менинг аҳду-паймоним бир парига боғлидур. Агар бундан ортиқ жабр қилсанг, озор берсанг, мен ўзимни ўлдирмақдан бошқа чoram қолмайди. Чунки қуръони каримда “Ваъда қарздорликдир” деб ёзилғондир”, -деб Моҳимжон билан ўзининг орасига кескир қилич қўйиб ётдилар. Моҳимжон ўйлаб кўриб, ўзига-ўзи: “Ёрингдан зарар кўриш ҳам фойданинг ўзидур. Мен бундан буён Тоҳиржонға бўлғон ҳис-туйғуларимни жиловламасам, элга бадном бўларман. Тоҳиржонға бўлғон ошиқлигимни тарқ этайин”, -деб ўзига-ўзи кўнгиллик бериб бир ғазал ўқиди:

Кўнглим, сенга арзим баён айлайнин,  
Кўнгли бошқа бевафодин дўн, кўнглим.  
Толеим терс келар бўлса найлайнин,  
Эли бошқа бевафодин дўн, кўнглим.

Чин гулни сақласанг минг йилда сўлмас,  
Бевафони севсанг қадрингни билмас,  
Айтадур ўзганинг ёри ёр бўлмас,  
Ёри бошқа бевафодин дўн, кўнглим.

Етти йилdir ишқ ўтига қуярман,  
Бевафо ёр учун ғамлар еярман.  
Бегона жоҳилни нечун суярман,  
Йўли бошқа бевафодин дўн, кўнглим.

Анча йиллар кўп жафолар чекарсан,  
Кўзларингдан қонли ёшлар тўкарсан,

Ағёрни ёр билиб, жонинг ёқарсан.  
Жафо чекма бевафодин дўн, кўнглим.

Ғўч йигитлар бир сўзина зор айлар,  
Бевафога кўнгил барсанг, хор айлар.  
Ошиқ маъшуқининг кўнглин бор айлар,  
Кўнгли бошқа бевафодин дўн, кўнглим.

Бевафонинг сўзи жонингдан ўтар,  
Ҳар бири бир пайкон ўрнига етар,  
Бевафо этганинг ёқангдан тутар.  
Кўнгли бошқа бевафодин дўн, кўнглим.

“Ошиқман” деб, дардим айтсам ҳар жойда,  
Унинг ҳам дарди бор мендан зиёда.  
“Номахрам” деб қилич чекди ороға,  
Аҳди ёлғон бевафодин дўн, кўнглим.

Моҳим дер, ёрни деб ёндим давомат,  
Ёр ишқи жонинга келган бир офат,  
Сабру чидам ила айла қаноат,  
Ёри бошқа бевафодин дўн, кўнглим.

Алқисса, Моҳимжон сўзини тамом этди. Тоҳир айтдики: -Эй  
Моҳимжон! Тўғри айтдинг. Менинг кўнглимда юз минг ғам бор. Унинг энг  
кичиғи бир тоғ кабидир. Насибам тортиб бу жойларға келиб қолған бўлсам  
ҳам, яна кетарман. Чунки мен ҳам сенингдай бир паризодға ошиқдирман. Бу  
ерларга келмак азалдан менга қисмат эркан, -деб, бир мухаммас айтар бўлди:

Найлайн, воҳасрато, дилдордан айрилмишам,  
Икки нарғис кўзлари хунхордан айрилмишам,  
Ғамзаю ҳуснда икки мордин айрилмишам,  
Қолмишам ғам остида ғам хордин айрилмишам,  
Ул қади шамшод юзи руҳсордин айрилмишам.

Ҳусни ҳуру лаъли фирмавснинг шароби кавсари,  
Юзи тўлин ой каби, киприги анжум лашкари,  
Найлайн, ғарив бошим ғавғоға солди бир пари,  
Фикр этиб, кўнгил кетиб, ишқ ўтин отди мен сари,  
Ул қади-шамшод юзи руҳсордин айрилмишам.

Оташи ишқ ичра куйган мен каби оввора йўқ,  
Сўзласам дардимни мен, бир ошиқи бечора йўқ,  
Маҳвашимдек фоний олам ичра бир моҳи пора йўқ,  
Ишқ аро куйган оламда бир дили садпора йўқ,  
Ул қади шамшод гули руҳсордин айрилмишам,

Ҳеч киши мундоғ балоларға гирифтор ўлмасун,  
Айрилиб дилдоридан ҳар дилбарга ёр ўлмасун,  
Ошиқи бечоралар маҳруми дилдор ўлмасун,  
Алмудом йиғлаб кезиб, ёр йўлида зор ўлмасун.  
Ул қади шамшод юзи рухсордин айрилмишам.

Тоҳиро, жоним бориб, кўрсам ўшал жононими,  
Ёр ёнинда шум рақиблар тўксалар ҳам қоними,  
Етти йилдир орзу айлаб, мен азиз меҳмоними,  
Умрим боринча кезиб, сарф айласам ҳам жоними,  
Ул қади шамшод, юзи гулирухсордин айрилмишам.

Тоҳир сўзини тамом этди. Бирозғача сўзлашмай ётдилар. Моҳимда ҳам сўз бўлмади, Тоҳирда ҳам. Бир-бирига индамасдан кечани ўтказдилар. Шу тарзда орадан неча кунлар ўтди. Моҳимжоннинг кун-кундан сабри тугаб, дарди ортиб юзлари заъфарондай сарғайиб бораверди. Тоҳирга сўз демакка ору-номус этиб, Моҳимнинг иши йиғламоқ билан бўлаверди.

Тоҳирбек кундузлари қарорсиз, кечалари бедор уйқусизлиқда Зухранинг хаёли ёдина тушиб, кун-кундан ишқи ортиб, ҳеч орому қарори бўлмай, мудом Тотор йўлига қараб кезар эрди.

Бир неча саҳар вақтида кунботардан кун чиқарға қараб шамол эсиб ўтган вақтда Тоҳиржон эрта уйқудан туриб, таҳоратини қилиб, икки ракъат намозини ўқиб, боди-сабодан Зухражонға салом юбориб бир сўз айтди:

Эй сабо, зорим менинг арз ила жононимға айт,  
Қайдা кўрсанг, ёлвориб жисмим ёқғон жононимға айт,  
Арзу –аҳволим бориб, ул моҳитобонимға айт,  
Қоматимнинг доллигин сарви-хиромонимға айт,  
Лабларимнинг ташналигин оби-ҳайронимға айт,

Зухражонимға хабар бер, қаддиминг нун бўлғонин,  
Айрилиқ ақлим олиб, девона мажнун бўлғанин,  
Чашми гирён, бағри бирён, кўнгли ғамгин бўлғанин,  
Ком талху, бода заҳру ашки рангин бўлғанин,  
Лаъли рангин, лабзи ширин, шўхи маstonимға айт.

“Ҳолина дўстлар йиғлаб ағёрлари кулди деб,  
Сўрсанг аҳволим сабо: “Ёринг нечун айрилди” деб,  
“Офати жонинг келиб оромимни ҳам қилди?”-деб  
“Шоми ҳижрон рўзигоринг нечун мундай қилди?”-деб,  
Сўрма мендан, кўнгли ўтлуғ зору-ҳижронимға айт.

Термулиб, ҳар нени кўзлаб, орзуи ёр ўлмасун,  
Зухра жонимға салом: ағёра дилдор ўлмасун,  
Йиқдириб сабринг биносин, бўйла бедор ўлмасун,  
Алмудом ёrim дейиб, йиғлаб кезиб зор ўлмасун,  
Ишқинг ўти кўйдирган ул чашми-гирёнимға айт.

Эй қосид бергил хабар кўз ёшим гирёндур-деюб,  
Сен парининг ҳажрида ҳам паришондур –деюб,  
Дардлиман сўрғил давомат не дармон ўлур-деюб,  
Тоҳирнинг май ўрнига ичмаки қондур-деюб,  
Зухра отлиғ моҳи-пайкар, аҳди ёлғонимға айт.

Алқисса, Тоҳир сўзини тамом этди. Шамол бир соатда Бағдоддан Тоторға бориб дов-дараҳтларга тегиб ўтди. Зухранинг сарви отлиғ бир жаннати дараҳти бор эрди. Чиройлилиқда, баландликда, катталиги жиҳатидан юртдағи бошқа дов-дараҳтлардан анча юқори тураг эрди. Шамол сарви дараҳтига бориб етишдики, ундан зори гирёнли бир овоз пайдо бўлиб, олам жаҳонга тарала бошлади. Зухра қиз бу овоздан ухлаб ётқон ўрнидан сесканиб уйғонди ва: “Эй худойим, бу овоздан Тоҳиржоннинг нолиши келур. Ё Тоҳиржонни ўзи келган, ё ундан бирор-бир хабар келганга ўхшайди, деб ҳайрон бўлиб турғон вақтида, сарви дараҳтидин бир овоз келди.

Тоҳиринг сайр этмиш фоний жаҳонни,  
Сандин гўзал ҳеч кўрмадим элларда.  
Кўнглимнинг ороми, манзил-маконим,  
Булбулинг сайрамас ўзга гулларда.

Эл ҳуснинг гадоси, кўрмакка зорман,  
Ишқингда бечора, куйингда бор ман,  
Ўлгунимча, йўлингда бекарорман,  
Равшан каби кўзим қолди йўлларда.

Ханжаринг жонимда, ўқларинг танда,  
Ғамзанг ўқи жонға қасд этар кунда,  
Суратинг кўрганда, хаёлинг манда.  
Ҳуснинг юрагимда, сўзинг дилларда.

На малаксан, башар дерлар сўйинга,  
Кўзим тоқат қилмас боқсам рўйинга,  
Қодир олло зеб берибдур бўйинга,  
Ҳеч топмадим сандин соғу-сўлларда.

Мис ўзин teng қилмиш сийму-зар билан,  
Муш боробар бўлмиш мурғи-пар билан,  
Зухра ҳамроҳ бўлмиш бир шикор билан,  
Анвар дур ичинда, гавҳар гулларда.

Саҳар сайра чиқса, гар тегса еллар,  
Зебога мангзайди ул инжа беллар,  
Зарафшон ғулпоқлар, сиё кокиллар,  
Чўзсанг ерга тушар, ўрсанг –белларда?

Оқ жайрондек бўлиб ҳар ён боқарсан,  
Анбарафшон зулфинг юзга тўкарсан,  
Сайрға чиқсанг, тоғ жайрондек боқарсан,  
Жайрон ҳам сен каби кезмас чўлларда.

Бир савол келтирмиш сабонинг боди,  
Элтмиш маъшуқага –Зухрадир оти,  
Кўзларинда ёши, дилда ишқ ўти,  
Боди сабодандур сўзи елларда.

Орзу айлаб, етолмадим жойинга,  
Жоним фидо бўлсин ҳоки пойинга,  
Оlam талабгордир хусни-рўйинга,  
Тоҳир хабар бермиш забун ҳолларда.

Бу сўздан кейин, Зухражон ҳайрон бўлиб, саросимаға тушиб, не қиласини билмасдан қолди.

Зухражоннинг қирқ канизи бор эрди, уларни ёниға чақиртириб, эшитган- кўрганини баён этиб, бир ғазал айтди.

Қизлар қулоқ солинг ушбу сўзима,  
Бир нола эшитдим сахар чоғинда,  
Ё Тоҳирим келмиш илмас қўзима,  
Ё сабо сўзламиш сарви боғинда.

Умид этиб кездим қодир оллодан,  
Иstab тополмадим шоҳдан, гадодан,  
Хабарин юбормиш боди сабодан,  
Ўзи сайрон этмиш ҳижрон доғинда.

Ёрим мунда келмас дўланмас даврон,  
Ёр айрилиб ўзга элларда сарсон,  
Ёр унда, ман мунда қолдим саргардон,  
Кўзимда ёш лабим заҳар оёғинда.

Алиф қаддим дўнди бир нав ниҳола,  
Не жавоб берарман келган шамола?  
Мева, олма-норим келмиш камола,  
Ёрим келиб қўнсин гул бутоғинда.

Зухра айтар, оқар кўзимдан ёшим,  
Отам-онам йўқдур, ғамдур йўлдошим,  
Бир замон сўзлашсам, келса сирдошим,  
Армоним йўқ ўлсам ёр қучоғинда.

Алқисса, Зухражон сўзини тамом этдики, шул вақтда ёғочлардан яна нолали овоз келди:

Ёронлар Бағдод шаҳриннан,

Мен бу Тотора келмишам.  
Икки гўзалнинг ишқиннан,  
Оҳ билан зора келмишам.

Тоҳирни деб зор йиғлаған,  
Жигар-бағрини доғлаған,  
Зулфига чаман боғлаган,  
Зулфлари тора келмишам.

Қаро кўздан оқар ёши,  
Эритар тоғлару тоши,  
Ул Зухра қизнинг сирдоши,  
Ошиқи зора келмишам.

Боди сабо дилдан сўзлар,  
Чин ошиқнинг йўлин излар,  
Тоҳир Зухражонни кўзлар,  
Мен бир бечора келмишам.

Алқисса, канизлар бу сўзни эшитиб, бироқ сукут сақлаб турдилар.  
Гулқамар: -Эй Зухражон, биз бу овознинг нелигини англаб билмадик,  
ақлимиз етишмади. Тонг отқандан сўнг кўриб билармиз, -деди. Аммо  
Зухражон ўтириб тоқат қилабилмади.

Бир оз вақт ўтгандан сўнг, тонг хўрози қичқирган вақтда, Гулқамар  
айтдики:-Эй Зухражон! Юринг боғ сайлига чиқиб, айланиб қўрайлик балки  
ул овоздан бир нишона топармиз, -деб Зухражоннинг қўлидан тутиб, бир  
абёт айтди:

Саҳар вақти субҳи саболи бўлди,  
Кел, Зухражон боғ сайлина кетали!  
Қайғули кўнглима юз алам бўлди,  
Юр, Зухражон, боғ сайлина кетали!

Боғдан келган қандай садодир-создур,  
Билолмадим сенга не қиши, не ёздур,  
Бу нечук пайғомдур нечук баёздур,  
Кел Зухражон, боғ сайлина кетали.!

Шамолға соз ўлмиш сарви будоғи,  
Қизларнинг қалбига қўйди бу доғи,  
Бориб ахтарайлик, боғу-чорбоғи,  
Кел Зухражон, боғ сайлига кетали!

Сайр этали Тоҳир кезган жойини,  
Мунаққаш пештоқли гул саройини,  
Қайтармагил Гулқамарнинг райини,  
Кел Зухражон боғ сайлина кетали!

Гулқамар сўзини тамом этди. Барчаси туриб боғ сайлига кетдилар. Улар эртадан-кечгача боғ айланиб ҳеч нарсага дуч келмадилар. Шунда Зухражон кўзи ёшли, ғамгин бўлиб бир сўз айтди:

Қалбим сиёҳ севар ёrim бўлмаса,  
Нечук тоқат қилгум улуғ элларда.  
Боғ эгаси булбул зорим бўлмаса,  
Кўнглим токат этмас тоза гулларда.

Алмудом гул юзин кўрмоққа зорам,  
Яхшидан айрилиб, ёмонга ёрам,  
Кетишга ожизман, чўх бекарорам,  
Кўнглим орзусида, кўзим йўлларда.

Қайси бир оташда юрагин доғлаб,  
Қайси пари билан кўнглини чоғлаб,  
Ёридин айрилиб, кўр қайдা йиглаб,  
Қайси сахроларда қайси чўлларда.

Ханжари жонимда ўқлари танда,  
Ҳажри ўлдирмоққа қасд этар кунда,  
Сурати кўзимда, хаёли менда,  
Юзи юрагимда, сўзи дилларда.

Зухра деяр, ёrim кўчди ютидин,  
Кўзларимга суртсам пойи гардидин,  
Ситами кўп Бобохоннинг дардидин,  
Тоҳирим келмадинг ойда, йилларда.

Алқисса, Зухражон бу сўзини тамом этгандан сўнг бехуш бўлиб ийқилди. Канизлари унинг қўлтиғина кириб, ҳар қайсиси бир ёнидан кўтариб кўшкка чиқардилар. Зухра шу ётишда бир кеча-кундуздан кейин ўзина келиб, Тоҳирнинг ҳажринда зор-зор йиглади. Унинг нолишидан еру-кўк ларзонга келди. Шунда канизлари Зухражонға кўнглиллик бериб айтдиларки: -Эй Зухражон! Бундай бекарор бўлма. Сен бекарор бўлсанг, бизда ҳам тоқат қолмас. Дунёни сабр этмак билан оларсан-деб маслаҳат бердилар.

Аммо Зухражон қўзлари гирён, аҳволи бирён бўлиб, Тоҳирнинг ҳажринда ёниб-кўйиб, кечалар уйқудан қолиб, кундузлар оромини йўқотиб, ота-онасини ҳам унутиб, дунёning роҳатларидан кечиб, ёқти жаҳонни тарк этиб, қоронги бир хужрага кириб бағрини захга бериб ётаверди. Бу аҳволда унинг юзи кун-кундан заъфарондай сарғайиб, оғирлашиб бораверди.

Ана Зухражоннинг онаси Зухражоннинг жонидан ортиқ яхши кўрар эрди, Зухранинг бундай бетоқатлигини эшишиб, уни кўрмакка келди. Келиб кўрсаки, Зухражон гўёки жони узилгандай эс-хушини билмасдан ётиби. Онаси бу аҳволни кўриб, сочини ёйиб, яратганга муножот этдики: “-Эй парвардигорим! Якка-ю ёлғиз шу қизимға ўзинг раҳм этгил! Тоҳиржонни келтирсанг, Зухражон хушвақт бўлса, менинг ҳам кўнглим жойиға тушар

эрди"-деб йиглади. Шу вақтда Гулзода каниз келиб кўрса, онаси Зухражоннинг бошини тиззасининг устига олиб йиглаб ўтирибдур. Гулзода: - Эй она! Зухранинг ўлар вақти етибдур, энди тайёргарлигингни кўравер-деди.

Онаси фақир не қиларин билмасдан, подшоҳ эрининг ҳузурига чопди. Келиб қизининг ҳолидан хабар берди: -Эй шоҳ, қизингни Тоҳирдан айирдинг, Зухранинг ўлишига сал қолибдур, ишқ ўти ситамини ўтказибдур. Энди не фикринг бўлса имкониятингни чамалаб кўр, деди. Бу сўзни эшитган подшоҳнинг кайфи қочиб: -Зухражонни келтиринг мен бир кўрай, деди. Шунда онаси Зухранинг ёнига келиб: -Эй болам отанг сени кўришни истайди, борайлик, деди. Зухра: -Эй она, мен отам ёнига бормайман! Менинг отам, онам, туғишган қариндошларим йўқдир. Улар мендан кечгандурлар, мен ҳам улардан безордурман. Менинг Тоҳирдан ўзга ҳамдамим йўқ. Агар тангри таоло насиб қилиб, мени Тоҳирга дуч қилса, бу ғариблигим ҳам ўтиб кетар. Агарда шу ғарибликда ўлиб кетсан, мен ҳам худонинг ғазабига учраган бир бандаси бўлиб чиқадурман. Мен Тоҳир билан дўзах ичида ўтирсан ҳам бу кўшки айвон ичида ўтирганимдан яхшироқ деб ўйлайман. Тоҳирнинг қошида ўлсан армоним йўқ. Бор шоҳингга айт, мени ўлдирсин, бу ишқ ўтида куйганимдан ўлганим афзалдур. Агар ўлдирса шоҳ учун савоб бисёр бўлур. Мени бундай аҳволда қўйганига рози эмасман. Мен отамнинг ёнига бормасман, деб зор-зор, чун абри навбаҳор йиглаб бир абёт айтди:

Мен ҳаргиз борманам отим ёнина,  
Борсанг отамға айт: ўлдурсин мени,  
Ўтлар солди ошиқларнинг жонина,  
Борсанг отамға де: ўлдурсин мени.

Не отам бор, не онам бор жаҳонда,  
Яқин қардош, не ховандор бор манда,  
Борабилмам отам қанда, ман қанда,  
Борсанг отамға де, ўлдурсин мени.

Тутам ёқасиннан маҳшар куни мен,  
Айирди Тоҳирдан кўп норизоман,  
Бу дардан қутилсан, ўлсан розиман,  
Борсанг отамға де: ўлдурсин мени.

Азал бошдан нечук келдим жаҳона,  
Бу ишқнинг дардидан бўлдим девона,  
Кечдим ҳаммасидан бўлдим бегона,  
Борсанг отамға де: ўлдурсин мени!

Ёр дейиб барчадин ағёр бўлибман,  
Отам ғазабина дучор ўлибман,  
Тоҳирдан бошқадан безор бўлибман,  
Борсанг отамға де: ўлдурсин мени!

Чиқмам маломатдин, номус-орим йўқ,  
Йиғламоқдан ўзга касби-корим йўқ,  
Ишқ юкин чекмака ихтиёrim йўқ,  
Борсанг отамға де: ўлдурсин мени!

Зухра дер: Тоҳирсиз умр сурманам,  
Ўтарман дунёдан бир дам турманам,  
Ўлгунча отамин юзин кўрманам,  
Борсанг, отамға де: ўлдурсин мени.

Зухра сўзини тамом қилғондан сўнг, онаси бориб, қизининг хабарини шоҳга етказди. Унда шоҳ айтди: “Қизим камола келибдур” –деб ўйлади ва унга “муносиб” бир одам кўзлаб, фикр дарёсига ғарқ бўлди. Подшонинг бир оғайниси бор эрди, отига Шаҳзода Эрманус дер эрдилар. Унинг Қоработир деган ўғли бор эрди. Ул қурол-яроғ ишлатишга, жангу-жадалга ўкта йигит эрди ва бутун қўшинларининг ихтиёри унинг қўлинда эрди. Подшоҳ Зухражонни шу Қоработирға майил этиб, вазир вузаролари, бутун аркони давлатини чақириб, Қоработирни ҳам чақиририб:

-Менда бир гул камола келибдур. Уни мард ботир йигитларимдан бири Қоработирға бермакликни ихтиёр этдим, -деди. Ул вактда –вазир вузаролар Қоработирға: “Қутлуғ бўлсин” “Ўнг бўлсин”, дедилар. Сўнгра хазинадан Қоработирға бош оёқ куёвлик сарполари берилди. Шу онда қозини келтириб, гувоҳларни ҳозирлаб, Зухражонни Қоработирға никоҳлаб қўйдилар. Қоработир шоҳнинг қизини олған одам бўлиб, муртини товлаб, ўзинда бор хазинани чиқариб, шаҳарларни чароғон этиб, аҳли аркони-давлатина сарупо бериб, кўп факир ва фуқароларға инъому сарполар, тангалар ҳадя қилди. Ўн беш кечакундуз тўй-томуша берди. Сўнгра кеча бўлғунча Қоработир Зухражоннинг кўшкина бориб, қўл қовуштириб унга салом берди ва отасининг Зухрани унга бағишлиғанини аён этди. Бу сўздан Зухра қизнинг юрагина ўт тушиб, Қоработирға ғазаб билан айтди: -Эй Қоработир! Гавҳарни итнинг бўйнига тақсанг, гавҳар ҳам йиғлар ит ҳам. Сен ким мен ким? Накора аҳмоқ одамки, биздан сўрамасдан иккимизнинг ўртамиизда сулх-никоҳ боғласа.

Гўёки заъфаронни эшакнинг олдига тўқкандай бўлур. Бор, йўқол, кўзимга кўринма!-деб бир абёт айтди:

Кетгил мундин, қорачўмоқ,  
Мен сенинг ёринг эмасман.  
Санга “бердим” деган аҳмоқ!  
Мен сенинг ёринг эмасман.

Бир қарға сан “хор” ичинда,  
Ошиқ бўлған зор ичинда,  
Сайр этар гулзор ичинда,  
Севар гулзоринг эмасман.

Бир ошиқ бечора бўлсанг,

Мени деб оввора бўлсанг,  
Агар гавҳарпора бўлсанг,  
Мен харидоринг эмасман,

Бугун отамфа ағёрман,  
Ҳар зулм ичинда борман,  
Тоҳир деб хаста-беморман,  
Сенинг bemorинг эмасман.

Отам зулм этди бошима,  
Рахм этмади кўз ёшима,  
Дилбарим келар қошима,  
Сенинг дилдоринг эмасман.

Менинг ошиқлиғим ҳақдир,  
Инкор айлаган аҳмоқдир,  
Менда бир мақсадинг йўқдир,  
Хеч қиласар коринг эмасман.

Фидо бўлмам фидо бўлсанг,  
Ҳавасинг қўп жудо бўлсанг,  
Зухра деяр, гадо бўлсанг,  
Мен сабабкоринг эмасман.

Алқисса, Зухражон сўзини тамом этгандан сўнг Қоработир бир оғиз сўз айтиб билмасдан, унга қўл хам теккизаб билмасдан, масхара бўлиб, уйига қайтди. Шундан сўнг Зухражон ёқасини йиртиб: “Эй худойим! “ Тоҳиржондан дарак бер, ё бу жонимни ол. Сендай улуғ зотнинг Тоҳиржонни келтирмакка ёки шу золим Қоработирнинг жонини олмоқлиққа кучинг етмасми? Ҳар бир иш сенинг ихтиёринг билан бўлса, деб Тоҳиржоннинг ҳажринда бехуш бўлиб йиқилди. Бир замонлардан сўнг хушига келиб, Гулзода деган канизига қараб:-Дунёнинг зийнати, давлати менга керак эмас. Сен буларни ташқари чиқариб, фақир –фуқароларга сарф эт, -деб хазинанинг калитини берди.

Зухранинг йиғламоқдан ўзга иши бўлмади. У Тоҳиржонни ёд этиб, мажнуни девона бўлиб, оху-фарёд этиб юрар эрди. “Эй Тоҳиржон, сен ё ўзга бир ерга мубтало бўлдинг, ё бир балоға дуч бўлдинг, мени ёд этмадинг, кўнглимни обод этмадинг.

Мен зору гирёning бўлиб келдим. Ишқингда девона бўлдим. Балки сен бирорта ҳуру-парилар билан даврон суриб, боғу-боғчасида сайрон этиб юргандирсан.

Мен сенсиз ожиз қолиб, юзларим заъфарондай сарғайиб, ўлар ҳолға етишдим. Сенинг билан сурган давру-давроним, баҳтли онларим энди армон бўлди. Салтанатлар, тожу-давлат барбод бўлди, шакарлар заҳар, дўстлар ағёр бўлди. Кўзларим йўлингда интизор бўлдим... Ёриндан айрилған бир бенаво, гулистонидан айрилған бир боди-сабоман. Сенсиз бу кўшклар, бу боғлар,

саройлар кўзимга дўзахдан ҳам ёмон кўринар. Сенинг висолинга етмак, дийдоринга тўймоқ бормикан?”-деб, Зухра қиз зор-зор йиғлаб, бир ғазал айтди:

Сендан айри ман бедаво дарди ҳижрон қолмишам,  
Ўлмайин қолдим бугун, ҳолимға ҳайрон қолмишам.

Барчалар ишрат тўнида кездилар сайрон аро,  
Найлайн, зулмат аро ман зору-гирён қолмишам.

Ёрим йиғлар элга базм айларки даврон боғида,  
Мен бугун хори мўғилон ичра сайрон қолмишам.

Телба қўнглим кўп ҳавас айлар ўшал дилдорини,  
Дали саргардон бўлиб, саргашта инсон қолмишам.

Подшоҳи ҳусн эрдим, тахтим аро султон эрдим,  
Тахту-тожим сел йиқитди мунда меҳмон қолмишам.

Булбулим учди букун, азм этди ҳижрон боғина,  
Мен ҳазонли гулшан ичра бағри бирён қолмишам.

Ёр ағёр ила ёр бўлдимки, ёрини тарк этиб,  
Мен ки тарк айлай десам, найлайки, бежон қолмишам

Зухра дер, ёр –булбулим учди ҳазонга боғидан,  
Оташи ҳижрон элинда айлаб афғон қолмишам.

Алқисса, Зухражон сўзини тамом этди. Канизлари бунинг йиғламоқина тоқат қилиб билмай, йиғлаб, “Бир соз-суҳбат этайлик, балки Зухра қизнинг кўнгли очилғай”,-деб маслаҳат этишдилар ва Зухранинг ёниға келиб:-Сен йиғи-сигингни қўйсанг ва бизга рухсат берсанг, биз соз –суҳбат бошласак, -деб ёлвордилар. Зухра қиз рухсат берди. Канизлар соз- суҳбат, улуғ мажлис қилдилар. Зухранинг чехраси бир оз очилгандай бўлди. Шу ўтиришда ғафлат уйқусига кетди. Шунда канизлар, маслаҳат қилдилар. Зухражоннинг қайфу-ҳасрати бироз чекинган вақтида бош-оёқ кийим- бошларини олиб, таомини еб, бошиға шундай иш тушган вақти бўлса, чорасини топмасак, нон ёғиси бўлдикимиздур”,- дейишдилар. Ул вақтда Гавҳар:

- Агар Тоҳирни келтирмасак, Зухранинг дардига мундин бошқа чора йўқдур,- деди. Шунда бошқа канизлар:- сен ҳаммамизнинг саркамизсан. Бу ишнинг чорасини сендан бошқа топа билмас, - дедилар. Гавҳар: - Мен бу ишнинг чорасини топарман. Эрта тонг билан туриб, Зухранинг хазинасидан бир оз тилло- кумуш олиб, қаландар эшигига кириб, шаҳарма- шаҳар кезиб, Тоҳирни излаб, қаерда бўлсада, топиб келтиарман. Агар топмасам ўзим ҳам қайтиб келмасман. Иншоолло албатта топарман- деди. Гавҳар қиз, ўн тўрт ёшли, камола етган, узун бўйли сарви бўйли, гўзал бир қиз эрди. У қўлига

күзгү ойнани олиб, юзини күрганда, ўз-хуснига ўзи ҳайрон қолиб “Мен ўн түрт кечалик ой мисоли чиройлидурман”-деб ўйлар эрди.

Канизлар:-Эй Гавхар, сен бу маслаҳатни маъқул күрган бўлсанг, Зухрани уйғотайлик-дедилар. Гавҳаржон:-Мен бошимни Зухрага садақа этарман, деганидан сўнг Зухражонни уйғотдилар.

Зухражон оҳу-фарёд этиб йиғлаб турди. Канизлар қилган маслаҳатларини унга баён этдилар. Зухражон ҳаёжонланиб ҳам ўтириб, ҳам туриб, Гавҳарнинг бўйнидан қучоқлаб:-Сенга оқ йўқ бўлсин! Тоҳиржонни кўрсанг менинг аҳволимни бир-бир айт. Агар тирик бўлса-ўзини, ўлиб кетган бўлса танидан бир нишона келтирасан ва айтарсанки: “Ошиқ бўлган одам зулм кўрмаклиги бегумондур. Боғ ичида олма норим камолга келибдир. Золим Қоработир ҳар кун келиб, олма –норимдан юлажак бўлиб, юз-минг қайғу-ҳасратда қўёдир. Мен боғимнинг дарвозасига қоравул қўйиб, ором оларман. Шоҳнинг зулми оғир келиб, золим Қоработир менга қўлини етиражак бўлса, ўзимни ўлдиарман деб қўрқарман. Тоҳиржон мунингдин ор-номусға, хиёнатга қолмасин! “-деб йиғлади. Гавҳар қиз:-Агар Тоҳирни келтирмасам, номард бўлай,-деб аҳд қилди.

Шундан сўнг Гавҳарни юбормоқ учун, йўл анжомини ҳозирлаб, унга қаландар либосини кийдириб, бир хуржун тилло билан нортуюяга миндириб, Зухра қиз канизлари билан қайтдилар. Тоҳирни жуда соғиниб, бир ғазал айтди:

Гавҳаржон сен кетсанг ёр сўрофина,  
Борсанг Зухра ёринг омон –дегайсан.  
Сени дейиб ўтлар тушиб қалбина,  
Бағри бирён кўкси гирён –дегайсан.

Ёр дейиб йиғлади қанча айёми,  
Дилинда ёр деган орзу қаломи,  
Ҳажрингда юборди сенга саломи,  
Кундан кунга ҳоли ёмон дегайсан.

Гоҳи телба каби термулиб туриб,  
Гоҳи етимлардек бўйини буриб,  
Гоҳо хасталардек ранги сарғайиб,  
Узатди ёнимда нолон –дегайсан.

Рақиблар ўт солди шириң жонина,  
Душман хушвақт бўлиб сифмас тўнина,  
Висол истаб Зухражоннинг ёнина,  
Қоработир бермас омон дегайсан.

Ошиқ бўлған шириң жоннан кечмасми?  
Ёрни суйган ёр лабиннан ичмасму?  
Қўрқарму ўлимдан, ёрни кучмасму?  
Зорланиб зорланиб гирён дегайсан.

Сўзимни айт, дикқат қилсин сўзима,  
Қора чексун Бобохоннинг юзина,  
Шоҳ ғазаб айлайиб якка қизина,  
Қилди ул қорага нишон дегайсан.

Борсанг Тоҳирга де: тездан-тез келсин!  
Вақтимнинг танглигин сўзимдан билсин,  
Толеи терс бўлса Зухра найласин,  
Зухра қизнинг баҳти талон дегайсан.

Алқисса, Зухра қиз сўзини тамом этгандан сўнг Гавҳаржонни йилмояға миндириб, жиловини қўлиға ушлаб боғдан ташқариға чиқдилар. Яна бироз зару-зарбодан, лаъли жавҳардан юклаб: “Ҳар ерда фақири-фуқаро, етим-есирлар бўлса, бу тилло-гавҳарларни Тоҳиржоннинг бошининг садақаси учун сарф этарсан. Зора, шу садақаларинг қабул бўлиб Тоҳиржон топилса”, -деб Зухражон йиғлаб, Гавҳарга топширди. Сўнгра: -Қайси шаҳарга борсанг, шу юртнинг эгалари бўлғон хукмдорлар билан яқин бўлғил. Улар ҳар ердан хабарли бўларлар ва бошинга иш тушса осон ҳал бўлар. Агар Тоҳирни ўзини кўрсанг ё хабар эшитсанг айтғилки: “Дарҳол етиб келсин”, -деб Гавҳарни шаҳардан ярим манзилгача узатиб борди. Шул замонда Воҳид деган бир қаландар бор эрди. Ул Шахрижон отлиғ бир қизга ошиқ бўлиб, унинг ҳасратида куйиб, маст бўлиб, шаҳарма-шаҳар, кўчама-кўча сўроғлаб кезар эрди. Шул қаландар буларға дучор бўлди. У айтдики: -Эй Зухражон, сайил муборак бўлсин. Сен бу ерларда не сабабдан юрибсан-деди. Зухражон жавоб бермасдан тўғри ўтиб кетаверди. Шунда Воҳид қаландар Зухранинг олдига ўтиб, бош эгиб салом берди ва айтдики: -Эй ошиқларнинг подшоси! Дарди-сирингни менга айт деб йиғлаб ёлворди. Зухра қиз кетиб бораётирған ерида тўхтаб: -Эй девона –қаландар, бу йил етти йил бўлибдирки раҳм этиб, мунингдин этиб аҳволимни сўрғон одам бўлмади. Сен накора раҳм-шафқатли, меҳрибон одамсанки, мендан хабар сўрайсан,-деди. Шунда Воҳид қаландар: -“Зар қадрини заргар билар”-дейиб дурлар. Агар сен менга аҳволингни баён этмасанг мен ўзимни ҳалок этарман, деб йўлига равона бўлмоқ билан бўлаверди. Шунда Зухражон кўзидан қонли ёш тўкиб: -Эй қаландар! Сен ҳам менинг учун ҳасрат чекма. Ҳар не ғам чексам, ўзим чекайин. Аммо мендан хабар сўрсанг, хабаримни берайин-деб зор-зор йиғлаб бир ғазал айтди:

Воҳид мендан хабар сўрсанг,  
Бир ёр учун саргардонман.  
Кошки ёрдан хабар берсанг,  
Дилдор учун саргардонман.

Сарғайиб сўлди гул юзим,  
Захар бўлди ширин сўзим,  
Тоҳир кетди, қолдим ўзим,  
Озор учун саргардонман.

Кўрсам ёрнинг қадди бўйин,  
Ҳақ мұяссар қилса рўйин,  
Ғам олибдур қалбим уйин,  
Ғамхўр учун саргардонман.

Вайрон бўлсун тожу-тахтим,  
Ёрни деб юрагим ёқдим,  
Ғафлатдан уйғонмас баҳтим,  
Бемор учун саргардонман.

Боғларда битган сунбулим,  
Тар ғунчадек тоза гулим,  
Гулдан айрилғон булбулим,  
Гулзор учун саргардонман.

Етти йил дарёда оққан,  
Шум толеъим айро солғон,  
Зухра дейиб бағрин ёққан,  
Ул нор учун саргардонман.

Келди айролик лашқари,  
Мен найлайин сийму-зари,  
Ёра гўндаргил Гавҳари,  
Ул ёр учун саргардонман.

Сиз айб этманг Зухрани,  
Кўзларман мен Тоҳиржонни,  
Найларман ёхти жаҳонни,  
Дийдор учун саргардонман.

Алқисса Зухражон сўзини тамом этди. Воҳид қаландар: -Эй Зухражон! Бир оз сабр эт, сенга бир арзим бор, истасанг айтайн!-деди. Зухражон:- Айт, не арзинг бор!- деди. Шунда Воҳид девона:- Гавҳаржон бир қимматбаҳо тошдур, унга ҳамма одам харидордур. Гавҳарнинг сиртини ҳар зот билан безасанг ҳам ичидан маълум бўлар.

Агарда сиз Гавҳар қизни қаландар сифатида узоқ юртларға юборсангиз йўлда не қўп қароқчилар кўп, улар буни тутарлар. Албатта, Гавҳар ҳар кимнинг қўлига тушса, бўйнуға тумор этиб тақарлар, сенинг хизматинг ҳам битмас, Гавҳар қиздан ҳам айриларсан, деди. Агарда сўзимни қабул этсанг, шул хизматингни Гавҳар қизга эмас менга топширсанг, шул хизматингни мен битиарман. Менинг аслимни сўрсанг, менинг ўзим аффоннинг Қобул шахридан бўларман. Мен ҳам Тоҳир янглиғ бир дали қаландарман. Бағдодда Шахрижон деган қизға ошиқман. Қаландарнинг ҳолини қаландар билади. Мен эр киши бўлғаним учун ҳеч ким менга қўл ҳам, тил ҳам тегдириб

билмас. Сенинг шу ишингни мен битиурман, мендан бошқа битириб билмас. Гавҳаржон сен билан боғларни сайр этмакни билади, холос –деди.

Шунда Зухражон: -Мен бир толеи юз ўғирган одамман. Сен ҳам ваъда бераб, яна бир шаҳарда бир қизға дуч бўлиб, мени ёдингдан чиқарарсан, деб қўрқаман, -деди. Воҳид айтдики:-Эй Зухражон, иккаламизнинг орамизда худонинг улуғ отидан аҳд, бўлсин.

Мен Тоҳирни топиб сенинг олдингга олиб келмагунча ором олмасман, -деди. Бу сўз Зухражон ва Гавҳар қизға мақул тушди. Улар маслаҳатлашиб Гавҳарни қайтариб, Воҳидни юбормоқчи бўлдилар. Зухражон Воҳид қаландарга бехад тиллалар бераб, йилмояни ҳам топшириб: -Эй қаландар! Шариатда шарм йўқ. Менинг олмаю-норим камола келибдур, мунда золим Қоработир харидор бўлиб, ҳар кун келур. Аммо бир баҳоналар билан ўзимни сақларман. Агарда мева пишиб ўтлашиб кетса, тулки-шоғоллар пайхон этиб зоя этар. Шунинг учун Тоҳиржон тез етиб келсин,-деб Воҳидға оқ фотиҳа бераб, зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлаб бир ғазал айтди:

Воҳид кетар бўлсанг мундин,  
Жоним суйган жонни гатир,  
Ёрим нечун келмас андин,  
Ўйим зиёда кун-кундин,  
Ширин жоним чиқар тандин,  
Пинҳон сирим йўқдир сандин,  
Сен ҳам ал кўтарма мандин,  
Ал кўтармам бу ватандин,  
Ўлдим айролик дардиндин,  
Дардима дармонни гатир.

Менинг учун ёниб – куйган,  
Ғулпоғин ҳар ёна ёйган,  
Чин ҳақиқат дўстман деган,  
Ишқнинг сариштасин еган,  
Ҳар кима бир сирин деган,  
Юрагимда доғлар қўйган,  
Қошимда зар - зарбоф кийган,  
Рақиб дийдориннан тўйган,  
Ёнар ўтима сув қўйган,  
Ёлғончидаги кўнглим суйган,  
Уйғон, қора баҳтим, уйғон!  
Туганмас давронни гатир.

Кўнглим талвас этар ёрни,  
Мавж урар ишқнинг бозори,  
Камол топмиш олма - нори,  
Булбулим йўқ қилса зори,  
Кўринса ёрнинг дийдори,  
Дийдорининг харидори,

Садақа дунёning бари.  
Инжадур ғулпоғин тори,  
Ошиқнинг номуси ори,  
Бу кун эди йилдан бари,  
Корим ёрнинг оҳи зори,  
Ул чашми гирённи гатир.

Ғам дарёсина ғарқ бўлғон,  
Шоҳ жонина ғазаб қилғон,  
Севар ёриндин айрилғон,  
Мажнундек девона бўлғон,  
Лайли каби бағрин тилган,  
Ишқнинг тифин жона чолғон,  
Гул мангзи сарғалиб - сўлған,  
Дарагин билмас ҳеч келган,  
Ишрати йўқ бизнинг билан,  
Билмам тирикми ё ўлган,  
Бизнинг билан ваъда қилган,  
Ул аҳди ёлғонни гатир.

Ёрим анда ақли ҳайрон,  
Кўзларим йўлинда гирён,  
Фалакдин чоки гирибон,  
Юрагим қон, бағрим бирён,  
Боғларим қолди бесайрон,  
Ёрим қанда чекар армон,  
Ошиқлардин ўтти даврон,  
Қарорим йўқ юзинг кўрман,  
Топмайин дардима дармон,  
Ёқди мани рӯзи ҳижрон,  
Зухра деяр, ман саргардон,  
Беақл нодонни гатир.

Алқисса, Зухражон сўзини тамом этди. Воҳид:-Эй Зухражон, мен Тоҳирни қайси нишоналаридан таниб оларман? –деб сўради. Унда Зухра: - Ҳар шаҳарда ва қальбаға борсанг, оҳу- фифон билан нола қилиб “Ишқнинг элинда менинг каби қуйган борму?” – деб зору- гирён қилсанг, санинг оҳу-нолангни эшитса, Тоҳиржон бир лаҳза ҳам сабр этиб туриб билмас. Ўзи ўрта бўйли, қалам қошли, зарафшон кокилли, ишқ ўтифа қуйган зебо йигитдир, деди. Воҳид қаландар оқ фотиҳа олиб, отини қўйиб йилмояға минди ва карвонға қўшилиб, қайдасан дарёning оёғи деб йўлға равона бўлди.

Воҳид бир неча манзил йўл юриб, тоғларни ошиб, чўллардан ўтиб охири катта бир шаҳарға етиб келди. Бу Бағдод шахри эрди. Қаландар бу шаҳарга кириб, кўчаларини, масжид-мадрасаларини айланиб, ҳам Тоҳиржонни сўраб, ҳам нолиш қилиб: “Бу шаҳарда менингдек ишқ ўтинда қуйган дали-девона борму?”-деб бораверди. Аммо ҳеч кимдан сас-самар

чиқмади. Воҳид бу шаҳардан ўзига дардош топмасдан шаҳардан чиқиб саҳроларға равона бўлди. Йўлда катта бир боққа йўлиқди. Боғнинг теграсида ўтириб: “Эй ёронлар, менинг каби ишқ йўлида гирён борму?”-деб нола қилди. Бу боғда бир неча шаҳзодалар, бекзодалар, сарой амалдорларининг болалари, соҳиблар сайр этиб юрар эрдилар. Буларнинг ичинда юрган бир зебо йигит-Тоҳирға Воҳиднинг кўзи тушиб:-Дўстлар, ишқ элинда мендай бағри куйган борму?-деб зору-фарёд қилди. Бу сўз ҳалиги йигитнинг қулоғига ёқиб тушди. У ёниндағи йигитларга:-Йигитлар! Сизлар бир оз тўхтаб турсангизлар. Мен ана шу одамнинг бориб хабарини бир олайн,-деб ҳалиги қаландарға қараб бир мухаммас айтди:

Дилбаро, ёдинг билан сийнамда ғам кон ўлди, кел!  
Ҳасратингда бузилиб, ҳолим паришон ўлди, кел!  
Жам бўлиб ғам лашкари, дил ичра меҳмон ўлди кел!  
Сен сабабли зори кўнглим шахри вайрон ўлди кел!  
Ишқи ҳажриннан жигарим лахта-лахта қон ўлди, кел!

Ҳар гула сайр айламанг, рухсори-боғинг бўлмаса,  
Ким эрур ҳамдам манга, ҳижрони доғинг бўлмаса,  
Шом эрур қундузларим, ҳусни-чироғинг бўлмаса,  
Истагим қанду асал, ширин дудоғинг бўлмаса,  
Кўнгилда дунё боғи, боғи эҳсон ўлди, кел!

Сарви қад, рухсори хуш, сиймин бадан, гул юзли ёр,  
Истадим ширин висолинг, дардга қолдим бешумор,  
Самонинг анвари сан, ер юзинда лолазор,  
Алмудом васлинг тилаб, тан ичра кўнглим бекарор,  
Ёрни деб ағёрдин маҳруми даврон ўлди, кел!

Қошлинг ёй, кипригинг ўқ, куйган бу жонимға от,  
Гар мени қатл айласа, улдур бу жонима роҳат,  
Лабларининг шарбатин тотған топар доим ҳаёт,  
Ошиғин маъшуқ агар ўлдирса, бўлғай руҳи шод,  
Раҳм қил еткур манга, сурати бежо ўлди, кел!

Нозли ёр сайра чиқмиш, васфини айлайнин баён,  
Подшоҳи ҳусн эрур, бешак муслимадур аён,  
Кокили сарв узра жонга балойи-ногаҳон,  
Туби бўйли, маҳвашим бўлғач назаримдан ниҳон,  
Ҳар тараф бўй чекмади сарви хиромон ўлди, кел!

Тоҳир, ёд айларам шому сахар ул маҳваши,  
Айро солди, Зухражондан бу фалакнинг гардиши,  
Истарам дилдордин хабар келтирса бир киши,  
Ҳажридан Қақнус каби сийнамға солиб оташи,  
Ушбу ҳолими кўриб, коғир мусулмон ўлди, кел!

Алқисса, Тоҳир сўзини тамом этди, Воҳид бу йигитнинг ҳасратли сўзидан Тоҳир эканин билиб, масти-мастона бўлиб, Тоҳирнинг қошига бориб бир ғазал айтди:

Дўстлар, тақдир азал кўнглум аро жо қилди ишқ,  
Кунда юз меҳнат билан бошимни ғавғо қилди ишқ.

Дайди итлардай кезарман чор тарафга термулиб,  
Нақди умрим ҳосилин бир дамда ёғмо қилди ишқ.

Қонли бағримни кабоб этди, солиб сийнамға доғ,  
Лабларимни ташна, кўз ёшимни дарё қилди ишқ.

Йиғлабон, шу кўзларимдин ашқ тўкилди, найлайин!  
Кўзларимни кўр этиб, кўнглима бино қилди ишқ.

Кунда юз қатла ўларман ким, яна юз тирилиб,  
Махрами-мавт ўлмушам, маҳруми дунё қилди ишқ.

Ҳижроннинг водийсинда, саргардон кезарман ночор,  
Бошимға тош ёғдириб, ҳолимни расво қилди ишқ.

Ёрдан чекдим оёқ, бир дам фарогат бўлғали,  
Кўнгул ичра жо бўлиб, ёрни таманно қилди ишқ.

Бир парига бек бўлиб, келдим ки Тотор шаҳридин,  
Ёр кўйинда бас они мажнуни шайдо қилди ишқ.

Ошиқ айтар Воҳид, ишқ йўлинда мардона бўл,  
Ишрат уйин банд этиб, ҳасрат уйин во қилди ишқ.

Алқисса, Воҳид қаландар сўзини тамом этди. Шу вақтда Тоҳиржон келиб Воҳиддан хабар сўради. Воҳид ҳам жавоб берди. Тоҳиржон билан Воҳид қаландарнинг саволли-жавобли шеъри:

**Тоҳир:**

Хабар бергил Воҳид, қайдан келарсан?  
Не сабабдин тушдинг бизинг бу жойға?  
Хар онингда юз-минглаб оҳ урарсан,  
Оҳинг ўққа мангзар қоматинг ёйға?

**Воҳид:**

Гашт айлайиб чиқдим Тотор ютидин,  
Ўзим каби саргардонни изларман.  
Эй шаҳзода, сўрсанг менинг дардимдан,  
Дардим чўхдир, бир дармонни изларман.

**Тоҳир:**

Тотор деб сўзлаган тилингдан дўнам,  
Сенданам ортиқроқ саргардон манам,

Алмудом бир қизнинг ишқинда ёнам,  
Сочи тунга менгзар, юzlари ойға.

**Воҳид:**

Чарх уриб кезарман соғу сўлларда,  
Зухра юбормишdir, кўзи йўлларда,  
Топмасам, дурманам улуғ элларда,  
Жисмим олиб кетган жонни изларман.

**Тоҳир:**

Воҳид, нечун кўп оҳ чекиб сўзларсан?  
Бир пинҳон сиринг бор, мендан гизларсан,  
Қайси боғнинг боғбонини кўзларсан?  
Ростин дегил, банда бўлсанг худоя.

**Воҳид:**

Бир пари юборди, ўзи ул жойда,  
Хижрон захрин ютар, қўлинда бода,  
Шоҳнинг ғазабидин дали дарёда,  
Оқиб кетган бенишонни кўзларман.

**Тоҳир:**

Булбуллар сайраюр ёрнинг боғинда,  
Қизлар сайрон этиб кезган чоғинда,  
Нечук қаландарсан ёр сўроғинда,  
Ўтлар солдинг қалбим ичра сароя.

**Воҳид:**

Келтир дейиб, мени ундан юборди,  
Оёғимдан ўпиб онча ёлборди,  
Унга сен ёр дегил, вақting хуш эрди,  
Ишқда кўйган нотавонни кўзларман.

**Тоҳир:**

Тоҳир деяр, келмагайдим жаҳона,  
Зухранинг ҳажринда бўлдим девона,  
Бугун бўлар менга охирзамона,  
Гар етмасам унинг каби хўброя.

**Воҳид:**

Воҳид айтар, бошим солдим майдона,  
Карбало итидай кездим ҳар ёна,  
Шахри қизға ошиқ бўлиб ғойибона,  
Очилимаған тарғунчани изларман.

Алқисса, Тоҳир: “Бу ҳам менинг каби бағрини ишққа ёқкан қаландар эркан. Аммо лекин азалдан гап борки, қаландар халқи ёлғончи бўлар. Ёлғон сўзлар, мени аввалгидан бадтар аҳволға солиб, ҳолимни хароб айламасин. Ул Зухрани кўрибму, кўрмабму, шуни билайн”, -деб туюнинг жиловидан икки қўли билан товлаб тутиб:

-Эй ошиқларнинг шаҳан-шоҳи! Ул аввало худони, сўнгра ҳазрати пайғамбар расулиллоҳни ўртаға қўйиб тўғрисини айт. Менинг ишқ

ҳижронида куйган бағримни янада ёқма!-деб йиғлаб бир абёт айтди, қаландар ҳам жавоб берди.

**Тоҳир:**

Воҳид тезда хабар бер саволимнинг жавобин,  
Хабар бер, нозли ёрни сен не ахволда кўрдинг?  
Ўзимга ҳамроғ этдим ёрнинг солған азобин,  
Итларга шам қиларман куйган бағрим кабобин,  
Хабар бер, нозли ёрни сен нечук ҳолда кўрдинг?

**Воҳид:**

Санга жавоб айлайин ёринг қилған саволин,  
Мудом ёр деб йиғлаюр, мен шундай ҳолда кўрдим,  
Наргис каби кўзидин оқдириб ашки-олин,  
Ҳижрон шабинда истар, ёрнинг шамъи-жамолин,  
Кеча-кундуз йиғлаюр мен бундай ҳолда кўрдим.

**Тоҳир:**

Маҳвашим фироғинда тоғу-тошни кезарман,  
Мажнун каби саргардон, кўйинда дарбадарман,  
Қақнусдек олов ютиб, оташға сайр этарман,  
Бугун бу ҳолда, эрта кўр, не ҳолға етарман,  
Хабар бер, нозли ёрни сен нечук ҳолда кўрдинг?

**Воҳид:**

Кўшкда тунлари бедор, чекдиги оху-зордур,  
Сабринг уйин бузиб, алмудом бекарордур,  
Кўз ёшининг рангидин гул юзи лолазордур,  
Кўшки мисоли зиндан, жаҳон кўзина тордур,  
Мен сенинг нозли ёринг, бекарор ҳолда кўрдим.

**Тоҳир:**

Гул юзини кўрмасам, ҳар ҳафтада ҳар ойда,  
Бу кўнглим тоқат қилмас мотамхона саройда,  
Қайтмам ишқнинг йўлидин, чиқса жоним шу куйда,  
Кўрмасам Зухражоним, туробилмам бу жойда,  
Хабар бер, нозли ёрни сен нечук ҳолда кўрдинг?

**Воҳид:**

Шоҳнинг қизи шаҳзода, куйинда бир ғарибдур,  
Ҳажринда заъфарондек гул юзи сарғарибдур,  
Ожиз жона оғир юқ-ишқ ичра ким кўрибдур,  
“Мақсадға етмадим..”-деб, тўрт ёнға телмурибдур,  
Мен сенинг нозли ёринг бўйла ахволда кўрдим.

**Тоҳир:**

Жонон учун жон чекиб, ширин жоним берурман,  
Ёнинда кўрсам агёр, ўзим ўтға уурман,  
Ёлғиз бошим йўлинда, хизматинда туурман,  
Чин ошиқи дийдорман, ёр жамолин кўурман,  
Сен менинг нозли ёрим нечук ахволда кўрдинг?

**Воҳид:**

Кеча-кундуз уйқу йўқ, кўшки устинда бедор,  
Ситам ўқин отарлар дегра-дошинда ағёр,  
Ёр саломин келтиридим, қошинда қилдим изҳор,  
Лол бўлибдур тиллари сўзламас тўти гуфтор,  
Ғам-аламға ғарқ ўлмиш, бўйла ахволда кўрдим.

**Тоҳир:**

Билмадим, ёр лабиндин қайси ташна қонибдур,  
Булбул кетиб юртидин, зоғлар келиб қўнибдур,  
Оҳим етар османа, бағримда ўт ёнибдур...  
Етти ошиқ ўтибдур, ким мендек ўртанибдур?  
Тоҳир дер, Зухражонни сен нечук ҳолда кўрдинг?

**Воҳид:**

Қизлар ичинда сархуш, ажаб сарви-хиромон,  
Ҳасратингда қон йиглар гул юзли моҳитобон,  
Устихонин қул этмиш айролиқ рўзи-ҳижрон,  
Кўнглида юзминг армон, кўзлари хуни гирён,  
Воҳид дер, Зухражонни, мен бўйла ҳолда кўрдим.

Алқисса, Тоҳиржон билан Воҳид қаландар сўзларини тамом этдилар.  
Воҳид айтдики: -Эй йигит, агарда Тоҳир сен бўлсанг, мен Тотор вилоятидин сенга келган совчи бўлурман. Тотор вилоятининг қизларининг шаҳаншоҳи Зухражоннинг юраги қон, жигари бирён, дийдаси гирён, ақли ҳайрон, боғлари бесайрон, ошуфтаи даврон, кўшки ўзина зиндон, иши аффон, чекдиги фифон, душманлари шодон, кўнгли аламда, кўзлари намда, хотири ғамда, жони ситамда, дунёдан кечиб, кеча-кундуз сенинг йўлинга қараб, сенинг орзуингдадур. Золим Қоработир уни олмоқ ниятида Зухражоннинг устига кунда беш вақт келиб кетар. Аммо Зухражон ёлвориб-ёқариб, турли хил тадбирлар била уни юборар. Ул Тотор вилоятинда бир мусофири янглиғ кун кечирап. Агар кетар бўлсанг тез йўлға отлан. Агар кетмасанг, менинг руҳсатимни бер, мен сенинг хабарингни тезда Зухражонга етказай, деди.

Тоҳир бу кишининг Зухра томонидан жўнатилганини билиб, ўрнидан туриб қучоқлашиб кўришди ва:-Зухрани ўз кўзинг билан кўрдингму, сўзини қулоғинг била эшитдингму, деб сўради. Воҳид:-Бале, ўзини ҳам кўрдим, сўзини ҳам эшитдим. Сенинг учун бор дардини баён этди. Мана бу саломномани ҳам сен учун юборди, деб, унинг қўлига хат тутқазди. Тоҳир ҳатни аввало кўзига суртиб, сўнгра очиб ўқиди, хатнинг мазмуни бул туур:

“Аввало бисмиллоҳи раҳмонирраҳим ва сўнгра Муҳаммад Мустафо алайҳиссаломға сано ва дуруд. Мен ишқ ўтиға куйган Зухра ғарib тарафидан олийжаноб Тоҳиржонимға, поки домонимға, ҳасратли сарвихиромонимға, муҳаббат моҳитобонимға! Арзим шулдур: худойим сиз жаноби олийни ҳамма балои бадтарлардан омон сақлаб, бир-бирилизга адабий қовушмоқни мұяссар этгай. Сиз, мен ожизи нотавонни ҳасрат доғида ва ҳижрон зулмининг доғида ташлаб кетдингиз. Сиз кетгандан бери ҳар куним йилдек бўлиб, оҳу зоримдан Бобохон омонга келди ва қизим балоғат ёшига етибдур, деган ўйга келиб мени қўшин боши Қоработирга никоҳлаб бермоқчи бўлди.

Мен ҳам бу сўзни эшитиб, ўзимга уч марта ханжар урмоқни ният қилдим. Аммо канизларим билиб қолиб, мени бу ишнинг қилишимга йўл бермадилар.

Бир куни Қоработир менинг боғимда пинҳон келиб, учрашмоқчи бўлди. Мен уни калтаклаб, ҳайдаб юбордим. Лекин ул ҳозирда ҳам менинг кўнглимни овлаш мақсадида келиб туради. Лекин мен гоҳида ҳийла билан, гоҳида қаҳр-ғазаб билан уни боғдан чиқариб юбораман. Менинг хавфим подшо билан унинг фикри бир куни бир жойдан чиқиб, менинг ҳолим забун бўлмасмикан, деган ўйдир. Шунинг учун ушбу хатни олган заҳоти ё мендан кечганлигингни билдири ёки келиб менга эгалик қил. Киши ошиқликда жабрситам чекар. Бир марта шоҳ ғазабига дуч бўлдим деб, энди камолга етган гулзорни эгасиз қолдирмоқ гуноҳдир. Сўзим тамом, худой таъло омонлик берсин”.

Тоҳир хатни ўқиб, бехуш бўлиб йиқилди. Сўнгра хушига келиб:- Зухрани кўрган кўзларингдан айланайин, деб Воҳиднинг оёғига бош қўйди. Тоҳирнинг юрагига ўт тушиб, ўтирган-турганини билмас, гўё ойнага тушган қуёшнинг ёлқинидай ҳар ёққа чайқалар эрди.

Сўнг Тоҳир маслаҳат қилиб Воҳидни мусофиirlар карvonсарайиға олиб борди. Воҳидни ул жойда қўйиб, унга хизмат айлаб, меҳмон қилди. Кейин:

-Эй шоҳи Қаландар, сен бу жойда ўлтириб тур. Мен ҳам бу шаҳарда меҳмон эруман, бориб шоҳдан рухсат тилаб қайтаман, деди.

Тоҳир Одилшоҳнинг хузурига бориб, бош эгиб салом берди. Подшо алиқ олиб ўтиришга ижозат берди. Тоҳир:

-Эй Сулаймон салтанат, Искандар шавкат, шоҳим, азиз қиблагоҳим, сизга икки оғиз сўзим бор деб, бир абёт айтди:

Зухражоним манга салом юбормиш,  
Шоҳим, манго рухсат берар кунингдир.  
Кўшкида йиғлайиб, бекарор эрмиш,  
Шоҳим, манго рухсат берар кунингдур.

Мусофирам бул Бағдоднинг шаҳринда,  
Ал мудом куярман ишқнинг бағринда,  
Кўзим қонда, лабим ҳижрон заҳринда,  
Бугун манго рухсат берар кунингдур.

Ёрим анда йиғлар, мени келсин деб,  
Келиб дол гарданга қўлин солсин деб,  
Ёки Зухражондан жудо бўлсин деб,  
Бугун манго рухсат берар кунингдур.

Мени кўп қийнамиш нозанин дилбар,  
Ёрнинг ҳижронида қалбим саросар,  
Дийдоринг тиларман то рўзи маҳшар,  
Манго бугун рухсат берар кунингдур.

Бир қосид келтирмиш ёрнинг паёмин,

Кўз ёшидан ёзмиш ёрим саломин,  
Ёд этмиш сабоқдош ўқиб каломин,  
Тоҳир деяр, рухсат берар кунингдур.

Тоҳир сўзини тамом этди, шоҳнинг оёғига йиқилиб йиғлади. Шу ердаги барча кишилар ҳам йиғладилар, боргоҳ гўё ёсхонага дўнди. Шоҳнинг ҳам кўнгли бузилиб:

-Аввалдан сен билан ошно бўлмасак яхши эрди. “Ошно бўлиш осон, айрилиш мушкул”, деган нақл бор. Бу нақл чин экан, деди. Подшо яна бир ўй-фикр қилиб:

-Эй Тоҳиржон, бу мақсадингдан қайт, истасанг подшолигимни, қизимни ҳам сенга берайин, деди.

-Агар рухсат қиласангиз бу йўлда ўлиб кетарман, деди Тоҳир.

Шунда подшо Тоҳир, бошингни кўтар, қайси томонга кетсанг ҳам бобонг рухсат берур деб бир абёт айтди:

Шоҳ рухсат бермас деб ҳазар айлама,

Кетар бўлсанг узоқ йўллар сеники.

Аммо ўзга элни гузар айлама,

Шоҳнинг мулки, улус-эллар сеники.

Шамол эсар фасли баҳор ҷоғида,  
Гиёҳ унур туман бўлар тоғида,  
Сайрон этсанг шаҳри Бағдод боғида,  
Тар очилган тозагуллар сеники.

Беклар билан мажлис қурсанг май ичсанг,  
Бағдодга бел боғлаб ўзгадан кечсанг,  
Соғу сўла сарфлаб, ҳар ёна сочсанг,  
Шоҳнинг хазинаси, қуллар сеники.

Қадринг билган жойда кезсанг ҳам кечсанг,  
Давлат барор бўлмас ҳар ёна кўчсанг,  
Дол бедовлар миниб, хур қизлар қучсанг,  
Узун бўйли инжа беллар сеники.

Одил шоҳ дер, менинг қадрим билмассан,  
Кунда юз ёлборсам пандим олмассан,  
Ўларсан, кетарсан, қайтиб келмассан,  
Кўзларингда қонли селлар сеники.

Подшо сўзини тамом этиб:-Эй Тоҳиржон, мендан сенга рухсат, аммо етти йилдан бери сени тарбия этган, боққан энагангдан рухсат тила ҳамда сенга кўп вақт ҳамроҳ бўлган Моҳимжондан ҳам ижозат сўра, эндиликда бизга сени кўриш ё насиб қилар ё йўқ, деди.

Тоҳир бул сўздан хушвақт бўлиб, хоним билан Моҳимжоннинг ёнига бориб, таъзим билан рухсат сўраб бир абёт айтди:

Жоним онам, рухсат бергил ўғлинга,  
Гашт айласин шахри Тотор юртина.  
Мұхаббат шарбатин олиб қўлинга,  
Дуо айла, мен ғарибнинг дардина,

Севдигим ғамгиндири Татар элинда,  
Орзуим қўнглида, отим тилинда,  
Бир телба нодонам ишқнинг йўлинда,  
Сифинмишам эранларнинг мардина.

Зухражон солланса мен назар солсам,  
Армонда қолурман кўрмайин ўлсам,  
Зухранинг йўлида садпора бўлсам,  
Мен ҳам тутгум таним тифи гардина.

Кул бўлсин, соврилсин суратим, жоним,  
Билмасин бир кимса номунишоним,  
Дилбарим қошинда тўкилсин қоним,  
Курбон ўлам ёрнинг оҳу сардина.

Тоҳир деяр, раҳм айлагил бу ҳола,  
Ташна қулинг қондир баҳри висола,  
Дилим наво истар юзда минг нола,  
Қулоқ сол, кўнглимнинг оҳу сардина.

Алқисса Тоҳир бу сўзни тамом этди. Ундан кейин Моҳимжоннинг энагаси Тоҳирнинг бу сўзларига қаҳри келиб бир абёт айтди. Тоҳир ва Моҳим унга жавоб бердилар.

**Энага:**

Кетарман деб, биздан рухсат тиласан,  
Бел боғлабсан Зухражоннинг йўлина.  
Бахти қаро нотавонни найларсан,  
Раҳм этмайсан Моҳимжоннинг ҳолина.

**Моҳим:**

Тоҳиримга бундай сўзлар демагил,  
Борсин, келсин мақсад этган жойина.  
Куйсам мен куяйин, Тоҳир куймасин,  
Мен бугун ботмишам ғамнинг лойина.

**Тоҳиржон:**

Зухра жононимдир, Моҳимжон жоним,  
Йиғлама Моҳимжон, кетсам келарман.  
Нечук тарқ этарман сен меҳрибоним,  
Йиғлама Моҳимжон, кетсам келарман.

**Энага:**

Жонин қурбон этди Моҳимжон санго,  
Ҳеч парво қилмадинг сен ундан янго,

Оғзидан ўт чиқар, кулоқ тут манго,  
Назар айла кўздан оққан селина.

**Моҳим:**

Кечмишам дунёда сим ила зардан,  
Ёшим оқдиарман бу чашми тардан,  
Зухра деб Тоҳирим кетсанг бу ердан,  
Боқмасман дунёнинг куну ойина.

**Тоҳир:**

Бошима тушубдур айрилик куни,  
Сенга фидо қилдим жон ила тани,  
Рози бўл Бобохон ўлдирса мани,  
Йиғлама Моҳимжон, кетсам келарман.

**Энага:**

Моҳим санго бўлди дарёда раҳбар,  
Сандиқдан чиқарди қелди деб дилбар,  
Бағрида доғ қўйдинг то рўзи-маҳшар,  
Фаҳм этмади сен маккорнинг олина.

**Моҳим:**

Сандиқдан чақирдим манго ёр деди,  
Яна сўрсам ғайри ёрим бор деди,  
Тотор қизларина кўзим зор деди,  
Ул кун қайғу тушди кўнглим уйина.

**Тоҳир:**

Бири товус, бири қўлнинг сўнаси,  
Ёқди мени икки қизнинг ноласи,  
Рухсат берсин Моҳимжоннинг энаси,  
Йиғлама севгилим, кетсам келарман.

**Энага:**

Моҳим билан беш кун ўйнаб-кулмадинг,  
Илтифотлар била назар солмадинг,  
Сенга кўнгил берди, кўнглин олмадинг,  
Нечун келдинг, шахри Бағдод элина?

**Моҳим:**

Гул юзинг кўрмакка кўнглим ҳавасдир,  
Бевафога жафо чекмак абасдир,  
Зухра даврон сурса бизларга басдир,  
Бир беш кун қувондик қадди бўйина.

**Тоҳир:**

Вой ғамзанг ўлдирди, бундай сўз қурма,  
Тиф била ўлдиргил, сўз била урма,  
Ноз била ёндирма, қошларинг бурма,  
Нозлим ғамгин бўлма, кетсам келарман.

**Энага:**

Хоним деяр рухсат берайин, болам,  
Оҳимдан ўртанар бу кулли олам,

Моҳим билан йиғлаб мен бунда қолам,  
Қачон сайр этарсан Бағдод элина?

**Моҳим:**

Моҳим деяр, алиф қаддим букилди,  
Рақиб сози шодиёна қоқилди,  
Йўлинг қараб қўзим нури тўкилди,  
Аввал нега тушдинг ишқнинг йўлина?

**Тоҳир:**

Тоҳир деяр севдим икки парини,  
Тоторда Зухражон, Бағдодда сени,  
Ўзингни озорлаб, йиғлатма мени,  
Рухсат бер Моҳимжон, кетсам келарман.

Алқисса савол-жавоблар тамом бўлди. Шунда энага: -Эй Тоҳиржон! Қайда бўлсанг, омон бўл! Мендан сенга рухсат. Сен мени чиққисиз дардга қўйдинг. Қизим сендан вафо ўрнига жафо қўрди, деди. Бу сўздан кейин Моҳимжон:-Эй эна; Тоҳиржонимга бундай сўзларни айтма, у мусоғир киши, мусоғир одамнинг кўнгли нозик бўлади. Мен унинг жафосини ҳам вафо ўрнида кўрарман. Умримни Тоҳиржонга бағишлаганман. Мен анча вақт бирга бўлиб унинг висолидан баҳраманд бўлдим. Энди висолнинг ҳижрон даври келди. Ҳар қандай роҳат азобдан кейин етиб келади. Шул вақтда Тоҳир чусту чобук ўрнидан туриб Моҳимга таъзим бажо қилди. Шундан кейин Моҳим хазинага кириб, Тоҳиржонга шоҳона либослар кийдирди, бошига мурассаб тож, белига ханжар тақиб, устига соябон тутди. Шу ҳолда Тоҳирга боқиб, унинг гўзал қоматини қўриб, беҳуш бўлиб йиқилди. Канизлар юзига гулоб сепдилар. Бир соатдан сўнг боз ҳушига келди.

-Эй нури дийдам, сени бу зебу зийнат оғушида яна бир кўришни худо мұяссар қиласмикан, деб зор йиғлади.

Подшоҳ хазинасида қадимдан бери бир қўшбоғ бор эрди. Ул қўшбоғни Сулаймоннинг хотини Билқис жин подшоларига буюриб тўқитган эрди. Қўшбоғ тилсимли бўлиб, уни ким белига боғласа, юз йил саёҳат этса-да, чарчамас ва мудом йигирма беш яшар кишидек қиёфасини йўқотмас эрди. Бу қўшбоғни Одил шоҳ ўғил фарзанди йўқлиги учун кенжа қизи Моҳимжонга совға қилган эрди. Моҳимжон қўшбоғни чиқариб Тоҳирнинг белига боғлади ва унинг бўйнига қўлини солиб зор-зор йиғлади. Тоҳирнинг қўлида Зухранинг исми ёзилган бир узук бор бўлиб, уни Тоҳир дарёга ташланиши олдидан Зухра эсадалик учун берган эди. Бу узукка боқиб Моҳимжон:

-Эй Тоҳиржон, шу узук сен ва Зухрадан менга ёдгор бўлиб қолсин. Ҳар вақт сени кўнглим истаса, унга боқиб, сени кўргандек бўлиб, кўнглим тасалли топар, деди. Тоҳир бунга рози бўлди. Шундан сўнг Моҳим хазинадан бир хуржун тилло келтириб, уни бир йилмояга юклаб, Тоҳирни устига миндириб, бир жиловида ўзи, иккинчи жиловида энагаси, ёнларида қирқ канизлари билан юриб:

-Эй Тоҳиржон, азиз умримни сен учун барбод қилдим, шоҳ қизи билан айш-ишрат қилсанг, мен бечорани ҳам унутмагил, деб йиғлади, шунда энага

ва канизлар ҳам йиғлашдилар ва Тоҳирга рухсат бердилар. Моҳим ҳижрон ўтида қоврилиб, бир ғазал айтди:

Эй Тоҳирим, кетсанг Тотор юртина,  
Бор, Тоҳирим, соғ бор, омон келгайсан?  
Дуо айла мен ғарибнинг дардина,  
Жон Тоҳирим, соғ бор, омон келгайсан!

Мундин кетсанг узок йўлларга тушиб,  
Анча-мунча баланд тоғлардан ошиб,  
Зухражонга соғ-саломат қовушиб,  
Бор, Тоҳиржон, соғ бор, омон келгайсан!

Фурқатдан сўлдирма гулу рухсоринг,  
Пирлар мадад берсин, ҳақ бўлсин ёринг,  
Яна тезда насиб этсин дийдоринг,  
Бор, Тоҳиржон, соғ бор, омон келгайсан!

Ўтди висол, келди айрилиқ куни,  
Кўнглимнинг хушлиги, кўзим равшани,  
Ёруғ дунём гумон этардим сани,  
Бор, Тоҳирим, соғ бор, омон келгайсан!

Қулоқ солиб эшит менинг бу сўзим,  
Ўзгани кўзласам, кўр бўлсин кўзим,  
Мудом сенсиз сарик бўлар гул юзим,  
Бор, Тоҳирим, соғ бор, омон келгайсан!

Мен нечук чекарман бу ёвуз дарди,  
Бугун ҳаром бўлди Бағдоднинг юрти,  
Моҳимжон қошингда рухсатин берди,  
Бор, Тоҳирим, соғ бор, омон келгайсан!

Моҳим сўзини тамом этиб, йилмоянинг жиловидан ушлаб борар эрди. Тоҳирни Моҳимнинг ёнида бўлса Зухранинг, Зухранинг ёнида бўлса Моҳимнинг ҳижрон азоби қийнаб ёвуз дардга айланди. Ул не қиласин билмай ҳайрон саросима бўлиб, Зухра томонга бир, Моҳим томонга бир боқиб, юрагига ўт тушиб, бағри бирён, дийдаси гирён бўлиб, эс-хушини йўқотди. Моҳимжон ҳам бағрида тош, кўзида ёш, юрагида армон билан: “Дардимга дармон эрдинг, энди не қилиб сенсиз ҳаёт кечиравман, деб йиглар эрди. Шунда Тоҳирнинг кўзи Моҳимга тушиб, унга тасалли бериб бир сўз деди:

Тоторда Зухражон, Бағдодда Моҳим,  
Кўзларимнинг оқу қароси қизлар.  
Тоғларни ёндирап бу чеккан оҳим,  
Битмас синаларнинг яроси қизлар.

Зухра деб сўзласам мен бағри бирён,  
Моҳимжоним йиғлар, юраги гирён,  
Икки қизнинг орасида саргардон,  
Ёқди мени ишқнинг ҳавоси қизлар.

Бири тарлон каби боқар ҳар ёна,  
Бири зулфин тарап, қўлида шона,  
Иккиси бир бўлиб ўт солди жона,  
Ёқди мени ишқнинг савдоси қизлар.

Бириси қиймирав, бири қош қоқар,  
Бири қуёш, бири ой бўлиб боқар,  
Бириси сув сепар, бириси ёқар,  
Жонимнинг офати, балоси қизлар.

Моҳимжон тўлган ой, шуъласин солар,  
Зухражон ошиқнинг кўнглини олар,  
Бирига юзлансан бириси қолар,  
Жисмимда жонимнинг қалъаси қизлар.

Бири ой, бири кун ето билмасман,  
Икковин бир қўлда туту билмасман,  
Шакар лабларидан юто билмасман,  
Мисоли қўлларнинг сўноси қизлар.

Ҳеч кимса куймасин куйган ўтима,  
Арзимни айтарман паризодима,  
Кеча-кундуз мудом тушар ёдима,  
Тоҳирнинг дилининг саноси қизлар.

Алқисса, Тоҳир сўзини тамом этди. Улуғу кичик жам бўлиб шаҳардан ташқари чиқдилар. Шу борища Тоҳир ишқдан маст бўлиб, яна айрилик дардидин куйиб беҳол бўлиб йиқилди. Шул вақтда Одилшоҳга Тоҳир ўзга элга кетиб бораётир, Моҳим у минган йилмоянинг жиловини тутиб бораётир, деб хабар бердилар. Подшо бу хабарни эшитиб, вазирлари, аркони давлати билан келиб, Тоҳирнинг бошини тиззасига олиб:-Эй Тоҳиржон! Бугун биздан айрилиб, Тоторга кетмоқ истарсан, аммо сен бизнинг юрагимиздан жой олгансан, мол-мулк, шон-шавкат, от-асбоб, гул-сунбул, тўти қушлар керак бўлса ва инжа бел, бодом қабоқ, писта даҳон, мурча миён керак бўлса-ҳаммаси бизда топилар. Моҳимжонни мунча хор-зорлик била отashi ҳижронга ташлама, деб кўп тавалло қилди. Шунда Тоҳир: давлатинг кам бўлмасин! Менинг сиздан ҳеч бир норозилигим йўқ, деб бир мухаммас айтди:

Симузар даркор эмасдур, симу рухсорим керак,  
Тўти қушни найлайн, ул тўти гуфторим керак,  
Гул керакмасдур манга, гулчехра гулзорим керак,

Сумбули урсин хазон, сунбул каби торим керак,  
Ишқ аро Мажнун бўлиб мен, Лайлидай ёрим керак.

Моҳимим Боги Эрам, мен эрамнинг булбули,  
Зухражон шоҳи жанҳондур, мен ки шоҳнинг бир қули,  
Икки дилбарнинг балосин қисмат этмиш аввали,  
Бири найнинг шаккаридур, бири жаннатнинг гули,  
Ойи руҳсори била хуршиди ховарим керак.

Олди ақлим бир париваш ул моҳи ширин забон,  
Яхшилардан яхшисан, мен ёмонлардан ёмон,  
Қолмишам ҳайрону ҳайрон, фурқат ичра куйди жон,  
Бунда сўйсам Моҳими, ул ерда йиғлар Зухражон,  
Ишқ савдоси солан қизиқли бозорим керак.

Софиниб ғилмон каби ҳар боқиши жоним олон,  
Гулшан ичра баллидур, сайр айласа қизлар билан,  
Зулфларининг зийнати мушк бирла анбардин бўлон,  
Боқиши ибо-билан сийнамга юз ўтлар солан,  
Икки наргис кўзлари, ноз бирла беморим керак.

Тоҳир айтар, орзу айларман ўшал дилдорими,  
Зухра отли моҳи пайкар, кўзлари хунхорими,  
Фоний дунё керакмас, кўрмасам ул ёрими,  
Мен нечук тарк айлайин Моҳим-гули руҳсорими,  
Бунда Моҳим, анда Зухра зулфи шоморим керак.

Тоҳир сўзини тамом этди. Подшо Тоҳирга руҳсат берди. Шаҳарнинг барча кишилари уни узатиб қолдилар. Тоҳирни дўст-ёрлари кузатиб борар эрдилар. Булар бир неча йўл юриб кун охирида “Айрилиқ” деган қўшкка етдилар ва кечани шу ерда ўтказдилар. Тонг отди, Моҳимжон:-Тоҳиржонни келтиринглар, дийдорини бир кўрайин, деб канизларини юборди. Улар бу хабарни Тоҳиржонга етказдилар. Шунда Тоҳиржон шоҳона кийимларини кийиб, зарофсон кокилларини орқага ташлаб, заррин ғулпоқларини чеккасига қўйиб, Моҳимжоннинг ҳузурига борди. Моҳимнинг кўзи унга тушиб бир сўз айтди:

Кел, Тоҳирим, бир дам кўрай жамолинг,  
Сенинг дийдоринга муштоқ ўлибман.  
Етди айрилиғинг битди висолинг,  
Сенинг дийдоринга муштоқ ўлибман.

Йиқилсин, юмрилсин бу фалак ношод,  
Ўт олсин, туташсин етти самовот,  
Қулоқ қўй, кошингда қилайин фарёд,  
Сенинг дийдоринга муштоқ ўлибман.

Тилларим шайдодир, кўнглим ҳавасдур,  
Устихоним найдир, оҳим нафасдур,  
Сенга Зухра мендек муштоқ эмасдур,  
Сенинг дийдоринга муштоқ ўлибман.

Эй Тоҳирим, кетсанг бугун қошимдан,  
Билмам не савдолар ўтар бошимдан,  
Қора тошлар лаълга дўнар ёшимдан,  
Сенинг дийдоринга муштоқ ўлибман.

Моҳим қиз дер, менга бу жон керакмас,  
Бу салтанат, тахти равон керакмас,  
Менга сен кераксан, жаҳон керакмас,  
Сенинг дийдоринга муштоқ ўлибман.

Алқисса, Моҳимжон сўзини тамом қилди. Сўнгра бу кўшқдан кўчиди  
ғарб томонга жўнадилар, бир неча йўллар юриб Канор шахрига етдилар. Тонг  
отди, Тоҳир:-Эй Моҳимжон, кузатган ҳамроҳ бўлмас, сенга ўз элинг, менга  
йўл муборак бўлсин, деб руҳсат тилаб бир абёт айтди:

Руҳсат берсанг Моҳимжон,  
Етишсам шаҳри Тотора.  
Юракда қолмас армоним,  
Қўшилсам Зухра дилдора.

Қомати ёйдек эгилдим,  
Магар ишқ остинда қолдим,  
Мажнундек сарғайиб сўлдим,  
Ета билмай Лайли ёра.

Юрагим кўйди ишқинда,  
Кўнглим рақибнинг рашкинда,  
Зухром йиғлаюр кўшкинда,  
Бу дардга топмайин чора.

Айрилдим қалам қошимдан,  
Шуъла сочган қуёшимдан,  
Бир қатра қонли ёшимдан,  
Лаълга дўнар санги-хора.

Зухрамнинг дийдорин кўрсам,  
Бориб боғларига кирсам,  
Турли мевасидан терсам,  
Қўлим етса олма-нора.,

Моҳимжон севмишам сани,

Сўлмасин ҳуснинг гулшани,  
Харидорсан олғил мани,  
Ўзимни солдим бозора.

Зулфларинг мангзар сумбула,  
Хуш келдингиз қизлар била,  
Сен ҳам қайтгил кула-кула,  
Тоҳир қолсин дарди зора.

Тоҳир сўзини тамом этди ва икки пешини белига қистириб, дуторини бўйнига осиб зор-зор йиглаб, оёғини узангига қўйиб йилмояга минди. Сўнгра Моҳимнинг юзига қараб:-Эй Моҳимжон, менга оқ йўл тилаб фотиҳа бер, деб қўлини кўтарди. Аммо Моҳимжондан жавоб бўлмади. Ул: –Эй Тоҳирим, сен мени ўлдириб кетгил, деди. Шунда унинг энагаси айтди: Эй Моҳимжон, сендан бошқа етти ошиқ ўтиб, биттаси ҳам муродига етмаган. Сен ҳам ҳақиқий ошиқ бўлсанг Тоҳирга оқ фотиҳа бер, балки мақсадига етиб, сўнгра тангри таоло сенга ҳам мурувват қиласар. Тоҳир сени норози этиб кетиб билмас, деди. Моҳим ох уриб бехуш йиқилди. Бироздан кейин ҳушига келиб:-Эй кўзимнинг равшани, юзимга бир раҳм қилиб назар сол, балки юрагимнинг ўти тасалли топар ва мендан рухсат бўлар, деди. Тоҳиржон кўзидан ёш оқизиб йилмоядан ўзини ташлаб, Моҳимни қучоғига олди ва бехуш йиқилдилар. Канизлар улар устига чодир тикдилар. Улар бир кечакундуздан кейин боз ҳушига келдилар. Шунда Моҳим Тоҳирнинг бўйнига қўл солиб бир сўз айтди:

Белинг боғлаб тушсанг узоқ йўллара,  
Йўл бошида қолган ёринг унутма.  
Сайрон этсанг савсон сумбул гуллара,  
Ишқقا куйган навбаҳоринг унутма.

Бўйи бад қўшмагил, мушки анbara,  
Мўғилон сепмагил, бўстонли era,  
Кўзинг тушса мендан ўзга дилбара,  
Дол қоматли бу дилдоринг унутма.

Сен кетсанг қолурман мен мунда йиғлаб,  
Айрилиқ ўтига бағримни доғлаб,  
Ғайри бир дилбарга кўнгингни боғлаб,  
Кўнгли сенга боғли ёринг унутма.

Ҳокистарам, ошиқ бўлдим гавҳара,  
Ишқинг тифи солди синамга яра,  
Юсуф каби ўзинг солдинг бозора,  
Зулайҳодек харидоринг унутма.

Мажнун каби бўлдим дали девона,  
Мен Лайлиман, бошим солдим майдона,

Зухра билан машғул бўлсанг даврона,  
Моҳим отли интизоринг унутма.

Моҳим сўзини тамом этди ва Тоҳирга рухсат берди. Тоҳир йўлга равона бўлиб, юзини ўгирганди Моҳимнинг танасига бир титратма тушди. Ул ойнанинг аксидай тўрт тарафга боқар, бетоқат бўлиб, юзини юлиб, зулфларини паришон этиб, сочини ёйиб, ранги заъфарон бўлиб, ёқасини чок этиб, ҳижрон ўтида куйиб, ҳоли забун, кўнгли вайрон бўлиб бехуш ииқилди. Шул вақтда Тоҳир изига қараса Моҳим тупроққа булғаниб ётибди. Ул қайтиб, Моҳимнинг боши учига келиб унинг бошини тиззасига олиб, уни юпатиб, бир мухаммас айтди:

Нечук ўлурсан ғамгин, бир турфа жонон сенсан,  
Боғларда очилган гул ҳам сарви равон сенсан,  
Кун кўзгусидай равшан бир гавҳари кон сенсан,  
Дил мурғини сайд этган сайёди замон сенсан,  
Ақлим паришон этган бир офати жон сенсан.

Куйингда қуюндекман ғам даштида саргардон,  
Ким кўрса жамолингни албатта бўлар ҳайрон,  
Гул ишқида булбулнинг ишики эрур афғон,  
Васл ичра куяр жони, ёдига тушса ҳижрон,  
Булбулни ҳайрон этган гулғанча даҳон сенсан.

Хуснингки зиёд эрмиш боғ ичра қизил гулдан,  
Овози хушалфозинг ўкта эрур булбулдан,  
Зулфингни кўриб кўнглим ром айлади сунбулдан,  
Орзуи висол айлаб, васфинг ёзарман тилдан,  
Хушгоҳи кўнгилларнинг ҳам шўхи забон сенсан.

Матлуби кўнгил сенсан, ғайрига назарим йўқ,  
Ишқингда қадам қўйдим, куйингда гузарим йўқ,  
Ҳар маҳвашнинг васфини достонда ёзарим йўқ,  
Кел ўлдиру, кел тиргиз, жон сендан озорим йўқ,  
Чўх мурдани тиргизган рух баҳши нишон сенсан.

Қалбимда маконингдур, кўнглимда дигар бўлмас,  
Жонимни талаб қилсанг, жисмимда хабар бўлмас,  
Булдуру фалакнинг иши, гул бўлсанг самар бўлмас,  
Бул фоний жаҳон ичра сендайки магар бўлмас,  
Ғилмони беҳишт ўлса, кўнглимда гумон сенсан.

Кетсамки келарман тез, Моҳим манго зордур деб,  
Ўпсамки яноғингдан, тар олма, анордур деб,  
Ҳолинга назар қилдим, хўб нақши нигордур деб,  
Ҳар кишики баҳс этса, сендай гўзал бордур деб,  
Ул мисли садаф эрмиш, бир дурри маржон сенсан.

Шому сахар уйғонсам, күнглимда сенинг ёдинг,  
Үзгага тушиб ишқинг, қолди манго фарёдинг,  
Сийнамда адо бўлмас ҳар кунда ёққан ўтинг,  
Найлайн висол илмин, дарс этмади устодинг,  
Тоҳирбекни ўлдирган оқ қўуллари қон сенсан.

Тоҳир сўзини тамом этгандан сўнг Моҳим: -Эй Тоҳиржон, менга сен, сенинг соғлигинг керак. Токи сени яна кўргунча бу дунё менга зинданур, деб зор йиғлади. Охири айтдики, -Тоҳиржон, сенга йўл, менга эл кутлуғ бўлсин. Ул яна хайрлашиб бир ғазал айтди:

Тоҳирим кетсанг йироқа,  
Кутлуғ бўлсин йўллар санго.  
Қайдан айларман сўроға,  
Фидо айлаб жонлар санго.

Ишим шум айрилик бўлди,  
Дўстлар йиғлаб, душман кулди,  
Бағдод эли мунда қолди,  
Ҳавас айлар эллар санго.

Мудом сени деб кезарман,  
Суратинг дилда ёзарман,  
Пиёлада қанд эзарман,  
Шаҳду шакар боллар санго.

Ёр бўйина қўл солсин деб,  
Муродин ҳосил қилсин деб,  
Боға сайронা келсин деб,  
Ҳавас айлар гуллар санго.

Душман кўпдур соғ-сўлингда,  
Мудом кўзларим йўлингда,  
Тақдирим сенинг қўлингда,  
Омад тилар тиллар санго.

Анда йиғлатиб Зухрани,  
Мунда қийнаб Моҳимжони,  
Мажнуннинг куйган майдони,  
Раҳм айласин чўллар санго.

Алқисса, Моҳимжон сўзини тамом қилди. Тоҳир йилмояга миниб, аллаёрлашиб:-Эй Моҳимжон бугун ҳижрон кунидир, яна дийдорлашиш насиб қиласмикан, деб бир ғазал айтди:

Кетарман Тотор элина,  
Беклар, хонлар хушқол энди,  
Бош қўймишам ёр йўлина,

Дўст-ёронлар, хуш қол энди.

Етти йил боқдинг, бажардинг,  
Сут ўрнига шакар бердинг,  
Чин меҳрибоним сен эрдинг,  
Жон энагам, хуш қол энди.

Ишқ йўлида кўпдир оҳим,  
Кўзларим икки гувоҳим,  
Қадрим билган гўзал шоҳим,  
Одил бобом, хуш қол энди.

Мен кетарман Зухра ёра,  
Найлайн бўлдим бечора,  
Кўзи ёш, бағри юз пора,  
Моҳим гулим, хуш қол энди.

Сизларсиз боғларнинг гули,  
Учди гулидан булбули,  
Бугун эсди ҳазон ели,  
Қирқ канизлар, хуш қол энди.

Моҳимжоним бир арзим бор,  
Ўзгага бўлмагил дилдор,  
Бу сўзим унутма зинҳор,  
Севар ёrim, хуш қол энди.

Тоҳир дер, кечманам сендан,  
Сен ҳам қўл узмагил мендан,  
Хабарим келар қирқ кундан,  
Халойиклар, хуш қол энди.

Алқисса, Тоҳир сўзини тамом айлаб, йўлга равона бўлди. Барча кишилар шу ерда қолсалар ҳам Моҳим Тоҳир билан анча манзилни бирга босди. Шунда Тоҳир унга қол жоним, деб бир абёт айтди:

Кетар бўлдим Зухра қизнинг қошина,  
Кулар юзли Моҳимжоним, қол энди.  
Бошимни қўймишам ҳижрон тошина,  
Ширин сўзли, зулфи торим, қол энди.

Қора қўзли, қалам қошли нигорим,  
Баҳорим, бўйтоним, гулим, гулзорим,  
Сенсиз ҳеч бир жойда етмас қарорим,  
Жаллод кўзли навбаҳорим, қол энди.

Шамси қамар юзли, қоши ҳилолим,

Мен санга ошиқман, ўзинга маълум,  
Мажнунман ишқингда, Лайли мисолим,  
Қизил гулим, олма, норим, қол энди.

Бўйнинг буриб маълул бўлма, Моҳимжон,  
Ширин жоним санго айлайн қурбон,  
Тез келарман сенга айланар даврон,  
Тўти сухан, хуш гуфторим, қол энди.

Мен ошиқман ишқим элга ошкоро,  
Ишқ тифидан юракларим юз пора,  
Айрилик дардига топмадим чора,  
Эшит менинг оху зорим, қол энди.

Тоҳир деяр, мудом йиглаб ўтарман,  
Зухранинг ҳажрида қонлар ютарман,  
Рұксат берсанг энди Тотор кетарман,  
Ҳусни ганжим, зулфи торим, қол энди.

Алқисса, Тоҳир сўзини тамом қилди. Аммо Моҳим ундан ажралмади.  
Мен ҳам сен билан бирга кетаман, деб бир сўз айтди:

Сенсан кўнглимнинг хушгоҳи,  
Қолманам, сендан қолманам,  
Шайдо кўнглим сайлгоҳи,  
Қолманам сендан қолманам.

Бағрим ёқди ишқинг дарди,  
Севмишам сенингдек марди,  
Хароб бўлсин Бағдод юрти,  
Қолманам, сендан қолманам.

Мен ҳам борсам Зухражона,  
Истарам бўлсам ҳам хона,  
Қўймағил, мени армона,  
Қолманам, сендан қолманам.

Манго зиндондир бу жаҳон,  
Сенсиз манго бўлмас даврон,  
Ёқар ҳардам рўзи хижрон,  
Қолманам, сендан қолманам.

Моҳим деяр, ёндим бугун,  
Сийнамдадур доғи тугун,  
Ўртар хижрон бўғим-бўғим,  
Қолманам, сендан қолманам.

Алқисса, Моҳим сўзини тамом этди. Шул вақтда буларнинг изларида бир чанг пайдо бўлди. Моҳим буни отасининг отлиқлари, деб ўйлади. Тоҳир жўнаб кетмоқчи бўлди. Аммо Моҳим ундан ажрала олмай яна бир ғазал айтди:

Тоҳиржон қайдা борурсан,  
Раҳм эт, мен бунда бечора.  
Зухранинг юзин кўрарсан,  
Тез етишгил, бу диёра.

Ҳар ким сенга кўнгил боғлар,  
Айрилик бағримни доғлар,  
Тоторда Зухражон йиғлар,  
Бағдодда Моҳим бечора.

Жойинг бор кўз қорасинда,  
Қўлинг гавҳар орасинда,  
Икки қизнинг орасинда,  
Сен ҳам бўлмағил, овора.

Ишқ ўтига ёна –ёна,  
Раҳминг келмасми бу жона,  
Душман бўлиб Бобохона,  
Яна чекилмагил дора.

Моҳим дер, кезам боғингда,  
Гашт айласам ўтоғингда,  
Келмасанг, келар чоғингда,  
Ўзимни қилгум юз пора.

Бу сўздан кейин Моҳим зор йиғлаб Тоҳирга рухсат берди ва хайрлашиб қолди. Тоҳир Тоторга, Моҳим Бағдодга қараб кетди.

Тоҳир йилмояни миниб, гоҳ учиб, гоҳ қўниб борар эрди, лекин йўл-изнинг қаерга боришини билмас эрди. Баногоҳ олдидан бир оқ соқол киши чиқиб қолди ва Тоҳирга салом берди. Тоҳир ҳам алиқ олди, ҳол-аҳвол сўрашгандан сўнг оқсоқол айтди:-Эй кўшагим, қайдан бориб, қайдин келурсан?

-Бағдоддан келиб, Тоторга борурман, деди Тоҳир. -Эй болам йўлни билмас экансан сен бутунлай тескари томонга –рухи фироққа бораётисан, бу йўл қиёматгача адo бўлмас, сени тўғри йўлга солайин, деб бирга йўлга тушди. Кеч кирди, юлдузлар чиқди. Шунда бобо айтди:-Эй ўғлим, “Кузатгандин йўлдош бўлмас. Йўлда қўшилган йўлда қолар”, деган гап бор. Сен билан мен йўл охиригача бирга бўла олмасман, яхиси сен Зухро юлдузини белгилаб ол, фарбга йўл олсанг бу юлдуз ҳамиша чап тарафингда бўлади. Олдингдан Васл тоғи, кейин хижрон тоғи чиқади, сўнг бир чашмага дуч келасан, ундан ўзинг сув ич ва йилмоянгни ҳам суғор, шунда тўққиз ойлик йўлни тўққиз кунда босарсан, деб оқ фотиҳа бериб, кўздан ғойиб

бўлди. Тоҳир кўзида ёш, бағрида тош, Зухрани ёдига солиб, мени етти йил ичида унумаганмикан, деб созини қўлига олиб, йилмоянинг устида бир абёт айтди:

Фурқат айёмида, ишқнинг баҳрида,  
Висолга кўз тутдим, даврон етишмас.  
Ишқдан минг алам бор кўнглим шахрида,  
Дилбардан бирига дармон етишмас.

Сўзинг адо бўлмас сўзлаган билан,  
Ишқинг пинҳон бўлмас гизлаган билан,  
Кўзим қонга тўлди кўзлаган билан,  
Энди кўзламакка фармон етишмас.

То ўлгунчам чиқмас мендан хаёлинг,  
Дурдона тишларинг, шаккар зулолинг,  
Жонимда жой тутди суратинг, холинг,  
Жон бетоқат бўлди жонон етишмас.

Лабинга лаб қўйиб сўрсам лабингдан,  
Ёздириб тугмани терсам гулингдан,  
Бўйнинга қўл солиб, нозик белингдан,  
Қучқаннинг жонига армон етишмас.

Тоҳирни куйдирди ул кўркли юзлар,  
Санго қурбон бўлсин келинлар, қизлар,  
Муборак жамолинг кўрмоқни кўзлар,  
Васфинг сўзламоққа забон етишмас.

Тоҳир сўзини тамом этиб, шу юришда айтилган чашмага етишди.  
Чашмадан туясини суғориб, ўзи ҳам ичиб мастона ҳолга кириб, йилмояға  
қамчи уриб йўлга равона бўлди.

Кўнганини қўл, юрганини йўл билди. Шу атрофларда 40 қароқчи макон тутган эди. Улар Тоҳирни кўриб, унга яқин келдилар, уни ўраб олиб:-Эй йигит қайдан келиб, қайга борасан, қайси халқдан бўласан, деб сўрадилар. Тоҳир айтди: Мен Тотордан Бобохон отли подшонинг Зухра отли қизига ошиқман. Подшо мени йўқотиш учун сандиққа солиб дарёга ташлади. Сандиқ уч ойда Бағдодга етишди. Шу эл подшоси Одилшоҳнинг Моҳим отли қизи мени етти йил парваришилади. Энди мен шул ёримнинг келсин, деган сўзини эшитиб Тоторга борурман.

Бу сўзга қароқчиларнинг барчаси ионса-да битта шаккоги инонмай-ундай бўлса ишқ ўтидан бир нишон кўргаз, деди. Тоҳир: -нишон кўрмоқчи бўлсанг бари кел, деди. Шаккок яқин келди. Тоҳир Зухражонни ёдига олиб оҳ торти. Унинг оғзидан ўт чиқиб қароқчининг юзини куйдирди. Қароқчилар ҳайрон-саросима бўлиб:-Эй ишқ соҳиби, сен ҳақиқий ошиқ эркансан. Энди бул ботирларнинг шаънига бир соз, нағма айт, сени озод

қилайлик, дедилар. Шул вақтда Тоҳир қўлига созини олиб, ўз саргардонликларини ёдига тушириб бир афсона айтди:

Баҳодирлар мени йўлланг йўлима,  
Орзум будир-севар ёра етишсам.  
Ошиқдурман, раҳм айлангиз ҳолима,  
Мусофирам, бир диёра етишсам.

Ёр дийдорин истаб, қолмишам дарда,  
Мардона ошиқман, тушмишам марда,  
Етти йил бўлибдур мен ўзга ерда,  
Зухрам билан бир икрора етишсам.

Бир ғарибман айрилиқнинг доғинда,  
Саргардон кезарман ёр сўроғинда,  
Булбул эрдим бир дилбарнинг боғинда,  
Хавасим кўп ул гулзора етишсам.

Қирқ шаҳбозсиз, оти оламга тўлган,  
Неча душманларни дарбадар қилган,  
Зухражон деб саваш этсам шоҳ билан,  
Хозир бўлинг ўшал кора етишсам.

Тоҳир деяр, фидо қилдим бу жонни,  
Бошим бўлсин, Зухражоннинг қурбони,  
Бу дунёда ҳар ким чекар армонни,  
Армоним йўқ, ул нигора етишсам.

Тоҳир сўзини тамом этди. Қароқчиларнинг сардорини Мўйсафид сардор дер эдилар. Ул ботирликда минг кишига, шижаот бобида Рустам сифатли эрди. Асли зоти ҳам Рустам авлодидан эди. Бир сафар Рустам шахри Журжонни босиб олганда унга шаҳар ҳокими қизини берган, ўшал аёлдан Мўйсафид сардор дунёга келган эди ва лекин ҳозирда ҳам у Журжон ҳокимига бўйин эгмай 40 отлик бўлиб, тоғда –чўлда кезиб юрар эрдилар. Мўйсафид Тоҳирга қараб:-Эй Тоҳиржон, мен сенинг ҳақиқий ошиқлигингни билдим. Сен аввало худони, қолаверса Зухражонни севган экансан. Биз ҳам аввало худони, сўнгра худони севганни севармиз, биздан санго зиён йўқдур. Олло ёринг бўлсин. Ҳар жойда бошинга иш тушса, иншоолло, ҳозир бўларман, деб унга рухсат берди. Тоҳир бош эгиб, булардан йўлнинг қайга боришини сўраб, жўнаб кета берди.

Тоҳир қароқчилардан кутилганига хушвақт бўлиб соғу сўлига қараб борур эрди. Бирдан унинг олдида яна бир кишилар пайдо бўлди. Булар ҳам худобезори қароқчилар эрди. Улар Тоҳирни кўриб от солдилар Уни талаб, эгнидаги зарбоф тўнларини, камарларини олдилар. Улар бундай шоҳона либосларни кийган зебо йигитни кўриб ҳайрон қолдилар. Шунда улар:-Эй йигит, қайдан келиб, қайга борурсан, қайси элдан бўлурсан, қайси боғнинг гули, қайси чаманнинг булбулисан, шоҳмисан, шахзодамисан, ё

ошиқизормисан, хабар бер, дедилар. Анда Тоҳир: -Мен ошиқи зордурман, бизнинг элди сўзни соз билан айтурлар, деб ёниб-куйиб бир афсона айтди:

Ёқди мани ишқ оташи,  
Кўнглим паришондир менинг,  
Дардимни сўрмас бир киши,  
Андуҳи ғамдир йўлдоши,  
Вой, Зухра жоним қўз ёши,  
Ғавғога солди бу боши,  
Кўрсам мен ул маҳвashi,  
Кўз равшани кўнглим ҳуши,  
Тотор учар қалбим қуши,  
Истаб масоҳиб йўлдоши,  
Кўзлар тўкиб гулгун ёши,  
Бағрим тўла қондир манинг.

Сарви қадду, сиймин бадан,  
Улдур мени Мажнун этан,  
Сўрсангки аҳволимни сан,  
Бир дилбарнинг куйинданман,  
Ҳар боқиши юз минг туман,  
Кўйнинда бўйstonу чаман,  
Қаттиғ тариқи роҳи зан,  
Бўйнимга боғлаб сан камон,  
Иқболим кеч, баҳтим ёмон,  
Ўрнимки, зиндондир манинг.

Ҳар ошиқ истар ёрини,  
Булбул севар гулзорини,  
Орзу қилиб дийдорини,  
Кўрсам ўшал дилдорини,  
Берса жаҳоннинг борини,  
Бермам сочин бир торини,  
Дойим чекарман зорини,  
Роҳат билиб озорини,  
Кўйнинда терсам норини,  
Дардимга дармондир менинг.

Йиғлаб забун ҳолимгавой,  
Дедингки, ёринг васфин ай,  
Қадди алифдур, қоши ёй,  
Анвар юзи ўн тўрти ой,  
Вайрона бўлсун бу сарой,  
Ё раб нечук жойдир бу жой,  
Найлай мени қодир худо,  
Килди мани ёрдин жудо,

Чун қилдигим жоним фидо,  
Бир моҳи тобондир манинг,

Айтай сўзим мен мубтало,  
Ёр йўлинда бўлдим гадо,  
Дардим менинг бўлмас адо,  
Хижрон мени қилди жудо,  
Мен айларам жоним фидо,  
Дилбарга бўлсам катхудо,  
Тотор боқиб, қилсан нидо,  
Етмасми беклар бу садо?  
Раҳм этмаса қодир худо,  
Ишимки афғондир манинг.

Келдимки, Бағдод шаҳриндин,  
Боҳир-отам, Тоҳир-ўзим,  
Ошиқни қўйманг йўлиндин,  
Зухрани кўрсин бу кўзим,  
Бўлсан зиндан ичра ман,  
Тотор саридир бу юзим,  
Киринг беклар озод этинг,  
Арзим сиза будур сўзим,  
Молим бошим, жоним таним,  
Зухрага қурбондир манинг.

Тоҳир сўзини тамом этиб:-Эй йигитлар мен бир ошиқи зорман, Тоторда бир жононга гирифторман. Ўз жонимни ўлимга ҳавола қилиб борурман, менга йўл беринг, деди.

Отлиқларнинг сардорига Қамаруззамон дер эрдилар. Ул аслида Мўйсафид сардорнинг яқини эрди. Бир сўз устида келишиб билмай, ул айrim ҳолда отлиқ йиғиб ўз олдига кезар эрди. Қамаруззамоннинг Тоҳирга раҳми келди. Олган молларини қайтариб берди.

-Эй йигит мен сенга қиёматлик оғайни бўлдим. Қаерда бошинга иш тушса, иншоолло ёрдамлашурман. Агар Тотор шоҳи сенга қизини бермаса, шаҳрини бошига зиндан этиб, қизини олиб берурман, шаҳар эгалигини навкаримга топшируман, деб бир абёт айтди:

Ишқнинг савдосига солибсан бошинг,  
Бор қардошим, сени озод айладим!  
Қанда борсанг, худо бўлсин йўлдошинг,  
Бор қардошим, сени озод айладим.

Юзинг сарғаймасин, рангинг сўлмасин,  
Дўстларинг шод бўлиб, душман кулмасин,  
Биздан фойда бўлсин, зарар бўлмасин,  
Бор қардошим, сени озод айладим.

Хақ ишқига тушган эрнинг эрисан,  
Сахронинг бўриси, тоғнинг шерисан,  
Сен ҳам ов истаган қирқнинг бирисан,  
Бор қардошим, сени озод айладим.

Қирқ йигитдир бир-биридан зиёда,  
Бир-бирин кўллаган бекзу бекзода,  
Хақ берсин муродинг икки дунёда,  
Бор қардошим, сени озод айладим.

Қамар деяр, сени озод айларман,  
Қирқнинг қардоисан, бир жону бир тан,  
Мени қиёматлик қардош дегайсан,  
Бор қардошим, сени озод айладим.

Алқисса, сардор сўзини тамом қилиб, барчаси аллаёрлашиб қайтиб  
кетдилар. Тохир ҳам йилмояга миниб йўлга равона бўлди. Анинг қалбидা  
Зухранинг ишқи жўш уриб, ҳижрон доғида ўртаниб, гоҳ ҳушёр, гоҳ бехуш  
бўлиб, худодан ёр висолини тилаб:-Эй бори худоё мени бу кеча  
Зухражоннинг кўшкига етказ, деб бир муҳаммас айтди:

Йўқдан бор этган олло, солдинг мени бу ҳола,  
Бир дилбарнинг куйида чекдим, фифону нола,  
Мадад истаб ўзингдан мен кирмишам бу йўла,  
Жафо чекиб, жон бериб, етсам ул нав ниҳола,  
Осий, ожиз қулингман, етказ мени висола!

Ишқ мулкининг шоҳиман, қошимда маҳрамим йўқ,  
Сирим айтиб сўзлашсам, дилдори дилбарим йўқ,  
Ёр жамолин бир кўриб, ўлсам зарра ғамим йўқ,  
Сенсан пушти паноҳим, ҳеч ғайри ҳамдамим йўқ,  
Ёр манзилин кўзларман, боқмасман ўзга йўла.

Алиф каби қоматим, ҳижрон шабинда ёйдур,  
Ёрсиз ҳар кечам бир йил, ҳар бир куним-бир ойдур,  
Фоний дунё мен учун мотамхона саройдур,  
Рақиб ёрнинг қошида, манзилгоҳим бу жойдур,  
Қайси ағёрга сунар кўлга олиб пиёла.

Ҳижрон тоғидин ошиб, севар ёра етишсам,  
Самандардай сарғайиб, ўз-ўзимдан туташсам,  
Халил каби олдида ўртансам, ўтга тушсам,  
Ўтлар менга гулзордир, Зухражонга қовушсам,

Булбул каби кўшкида қилиб фифону нола.  
Қизил гулни дўст билиб, булбул иши фифондур,  
Болу пари қайрилиб, мудом бағрида қондур,

Ишқ йўлига тушмаган бу зулматдан омондур,  
Хеч бир кимса тушмасин менингдек бу аҳвола.

Тоҳир сўзини тамом этиб, йилмояни суриб бора берди. Ул Зухранинг ишқи билан шу кеча тўққиз манзил йўл юрди. Баногоҳ унинг йўли устидан қора тоғ пайдо бўлди. Тоҳир у ёқ, бу ёққа назар солди, аммо йўл топа билмади. Ночор қолиб:-Бу тоғда ўлмак менга тақдир экан, “Ғариб ўлса, ғамхор йўқ” деганлари шу бўлса керак, деб тоққа юзланиб:”Эй тоши сиёҳ тоғ, мен сенга не ёмонлик этдим, мен бир ошиқи зор, ҳоли паришон, дийдаси гирён кишидурман, менга йўл бер, деди. Аммо тоғдан садо чиқмади. Шунда Тоҳир ғамгин бўлиб, бир ғазал айтди:

Қилғил менинг йўлим равон,  
Чор фасли баҳорли тоғлар.  
Сендан қарор топар жаҳон,  
Мудом бир қарорли тоғлар.

Ҳақдир сени баланд қилган,  
Ҳамдам бўлғил пастилар билан,  
Баҳор айёми маст бўлган,  
Танаси чинорли тоғлар.

Мен гадоларнинг гадоси,  
Жоним Зухранинг фидоси.  
Ошиқларнинг иқтидоси,  
Усти баланд қорли тоғлар.

Қоялари қизил гулли,  
Гуллари шайдо булбулли,  
Дарёлари дали, селли,  
Имрли, ғуборли тоғлар.

Қоплон юрар қоясида,  
Жайрон кезар поясида,  
Барча ҳайвон соясида,  
Масканли, мадорли тоғлар.

Бўз лочин учар сарида,  
Кўзи бургутнинг парида,  
Жилғасида, камарида,  
Аждарли, шоморли тоғлар.

Осмондан ошибдур бошинг,  
Ер кўттармас оғир тошинг,  
Писта-бодом тегра тошинг,  
Олмали, анорли тоғлар.

Сендан кечди неча мардон,  
Кўрганларнинг ақли ҳайрон,  
Сенга чиқиб қилса сайрон,  
Нашъали, хуморли тоғлар.

Сайғоклар кезар тошида,  
Ўмганлари гунашида,  
Чашмалари кўз бошида,  
Арчали, чинорли тоғлар.

Фаҳм айла, қудрат лашкари,  
Ҳақ этди осмону ери,  
Етти қат ернинг лангари,  
Дунёга даркорли тоғлар.

Юзлари яшил хиноли,  
Сарбаланд ола синали,  
Тоҳирдан кўнгли гинали,  
Ошиқлардан орли тоғлар.

Тоҳир сўзини тамом этди, аммо тоғлардан садо чиқмади. Шунда ул:  
мен буни яна бир таъриф этайин, бу маҳлук безабондур. Қани бир ёлбориб  
кўрай шояд мурувват қилса, деб таҳорат қилиб, икки ракъат намоз ўқиб,  
киблага қараб бир сўз айтди:

Менга йўл бергин сарингдан,  
Ё хожари санги қора.  
Санго дерман бу сиримдан,  
Сен дардимга айла чора.

Аввал оллонинг ҳақидан,  
Пайғамбарнинг хурматидан,  
Умид этсанг раҳматидан,  
Қўйма мени бундай зора.

Сенга дедим ушбу кунда,  
Йўлим тўсиб қилма банда,  
Ёр унда йиғлар мен бунда,  
Мени етири нозли ёра.

Эшит менинг оху зорим,  
Кўнглимдин кетсин ғуборим,  
Сенга бердим ихтиёrim,  
Қўйма мени интизора.

Хабарим йўқ йўлдошимдан,  
Ғарқ ўлибман кўз ёшимдан,

Ишқнинг дарёси бошимдан,  
Ошиб кетди бора-бора.

Ишқ дарёси жўшар сарда,  
Чора топмадим бу дарда,  
Бир гавҳарам ғарип ерда,  
Ето билмам харидора.

Йўл берса тоғлар бошидан,  
Тоҳирбекнинг кўз ёшидан,  
Зухра қизнинг нолишидан,  
Бўлса тоғлар пора-пора.

Тоҳир сўзини тамом этди. Шунда бирдан худонинг қудрати билан, Расулнинг шафоати билан, Тоҳирнинг оху ҳасрати, Зухранинг нолиши, икки ошиқнинг ишқ-муҳаббатидан бир овоз чиқди, гўё қиёмат қойим бўлди-тоғ пора-пора бўлиб, икки ёққа айрилиб йўл очилди. Бундан қувонган Тоҳиржон бехуш йиқилди. Бир вақт хушига келиб тоғнинг иккига айрилганидан хушвақт бўлиб, соғ-саломат тоғдан ўтди. Тоҳир худой талони ёд этиб, йилмоянинг ўтини ҳам устида бериб, оғзига тутиб, шошилиб жўнай берди. Шу боришда Зухра ёдига келиб, зор-зор йиғлаб бораётирганда тонг отди.

Шул вақтда Зухранинг доғида дийдаси гирён, бағри бирён бўлган Тоҳиржон қалбидаги дард-аламлари, ғам андуҳларини баён этиб, бир абёт ўқиди:

Ёр мени ёқди ёндириди,  
Жонимда дармон қолмади.  
Ёрни айтиб зор куйинда,  
Жисмимда дармон қолмади.

Эй сабру қарорим олған,  
Эй гул сийнама ўт солған,  
Сенинг оху зоринг билан,  
Жонимда дармон қолмади.

Гуллар ўрнига хор билан,  
Диллар куяр озор билан,  
Қовушмадик дилдор билан,  
Дилларда дармон қолмади.

Тоҳир айтар ёр бедоринг,  
Ёндириди ҳижрони норинг,  
Маълул-маълул йиғлаб зоринг,  
Жонимда дармон қолмади.

Бу абётни ўқугандан сўнг ул олдига кўз тикди, бир қора кўринди, ихлос билан қараса Тотор вилояти эркан. Тоҳир шод бўлиб, қўлига созини олиб, йилмоянинг устида яна бир ғазал айтди:

Шукр энди ёр макони кўринди,  
Кўзим тушди ёрим юрган йўллара.  
Ёрнинг тоғи, гулистони кўринди,  
Кўзим тушди сўнам турган ерлара.

Бобохон жабридин нолалар чекиб,  
Қора қўздин ёшни дур каби тўкиб,  
Ёридан айрилиб, ҳар ёна боқиб,  
Кўзим тушди сўнам кезган ерлара.

Булбул фифон этар гуллар бошида,  
Сиё қарқараси таллар бошида,  
Яшилбош сўнали қўллар бошида,  
Кўзим тушди сўнам кезган йўллара.

Кўшкида ёр дейиб зор-зор йиғлаган,  
Ишқ ўтига жигар-бағрин доғлаган,  
Шу сабабли фалак баҳтин боғлаган,  
Кўзим тушди ёрим турган ерлара.

Душманлар дошинда чарх уриб ҳар ён,  
Рақиблар қошида дийдаси гирён,  
Юрагида юз доғ, кўнглида армон,  
Кўзим тушди сўнам турган ерлара.

Бағрим садпорадир тифи тез билан,  
Назарим йўқ ғайри келин-қиз билан,  
Боғида гашт этиб қирқ каниз билан,  
Кўзим тушди ёрим турган ерлара.

Ёр анда мусофир, мен анга бандা,  
Кўзларим кўр бўлди ҳижрон шабинда,  
Тоҳирни кузатиб дарё лабинда,  
Кўзим тушди сўнам кезган ерлара.

Тоҳир сўзини тамом этиб, йилмояни ҳайдаб, гоҳ хуш, гоҳ бехуш бўлиб Фарҳод шахрига етди. Бу шаҳар париларнинг чорбоғи эрди, унинг ўртасидан йўл ўтар эрди. Тоҳир у ерга келиб боргандга қўзига бир сурат кўринди. Анинг юзи ниқобда бўлиб, ниқобнинг пастидан оламга шуъла сочар эрди. Тоҳиржон анинг не зот эканини билолмай, ҳайрон-саросима бўлиб, бир оҳ урди ва сурат яқинига келиб: Худо ҳақи учун юзингни бир кўргаз, деб илтижо қилди. Сурат ниқобнинг бир томонини сал кўтарди. Тоҳир уни кўриб бехуш йиқилди. Бироздан кейин ҳушига келиб:-Эй пари пайкар, ул руҳи Муҳаммад Мустафо учун, менга ўзингни ошкора эт, деб бир абёт айтди:

Нечук зотсан ақли ҳушим олибсан,

Гавҳармисан, ё дурмисан, намасан?  
Шуъла солиб олам узра тўлибсан,  
Қуёшмисан, қамармисан, намасан?

Боғ ичида булбулмисан, гулмисан,  
Ё булбулга ўхшаш ширин тилмисан,  
Асалмисан, ё қандмисан, болмисан,  
Ширинмисан, шакармисан, намасан?

Кипригинг ханжари бағрим тилибдур,  
Ул никобдан юзинг шуъла солибдур,  
Телба кўнглим кўриб мойил бўлибдур,  
Дилдормисан, дилбармисан, намасан?

Ошиқлар айтарлар, қошинг хилолдур,  
Васфингни айтурга тилларим лолдур,  
Жамолинг кўринмас, нечук жамолдур,  
Паримисан, пайкармисан, намасан?

Оқ юзингга қўша холлар ярушур,  
Жон, дил қалбим сени кўрмак тилашур,  
Юзингга қарасам қўзим қамашур,  
Хуршидмисан, анвармисан, намасан?

Сени истаб бошим солдим савдоя,  
Не бўлғай соchlаринг айласанг соя,  
Қўйнинг беҳишт эрур, кирсам у жоя,  
Ё мушкмисан, анбармисан, намасан?

Сайр этиб кезардим, гулда чаманда,  
Менинг жоним зардоб бўлди бу танда,  
Тоҳирбек Зухрага ҳам сенга банда,  
Барчаларга бахтармисан, намасан?

Тоҳир сўзини тамом этди. Кейин бу суратга айтди:-Эй жон, паримисан, фариштамисан ёки одамзотмисан, бир дийдорингни кўрсат, негаки яхшини кўрмоқ савоб, деганлар. Унда сурат:-Эй ошиқларнинг подшоси, менинг дийдоримни кўриб билмассан, агар кўрсанг Зухрани ёдингдан чиқарурсан, иншоолло бир-биrimизни жаннатда кўрармиз. Мен ҳурларнинг шоҳиман. Менга Ҳурлиқо дерлар. Эртага Зухра қиз висолига етарсан, деб фотиҳа бериб қолди.

Тоҳир йўлга равона бўлди. Шу боришида бир кўхна ҳаробанинг устидан чиқди. Ҳаробанинг чап томонида бир оқсоқол кўринди. Ул Тоҳирни кўриб салом берди. Тоҳир алик олди. Оқсоқол:-Эй болам қайдан келиб, қайға борурсан, деди. Тоҳир: -Бағдоддан келиб Тоторга борурман, ўзим Тотордан ман. Ул жойда бир қизга гирифторман. Унинг отига Зухра деярлар. Унинг

хусни рухсорига муштоқдурман. Мен етти йилдан бери Бағдодда эрдим, энди умид бирлан Зухранинг ҳузурига ошиқаётирман, деди. Бу сўзни эшитиб, оқсоқол, кўзига ёш олди. Тоҳир ҳайрон бўлиб:-Ё раб, бу нечук сир бўлди, эй бобо, не учун йигладингиз, хабар беринг, юрагим қон бўлиб кетди, деди. Оқсоқол: -Сен ҳақиқий ошиқ эркансан, аммо омадинг йўқ эркан. Мени Мулламалгун шайхи Алайҳиллаъна дерлар. Ўтган оқшом Зухрани Қоработирга никоҳлаш учун мени таклиф қилдилар. Мен бориб уларни никоҳлаб қайтдим. Агар сен борсанг Зухра сени қабул қилмас. Ўзингни ўлимга гирифтор қилма. Шул вактда улар хилватда бўлсалар керак. Яхшиси сен бу нияtingдан қайт, сўнг пушаймон бўлма, деди. Унда Тоҳир: -Мен сенинг бу сўзинг билан изимга қайтмасман, бориб кўрарман, агар Зухра бевафолик қилса, юзимни бўсағасига суртиб қайтарман, деди.

-Ундей бўлса бир ғазал айт, мен эшитиб қолай, деди оқсоқол.

-Менда ғазал ҳам, гўзал ҳам қолмади, деб Тоҳир йўлга равона бўлди.

-Эй болам, андак тўхта, сенга бир оқ фотиҳа берайин, деди оқсоқол.

Тоҳир: сенинг берган шум хабаринг жонимни қийнади, фотиҳанг ҳам қурисин, ўзинг ҳам, деб кетаберди.

Тоҳир бу воқеадан аламзада бўлиб, ҳоли паришон, кўзлари гирён, жигари бирён, ақли ҳайрон, юраги оташи сўзон, юз нолай афғон бўлиб бир сўз айтди:

Мудом орзу айлаб гули рухсоринг,  
Муборак жамолинг кўробилмадим.  
Боғингда очилган олма-аноринг,  
Гашт этиб гулларин теро билмадим.

Ошиқ тўймас ўз ёрининг юзидан,  
Кошки бориб хабар олсам ўзидан,  
Рақибнинг макридан, элнинг сўзидан,  
Бир дам назарида туро билмадим.

Кезарсан гўзаллар ичра ой бўлиб,  
Мен кезарман алиф қаддим ёй бўлиб,  
Зухранинг ишидан ҳолимвой бўлиб,  
Моҳимжонга кўнгил бero билмадим.

Гул юзинг кўрмасам, азиз жон куяр,  
Сенинг ҳасратингдан бўлдим дарбадар,  
Энди борсам, душман кўрар, эл туяр,  
Завқи сафоларин суро билмадим.

Тоҳир деяр, ошноларим ёт бўлди,  
Дўстлар ғамгин бўлди, душман шод бўлди,  
Кимса билмас, жигар бағрим мот бўлди,  
Давом хизматида туро билмадим.

Тоҳир бечора Зухрадан бундай ишни кутмагани учун қўп қайғурди. Кейин йилмояни ҳайдаб бадар кетди. Йилмоя оч бўлиб, ўтга бўйин чўзса, -эй жонивор, мен сени ўтламоққа қўйсам кечикаман, бироз муддат қаноат қил, Зухранинг қошига соғ-саломат етсам, сени боқарман, деб Тоҳиржон арзи ҳолини йилмояга сўзлаб, шаҳарга етишиб, дарвозадан кирди. Қараса, ўзи билан мактабдош бўлган бир йигит турибди. Тоҳир ул бирла саломлашиб, Зухрани сўради, шу ерда иккови савол-жавоб қилишдилар:

**Тоҳир:**

Бек ўғли, хабар бер бизга,  
Зухра қиз қандадур, қанда?  
Мажнун бўлиб чиқдим дузга,  
Зухра қиз қандадур, қанда?

**Йигит:**

Хабар олсанг вазир ўғли,  
Зухражон боғдадур боғда.  
Парисифат, хур сийнали,  
Зухражон боғдадур, боғда.

**Тоҳир:**

Фурқатидан жафо чекиб,  
Кўзимдан қонли ёш тўкиб,  
Кўробилмам ҳарён боқиб,  
Зухражон қандадур, қанда?

**Йигит:**

Сайр этмакка боға кирди,  
Қирқ канизлар бирла юрди,  
Юракда дарди сен эрди,  
Зухра қиз боғдадур, боғда.

**Тоҳир:**

Мулламагун аввал куни,  
Чўх хабардор этди мени,  
Қора чўмоқ олмиш ани,  
Зухражон қандадур, қанда?

**Йигит:**

Боғчаси кунда талондур,  
Булбул фигонда қолондур,  
Йиғлама, ул сўз ёлондур,  
Зухра қиз боғдадур, боғда.

**Тоҳир:**

Кўзимни гирён айлаган,  
Ақлимни ҳайрон айлаган,  
Қора бағрим қон айлаган,  
Зухражон қандадур, қанда?

**Йигит:**

Тоҳир дейиб куяр жони,  
Шаҳарнинг азиз меҳмони,

Қирқ канизларнинг султони,  
Зухра қиз боғдадур, боғда.

**Тоҳир:**

Тарк этдим дунёнинг борин,  
Олтинга бермам бир торин,  
Куйдим кўрмайин дийдорин,  
Зухражон қандадур, қанда?

**Йигит:**

Ёр дейиб ақлим шошириб,  
Дардини элдин яшириб,  
Йиғлар юракка тош уриб,  
Зухражон боғдадур, боғда.

**Тоҳир:**

Ғайри ўтига ёнмасман,  
Ўлсам йўлимдан қайтмасман,  
Ростинг айтгил, инонмасман,  
Зухражон қандадур, қанда?

**Йигит:**

Сайр этар сахар чоғида,  
Қизил гуллар қучоғида,  
Йиғлар айрилиқ доғида,  
Зухра қиз боғдадур, боғда.

**Тоҳир:**

Тўққиз ойлик йўлдан келдим,  
Хизр бирла ҳамроҳ бўлдим,  
Тоҳир деяр, кўрмай қолдим,  
Зухражон қандадур қанда?

**Йигит:**

Бек ўғли сўзлар ҳамиша,  
Қилмағил, қайғу-андиша,  
Ишқ ўтига куя-пиша,  
Зухражон боғдадур боғда.

Булар савол-жавобни тамом қилдилар. Шунда Бек ўғли: -Зухрани шул вақтлар кўшкидан топарсан, сахар вақти боғ сайлига канизлари билан кетган эрди, энди ором олаётган бўлса ажаб эрмас, деб Тоҳирга йўл кўрсатиб юборди. Тоҳир хуррам бўлиб, кўшк олдига бориб, йилмоядан тушди, йилмояни чўктириб, бошидан сийпаб, чеккасидан ўпди, сўнг кўшк биносидан ўтиб саройга қадам қўйди. Кўрса Зухражон тахт устида ухлаб ётиби. Инжабел, бодом қабоқ, писта даҳан, нозик бадан қиз. Тоҳир унга қараб, ҳайрон бўлди, уйғотишга андиша қилиб теварагини уч айланди. Зухра буни сезмади. Шунда Тоҳир: Зухражон беҳуш ётибдими ёки ноз этиб ётибдими, ёки бошқа бирор билан баъзм этиб бемор бўлиб ётибдими, ё магар бетоб эруми, ё бўлмаса мендан аразлаб ётибдими, ёки мени танимай ётибдими, балки мени Коработир деб ўйлаб турмай ётибдими, ёки бўлмаса, ҳижрон азобига чидолмай май ичиб маст бўлиб ётибдими ёки уни жин-арвоҳ

урганми, деб минг хаёлларга ботди. Не қиларин билмай, ҳайрон-саросима бўлиб, ёрини уйғотиш учун бир мухаммас ўқиди:

Ғарқ ўлуб ғафлатда ётма, нозли дилдорим уйғон,  
Оғзи ғунча, тишлари дур, зулфи зуннорим уйғон,  
Булбули зоринг келибдур, хусни рухсорим уйғон,  
Ол яноқда кокили – соchlари шоморим уйғон,  
Биз келганда ал мудом, уйқуда bemорим, уйғон.

Дўст сўзига тут қулоқ, ағёрни пандин тутмагил,  
Шум рақиб фитналарини уйқудан уйғотмагил,  
Ўзгаларга тил бериб, ҳолим паришон этмагил,  
Минг туманлик эътиборим бир дирамга сотмагил,  
Юз алам жонима жабри ситамкорим, уйғон!

Сийнамда хижроннинг ўти, келмишам мен бу маҳал,  
Севдигим турғил ерингдин, қилмағил ҳаргиз хаёл,  
Подшосан мен гадо, ошиқлигим рўзи азал,  
Гашт этиб олам-жаҳонни топмадим сендай гўзал,  
Ола кўзли, шавқи сўзли, тўти гуфторим, уйғон!

Сочларинг валлайло эрмиш, юзларинг ваззихо,  
Тилларинг ёсини тахо, икки оламга баҳо,  
Нуқтаи холинг юзингда мисли зейн ассамо,  
Дилбаро кўнглинг сенинг ахлан васахлан марҳабо,  
Қомати зебо тавилан акси анворим, уйғон!

Зухражон сенсиз бу фоний дунё зиндантур манго,  
Бир муборак юзларинг кўрсам не армондур манго,  
Бу паришон ҳолими ким кўрса, ҳайрондур манго,  
Мен сенинг ишқингда куйсам кунда даврондур манго,  
Тоҳирнинг ҳолин кўриб, энди эшит зорим, уйғон!

Тоҳиржон сўзини тамом этди. Аммо Зухра бу сафар ҳам уйғонмади. Шунда Тоҳир яна минг хаёлларга кетиб, мендан кўнгли узилиб, Қоработирга боғландимикан, деб қўлига созини олиб, қани яна бир уйғотмоқчи бўлайнин, зора кўзини очса, агар яна уйғонмаса мендан кечганлиги аён бўлади, деб бир абёт айтди:

Етти йил чекдим фурқатинг,  
Зухражоним уйғонмасми?  
Ичдим айрилиқ шарбатин,  
Висол майдин қонмасми?

Баланд-баланд тоғлар ошиб,  
Ёвуз кунларга улашиб,  
Бугун келдим, йўлим тушиб,  
Соғдан сўла дўланмасми?

Дамба дамдан келар мосил,  
Қилгали муродим ҳосил,  
Икки ошиқ бўлди восил,  
Раҳмат майдин қонмасми?

Сен деб Бағдоддан келарман,  
Гоҳ сарғариб, гоҳ сўларман,  
Ишқингда бир кун ўларман,  
Висол учун қувонмасми?

Узоқдин келдим боқмоқа,  
Ширин лабидин тотмоқа,  
Кўзим қиймас уйғотмоқа,  
Ўзи билиб уйғонмасми?

Куйган кўп ишқнинг дардина,  
Ким етибдур муродина,  
Тоҳирнинг ёнган ўтина,  
Зухражон бирга ёнмасми?

Тоҳир сўзини тамом этди. Зухражон эса уни Қоработир гумон қилиб, ўзини эшитмаганга солиб, устига кўрпани тортиб, бу ёнбошига ағдарилиб ётаверди. Тоҳир бу ахволдан ваҳимага тушиб, Зухра мендан кечди ўхшайди, деган гумонга кетиб, бир абёт айтди:

Кел, Тоҳир сен ҳам юз ўгир,  
Зухра юзин ўғирмишдур.  
Юз ўгириб мен телбадан,  
Қорага кўнгил бермишдур.

Йироқ тушди висол йўли,  
Рақиб олди соғу сўли,  
Мудом эсиб хижрон ели,  
Кулим кўкка совурмишдур.

Жайхун билан Бағдод бориб,  
Яна қайтмишам ахтариб,  
Зухра файрига қўл бериб,  
Мендан ўзин айирмишдур.

Менинг ҳолим хароб айлаб,  
Ўзин Қорага ёр айлаб,  
Жисмимни шиш кабоб айлаб,  
Қора бағрим қовурмишдур.

Хабар берди Мулламалгун,

Нечун қайтмадим мен Мажнун,  
Юрагим-қон, жигарим –хун,  
Ширин жондан айирмишдур.

Хеч қачон Расул уммати,  
Чекмасин мәндай фурқати,  
Азал кунда шум қисмати,  
Мавлон бизга буюрмишдур.

Тоҳир дер, келдим қошинга,  
Калом йўқдур ҳақ ишига,  
Фалак ошиқлар бошига,  
Мундоғ ғавғо қайирмишдур.

Тоҳир сўзини тамом этди, Зухрадан жуда хафа бўлди. Келганига пушаймон қилди. Ўз-ўзига деди:

-Эй Тоҳир, сен Зухрани деб Моҳимдек сени севгувчи пари-пайкардан айрилдинг балки сени унинг ихлоси ургандир. Тоҳир бир хаёли яна Бағдодга қайтмоқчи бўлди:

Шу орада Зухранинг қулоғига ёқимли товуш эшитилгандай бўлди, кўзини очиб қараса Тоҳир турибди. У ҳайрон бўлди, бу Тоҳирми, унинг суратими, жин-арвоҳми, тушми ё хаёлми. Аммо диққат билан қараса, Тоҳирнинг ўзи. Зухра ўрнидан туриб, бир оҳ уриб бехуш йиқилди. Сўнг хушига келиб:-Вой менинг Тоҳириммисан, юрагимнинг армони, дардимнинг дармони, руҳимнинг равонимисан, деб Тоҳирнинг бўйнига қўл солди. Тоҳир хам юз-юзга тушгандан сўнг бехуш йиқилди. Бир замон ўтгандин сўнг боз хушига келиб, бир-бирларининг бўйинларига қўл солишиб, лабларини янокда қўйиб зор йиғлашдилар. Шунда Тоҳир унга гинахонлик қилиб, шикоят айлаб бир ғазал ўқиди, Зухра хам жавоб қайтарди:

**Тоҳир:**

Тўққиз ойлик йўлдан сен деб келмишам,  
Уйғонмадинг бу афона, Зухражон!  
Кунда юз тирилиб, юз минг ўлмишам,  
Келмагайдим бу жаҳона, Зухражон!

**Зухра:**

Неча кунлар кутдим ёrim келар деб,  
Йўлинг қараб ақлим ҳайрон айладим.  
Боғларимга булбул зорим қўнар деб,  
Бугун гулларимни сайрон айладим.

**Тоҳир:**

Уйғонмадинг бунча баланд соз билан,  
Чоҳлар уйғонмасми қув ва ғоз билан,  
Ё ғафлатда қолдинг ёки ноз билан,  
Ўтлар солдинг ширин жона, Зухражон!

**Зухра:**

Сен манго демагил бундай сўзингни,

Туҳмат этиб бошга тутма ўзингни,  
Деганинг рост бўлса кўрмам юзингни,  
Дегил: кимга аҳду паймон айладим.

**Тоҳир:**

Харобадан чиқди оқсоқол ўзи,  
Қародур асбоби, сиёҳдур юзи,  
Шайхи Лаъна хабар берди бу сўзи,  
Кетди кўнглим бад гумона, Зухражон!

**Зуҳра:**

Шайхи Лаъна дерлар, шайтондур оти,  
Ҳақнинг маълунидур аҳли авлоди,  
Ёлғон сўзлаб санго солгандур ўти,  
Ҳақ этибдур ўрним зиндан айладим.

**Тоҳир:**

Севгилим раҳм айла бағри порага,  
Малҳам айла рақиб қўйган ярога,  
Сени дейиб қилич қўйдим орага,  
Кўз солмадим Моҳимжона, Зухражон!

**Зуҳра:**

Етти йилдир ўртар ҳижронинг захри,  
Бу кўшк ичра ёлғиз чекдим озори,  
Жонимнинг роҳати, таним мадори,  
Суратинг дилимда меҳмон айладим.

**Тоҳир:**

Қурбон ўлам Зухражоннинг отидан,  
Мен ғарибни чиқармамиш ёдидан,  
Айрилик дардидан, ишқнинг ўтидан,  
Кул бўлмишам ёна-ёна, Зухражон!

**Зуҳра:**

Шум рақиб зулмидан қула билмадим,  
Отам ғазабидан ўла билмадим,  
Зуҳра дер, Тоҳирим било билмадим,  
Қора чўмоқ дейиб гумон айладим.

**Тоҳир:**

Тоҳир деяр узоқ йўлдан келмишам,  
Ўзимни ишқ бозорига солмишам,  
Бу айтган сўзимга тавба демишам,  
Дўланали бу даврона, Зухражон!

Алқисса, булар савол-жавобларини тамом қилдилар. Сўнгра Зуҳра:-Эй Тоҳиржон, сенинг кетганинга бу йил етти йилдир. Сенинг ҳажрингда самандар каби куйиб, кўзимдин селдек ёшимни тўкиб, қачон менинг нолишим худой таолонинг даргоҳида қабул бўлар экан, деб кезар эрдим. Сен кетгандан бери отам ғазабидан, эл маломатидан, сенинг айрилиқингдан менда тобу тоқат қолмади, аҳли дунёни тарқ этдим. Хусусан, юрагим хижил бўлиб, кўнглим ёришмай оқшом келиб боғ сайлида бўлдим. Барибир бетоқат

бўлдим. Сўнг таҳорат қилиб икки ракъат намоз ўқидим, сўнг қиблага қараб сенинг дийдорингни кўрмак насиб этармикан деб ётиб кўзим уйқуга кетибди. Тушимда сени қўриб ҳол-аҳвол сўрашиб турган вақтда овозингни эшишиб уйғониб кетдим ва сенинг муборак жамолингни кўришга мұяссар бўлдим. Шукр алҳамдуилло мукаддар кўнглим мунаввар бўлди, деб Тоҳирни қучоғига қисиб, яноғидан ўпди. Бугун муродимга етдим, энди ўлсам ҳам армоним йўқ. Энди висолимиз узоқ бўлиши учун бир нима хуфия иш айламак керак, деб бир сўз айтди:

Хуш келдинг Тоҳирим бизнинг эллара,  
Давлатли, давронли жойдир, бу жойлар.  
Кел иккимиз гашт этали гуллара,  
Гулшанли, сайронли жойдир, бу жойлар.

Ғофил бўлсанг шум рақиблар туярлар,  
Бориб шоҳ бобомга сиринг ёярлар,  
Сени ўлдирарлар, мени қўярлар,  
Дўстдан кўп душманли жойдир бу жойлар.

Сўзинг қабул бўлмас шоҳинг қошида,  
Кўзим ёшда, бошим меҳнат дошида,  
Кунда юз зулм бор мазлум бошида,  
Барчаларга қонли жойдир, бу жойлар.

Гар туйсалар жаллодларга буюур,  
Ошиқларга ситам ишлар қаюур,  
Сени мендан, мени сендан аюур,  
Нолишли, афонли жойдир, бу жойлар.

Зухра деяр, санго сирим аюрган,  
Юзим йиртиб, сиё сочим ёюрган,  
Қайси бир дардима ёниб-куюрган,  
Бир золим султонли жойдир, бу жойлар.

Алқисса, Зухражон сўзини тамом этди. Шунда Тоҳир: Эй Зухражон, вилоятингда не гаплар бор, деб сўради.

-Эй Тоҳиржон, бу шу эски Тотордир, ўшал золим подшодир. Агар сенинг келганинг бу золимнинг қулоғига етса, сени ўлдириб, мени Коработирга никоҳлаб берурлар, хабардор бўлмоқ керак, деб бир сўз деди:

Тоҳирим, маслаҳат сўрсанг,  
Санго ўтган замон йўқдур.  
Ошкор бўлиб, мунда турсанг,  
Ўлдиурлар гумон йўқдур.

Шум рақиблар туяр бизи,  
Отамга дерлар бу сўзи,  
Кўр бўлсин душманнинг кўзи,

Ошиқларга даврон йўқдур.

Тараҳхум йўқдур бу шода,  
Зулм этар, яқина, ёта,  
Қочайлик шаҳри Бағдода,  
Бизга бунда макон йўқдур.

Фалак солди ёвуз дарда,  
Тушдим отамдай номарда,  
Ўлсак ўлармиз, бир ерда,  
Энди бизга омон йўқдур.

Агар туйсалар бу иши,  
Дамба дамдан келар киши,  
Сенсан яхшилардан яхши,  
Отам каби ёмон йўқдур.

Кел гашт этали бу боға,  
Ел тегмасин шамчироға,  
Таваккал қиласанг худоға,  
Ўлдирса ҳам зиён йўқдур.

Зухра дер, ким келса дода,  
Тенглик топмас бу дунёда,  
Сипоҳийлар –ҳаромзода,  
Адолатли султон йўқдур.

Зухра сўзини тамом этди. Шунда Тоҳир:

-Эй Зухражон, мен Бағдоддан сенинг хабаринг билан келдим. Мени отанг сўраб келтиргани йўқ. Отангнинг раҳм-шафқатли бўлмаслигига ақлим етади. Энди маслаҳатни ўзинг биласан. Кет десанг кетаман, қол десанг қоламан. Муборак юзингни бир кўрдим, армоним йўқ. Аммо отангнинг ўлдиришидан ҳам қўрқинчим йўқ, сенинг қошингда ўлсам зарра армон қилмасман, деди. Шу тариқа оқшом кирди. Шул вақтда Зухражон Тоҳирга маслаҳат бериб бир ғазал айтди:

Кел сурали бу дунёни,  
Бул кеча ўтмасдин бурун.  
Ёримнинг келган баёни,  
Душманга етмасдан бурун.

Рақиб туйса, отам туюр,  
Яна ғазаб тўнин кияр,  
Сени сўяр, мени қўяр,  
Бир ўрин тутмасдан бурун.

Тақдипрга тўғри турали,

Ишқ үйлида жон берали,  
Тоҳирим, даврон суралы,  
Кечак тонг отмасдан бурун.

Кўнгилдан чиқар бу ғамни,  
Кўп чекма дардни, аламни,  
Ғанимат билгил бу дамни,  
То чиқиб кетмасдан бурун.

Зухра деяр, эй дилдорим,  
Хуш келибсан, севар ёрим,  
Тар очилган гулизорим,  
Хазона ботмасдан бурун.

Зухра сўзини тамом этди. Икки ошиқ бир-бирига қўшилиб, қизил гулдек чирмашиб, қучоқлашиб, айш-ишратга машғул бўлдилар.

Бирдан тонг отди. Ошиқ-маъшуқлар не қиласини билмадилар. Зухра бирор киши сезмасин, деб Тоҳирни сандиққа солиб, ҳужранинг ичкарисига жойлаб қўйди. Яна ҳеч нарса билмагандек, Тоҳирнинг ишқида оҳ уриб ўтираверди. Аммо унинг нолалари аввалгидек аянчли эмас эди.

Тоҳирнинг висолига етиш, қаттиқ севинч ҳам таъсир ўтказиб, Зухра бетоб бўлиб қолди. Унинг бир табиб энагаси бор эрди. Ул Хиндистон подшосининг қизи эрди. Зухра ўзимни кўрсатайин деб унинг олдига борди. Энага Зухрадаги ўзгаришни дарров сезди. Ул айтдики, қизим сенда бирор касаллик белгиси кўрмадим, аммо қалбингда қаттиқ бир завқ-шавқ бор, ёки Тоҳирнинг келдими, деди. Шунда Зухра:

-Эй энагам, сенинг фаҳм-фаросатингга қойилман, деди. Энага канизларни ишга буюриб, уйни холи қилди, энди тўғрисини айт, мен ёрдам берурман, деди. Зухра: бу сирни элга ошкоро этмасликка аҳду паймон айла, деди. Энага аҳду паймон қилди. Анда Зухражон энагасига юзланиб зор-зор йиғлаб бир абёт ўқиди:

Етти йилдир севар ёрдан айрилдим,  
Неча йиллар орзу дийдор айладим.  
Бугун ёрим келди, мен сенга келдим,  
Рақиблардан қўрқиб, озор айладим.

Қиблам энам сенсан пушти паноҳим,  
Келдим хизматинга, ўтгил гуноҳим,  
Тоҳирни келтирди қодир оллоҳим,  
Махрам энам сенга изҳор айладим.

Энам сенга тўғри сўзим сўзларман,  
Ёлғондан ёрим деб куйиб бўзларман,  
Кундуз бўлса ани дарҳол гизларман,  
Кечалари жонни нисор айладим.

Рақиб билса бизни этар ошкоро,  
Отам билса бизни этар садпора,  
Эгам раҳм айласин ошиқи зора,  
Ёр билан бир ерда қарор айладим.

Зухра деяр, ғамгин қўнглим очилди,  
Турли раҳмат чор тарафга сочилди,  
Ёр қўлидан гулгун шароб ичилди,  
Хазон кўнглим фасли баҳор айладим.  
Алқисса, Зухра сўзини тамом қилиб деди:

-Эй энага, икки ошиқ сенинг хизматкорингдир энди бизга бир маслаҳат берсанг.

-Болам Тоҳиринг хуш келибдур, қўзинг ойдин бўлсин, сен ани менга бер, мен уни ҳеч ким билмайдиган жойда пинҳон сақларман, деб бир абёт айтди, Зухра жавоб берди:

**Энага:**

Манга топшир, болам, севар ёрингни,  
Улус қўрмас жойда пинҳон айлайин.  
Ҳақ эшитсин нолишингни, зорингни,  
Чаман ичра ёринг меҳмон айлайин.

**Зухра:**

Ёрсиз менинг бунда бир қуним ўтмас,  
Энажон, ёримни сенга топширдим.  
Кундузда кун ўтмас, кеча тонг отмас,  
Энажон, Тоҳирни сенга топширдим.

**Энага:**

Кундуз бўлса, гул бутоқقا топширам,  
Булбулларнинг маконида яширам,  
Оқшом ёринг яна сенга қовширам,  
Йўлинг сенинг тахти равон айлайин.

**Зухра:**

Сенинг бу сирингни душман билмасин,  
Яна ёрни биздан айро солмасин,  
Ул сабабдин гулдек рангим сўлмасин,  
Энажон, Тоҳирим сенга топширдим.

**Энага:**

Айрилиқ ўтига бағринг доғлама,  
Ваҳм айлаб, бўлмас ишни чоғлама,  
Зухрахоним, меҳрибоним йифлама,  
Сенинг бу дардинга дармон айлайин.

**Зухра:**

Хушёр бўл, сирингни душман туймасин,  
Отам билиб яна айро қўймасин,  
Жисми жоним зулм ўтига куймасин,  
Энажон ёримни сенга топширдим.

**Энага:**

Агар отанг билса этган ишимни,  
Сенинг учун қурбон қилар бошимни,  
Тилка пора этур азиз лошимни,  
Сенинг бу дардинга дармон айлайин.

**Зухра:**

Қадрим билган қадрдоним сен менинг,  
Махрам энам, шириң жоним сен менинг,  
Зухра деяр, меҳрибоним сен менинг,  
Энажон, Тоҳирим сенга топширдим.

**Энага:**

Ғарип энанг сенга ростин сўйласин,  
Ошиқлар ҳақига дуо айласин,  
Сенинг мақсадингни ҳақдин тиласин,  
Сенинг бу мушкулинг осон айлайин.

Алқисса, бу сўзларни тамом этдилар. Зухра Тоҳирни энасига топширди. Ул Тоҳирни кундузи пинҳон тутиб, кечаси Зухрага топширар эрди. Бу равишда кўп вақтлар орадан кечди.

Энаганинг уйида бир хизматкор кампир бор эрди. Бу сирни баногоҳ ул билиб қолди. Унинг кўнгли гинали эрди. Бир қуни хилват топиб ул Тоҳирнинг ёнига келди, анга қараб:-Эй Тоҳиржон, мен сенинг барча сирларингни билурман. Сен менинг шаънимга бир ғазал айт, бўлмаса барча ишларни подшога айтиб, терингни сўйдираман, деди. Тоҳир эса:-Эй бадбаҳт кампир олтмиш ёшдан ошганда сенга ғазалнинг не кераги бор, шу ёшда чуғуллик қилиб, оллоҳ раҳматидан ноумид қолма, деб бир абёт айтди:

Момо, сен қайтгил феълингдин,  
Манго раҳм қилғил, момо!  
Адашган бўлсам йўлимдин,  
Тўғри йўлга солғил, момо!

Рақибга сирим демагил,  
Ошиқларга доғ қўймагил,  
Куйдирурман, деб куймагил,  
Оллодан уялгил, момо!

Кўргаз ошиқлар йўлини,  
Сўрғил ғариблар ҳолини,  
Кўнгилдан шайтон феълини,  
Жаҳаннамга солғил, момо!

Бошингдин ёшлиқ ўтибдур,  
Оғзингдан тишинг кетибдур,  
Ошиқлар сени нетибдур,  
Манга маҳрам бўлғил, момо!

Кезгил момо ўз ҳолинга,  
Истагинг тушар қўлинга,  
Раҳм айла Тоҳир ўғлинга,  
Менинг пандим олғил, момо!

Алқисса, Тоҳир сўзини тамом қилди. Момо кетиб қолди. Тоҳир ваҳмга берилиб:-Эй худо, мени барчадан ожиз яратдинг, ҳамиша ҳаётимни бор-йўққа муҳтоҷ этдинг, бу ерда ёшига бир, кексасига бир ёлбориб кун кечиурман, азал кундан бошимга ишқ савдосини солдинг. Зухранинг ишқида танимда жоним, номусу орим қолмади. Отам-онам, қавму қариндошим ҳам йўқ. Кеча-кундуз ғамга мубтало, дард-аламга гирифторман, агар қасдинг жонимда бўлса, ҳозирнинг ўзида ол, ё бўлмаса ишқ дардига даво бер, бу йўлда қўп кездим, агар муродимга етмай ўлсам, кўзим очик кетар, деб зор-зор йиғлаб, худога муножот айлаб бир ғазал айтди:

Ё яратган, сенга пушти паноҳим,  
Қўшиш этдинг, бу жаҳона келмишам,  
Бир сиқим тупроқдан мени яратдинг,  
Йўқдан бор айладинг-жона келмишам.

Бир осий қулингман кўпдир гуноҳим,  
Қачон ёрга етар бу чеккан оҳим,  
Тоторда-Зухражон, Бағдодда-Моҳим,  
Ишқнинг шаробидин қона келмишам.

Сўна қўлда сузар, булбул гулида,  
Самандар оташда, қақнус кулида,  
Дунё кездим бу ишқимнинг йўлида,  
Ерда дўраб бу осмона келмишам.

Яккаман, ёлғизман, ғарибман, ғариб,  
Сўлар бўлдим, ёр ҳажрида сарғарив,  
Тўққиз ойлаб ишқ йўлида йўл юриб,  
Бугун тахти сулаймона келмишам.

Тоҳир дер, куйдирди ёрнинг оташи,  
Кеча-кундуз оқар кўзимнинг ёши,  
Қора тоғдин ошиб, чекдим койиши,  
Умид бирлан Зухражона келмишам.

Тоҳир сўзини тамом этди, шул вақтда Зухра унинг ёнига келди. Тоҳир кўркув аралаш унга деди:-Бир бадбахт кампир сиримиздан огоҳ бўлибди, эҳтиёт бўлмоқ керак. Бу сўзни эшитиб Зухра энагаси олдига йиғлаб борди. Энага барча канизларни олдига йиғиб кенгашди. Шунда Гулзода деган каниз:-Эй биби, келинг яхиси бу оқсочни гумдон қилиб қутилайлик, бўлмаса бул шум кампир подшога айтиб Тоҳирни ҳам бизни ҳам қиличдан ўтказур, деди. –Эй қизлар бўлмаса, бу бадбахтни пинҳона йўқ қилинг, деб буюрди энага. Канизлар кампирни чақириб келиб, уриб ўлдириб, бир жойга

кўмдилар. Шундан кейин Гулзода:-Эй би биларим, бизнинг ишимиз бисёр қабоҳат бўлди, бу иш очилмай қолмас, яхшиси ўшал баҳтсизлик бошимизга тушмас бурун эл-элатни чақириб, Зухрани Тоҳиржонга никоҳлаб берайлик, буларни мурод-мақсадига етказиб, базм қиласайлик, деб бир ғазал айтди:

Бошимизга ўлим келмасдин бурун,  
Келинг қизлар базми даврон этайлик!  
Дўстлар йиглаб, душман кулмасдан бурун,  
Гулшан ичра азми сайрон этайлик!

Анча турдик Тоҳиржонни яшириб,  
Мард бўлайлик ишқ ўтига бош уриб,  
Барча созандани бунда тушириб,  
Аҳли халойиқни ҳайрон этайлик!

Зебу зийнат бериб кўз бирла қоса,  
Азм айлаб чиқайлик ою қуёша,  
Хуснимиз оламга берсин томоша,  
Рақиблар кўзини гирён этайлик!

Тўй этайлик кўрганларга кўз этиб,  
Арғумоқни майдон узра узатиб,  
Тахт устида кўшки уйлар тузатиб,  
Қайғу ғам уйини вайрон этайлик!

Кўрмасин, кўр бўлсин рақибнинг кўзи,  
Бобохонга етказурлар бу сўзи,  
Бир замон қўймасдан ўлдирап бизи,  
Бу йўлда бошимиз қурбон этайлик!

Шамдай шуъла солиб, гашт этсак боға,  
Парвоналар куйсин бу шамчироға,  
Орамизга рақиб кирса баногоҳ,  
Ўлдирайлик, ҳибси зиндон этайлик!

Гулзода дер, саваш куни мард бўлиб,  
Ошиқларнинг дарди бизга дард бўлиб,  
Душман келиб қолса, қувса юрт бўлиб,  
Ўрнимизни ўзга макон этайлик!

Бу сўздан кейин, бу таклифни қабул қилиб, эл-элатга от юбориб, чопарлар орқали созанда тўплаб, баҳшиларни жамлаб тўй-томуша бошлаб юбордилар. Зухрахонни қимматбаҳо либослар, зеб-зийнатлар билан безадиларки, гўё жаннатдан ҳур чиққандай бўлиб, кўшкнинг ичи қуёшнинг нурига ғарқ бўлгандай чараклаб кетди. Ул бир ёқقا, Тоҳир бир ёқقا ўлтириди. Канизлар соз-сухбат остида гоҳ Зухражонга, гоҳ Тоҳирга май тутиб, шундай мажлис қурдиларки, Зухражоннинг қалби ларзона келиб, ўрнидан туриб,

Тоҳиржонга ўзим май тутайин, деб майни олиб бориб, олдин ўзи бир қултум нўш этиб, Тоҳиржонга тутди. Сўнгра Мулланафас охунни олиб келиб икки ошиққа никоҳ ўқитдилар.

Бу шодиёнана подшоҳ эшитиб, тўй Зухра билан Қоработирники бўлса керак, деб ўйлаб ўз совғаларини жўнатди. Шоҳона либосларни Тоҳирга кийдирдилар. Подшо тўй тарафига барча халойиқни чақириб, хазинадан ҳадялар берди. Алқисса, бу кеча барча халойик ҳазм-базмдан қониб, уйларига тарқалишди. Аммо шу ердаги бадбаҳт боғбон бу хабарни подшоҳга етказди. Подшо дарғазаб бўлиб, Мулланафас билан боғбонни саройга келтиришга буйруқ берди. Шунда боғбон бу иш ўзидан чикқани учун дарҳол подшога таъзим қилиб, бу ишда мулла айбдор эмас, барча ишларни мен билурман, деб бир сўз айтди:

Подшоҳим, санго арзим сўзлайнин,  
Зухра қизинг ҳайрон бўлди кўшкинда.  
Тоҳир келмиш бугун кимдан гизлайнин,  
Харидорин кўзи кўрди кўшкинда.

Ёри билан суҳбат тутиб Зухражонин,  
Рақиблар макридан истайди омонин,  
Сурнай чалиб, дафни қоқиб шодиёнин,  
Тўққиз кундир даврон сурди кўшкинда.

Қирмизи кийинмиш қадди бўйина,  
Зеб-зийнат тақинмиш, ҳусни рўйина,  
Бугун талон солмиш ғамнинг уйина,  
Кўрган ҳайрон бўлиб турди кўшкинда.

Ул кун озод этди кўп бандаларни,  
Ўйнатиб ўртада шармандаларни,  
Йиғдириб баҳиси, созандаларни,  
Ажаб томошалар қурди кўшкинда.

Боғида жам бўлмиш бир бўлак пари,  
Севдигина рўймол отар ҳар бири,  
Тоҳир Зухражонни, Зухра Тоҳирни,  
Олма билан отиб урди кўшкинда.

Пинҳон сирин элга аён айлади,  
Ажаб томошали замон айлади,  
Кимни рақиб дея гумон айлади,  
Каттаю кичигин қирди кўшкинда.

Боғбон деяр, Зухражонни кўрсин деб,  
Икки ошиқ завқу сафо сурсин деб,  
Халойиққа тўй-томуша берсин деб,

Сиздан хабар сўраб турди кўшкинда.

Алқисса, боғбон сўзини тамом қилгандан сўнг Мулланафас ўрнидан туриб: -Эй подшоҳим, никоҳ қийиб икки ошиқни бирга қўшиш керак, деб сиз томондан вакил боргандан кейин биз бу ишга қўл урдик, сизнинг сўзингизни, оллоҳнинг фарзини, пайғамбарнинг суннатини баржой этдик, деди. Анда подшо:-Эй Мулланафас сиз ҳам мен ҳам алданибмиз. Сизнинг гуноҳингизни ўтдим. Аммо ошиқлар гуноҳини ўтиб бўлмас, уларни ўлдиринг, деб жаллодларни чақирди. Жаллодлар ҳозир бўлдилар. Тезлик билан Тоҳирни тутиб келишга жўнадилар.

Подшонинг етти вазири бор эрди, улар, бек бекзодалар, сипоҳийлар жам бўлиб подшодан Тоҳирнинг ҳаётини тиладилар, бу ошиқларнинг гуноҳини кечинг, деб подшога тавалло этиб бир абёт айтдилар:

Подшоҳим сиздан яккаш ўтинч бор,  
Зухрани Тоҳирдан айирма, зинҳор.  
Ҳак ишина бадал этмак не даркор,  
Тоҳирни Зухрадан айирма зинҳор.

Ҳар бириси Бояни эрам гулидур,  
Ошиқлар оллонинг севар қулидур,  
Сенинг бу ишларинг шайтон феълидур,  
Тоҳирни Зухрадан айирма зинҳор.

Яхшилик эт, ҳақ ишига қўшилиб,  
Икки гул чирмашсин бирга эшилиб,  
Бу қийин иш бугун қолсин ечилиб,  
Буларнинг иккисин айирма, зинҳор.

Олти ойлаб оқиб кезди дарёда,  
Энди зулм анинг учун зиёда,  
Ҳақ етирди ошиқларни мурода,  
Тоҳирни Зухрадан айирма зинҳор.

Гумроҳ бўлиб этган аҳдинг бузарсан,  
Хайр ишни ғайр ишга ёзарсан,  
Қизинг нолишига қандай дузарсан,  
Зухрани Тоҳирдан айирма зинҳор.

Бирини ўлдирсанг, бирин қўярсан,  
Бу ишингга кўп пушаймон еярсан,  
Қизинг ўзин ўлдирганин туйрсан,  
Ошиқларни ҳаргиз айирма, зинҳор.

Зухражон очилган бир тоза гулдир,  
Тоҳир нола қилган шайдо булбулдуру,  
Ўлим, ҳижрон сенга лойиқ дейилдуру,

Беглар дер, буларни айирма, занхор.

Алқисса беклар, сипоҳилар сўзларини тамом қилдилар. Бу сўзга подшонинг қаҳри келиб:-Мен сизлардан бу масалани сўрамайман, бу ишингиз учун сизларни ҳам ўлдираман, деб дўқ урди. Беклар дарҳол тавба қилдилар ва подшонинг оёғига йиқилдилар.

Подшо жаллодларга яна Тоҳирни тезда тутиб келишни топширди. Ясовуллар дарҳол бориб Тоҳирни тутиб келдилар. Душманлар шод, дўстлар ғамгин бўлди. Подшоҳ Тоҳирга қариб:-Эй ғуломбачча, сен менинг ҳарамхонамга оёқ қўйиб, менинг зулм-зўрлигимдан, ўлимдан қўрқмадингми, олло таолонинг сенга берган навжувонлигини йўқотишни ўйламадингми, мен сенинг тобутингни ўтга куйдирман, деб ғазабга минди. Унда Тоҳир:-Эй масхара подшо, бугун шоҳ бўлсанг, эртага гадосан, мен сендан эмас, оллоҳдан қўрқаман, деб бир сўз айтди:

Йўқдан бор айлаган қодир оллоҳдур,  
Оллодан қўрқаман, сендан қўрқманам!  
Ҳар не хукм айласа, хукми равондор,  
Оллодан қўрқаман, сендан қўрқманам!

Худонинг мулкидир суратим, жоним,  
Зухрага қурбондур жону жаҳоним,  
Бугун майдон узра тўкилса қоним,  
Оллодан қўрқаман, сендан қўрқманам!

Бугун қўшилмишам Зухра дилдора,  
Армоним йўқ, энди чекилсам дора,  
Зухранинг қошинда қилсанг садпора,  
Оллодан қўрқаман, сендан қўрқманам!

Банда, қулсан, шоҳман дея кезарсан,  
Отам билан қилган аҳдинг бузарсан,  
Хайр бўлган ишни шаърга ёзарсан,  
Оллодан қўрқаман, сендан қўрқманам!

Дунё узра келган куним ўлмишам,  
Ишқнинг савдосина сарим солмишам,  
Кўч-кўзиман, қурбон учун келмишам,  
Оллодан қўрқаман, сендан қўрқманам!

Ўлдургум, деб ғазаб билан сўйларсан,  
Ўлимдан ўзингни йироқ айларсан,  
Мақсадим ўлимдир ғайрин нетарсан,  
Оллодан қўрқаман, сендан қўрқманам!

Тоҳир деяр, сигинмишам худога,  
Ишқнинг шунқориман, тушдим тузоға,

Қатра қоним Зухражонга садоға,  
Оллодан қўрқаман, сендан қўрқманам!

Тоҳирнинг бу сўзини эшитиб подшонинг ғазаби ўн баробар ошиб, туклари тўнини тешиб чиқди.

-Жиллодлар, буни ўлдиринг, деб қичқирди. Жаллодлар қўллариға ойболта, ханжарларини олиб ҳозир бўлдилар. Тоҳирни ўлим майдонига олиб чиқдилар. Ошиқлар ноласидан ой-кун тутилди, олам-жаҳон зимиstonга айланди. Шунда Тоҳир:

-Эй жаллодлар, бир дақика тааммул қилинг, Зухражоннинг дийдорини бир кўрайин, унга бир-икки оғиз сўзим бор айтийин, деди.

Шул вақт Зухражон бошига қора чодир тортиб, ёс кийимида бўзлаб келди ва одамлар ичига ёриб кириб:-Эй юрагимнинг қуввати, кўзимнинг равшани, тириклигимнинг сармояси Тоҳиржон, мардона бўл, бу йўлдан қайтма, иккимизнинг ҳам мақсадимиз ўлимдир. Шукур оллоҳ таоло иккимизни муродимизга етирди, Тоҳиржон, оллоҳ ёшлиқдан иккимизни ошиқ этди, меҳру муҳаббатни кўнглимизга солди, энди икки ошиқнинг ўлар куни етишди... Бугун сен, эртага мен ўламан. Қиёмат куни худо қози бўлиб, Расул алайҳиссалом шафоати билан шу даргоҳда Бобоҳон подшо билан ҳисоб-китоб қилурмиз, деб бир абёт айтди:

Худодан тилагил мақсад-муродинг,  
Бугун муродинга етар кунингдур.  
Ўзингни топшириб ошиқ Фарҳода,  
Ошиқлар йўлини тутар кунингдур.

Ўлсанг бугун Бобоҳоннинг қўлида,  
Руҳинг сайрон этар жаннат гулида,  
Ёринг висолида, ишқинг йўлида,  
Дунёни бир пулга сотар кунингдур.

Ёр, менинг йўлимда гар чиқса жонинг,  
Мен сенсиз роҳатин сурмам жаҳоннинг,  
Тўкилса майдонда қирмизи қонинг,  
Қон ўрнига шарбат сотар кунингдур.

Биз кетайлик бунда қолсин Бобоҳон,  
Подшога мубоҳ бўлсин бу жаҳон,  
Маҳшар майдонида қурилса меъзон,  
Маҳкам ёқасидан тутар кунингдур.

Тақдир китобига ёзибдур бизи,  
Ўйилсин, кўр бўлсин отамнинг қўзи,  
Рўзи қиёматда қорадур юзи,  
Лаънат тошин унга отар кунингдур.

Отамнинг жабридин дардим сад ҳазор,  
Қора юз чўмоққа қилса сазовор,  
Мозоринг ёнида ясарман мозор,  
Аввал навбат санинг етар кунингдур.

Зухра дер, жаллодлар кесарлар бошинг,  
Йўқдур меҳрибонинг, қавми қардошинг,  
Азалда қисмат бу читмагил қошинг,  
Рахмат дарёсига ботар кунингдур.

Алқисса, бу сўз тамом бўлгандан сўнг Тоҳир Зухранинг бу эътиқодини  
эшишиб, сенинг кўз олдингда ўлсам армоним йўқ, деб бир ғазал айтди:

Хуш қол, энди Зухражоним,  
Айро тушдинг, дилдор энди.  
Беҳиштим хурим, ризвоним,  
Хора тушди гулзор энди.

Отанг ғазаб тўнин кийиб,  
Бизни қилар кўздин ғойиб,  
Юзинг йиртиб, сочинг юлиб,  
Сен чекмагил, озор энди.

Тоҳирни дорга чекурлар,  
Юрагида ўт чақилар,  
Майдонда қоним тўкилар,  
Очилар лолазор энди.

Менга ғазаб қилган шоҳдур,  
Қисмати қодир оллоҳдур,  
Қора ер бир аждаҳодур,  
Охир ютар бу мор энди.

Ниқобинг чекмагил юза,  
Ёш келтирма қора кўза,  
Қиёмат кун иккимиза,  
Насиб этсин дийдор энди.

Зухражон эшиит нолишим,  
Икки дунёда йўлдошим,  
Баржой бергил обу ошим,  
Сен бўлғайсан ғамхор энди.

Бу майдонда Тоҳир ўлса,  
Қоработир ҳозир бўлса,  
Зухрам билан ўйнаб кулса,  
Қачон топгум қарор энди.

Тоҳир бу сўзларни эшитиб Зухрага қараб:

-Эй Зухражон, мен дунёда муродимга етдим, мен ўлимдан қўрқмасман, хижрондан куярман, мен ўлиб сен Қоработирга қолсанг, мен қабримда қандай қарор топаман. Эй меҳрибоним, ўлгунчам дилдорлик қилдинг, ўлганимдан сўнг ҳам ғамхўрлик этарсан, ўлсам майитимни саранжомлаб, кейин обу ошимни баржой қиласан, қабрим бошида оят, хатми қурбон қилиб, такбир этарсан, жума оқшом чироқ ёқарсан. Агарда сен шуларни қилмасанг, бошқалардан умидим йўқ. Яна бир ўтинчим, Қоработирга ўзингни яқин қилма, ундан кейинги ишларни ҳам ўзинг биларсан, деди. Шунда Зухра: Эй Тоҳиржон! Бу дунёда менга ҳазрати Жиржис пайғамбарнинг кўрган азобларини берсалар ҳам бир соат Қоработир билан ҳамсуҳбат бўлмасман, деб бир абёт айтди:

Сен кетарсан, Зухра бунда қолди деб,  
Унинг учун ғамгин бўлма, Тоҳиржон!  
Мен кетарман ғайри мунда қолди деб,  
Унинг учун ғамгин бўлма, Тоҳиржон!

Бунда қолиб кўнглин бошқа олар деб,  
Кезган боғларимда ўзга кезар деб,  
Қоработир билан ўйнаб кулар деб,  
Унинг учун ғамгин бўлма, Тоҳиржон!

Тоҳирим деб ёниб-кўйиб ўтарман,  
Хижронингда мудом қонлар ютарман,  
Сенсиз ёrim бу жаҳонни нетарман,  
Унинг учун ғамгин бўлма Тоҳиржон!

Мен етмасам сенинг каби ёrima,  
Хазон урсин бу боқчали норима,  
Шартим будур тиф санчилсин бағрима,  
Унинг учун ғамгин бўлма Тоҳиржон!

Зухра деяр, бир иқрорда туарман,  
Сендан қолиб қанда даврон сурарман,  
Бугун кетсанг, эрта мен ҳам борарман,  
Унинг учун ғамгин бўлма, Тоҳиржон!

Зухра сўзини тамом этгандан кейин Тоҳирнинг қўнгли жойига тушди, ундан рози бўлиб:-Эй Зухражоним, қиёматгача сендан розиман, олло ёринг бўлсин, деб бир абёт айтди:

Мен қадам қўярман охират сари,  
Нозаниним, Зухражоним қол энди.  
Рақиблар айирди ёридан ёри,  
Ширин сўзли Зухражоним, қол энди.

Жаллодлар келибди жоним олмоққа,

Рақиблар келибди ўйнаб-кулмакка,  
Мен келмишам бу майдонга ўлмакка,  
Сен саломат Зухражоним, қол энди.

Кўлида ханжари жаллодлар келди,  
Қотили хунхорлар теграмни олди,  
Азиз таним қирмиз қонга бўялди,  
Йиғламағил Зухражоним, қол энди.

Васиятим, арзим санга Зухражон,  
Қора кўздан ашкинг тўқмагил ҳар ён,  
Армоним йўқ бўлсам қошингда қурбон,  
Ғам емагил, Зухражоним, қол энди.

Нозанин йигитлар, тенгу тушларим,  
Йигитлар ҳамроси паривашларим,  
Қадрдон дўстларим, қардош-хешларим,  
Йиғламағил, халойиқлар, қол энди.

Йиғлама севдигим даврон кунидур,  
Майдонда ошифинг, мардон кунидур,  
Бугун бизга ийди қурбон кунидур,  
Ғамгин бўлма, Зухражоним, қол энди.

Юзинг йиртиб, сиё сочинг ёймағил,  
Тоҳиринг бағрига доғлар қўймағил,  
Ёрим ўлди, дейиб ғамлар емагил,  
Олло ёринг, нозаниним, қол энди.

Алқисса, жаллодлар Тоҳирнинг кўзини боғлаб, бўрёнинг устига ўтиргизиб, ханжарларни яланғочлаб, подшоҳдан рухсат кутиб турдилар. Шул вақтда Зухра зори гирён бўлиб:

-Эй халойик, ошиқларга уч кун фурсат берилсин, деди. Халойик:- Ошиқларга уч кун фурсат берилсин, деб арз этдилар. Подшо розилик берди. Икки ошиқ кўшқда дарди ҳол айтишдилар. Тўртинчи куни Зухра Тоҳирга шоҳона либослар кийдириб, бошига мурассасъ тож қўйиб, белига заррин камар боғлаб, ғулпокларига тилло шона уриб, юзларига гулоб сепиб, безаб майдонга чиқарди. Халойик қараса, икки ошиқ юзлари ой каби шуъла сочиб, қоронғи кечани мунаvvар қилур эрди. Одамлар уларга ҳайрон бўлиб боқиб, бармоқларини тишлаб турур эрдилар. Катта –кичик: “Илоё Тоҳирга нажот бер”, -деб илтижо қилурлар эрди. Зухра факир балки бу кўрк, нафосат соҳибиға подшо ўлимни раво кўрмас, деган ўйга кетган эди. Аммо подшо жаллодларга: -ўлдиринг!-деб буйруқ берди. Жаллодлар дарҳол Тоҳирни Зухранинг қўлидан тортиб олиб майдонга келтирдилар. Зухра ўтга тушган парвонадай бориб отасининг оёғига йиқилди, унга ёлбориб:-Мени ўлдир, ёrimни озод айлагил, деб бир ғазал айтди:

Шоҳ бобом арзимни баён айлайин,  
Мени ўлдир, ёrim озод айлагин.  
Тоҳирнинг бошига қурбон бўлайин,  
Ўлдир мени, ёrim озод айлагил.

Аввал бошдан тақдир қилибдур бизи,  
Боҳир билан иқорот этдинг бу сўзи,  
Юзингни дўндардинг, туман кун юза,  
Мени ўлдир, ёrim озод айлагил.

Отамга ўтинч эт, меҳрибон энам,  
Кеча-кундуз ишқ ўтида ўртнам,  
Тоҳир тақдирига ёзуқлик менам,  
Мени ўлдир, ёrim озод айлагил.

Бугун бош қўймишам ишқнинг йўлига,  
Назар этмам бу дунёнинг молига,  
Ёрдан бурун тушгум ажал қўлига,  
Мени ўлдир, ёrim озод айлагил.

Мен бунда қолманам, ўзим биларман,  
Ханжар бирла қора бағрим тиларман,  
Тоҳирни ўлдирсанг мен ҳам ўларман,  
Мени ўлдир, ёrim озод айлагил.

Боғбон элин олма-нордан айрма,  
Булбул жисмин гул-гулзордан айрма,  
Ғазаб билан мени ёрдан айрма,  
Мени ўлдир, ёrim озод айлагил.

Менинг ёrim Боҳир вазир ўғлидур,  
Шоҳ зулмидан сийналари доғлидур,  
Зухра бирлан бир иқрорга боғлидур,  
Мени ўлдир, ёrim озод айлагил.

Алқисса, Зухра сўзини тамомлагандан сўнг Тоҳир айтди:-Эй Зухражон,  
номардга бўйнинг бурма, тақдирга чора бўлмас, деди.

Шул вақтда подшоҳ жаллодларга имо қилди, жаллодлар шу заҳоти  
Тоҳирнинг бошини танасидан жудо қилдилар.

Тоҳирнинг ҳар қатра қонидан “Зухра” деб нидо чиқар эрди, сўнг ҳар  
қатра қони бир қизил гул бўлиб очилар эрди, халойик ҳайрон саросима  
бўлди. Зухра бир вақт қараса, иш охирига етибди, шунда у ўзини ўлиқ устига  
ташлаб беҳуш йиқилди. Канизлар иккаласининг устига парда тортдилар.  
Сўнгра бутун эл тобутни кўтариб йўлга тушди. Шул вақтда Зухра хушига  
келиб:-Халойик, нари туринг, номаҳрамсиз, деб канизларига Тоҳирни  
кўтаринг, деб фармон этди. Барча қизлар зори гирён йиғладилар, Тоҳирни

кўтариб кўшкка келтирилар. Унга зарбофдан кафан этиб, устига минг беш юз туманлик кермоний шолдан ўртук қилдилар. Олти минг туман сарф этиб шаҳар ташқарисида гумбаз барпо этдилар. Зухра хазинанинг оғзини очиб 40 ботмон олтин, қумуш олиб, то гумбазга етгунча Тоҳирнинг устидан сочиб боришни фармон этиди. Сўнгра 26 минг шаҳар аҳли йиғилиб, жаноза ўқидилар. Кейин Тоҳирнинг устидан симу зар сочдилар. Бир неча қорийлар қорийчилик этиб, девоналар “ху ҳай” деб, дарвешлар зикру сано айтиб, шайхлар нолиш этиб, маддохлар ғазал айтиб, қанчадан қанча тенгдош йигит-қизлар қабр бошига бордилар. Тоҳирнинг устига минг туманлик мушку анбар сепиб, уни жойлаб йиғлашдилар. Шул маъракада Мулланафас ҳам бор эрди. Ул: Эй ҳалойик, ҳар ким шаҳиднинг устидан ёпилган зотдан бир нарса олса, дўзах ўтига гирифтор бўлар, деди. Тоҳирнинг устига ёпилган зотларни элатдаги кишиларга пойлаб, Зухра уларга рухсат берди. Ўзи 40 канизи, уч юз қорий билан ул жойда қолди. Бул кеча тонг отгунча шу ерда қолдилар.

Шундан сўнг Зухра уч кун ичida Тоҳирнинг ҳамма обу ошини берди ва кўшкига келиб, боғларини ва бошқа анжомларини канизларига бахш этди. Кейин қора чодрага бурканиб, Тоҳирнинг қабри устига зиёратга кетди. Унинг бораётган йўли кўз ёшидан нам бўлур эрди. Шул вақт онаси унинг изидан этиб:-Эй болам, ўлганнинг изидан ўлиб бўлмас, ўлгандан фойда йўқ, уни ёдингдан чиқар, тирикка хизмат эт. Ўлик арслондан тирик сичқон яхши, деганлар, Коработир ҳам ўз авлодинг, унга кўнгил бер, деди. Зухра:-Эй она, бир оёғинг гўрда, сенинг бундай сўз айтишга қандай тилинг борди, деб бир абёт ўқиди:

Онахон, айтмагил бундай сўзингни,  
Бу ваъдага вафо қилмасам бўлмас.  
Деганинг рост бўлса, кўрмам юзингни,  
Тоҳирнинг изида ўлмасам бўлмас.

Худойим айласа лутфи иноят,  
Тоҳирнинг руҳига хатм этиб оят,  
Ёримнинг қабрини айлаб зиёрат,  
Ул ерда лош бўлиб қолмасам бўлмас.

Энди менинг раҳмим келмас бу жона,  
Бу ишлар бизларга бўлди баҳона.  
Жонимни топшириб қодир субҳона,  
Жасадим тупроққа бермасам бўлмас.

Толеъим каж келди иқболим синди,  
Ажалнинг соқийси шаробин сунди,  
Ёрнинг хуморидан айилдим энди,  
Хазон урган гулдек сўлмасам бўлмас.

Зухра деяр, ширин жона дўзмасман,  
Ўларман Тоҳирдан умид узмасман.

Ёр анда, мен бунда йиғлаб кезмасман,  
Бориб ёр қабрида бўлмасам бўлмас.

Алқисса, Зухра сўзини тамом қилгандан сўнг онаси ҳарчанд тавалло этди, таваллосини олмади, сўнгра онаси айтди: Эй жон қизим, агар юз кун ёлборсам ҳам менинг деганимни этмассан, сенинг ишқингга чора топиб билмадим, эй қўзим, ростини сўзласам сеники дурустдир, сенинг йўлинг хақдир. Тоҳир сенинг йўлингда ўлди. Сен ҳам унинг йўлида жон берсанг керак. Энди ўзинг биларсан, деб йиғлаб уйига қайтди. Зухражон ҳам қабрга зиёрат учун жўнади.

Энди хабарни Қоработирдан эшигинг. Ул боғнинг канорида Зухрининг йўлини пойлаб турар эрди. Бирдан Зухрининг келганини кўриб, илгари юрди. Аммо Зухра унинг не хаёлда келганини билмади. Шул вақт Қоработир Зухрининг олдига келиб, таъзим, тавозеъ билан орзу ҳолини сўзлаб, беш калима сўз деди:

Зухражон, арзим бор, недур гуноҳим,  
Холларимдан хабар олсанг не бўлди?  
Менга раҳм айлади карамли шоҳим,  
Бу ҳолимдин хабар олсанг не бўлди?

Мен сенинг ишқингда қайнайин тошиб,  
Сен кезарсан рақибларга бош қўшиб,  
Ағёрдан айрилиб, хилватга тушиб,  
Оқ қўлинг бўйнима солсанг не бўлди?

Мен ошиғам сенинг каби жонона,  
Кунда юз ўртарсан, қасд этиб жона,  
Қошингдан қувларсан, айлаб баҳона,  
Отанг берган пандни олсанг не бўлди?

Лочиндеқ термулиб, ҳар ёна боқиб,  
Кокилинг шоналаб, қаддингта тўкиб,  
Қизларга бош бўлиб, сайронча чиқиб,  
Қошимда эркалаб кулсанг не бўлди?

Тоҳирни кетди деб тилга келтирма,  
Хуш кунингни ҳасрат била ўтирма,  
Қора кийиб, ғамгин бўлиб оҳ урма,  
Қоработир ишқин билсанг не бўлди?

Алқисса Қоработир сўзини тамом этиб: -Эй Зухражон, мен фақирга раҳм айла, мен ҳам сендан умидвор бўлиб, кеча кундуз оҳу зор чекурман, деди.

Зухра бунинг туришидан ҳадик этиб, бу бадбаҳт менинг бирдан қўлим ушлаб беобрў этмасин, деб хавфга тушиб уни фикридан қайтиromoқчи бўлиб:- Эй Қоработир, энди мен сеники бўлдим, аммо Тоҳир ҳам менинг йўлимда кўп жафо чеккан ўғлондор. Андак сабр қил, унинг обу ошини бериб, ўзимни

ёсдин чиқарайин, сўнгра сен билан даврон сурармиз. Сен менинг яқин қариндошим бўласан, сен тўй тараддудини тутабер, энди даврон сенга дўнди, деди.

Бу сўзга Қоработир ишониб, кайфи кўтарилиб, Зухранинг отасига: - Подшоҳи олам, қизингизнинг азалдан бизга қўнгли бор экан, деди. Подшоҳам хушвақт бўлди.

Зухра Қоработирни бу хийла билан узатиб юборди, канизларига қараб бир сўз деди:

Гулзода, гавҳарим, эшит сўзимни,  
Нолалар чекарман ёрнинг йўлида,  
Тоҳир учун барбод қилиб ўзимни,  
Жигарим ёқарман ёрнинг йўлида.

Ошиқлар ҳаёти кечмас орқайин,  
Кетди ёrim, энди кимдан сўрайин,  
Бугун жон уйини-жисмим саройин,  
Қасд этиб йиқарман, ёрнинг йўлида.

Алқисса Зухра сўзини тамом этиб:-Эй қизлар йиғламоқ билан иш битмас, юринг Тоҳирбекнинг қабрини зиёрат этайлик, деб канизлари билан қўшилиб зиёратга кетдилар. Улар қабр бошига бориб неча вақтлар йиғлашиб ўтиридилар, сўнгра қайтиб кетдилар. Аммо Зухра қабр бошида рўймолини яшириб қўйиб кетди. Йўлда у ҳеч тўхтамасдан йиғлаб борди ва қўз ёшини артиш учун рўймолини олмоқчи бўлиб, унинг тушиб қолганини қизларга айтди. Қизлар рўймолни ахтариб кетдилар. Зухра эса қабр бошига югорди. Унинг белида ханжар бор эрди. Харжарни қинидан суғириб, калимаи шариф ўқиб, ханжарнинг сопини пастга, тифини юқорига жойлаб қўйиб, устига ўзини ташлади. Ханжар унинг юрагидан кириб, орқасидан чиқди. Гулдек тана қирмизи қонга беланди, жони жаннатда Тоҳир билан қовушди.

Канизлар тўрт тарафга чопиб, келиб қарасалар Зухра қонга беланиб ётибди. Қизлар йиғлаб унинг ёсини тутдилар ва подшоҳга хабар юбордилар. Хабарчи бориб подшога:-Қизинг жаннатга восил бўлди, деб хабар етказди. Подшо буни эшитиб бехуш йиқилди. Хушига келиб, Зухранинг устига қараб жўнади. Борса, халойиқ йиғилган, ҳамма ҳайрон-саросима. Бирор оҳ-воҳ чекди, бирор баракалла тўғри иш қилибди, деди. Зухранинг жасадини Тоҳир қабрининг ёнига қўйдилар. Шул вақтда подшо этиб келди. Қараса Зухра қора қонга булғаниб ётибди. Ул пешонасига уч марта уриб: -Во-ҳасрато, надомато, деб отидан оғиб тушиб, Зухрани қучоқлаб, бехуш йиқилди. Уни хушига келтирдилар. Шунда у зоринжи садо билан бир марсия айтди:

Воҳасрато айро тушдим,  
Топарманми, болам сени.  
Найлайн ёндим, туташдим,  
Топарманми, болам сани.

Инондим, рақиб сўзига,  
Зор ўлдим оёқ тўзинга,

Юзим қўйсам гул юзинга,  
Топарманми, болам сени.

Юз ўгирди яқин-ётим,  
Қурисин Бобохон отим,  
Йиғлатдим якка зурёдим,  
Топарманми, болам сени.

Ўпиб отим оёғиндан,  
Сўзлади дарди доғингдан,  
Зухражон учди боғимдан,  
Топарманми, болам сени.

Қаро чекилди юзимга,  
Зулм айладим ўз-ўзимга,  
Жабр этдим якка қизимга,  
Топарманми, болам сени.

Ҳақ ошиқ эркан, билмадим,  
Раҳмат назарин солмадим,  
Ваъдага вафо қилмадим,  
Топарманми, болам сени.

Зухражон қандасан, қанда,  
Отанг бўлсин сенга банда,  
Йиғларман умрим баринда,  
Топарманми, болам сени.

Тавалло этди телмуриб,  
Раҳм этмадим бағрим эриб,  
Энди қолмишам сарғариб,  
Топарманми, болам сени.

Бобохон деяр, сўзласам,  
Кетган йўлини кўзласам,  
Ёхти жаҳонни изласам,  
Топарманми, болам сени.

Подшо сўзини тамом этган вақтда, Зухранинг онаси сочини юлиб, бағрини поралаб, кўзидан ёши сел бўлиб:-Во ҳасрато, Зухражондан айрилдим, деб Зухранинг устига ўзини отиб, қучоқлаб бехуш йиқилди. Бир замонлардан кейин хушига келиб, кўксини қизи кўксига қўйиб:-Эй фарзандим, воҳ жигарбандим, деб зор-зор йиғлаб бир марсия ўқиди:

Нотавон фарзандим, азиз чирогим,  
Армон билан ғариб ўлган, Зухражон!

Рақиблар макридан синди будоғим,  
Ишқ йўлида шаҳид ўлган, Зухражон!

Ханжар билан қаро бағринг чок этиб,  
Тамом аъзоларинг дардинок этиб,  
Ишқ йўлида азиз жисминг ҳок этиб,  
Ёрим дейиб ғариб ўлган, Зухражон!

Мен отанга айтар эрдим бу дарди,  
Англамади, ўзга ёнга югурди,  
Сенга боқмай, рақибларга дил берди,  
Бир ғамхорсиз ғариб ўлган, Зухражон!

Қизига қасд этиб, ғаним кулдириб,  
Душманлар олдида ақлин олдириб,  
Отаси сабабли ўзин ўлдириб,  
Чора топмай шаҳид ўлган Зухражон!

Ёр дейиб, дунёнинг завқидан кечиб,  
Ҳар кимга телмуриб, кўз ёшин сочиб,  
Тоҳир, дейиб охир қора ер қучиб,  
Ишқ йўлида ғариб ўлган, Зухражон!

Подшодур факирларнинг паноси,  
Қизига қасд этди недур гуноси,  
Мен ҳам Зухра қизнинг ғариб онаси,  
Онам дейиб ғариб ўлган, Зухражон!

Алқисса, бу сўзни тамом этиб, Зухранинг ўрнига мен ўлсам  
бўлмасмиди, деб онаси бечора зори гирён йиглади.

Кейин подшо аркони давлатни йифиб, маслаҳатлашиб, Тоҳирнинг  
қабри ёнида бир гумбаз барпо қилдириб, ичига қандиллар осдириб,  
қорийларни қубур устида ўтқизиб, Куръони каримни такрор қилдирди.  
Зухрани дафн қилдилар.

Энди сўзни лашкарбоши Қоработирдан эшитинг. Қоработир  
Зухранинг сўзига инониб, бори молини сарфлаб, дўстларидан ҳам қарз олиб,  
тўй шайини тутиб юрган эрди. Аммо бу воқеани эшитиб, юрагига тош уриб  
йиглади. Қабристонга бориб қараса, Тоҳир билан Зухра иккаласи гумбазда  
ёнма ён ётибди. Ҳар бирининг устида бир қизил гул чиқиб, иккаласи  
осмонга чирмасиб кетибди. Қоработир буни кўриб, ўзига деди:-Эй  
Қоработир! Сен Зухра билан Тоҳирнинг бир жойда бўлганини қизғанар  
эрдинг яна бу ерда иккаласини кўрдинг, буларнинг бир жойда ётганини  
кўрганингдан ўлганинг яхши эмасми, деб Зухранинг мозорига ханжар қўйиб,  
ўзини ўлдириш учун уч марта талпинди, аммо юраги қиймади. Шул ерда бир  
оқсоқол киши буни кўриб:-Эй Қоработир, ўзингни ошиқ ҳисоблаб, бу

ошиқларга бир соат роҳат кўргазмадинг. Булар бир-бирларига жонларини фидо айладилар, баракалло, жонинг шу қадар ширинми, деди.

Қоработир бу хижолатли сўзларни эшитиб, кўзини юмиб, ўзини ханжарнинг устига ташлаб жон таслим қилди. Ул ўлмас бурун, мен ўлсам Тоҳир билан, Зухранинг ўртасига жойланглар, деб васият қилган эркан. Унинг қариндошлари бу васиятни баржой қилдилар.

Оллонинг қудрати билан унинг қабридан бир қора гул чиқиб, аввалги чиқкан икки қизил гулга озор бериб, япроқларини пора-пора қилур эрди. Қоработир жасадини икки мозор ўртасига жойланганига Зухранинг руҳи норози бўлди ва Зухра Бобохон подшонинг тушига кириб, унга юзланиб бир ғазал айтди:

Бизга золим бўлган меҳрибон отам,  
Дунёда зулмга дучор айладинг.  
Мен сенга не қилдим, недур гуноҳим,  
Қизингни ўзинга ағёр айладинг.

Бу дунёдан охиратга отилдим,  
Фалак билан нард ўйнадим сотилдим,  
Бегандим жабрингдан қочдим, қутилдим,  
Яна бизни бунда озор айладинг.

Ўтлар солдинг қабр устида саройга,  
Малҳам айла ракиб қўйган ярога,  
Ул дунёда Қора тушди орага, .  
Яна ора ерда мозор айладинг.

Қаҳр этиб айирдинг ёридин ёрин,  
Устимиизда қурдинг ўлим бозорин,  
Кўргизмадинг бир-бировга дийдорин,  
Яна бизни орзу дийдор айладинг.

Шафқат истаб ўпдим пойи гардингдан,  
Қувладинг оқизиб ёрни юртингдан,  
Яхши кун кўрмадим сенинг дардингдан,  
Ўзинг ишратингда қарор айладинг.

Унда қолдинг ошиқларнинг қонига,  
Бунда ўтлар солдинг ширин жонига,  
Зухра деяр, келдим отам, ёнига,  
Армоним кўп, сўзим изҳор айладим.

Подшо бу сўзни эшитиб, сесканиб уйғонди. Хизматкорларига:-От ҳозирланг, деб буюрди. От ҳозирланди, подшо отга миниб, вазирлари бирлан қабрнинг устига борди. Қараса, Тоҳир билан Зухранинг қабрлари устидан иккита гул чиқиб осмонга чирмашган, ҳар бирининг бошида бир булбул бор. Аммо Қоработирнинг қабри устидан бир қора гул ўсиб, гулларга озор бериб

турибди, унинг устида эса бир бойқуш фарёд уриб ўтирибди. Подшо буларни кўриб ҳайрон қолди ва Қоработирнинг буларга душман эканини энди билдим деб, унинг мозорини йиқишига буйруқ берди.

Дарҳол мозорни йиқиб, жасадни бошқа жойга кўчирдилар. Подшоҳ иккита ёп-анҳорни ва Зуҳранинг бοғини ошиқлар йўлига вакф қилди. Уларнинг қабрлари устида олти юз қуръонхона ва мувожир қўйди.

Энди сўзни Моҳимжондан эшитинг. Моҳимжоннинг тушига бир куни руҳи пок кўриниб:-Эй Моҳимжон, бизнинг бошимизга бир иш тушди, деди. Моҳим сесканиб уйғонди, бақириб ўрнидан турди. Унинг сасига канизлари келишиб:-Эй Моҳимжон, не гап бўлди, деб сўрадилар. Шунда Моҳимжон йиғлаб юрагини поралаб бир сўз айтди:

Эй меҳрибоним, йўлдошим,  
Топарманми, ёrim сани?  
Курбон қилам молим-бошим,  
Топарманми ёrim сани?

Ишқингда мен бўлдим ғариб,  
Ҳам заъфарондек сарғариб,  
Тун-кечаларда ахтариб,  
Топарманми, ёrim сани?

Эй нозанин, сиймин бадан,  
Жон кетди, мунда қолди тан,  
Эй ҳиммати олий каҳан,  
Қандай топай, ёrim сани?

Ҳар лаҳза қилдим мен ҳавас,  
Бўлсам яна бир ҳамнафас,  
Бу дунё мен учун қафас,  
Қандай топай, ёrim сани?

Бечораи мискин бўлиб,  
Йўллар бошида телмуриб,  
Ҳардам юракдан ох уриб,  
Қандай топай, ёrim сани?

Бир булбули нолаи зор,  
Бер ҳожатим, парвардигор,  
Бўлдим йўлингда интизор,  
Қандай топай, ёrim сани?

Эй шамси анвар ваззихо,  
Эй ҳодийи нури ҳидо,  
Эй гулшани боди сабо,  
Қандай топай, ёrim сани?

Моҳим деяр, эй сарви бўй,  
Нола қилурман мисли най,  
Орзудаман: ҳуснинг кўрай,  
Қандай топай, ёрим сани?

Алқисса, Моҳимжон сўзини тамомлади. Гулзода каниз Моҳимнинг нолишига тоқат қилобилмай, бир ғазал айтди:

Бу кеча не аҳвол кечди бошингдан,  
Хабар бергил Моҳимжоним, не бўлди?  
Кирқ канизинг қурбон бўлсин бошингдан,  
Хабар бергил Моҳимжоним, не бўлди?

Оlam куяр нолишингдан, зорингдан,  
Учирдинг булбулинг гулузорингдан,  
Не хабар эшиздинг севар ёрингдан,  
Хабар бергил, Моҳимжоним, не бўлди?

Ё аҳвол кўрдингми, Тоҳир ўлдими?  
Ё сарғайиб гулдай юзи сўлдими?  
Ёки ожиз кўнглинг мендан қолдими?  
Хабар бергил, Моҳимжоним, не бўлди?

Шум айрилиқ ели ҳар ён эсибдур,  
Ёки унинг ғам-қайғуси босибдур,  
Оҳу ноланг қорабағрим кесибдур,  
Хабар бергил, Моҳимжоним, не бўлди?

Қайғу-ғамдан ўзинг безор айлагил,  
Канизларга кулиб, гуфтор айлагил,  
Гулзодага сўзинг изҳор айлагил,  
Хабар бергил, Моҳимжоним, не бўлди?

Бу сўз тамом бўлгандан кейин Моҳимжон Гулзодага жавоб бериб, бир ғазал айтди:

Уйқумда Гулзода бир аҳвол кўрдим,  
Ошиқлар кўзима аён кўринди.  
Ёрилди юрагим, сесканиб турдим,  
Кўзима бир руҳи равон кўринди.

Тоҳирим кўрмишам саҳарнинг чоги,  
Дор остида кўрдим бўйнида боғи,  
Моҳимжон деб йиглар юракда доғи,  
Ошиқларга охир замон кўринди.

Зухра қиз дейдилар бир пари пайкар,  
Қора киймиш ўз бўйига баробар,

Санчадур бағрига қўлида ханжар,  
Тоҳир деб кўзлари гирён кўринди.

Тоҳир деб йиғлашур юрт аҳли чандон,  
Магар Тоҳир ўлмиш, ё тушди зиндан,  
Жаллодлар жам бўлиб чарх урап ҳарён,  
Ошиқлар устида туман кўринди.

Моҳимжон дер, Зухражонни қўрмишам,  
Паришон ҳолидин хабар сўрмишам,  
Дейди: ўз бағримга ханжар урмишам,  
Юракда ўт, бағрида қон кўринди.

Моҳимжон сўзини тамом этиб:-Эй Гулзода, мени бир неча вақтлардан бери ғам босар. Тушимда руҳи пок кўрдим. Ўзи зулм остида, келиб бўйини буриб: “Бошимизга иш тушди, етиш”, деб ҳеч уйқу бермади. Мен билмадим бу Тоҳирнинг руҳими ё ғайри руҳими. Агар ошиқлар ўлган бўлсалар, қабрларини зиёрат қилсам. Агар ўлмаган бўлсалар хизматларида бўлсам, деди. Хазинадаги бор пулни сандиққа солиб: Бир сардор топиб, от-яроқ анжом этиб йўл шайини тутинг, деб канизларга амр айлади.

Бу хабар Одилшоҳга этиб борди. У дарҳол вазирлари билан қизи ҳузурига келиб: -Эй қизим, занон тоифасига сафаркашлик номуборак бўлур, деб бир сўз айтди, Моҳимжон ҳам унга жавоб берди:

**Одилшоҳ:**

Ўлганинг изида ўлмак бўлурми,  
Мехрибоним, севар қўзим, қайт энди.  
Тотор кетиб, қайтиб келмоқ бўлурми,  
Кўнгил хушим, кўрар қўзим, қайт энди.

**Моҳим:**

Одил бобом, менга руҳсат бергайсиз,  
Бориб Тоҳиримни қўрмасам бўлмас.  
Каъбамсиз, қибламсиз бирга юргайсиз,  
Бошим ул дўкона урмасам бўлмас.

**Одилшоҳ:**

Кўзинга кўринган ул руҳи покдур,  
Зухражон ёнингда тупроқдур, ҳокдур,  
Йўллар кўп йироқдур, қўрмаклик йўқдур,  
Моҳимжоним, севар қўзим, қайт энди.

**Моҳим:**

Шодлигим йитибдур, ғамим ошибдур,  
Айрилик дардидин ақлим шошибдур,  
Тоҳирнинг бошига не иш тушибдур,  
Бориб қуллиғида турмасам бўлмас.

**Одилшоҳ:**

Тоҳир нобуд бўлмиш шоҳнинг қаҳрида,  
Аждарнинг оғзида, илон заҳрида,

Сенга ҳамдам кўпдур Бағдод шахрида,  
Мехрибоним, Моҳимжоним, қайт энди.

**Моҳим:**

Бундай сўзни шоҳим, олма тилларга,  
Жоним чиқиб лошим қолсин чўлларда,  
Суякларим нишон бўлсин чўлларда,  
Тоҳир деб бу йўлда ўлмасам бўлмас.

**Одилшоҳ:**

Юртнинг шоҳидурман, оламга хонам,  
Келтирмам Тоҳирни, ҳукми равонам,  
Кел, қайтгил йўлингдан бошинга дўнам,  
Кўрар кўзим, севар кўзим, қайт энди.

**Моҳим:**

Бағдодда бир кимса эшитмас сўзим,  
Ёрсиз менинг заъфарондур гул юзим,  
Жасадим кул бўлсин, кўр бўлсин кўзим,  
Мен ҳам улар каби бўлмасам бўлмас.

**Одилшоҳ:**

Одилшоҳ дер, тутгил менинг сўзимни,  
Сенинг учун барбод этай ўзимни,  
Қизим Тотор сари бурма юзингни,  
Юргил Бағдод сари, кўзим, қайт энди.

**Моҳим:**

Моҳим деяр, ёр эшитсин сўзимни,  
Ёrim не кулфатда, ғофилдур бошим,  
Кўрар кўзим, меҳрибоним, йўлдошим,  
Холларидан хабар олмасам бўлмас.

Булар сўзларини тамом этдилар. Шу пайтда кун ботар томондан бир гард пайдо бўлди. Қарасалар карвон эркан. Моҳим: Менинг Тоҳирим элидан келган карвон бўлса керак, деб олдидан чиқди ва карвонбошига салом берди: Карвонбоши алик олиб: Эй Моҳирўй, бизга не хизматинг бор, деб сўради. Шунда Моҳим зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлаб, карвонбошидан хабар сўраб бир абёт айтди:

Хабар бер карвонлар, қайдин келарсиз,  
Мени ҳол-аҳволдан хабардор айла.  
Хабар сўрсам Тоҳиржонни биларсиз,  
Хазон урган кўнглим лолазор айла.

Чўх ҳайрон ўлмишам бир ёр ишқида,  
Саргардонман рақибларнинг рашкида,  
Нечук хабар бордур Зухра кўшкида,  
Менга рост сўзлардан эътибор айла.

Ёrim кетди, бунда қолдим саргардон,  
Кўнглим орзу айлаб, кўзларим гирён,

Шириң жоним қылгум жонинга қурбон,  
Менинг бу сўзимга эътибор айла.

Ростин сўзла, хабар олсам ўзингдан,  
Айланарман ёрни кўрган қўзингдан,  
Ё хушнуд айлагил, шириң сўзингдан,  
Ёки бундин бадтар бекарор айла.

Зухра дейиб кетди Бағдод юртидан,  
Кўзларимга суртсам пойи гардидан,  
Моҳим ўлса керак анинг дардидан,  
Ё ўлди дегайсан, ёки бор айла.

Моҳим сўзини тамом этди. Карвонбоши ҳам Моҳимга жавоб бериб  
бир сўз айтди:

Бизни сўрсанг шахри Тотор юртидан,  
Карвонларин азми сайрон айлади.  
Қирқ кун бўлди айрилиқнинг дардидан,  
Барчаларнинг ақлин ҳайрон айлади.

Зухражон деярлар Бобохон қизи,  
Паришон кокилли, паризод ўзи,  
Зарли зарбоф кийган, тўни қирмизи,  
Кўрганларнинг кўнглин гирён айлади.

Зухра отли нозанин қиз бор эрди,  
Боҳир ўғли Тоҳир интизор эрди,  
Бир-бировин дийдорига зор эрди,  
Бироз маҳал базми даврон айлади.

Ғазаб айлаб шоҳ Тоҳирни ўлдирди,  
Ўлмас бурун сенга салом гўндарди,  
Ул кун хароб бўлди Тоторнинг юрти,  
Юрт аҳли Тоҳир деб аффон айлади.

Тўққиз кун Зухражон чиқди майдона,  
Жайрон каби нола қилди ҳар ёна,  
Тоҳир дейиб бўялди қизил қона,  
Ёр йўлида бошин қурбон айлади.

Мудом йиғлар, ўзин ўлимга чоғлаб,  
Паймонаси тўлди, ўзин пичоқлаб,  
Шаҳид ўлди, ёр қабрини қучоқлаб,  
Иковин бир ерда пинҳон айлади.

Чўх карвонбошиям, Маҳжудир отим,

Ошиқлар муроди менинг муродим,  
Тоҳир тириклиги менинг ҳаётим,  
Моҳимни кўрсам деб армон айлади.

Карвонбоши сўзини тамомлаб: -Эй Моҳимжон, Тоҳир отли бир йигит бор эрди. Ул Бобохон подшосининг қизи Зуҳрага ошиқ бўлди. Зуҳра сулувлиқда олам-жаҳонда тенгсиз эрди. Тоҳир Бағдоддан бориб, Зуҳражонга қовушиб, кезиб юрган вақти, уни Подшога ёмонладилар. Бобохон подшо эса Тоҳирни ўлдирди. Зуҳра ҳам Тоҳирнинг қабри устида ўзига ханжар уриб Тоҳир, деб жон берди. Бу ғавғони кўриб ахли халойиқ бу зулмга чидай олмаймиз, деб ҳар ким бир ёққа қочди. Биз ҳам бу ёққа келдик, деди.

Моҳимжон бу хабарни эшитиб, дод-фарёд этиб, қўзидан қонли ёш тўкилиб, бағри бирён, кўнгли гирён бўлиб бир марсия ўқиди:

Юракда юз минг бир дардим,  
Мен нечук дармон айлайнин.  
Тангри ишига тан бердим,  
Армон, юз армон айлайнин.

Мен ҳам тўкарман қоними,  
Ҳеч ким топмас нишоними,  
Ёр учун ширин жоними,  
Мардуди жаҳон айлайнин.

Етишди ажал лашкари,  
Мен найлайнин симу зари,  
Сийнамга уриб ханжари,  
Қора бағрим қон айлайнин.

Борсам ёрим ётган ера,  
Сийнамга солурман яра,  
Қўшилиб Зуҳра, Тоҳира,  
Мен боқий даврон айлайнин.

Ёр эшитсин фифонимни,  
Тарқ этам хонумонимни,  
Азиз тан, ширин жонимни,  
Ёримга меҳмон айлайнин.

Моҳим деяр, ишқ элида,  
Сайраюрман ёр гулида,  
Мен ҳам ошиқлар йўлида,  
Бошимни қурбон айлайнин.

Моҳимжон бу сўзни тамом айлаб, қўлига ханжар олиб, ўзини ўлдирмоқчи бўлди, аммо шул вақт канизлари уни қўлинин тутиб, Одилшоҳга хабар бердилар. Чопар хабар етказгандан кейин, Одилшоҳ келиб:-Эй қизим,

мақсадингга етарсан, ўзингни ҳалок этма, уч кун кут, лашкар йифиб, сен билан Тотор кетурмиз, деди. Моҳим ноилож таҳаммул этди.

Одилшоҳ:-Лашкарлар бир жойга йифилсин, деб фармон берди. Уч кунда лашкар жам бўлди. Сони икки мингга етди, баққол, баззозлар билан юз минг лашкар тайёр бўлди. Сўнгра сипоҳсолар Одилаҳаджон лашкарбоши келиб, подшога бош эгиб салом берди ва: Шоҳ-о, сарваро, илоҳо давлати ҳумоюнингиз фуқаролар бошидин озор топмасин, тождорлигиниз боқий бўлсин, бу камина хизматкорингизга не хизмат буюрасиз, деди. Подшо:

-Эрта бирлан юриш таблини қоқиб, лашкарни кун ботар томонга равона этарсан, деди. Сипоҳсолар бош эгиб, лашкарни йўлга солди. Сўнг подшо Моҳимнинг ёнига келиб, биргалиқда лашкарнинг изидан кетдилар. Сал фурсатда шаҳри Журジョンга етдилар. Бу элнинг волийсига Карамхон дер эрдилар. Унинг қирқ минг лашкари бор эрди. Қўшин сардорларига Мўйсафид ва Қамарулзамон дер эрдилар. Карамхон уларнинг биттасини сўл, биттасини ўнг томонга вазир қилиб:-Одилшоҳ шаҳри Журジョンга келибдур, анинг сабабини сўр, деб Мўйсафид сардорни юборди. Ул Одилшоҳнинг хабарини Карамхонга етказди. Карамхон: -подшо ошиқларнинг хунини олишга бораётган бўлса, сен ҳам лашкарингни олиб борарсан, деди.

Мўйсафид сардор Одилшоҳга бул хабарни етказди: мен Тоҳир билан ота-ӯғил эрдим, мен ҳам ўттиз минг лашкар олиб сиз билан бирга кетаман, деди.

Одилшоҳ хушвақт бўлиб, бул хабарни қабул этди. Мўйсафид сардор лашкарларини йигиб, уларга қараб бир сўз айтди:

Тоҳирим қатл ўлмиш Тотор элида,  
Юринг беклар савашмакка кетайлик!  
Мен ҳам ўлсам керак анинг йўлида,  
Юринг беклар, савашмакка кетайлик!

Юзминг лашкарим бор мардларнинг марди,  
Саҳронинг паланги, тоғларнинг гурти,  
Менинг қиёматлик ул ўғлим эрди,  
Юринг беклар савашмакка кетайлик!

Оғзи қонли гуртларимга буйтурман,  
Бобохон бошига ишлар қайтурман,  
Ота-ӯғил, она-қиздан айтурман,  
Юринг беклар, савашмакка кетайлик!

Қаҳр этиб ғанимдан қонлар тўкарман,  
Мулкин хароб этиб, шаҳрин йиқарман,  
Тутиб Бобохонни дорга чекарман,  
Юринг беклар, савашмакка кетайлик!

Ошиқларга ситам қилмиш Бобохон,  
Тоҳир дейиб йиғлаб ўлмиш Зуҳражон,

Ўлдирмасам қолар менда чўх армон,  
Туринг беклар савашмакка кетайлик!

Бобохон Тоҳирни чекканмиш дора,  
Зухражон йиғлайиб бўлмиш бечора,  
Шул сабабдан бағрим бўлди садпора,  
Юринг беклар, савашмакка кетайлик!

Мўйсафид дер, агар жон бўлса танда,  
Қиёмат номусин қўймасман анда,  
Излаб топгум, агар қочса ҳар қанда,  
Юринг беклар, савашмакка кетайлик!

Мўйсафид сардор сўзини айтиб, Одилшоҳ билан бирга йўлга равона бўлди. Булар ўн тўққиз кун деганда Тотор вилоятига етиб, Зухражоннинг Боғи Майдон деган боғини ўраб олдилар. Моҳимжон канизлари бирлан Зухранинг кўшкига чиқиб, анжомларини жойлади.

Кўшкни орасталаб, Манзил тутди. Қоровуллар бориб:-Эй Бобохон, ўлим санга муборак бўлсин, бир лашкар келибдур, мўр малаҳда сон бор, анда йўқ, дедилар.

Бобохон:-элми ё ёғими, билиб кел, деб вазирини жўнатди. Вазир келиб Одилшоҳнинг олдида уч марта тупроқни ўпиб:-Эй шоҳим, жаноби олийларига арз шулким, мени Бобохон юборди. Не хизмат бўлса, не фармонлари бўлса, манго изҳор этсинглар, заҳмат чекиб, бу шахри азимга муборак юзларини бурибдурлар, деди.

Одилшоҳ:-Эй вазир, билгил ва огоҳ бўлгил! Менинг Тоҳир отли ўғлим бор эрди, ул мундин уч ой бурун Тоторга келиб маъшуқаси Зухрага қовушиб эрди. Аммо уни Бобохон ўлдирибдур. Тоҳирнинг хунини олиш учун келдик, деди.

Шунда Мўйсафид сардор: Тоҳирнинг хунини тўласин, бўлмаса бир соат замон ичида кунпа яқун этармиз, деди.

Вазир бул хабарни подшога етказди. Бобохон:-Киши устига бехабар келмаслар, менга уч кун муҳлат берсинглар, деди ва уч кундин сўнг лашкар бирла майдонга чиқди. Икки тарафдин уруш табли қоқилди.

Мўйсафид сардор бир ёқда, Тотор лашкари бир ёқда саф чекди. Шул вақтда Одилшоҳ уруш бошлишга фармон берди.

Икки лашкар бир-бирига тўқиши. От тўзидин осмону фалак, замин тўлиб кетди. Полвонлар бўридек талашдилар. Шу равишда уч кун уруш бўлди. Мўйсафид Бобохоннинг туғини мўлжаллаб бориб, бир қиличда уриб синдириди, туғдори ҳам сарнигун бўлди. Буни кўрган Бобохон лашкарлари қочмоқ билан бўлди. Шул вақтда Мўйсафид Бобохон устига каманд ташлаб отдан ағдарди. Уни судраб, равона бўлди.

Шул вақтда ҳазрати Исо алайҳиссалом ва ҳазрати Хизир алайҳиссалом иккови ҳозир бўлиб, Зухра ва Тоҳирнинг мозорига қараб:

-Эй кўзичокларим, кўшакларим! Бугун сизларнинг тўй кунингиздур, туринглар, деб кўздин ғойиб бўлдилар.

Ошиқларнинг жасадларига жон киргандин сўнг, улар саваш, урушга қараб ҳайрон бўлдилар. Шул вақтда Мўйсафид сардор Бобохонни Одилшоҳнинг олдига олиб борди. Одилшоҳ:

-Бу фалокатни ошиқларнинг ёнига олиб боринг, улар гуноҳини кечсалар, кечсинлар, бўлмаса, ўлдирасан, деди.

Мўйсафид сардор Бобохонни судраб Зухражоннинг ёнига олиб борди. Шунда Бобохон Зухражонга қараб бир сўз айтди:

Қойилман тангри ишига,  
Келдим, Зухражоним сенга.  
Шум фалакнинг гардишига,  
Келдим, Зухражоним сенга.

Ғарибам, бағрим порадур,  
Сийнамда юзминг яродур,  
Узрим кўп, юзим қародур,  
Келдим, Зухражоним сенга.

Ошиқларга ситам қилдим,  
Ўз бахтимга қора чалдим,  
Гуноҳимни бугун билдим,  
Келдим, Зухражоним сенга.

Боҳир ўғли вазирзода,  
Қаҳр этдим оқди дарёда,  
Ўлдирдим бериб жаллода,  
Келдим Зухражоним сенга.

Мўйсафид отли бир сардор,  
Мен бўлмишам анга дучор,  
Қилич солар, бошим учар,  
Келдим Зухражоним сенга.

Тифи, ханжари белида,  
Жаллодлари соғ-сўлида,  
Қўйма Мўйсафид қўлида,  
Келдим Зухражоним сенга.

Бобохон дер, аввал шоям,  
Бугун олдингда гадоям,  
Тожи тахтимдан жудоям,  
Келдим, Зухражоним сенга.

Бобохон сўзини тамом этди. Зухражон отасидан кўрган жабр-зулмлари эсига тушиб унга қараб бир сўз айтди:

Шоҳлигингда неча ишлар қайирдинг,

Не кун солдинг ошиқларнинг бошига.  
Ёрни мендан, мени ёрдан айирдинг,  
Раҳм этмадинг кўздан оққан ёшига.

Юртнинг шоҳи эдинг, мен шоҳнинг қизи,  
Ёлғиз фарзанд эдим, найладинг бизи,  
Яратган қозидур, хақ этди ўзи,  
Сени рано кўрди сангсор тошига.

Кўзда ёшим мисли дарё айладинг,  
Осий бўлдинг, ўзинг гумроҳ айладинг,  
Қанда қайғу бўлса ҳамроҳ айладинг,  
Шум Қоработирнинг кўнгил хушига.

Мени қўйиб, рақибларга ёр ўлдинг,  
Ошиқлар қонига сабабкор ўлдинг,  
Бугун ёвуз дарда гирифтор ўлдинг,  
Қотил бўлғил фалак солган ишига.

Бугун иқрор бўлдинг, эр авом эрдинг,  
Энди тушдинг ўтга аввал хом эрдинг,  
Юзинг кўрмак уят сенек номарднинг,  
Кўзин ўйиб, қозик қоқинг тишига.

Зухра деяр, шоҳ эшитсин бу сўзим,  
Шул сабабдин заъфарондур гул юзим,  
Тандан бошин узинг, кўрмасин кўзим,  
Боринг элтинг Одилшоҳнинг қошига.

Алқисса, Зухра сўзини тамом этди. Мўйсафид сардор яна Бобохонни судраб Одилшоҳнинг олдига олиб келди ва: Эй шоҳим, буни Зухражон ўлимга буюрди, деди. Одилшоҳ жаллодларга амр этди. Шунда Бобохон ер ўпиб: Эй Одилшоҳим, сизга бир арзим бор, Зухражон узримни қабул этмади, энди Тоҳиржонга ҳам бир илтижо этиб кўрайин, деди. Одилшоҳ рухсат берди. Бобохон Тоҳирбекнинг ёнига бориб, арз этиб зор-зор йиғлаб бир сўз деди:

Тоҳиржоним, эшит сенга арзим бор,  
Бандиман бошимни озод айлагил.  
Бошинг олдим, бошим бермоқ қарзим бор,  
Ўтгил гуноҳимни, озод айлагил!

Мард ўғлисан, марддан бўлган мардона,  
Қасос дея, тўлғанмагил ҳар ёна,  
Тенг бўлмағил менингдайин нодона,  
Бандилик, бошимни озод айлагил!

Ошиқларга ҳарчанд бўлсам гуноҳкор,  
Ёмонлик қилганга яхшилик даркор,  
Ўтгил гуноҳимни, ўлдирма зинҳор,  
Кел, ўғлим, сен мени озод айлагил!

Бўйнимга илинмиш маломат тоши,  
Тутди мени ошиқларнинг кўз ёши,  
Шундай бўлди чархи дуннинг гардиши,  
Ўтгил гуноҳимни, озод айлагил!

Зухра ўтган кунни солди ёдина,  
Мени ёқар ул ситамнинг ўтина,  
Раво кўрма мени ажал бодина,  
Кел, ўғлим, сен мени озод айлагил!

Зухражоним мойил эрмиш бу қона,  
Жаллод қиличини чекиб ҳар ёна,  
Бир лаҳзада талон солар бу жона,  
Сен менинг бошимни озод айлагил!

Оёғинга бошин қўйиб Бобохон,  
Қошингда арз этиб йиғлайн чандон,  
Тавба қилдим ўтган ишга Тоҳиржон,  
Кел, қўзим, сен мени озод айлагил!  
Бобохон бу сўзни тамом этиб, Тоҳирнинг оёғига бошини қўйиб, кўп зори гирён қилди.

Бунинг нолишига Тоҳирнинг раҳми келди, ул Бобохоннинг бошини ердан қўтариб бир абёт айтди:

Шоҳ бошингни қўтар ердан,  
Кел, Зухражонга кетали.  
Зулфи сунбул, тўни зардан,  
Зар-зарафшонга кетали.

Сен сабабли заҳмат чеккан,  
Тоҳирим деб бағрин ёққан,  
Кўзидан қонли ёш тўккан,  
Чашми гирёна кетали.

Оқ юзига зулфин тўккан,  
Жайрон каби ўйнаб бўккан,  
Зор-зор йиғлаб кўшкка чиққан,  
Ул бағри қона кетали.

Ушбу ўтар дунё фоний,  
Хеч кимга берма вафони,

Сурмака завқу сафони,  
Юр, Зухражона кетали.

Хазон уриб гулдек сўлган,  
Ёниб-куйиб кабоб бўлган,  
Кўксига ишқ ўтин солган,  
Юр, Зухражона кетали.

Ёрга қурбон бу ширин жон,  
Сен чекма кўп оҳу афғон,  
Тоҳир айтар, эй Бобохон,  
Юр, Зухражона кетали.

Алқисса, Тоҳирбек бу сўзни тамом этди ва Бобохонни Зухражоннинг ёнига олиб борди. Тоҳир:-Эй Зухражон, кел, отангнинг гуноҳини ўтайлик, деди. Ул рози бўлди. Шундан кейин Одилшоҳ Моҳимни ҳам Тоҳирга никоҳлаб берди. Ошиқ-маъшуқлар муродига етдилар. Сўнг Одилшоҳ яна Бобохонни Тоторга хукмдор этиб, ўзи Бағдодга кетар бўлди. Шунда Моҳим: Эй қиблагоҳим, мен бул вилоятда қолмали бўлдим, бу оллоҳнинг тақдиридур, деб бир абёт айтди:

Рози бўлиб қайтинг, бобо.  
Табдил йўқ тангри дардига,  
Соғ-саломат қайтинг бобо.

Мен қолурман Тоҳир била,  
Хушвақт бўлинг кула-кула,  
Аҳли Бағдод улус эла,  
Биздан салом айтинг, бобо.

Тоҳирсиз менга йўқроҳат,  
Айрилиққа қил қаноат,  
Боргайсиз соғу саломат,  
Олло ёринг, қайтинг бобо.

Бизни ёзмиш Мавлон Қодир,  
Бошпаноҳим эрур Тоҳир,  
Биз тарафдин бўлманг дилгир,  
Хушнуд бўлиб қайтинг бобо.

Эшитинг оҳу зоримиз,  
Сиз эрурсиз ғамхоримиз,  
Бағдоддаги дўст-ёrimиз,  
Рози бўлсин, айтинг, бобо.

Қисмат бўлди Моҳимжона,

Сайр этар боғи айдона,  
Мехрибоним энамжона,  
Биздан салом айтинг, бобо.

Алқисса, Моҳимжон сўзини тамом айлади. Ундан сўнг Одилшоҳ отларга анжомларини юклаб ўз вилоятига равона бўлди. Зухражон, Моҳимжон, Тоҳиржонлар мурод-мақсадига етдилар.

## ЮСУФ ВА ЗУЛАЙҲО

Аммо ровиёни ахбор, ноқилони осор, хушо чинони достони бўстон, андог ривоят қилурларким, қадим айёмда Нуҳ пайғамбарнинг ўнинчи авлоди бўлмиш Иброҳим пайғамбар дунёга келди. Иброҳим пайғамбарнинг Сора исмли хотинидан Исҳоқ пайғамбар туғилди.

Исҳоқ пайғамбар туғилганда Иброҳим пайғамбар юз ёшда, Сора тўқсон ёшда эди. Исҳоқ пайғамбар Ёқуб исмли ўғил кўрди, Ёқуб пайғамбар онасининг қариндошларидан Роҳила исмли қизга уйланди. Роҳила чиройли, гўзал, мафтункор аёл эди. Лекин ундан фарзанд бўлмади. Бир куни Роҳила Ёқуб пайғамбарга: -Мени деб фарзандсиз ўтмагин, бошқа аёлга уйлангин, -деди.

Ёқуб пайғамбар Роҳиланинг устига учта хотин олди. Улардан ўнта ўғил битта қиз кўрди. Роҳила бефарзанд ўтиб бораётганидан хуноб эди. У Ўзини хилват жойга ўзини олиб худодан фарзанд тилаб илтижо қиласди. Бир куни Роҳила туш кўрди. Тушида бир оқ соқолли, сариқ тўнли нуроний чол Роҳилага шундай деди: -Эй Роҳила кўп ҳасрат қиласверма, илтижоларинг худога етди. Сен ҳам фарзандли бўласан, сенинг фарзандинг барокатли бўлади. Ундан пайғамбар, солих инсонлар, мамлакат султонлари туғилади. Насли насабинг бутун ер юзига ёйилади,-деди. Роҳила уйқудан қушдек енгил бўлиб уйғонди. Кўрган тушини эрига айтиб берди. Ёқуб пайғамбар ҳам хурсанд бўлди. Роҳила ҳомиладор бўлди. Вақти етиб фарзанд туғилди. Чақалоқнинг хусни-жамоли қоронғи уйни ёритиб турарди. Елкасида пайғамбарлик муҳри бор эди.

Қошлиари қийик, кўзлари кулиб турган, қопқора соchlари қошига тушиб турарди. Фарзандга Юсуф деб исм қўйдилар. Ёқубнинг Юсуфга туғилганиданоқ меҳри зиёда бўлди. Шундай гўзал чиройли фарзандни ато қилган, худога шукуроналар айтди. Иккита қўй сўйиб садақа қилди. Ёқуб пайғамбар фарзандини қўлига олиб унга мадхиялар айтди:

Пешонангда балқир ойнинг жамоли,  
Қутлуғ қадам нури дийдам, хуш келдинг.  
Кўзларинг чараклар қуёш жилоли,  
Кўзим нури, қора кўзим, хуш келдинг.

Қора сочинг, мушку-анбар таратар,  
Чеҳрангда офтобнинг нури акс этар,  
Лабинг боли оби –ҳаёт бахш этар,  
Ҳақ яратган азиз инсон, хуш келдинг.

Баҳодир жуссали, арслон билакли,  
Ёмонликдан йироқ тоза юракли,  
Нигоҳлари тортар сулув суратли,  
Эл сарвари баҳодирим, хуш келдинг.

Манглайнингда пайғамбарлик нишони.  
Иброҳим Исҳоқнинг дини иймони,  
Томирингда оқар Ёқубнинг қони,  
Бошим тожи, эл сарвари, хуш келдинг.

Ёқуб дер, бошинга -тилло сочайин,  
Қўйлар сўйиб садақалар қилайин,  
Даврани кенг олиб тўйлар берайин,  
Бахт иқболим, мададкорим, хуш келдинг.

Ёқуб пайғамбар ва унинг болалари мол чорвачилиги билан шуғулланар эдилар. Шунинг учун ҳам улар чорвани боқиши учун бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрар эдилар. Ёқуб пайғамбар Байтилдан Эфроғта кўчиб бораётган эди. Йўлда Роҳилани тўлғоқ тутиб, у жуда қийналди. Ниҳоят иккинчи фарзандининг туғилиши Роҳилани ўлим ёқасига олиб келди. У ўлаётниб жони чиқай деганда ўғил туғди. Бола туғилиши билан она жон таслим қилди. Отаси боланинг исмини Бенямин деб қўйди.

Роҳилани шу ерга дағн қилдилар. Ёқуб пайғамбар Роҳиланинг қабри устига ёдгорлик тиклади. Қабр ҳозиргacha “Роҳила мақбараси” деб аталади.

Отаси вафот қилганда Юсуф уч ёшда эди. Юсуфнинг аммаси уни ўз тарбиясига олди. Аммаси Юсуфни жону дилидан яхши кўрарди. Юсуф олти ёшга кирганда аммаси қазо қиласиди. Ёқуб пайғамбар ўғли Юсуфни уйига олиб келади. У ўғли Юсуфга жуда меҳрибон эди. Юсуфни ҳеч кимга ишонмас, ёнидан узоққа юбормас эди. Юсуф бир куни туш кўрди. Тушида қуёш ва ой ҳамда ўн бир юлдуз унга сажда қилаётган экан, ўн икки яшар Юсуф тушини отасига баён қилиб шундай деди:

Саҳарда туш кўрдим; қуёш билан ой,  
Таъзимда турдилар қошимда мени.  
Ёнларида ўн бир юлдуз чараклаб,  
Таъзимда турдилар қошимда мени.

Саҳрони тўлдириб қўй-қўзи юрар,  
Қўйлар атрофида нағма-соз қиласар.  
Хуру –малойиклар кузатиб турагар,  
Гўё ҳаммалари олқишилар мени.

Уйқудан қўзларим бўлганда бедор,  
Танам қушдек енгил уйғондим хушхол,  
Тонг отмоқда эди кўргузиб жамол,  
Ёруғлик бағрига олганди мени.

Бедорликда беҳол бўлиб ўйлайман,  
Бу не ҳол сирини билобилмайман,  
Юсуф дер, таъбирни сиздан сўрайман,  
Таъбир айтиб кўнглим тўқ қилинг мени.

Юсуфнинг сўзларини эшитиб отаси шундай деди: Эй ўғилчам, яхши туш кўрибсан кўрган тушинг муборак бўлсин. Келгусида мартабанг баланд бўлар. Ўн бир юлдуз-ўн бир оға инингдир, қуёш ва ой эса мен ва онангдир.

Сенга шундай улуғ туш кўришни насиб этган Парвардигор сени пайғамбарлик учун танлар, ҳамда сенга барча тушларнинг таъбирини билдирувчи илмни берар. Лекин бу тушингни бошқаларга, ҳатто оға – иниларингга ҳам айта кўрма. Токи улар шайтоннинг ғулғуласи билан сенга қарши бирон хийла қилмасинлар. Чунки шайтон инсон учун очик душмандир, деб ўғлига насиҳат бериб бир сўз айтиб тургани бу туур:

Ўн бир юлдуз, ўн бир оға-инингдир,  
Кўрган тушинг болам муборак бўлсин.  
Ой ва қуёш отанг билан онангдир,  
Кўрган тушинг болам, муборак бўлсин.

Парвардигор сенга назар солибди,  
Пайғамбарлик нишонини берибди,  
Туш таъбирин йўроғучи қилибди,  
Кўрган тушинг болам, муборак бўлсин.

Бир кун келиб болам султон бўларсан,  
Элу ҳалқни ҳимоянгга оларсан,  
Қардош уруғларинг бошин силарсан,  
Кўрган тушинг болам, муборак бўлсин.

Болам, сенинг истиқболинг буюқдир,  
Эл ичида номинг мудом суюқдур,  
Ҳасадгўйлар кўриб бағри куюқдур,  
Болам, кўрган тушинг муборак бўлсин.

Ёзғитингда яхшиликлар бор бўлсин,  
Яратганинг ўзи мададкор бўлсин,  
Бобонг Иброҳимнинг руҳи ёр бўлсин,  
Кўрган тушинг болам, муборак бўлсин.

Туш таъбирин айтма, яхши-ёмона,  
Ёмондан азият етар бу жона,  
Ёқуб дер, сирингни сақла пинҳона,  
Кўрган тушинг болам, муборак бўлсин.

Юсуф билан отаси ўртасидаги сухбатни Ёқуб пайғамбарнинг бошқа ўғиллари пинҳона эшитиб туради. Юсуфнинг ўгай оғалари айтдиларки, биз кўпчилик бўлсак ҳам Юсуф биздан қўра отамизга суюклироқдир, отасидан

уни айрмасак бўлмайди. Юсуф бор экан, отамизнинг меҳрини тўла қозанолмаймиз. Юсуфни ўлдиришимиз ёки бирон чохга олиб бориб ташламоғимиз керак, деб маслаҳат қилдилар. Отасининг олдига бориб, Юсуфни ўзлари билан чорвани боқишга юборишни сўрадилар.

Отаси Юсуфни ёлгиз қолдирсангиз бўрилар ҳужум қилиб уни нобуд қиласар, юбормасман,-деди. Шунда Юсуфнинг ўгай оғалари : Эй ота, не сабабдан Юсуфни бизга ишонмайсан. Ахир биз унинг биродарлари, холис яхши кўрувчиларимизку. Агар биз ғафлатда қолиб уни бўри еб кетса, шакшубҳасиз биз жазога лойиқдурмиз,-дедилар.

Юсуф ҳам биродарларим билан сахрони тамоша қилиб келай,-деб отасига юзланди. Ёқуб алайҳиссалом Юсуфнинг кетишига руҳсат берди. Ўгай оғалари Юсуфни сахрога олиб чиқиб ўлар ҳолатда калтакладилар. Шунда уларнинг каттаси Юсуфни ўлдирманглар, қудуққа ташланглар. Қудуқда ўлиб кетар ёки уни бирон карвон олиб кетиб қул қилиб сотиб юборар, биз эса одам ўлдириш гуноҳидан фориғ бўлармиз,-деди. Бу маслаҳат маъқул келиб Юсуфни карвон ўтадиган йўлнинг устидаги қудуқ томон судрадилар. Юсуф биродарларига ёлвориб, зор-зор йиғлаб бир сўз деди:

Ҳаммамиз ҳам бир отанинг фарзанди,  
Ёш жонимга жабр қилманг, оғалар.  
Шайтони лайнинг ишини қилиб,  
Ёш умримнинг хазон қилманг, оғалар.

Отамизга берган сўзни унутманг,  
Мотамимда отам бағрин қон этманг,  
Муноғиқ тамғасин дилларга тортманг,  
Мени ер қаърига отманг, оғалар.

Холисона хизматларинг қилайин,  
Бошингга дард тушса дармон бўлайин,  
Оғалар сиз билан мен ҳам юрайин,  
Ёш умримни хазон қилманг, оғалар.

Пойингизга азиз бошим қўярман,  
Худо учун омонликлар тиларман,  
Қудуққа ташламанг нобуд бўларман,  
Мени ер қаърига отманг, оғалар.

Алқасосу мин ал ҳақни унутманг,  
Шайтони лайнинг йўлини тутманг,  
Ёмонликни қилиб, яхшилик кутманг,  
Ёш умримни хазон қилманг, оғалар.

Оғаларим, бугун жаллод бўлмангиз,  
Юсуф айтур, судраб, қийнаб урмангиз,  
Қанотимни болта солиб қирқмангиз,

Ёш умримни хазон қилманг, оғалар.

Юсуф қанча ялинмасин оғаларининг кўнгли юмшамади. Юсуфга раҳмашафқат қилмасдан “Сен тирик бўлсанг бизга фароғат йўқ”-деб куйлагини ечиб олиб, Юсуфни чоҳнинг таги заминига итариб юбордилар. Бир қўйни сўйиб Юсуфнинг кўйлагини қонига бўядилар, кечга яқин уйга қайтдилар.

Оғаларига Юсуфни ишониб-ишонмай қўшиб юборган Ёқуб алайхис салом бир шумликни сезгандай юраги ғаш бўлиб, қун пешиндан оққанда болаларининг йўлига кўз тикиб ўтирди. Узокдан болалари кўринди. Санаб караса ўн нафар, шубҳаланиб қараса, уларнинг бошлари эгик кўзларида ёш, ораларида Юсуф йўқ эди.

Ёқуб алайхис саломнинг Юсуфни сўраб болаларига сўз айтиб тургани:

Орангизда кўринмайди Юсуфжон,  
Нури дийдам Юсуфжонга не бўлди?  
Юсуфсиз бу ҳаёт менгадир армон,  
Кўрар қўзим Юсуфжонга не бўлди?

Дилимда бир ёмон ҳислар кезганди,  
Бир кори ҳол бўлишини сезганди,  
Ёмон ўйлар кўнгил уйин бузганди,  
Нури дийдам Юсуфжонга не бўлди?

Эрта билан ўн бир бўлиб кетдингиз,  
Кечга яқин бир кам бўлиб қайтдингиз,  
Укангиз Юсуфни қайда йўйдингиз,  
Сўзлар сўзим Юсуфжонга не бўлди?

Бўрилар тўдаси хужум қилдими?  
Юсуфжонга бирор кор-ҳол бўлдими?  
Ғунчаликда очилмайин сўлдими?  
Мехрибоним Юсуфжонга не бўлди?

Бошингиз эгикдир, кўзингизда ёш,  
Бу ахволингизга беролмам бардош,  
Яратганинг ўзи сирни қилгай фош,  
Мададкорим Юсуфжонга не бўлди?

Ёқуб деяр, қанотларим қайрилди,  
Юсуф мендан тириклайн айрилди,  
Бахтим қаро бўлиб белим майрилди,  
Сўзлангизлар Юсуфжонга не бўлди?

Болалари йиглаб отасига шундай дедилар:-Эй ота, бизлар Юсуфни нарсаларимиз олдида қолдириб кетган эдик, қайтиб келсак бўри еб кетибди. Мана бу Юсуфнинг кўйлаги нарсаларимиз яқинида қонга бўялиб ётган экан. Гапларимиз рост бўлса ҳам барибир бизларга ишонмайсан, деб йиглаб турдилар.

Ёқуб алайхис салом болаларига айтди; -сизларга ҳавойи нафсларинг бирон ёмон ишни чиройли қилиб кўрсатган. Эмди менинг ишим айрилиқ мусибатига оллоҳдан мадад тилаб чиройли сабр қилмоқдир, -деди ва худога нолиш қилиб бир сўз деди:

Нолиш этсанг розидурман,  
Мени бундай зор айлама.  
Юсуфни кўрмай ўларман,  
Мани бундай зор айлама.

Менинг Юсуфим келтиргил,  
Ё бу омонатинг олғил,  
Юзим тутдим қабул этгил,  
Хижрони дилдор айлама.

Етказгил менга қўзимни,  
Равшан айлагил қўзимни,  
Эгам эшитгил сўзимни,  
Зулмга дучор айлама.

Юсуфни сақла ҳар қанда,  
Чўлу қиру биёбонда,  
Юрагим юзминг армонда,  
Мени бунча хор айлама.

Икки юзи гул Юсуфим,  
Овози булбул Юсуфим,  
Кокили сунбул Юсуфим,  
Хижронда бемор айлама.

Дардима дармон Юсуфим,  
Кўзлари мастан Юсуфим,  
Йифлатмагил қон Юсуфим,  
Ёқубни гирён айлама.

Яратганинг иродаси бирлан қудуқнинг ичида, сувнинг устида тахт пайдо бўлди. Юсуф қудуқнинг ичида уч кун оч-наҳор яшади.

Мисрга бораётган карвон қудук бошида тўхтади, сув олиш учун қудуқقا чelак ташладилар Юсуф чelакка осилиб чиқди. Карвоннинг бошлиғи Молик Юсуфни ўзи билан бирга Мисрга олиб кетди.

Мағриб замонда Таймус подшоҳлик қиласиди. Шоҳнинг адолатли иш юритишидан мамлакати обод, халқи Таймусдан шод эди. Таймуснинг Зулайҳо исмли бир қизи бор эди. Гўзалликда мамлакатда, неки мамлакатда офтоб нур сочилиб турган заминнинг юзида ундан гўзалроқ қиз йўқ эди. Шоҳнинг биргина қизи бўлиб, Таймус қизига жону-дил билан меҳр қўйганди. Зулайҳонинг алоҳида кўшки, боғи канизаклари бор эди.

Зулайхонинг онасини тўлғоқ тутганда унга доялик қилган, Зулайхонинг киндигини кесган, сўнгра уларга эгалик қилиб, тарбиялаб илму одобдан сабоқ бериб келаётган энагаси бор эди.

Зулайҳо бир куни туш кўрди. Тушида қадди қомати келишган, гўзаллиқда тенги йўқ, ширин мулоқотли йигит билан ҳамсухбат бўлди.

Бу дилбар йигит Зулайхони ўзига мафтун қилиб қўйди. Зулайҳо тушида кўрган йигитни севиб қолди.

Севги хижрони қизил гулдек юзини сўлдирди, ишқ дарди дилига хуруж қилди. У ўзини узлатга олиб оху-нолалар қилди. Зулайхода бундай ўзгаришни сезган энагаси ундан ҳол сўраб шундай деди;

Дилимга боғланган гўзал дилбандим,  
Не сабабдан ҳолинг паришон бўлди?  
Нимадан хунобсан, асалим, қандим,  
Не сабабдан ҳолинг паришон бўлди?

Гўдакликдан қўлимда камол топдинг,  
Кун қошимда тунда бағримда ётдинг,  
Бугун мендан ниманидир сир тутдинг,  
Не сабабдан ҳолинг паришон бўлди?

Бағримдан узокроқ кетмаган эдинг,  
Бирор номахрамга тушдими кўзинг,  
Сўлғин кўрмоқдаман офтобдек юзинг,  
Не сабабдан ҳолинг паришон бўлди?

Дев ё пари салгинини солдими?  
Ё бир дилбар юрагингдан урдими?  
Хижрон дарди юзинг сўлғин қилдими?  
Не сабабдан ҳолинг паришон бўлди?

Дуоларни кучин ишга солайнин,  
Фариштани қошингда жо қилайнин,  
Дев, парини оёғингга йикайин,  
Не сабабдан ҳолинг паришон бўлди?

Дардинг айт энанга, дармон бўларман,  
Истаган нарсангни топиб келарман,  
Бор ҳунарим бугун ишга соларман,  
Не сабабдан ҳолинг паришон бўлди?

Зулайҳо энагасининг меҳрибонликларини кўриб, ўзи бир бор куйинса, энагаси ўн бор куйинаётганини билиб, энагасига дардини айтишни, сирини очишни англаб шундай деди:

Тушимда бир йигит кўрдим,  
Нигоҳи танни титратди,  
Ихтиёрим олиб қўлдан,

Дилда ғалаён уйғотди.

Кириб келди гулзорима,  
Келиб ўлтирди ёнима,  
Парво қилмади ҳолима,  
Бир оғатижон титратди.

Манглайида ой балқыйди,  
Юзида қуёш қалқыйди,  
Надир дилимни юлқыйди,  
Юрагимда ишқ уйғотди.

Жүссаси сарви қоматли,  
Қадди баҳодир савлатли,  
Сахий қалб, ўктам ҳимматли,  
Хаёлим паришон этди.

Дийдорига түёлмадим,  
Узоқ суҳбат қуролмадим,  
Манзили қайда билолмадим,  
Хижрони дилни йиглатди.

Сўзлари бирам мулойим,  
Кулиб турар кўзи доим,  
Насиб айлагай худойим,  
Дилбар мани мафтун этди.

Боқишилари дардга дармон,  
Зулайҳо дер, чекдим армон,  
Ҳақ қўшишга бергай фармон,  
Дилда ишқ уйғотиб кетди.

Энагаси Зулайҳодан бу сўзни эшитиб: -эй қизим тушга дев ва парилар кириб ўзларини чиройли йигит қилиб кўрсатадилар. Уларнинг иши доим одам фарзандига ғул-гула солиши, тақдир қилишдир. Агар тушингда кўринган йигит одам фарзанди бўлса, шакл шамойилини ўзгартирмасдан яна тушингга киради. Мабодо ўша йигитни яна тушингда кўрсанг, исмини, насабини, манзилини сўрағил. Иншоллоҳ ишинг яхшиланиб, хурсанд бўлиб кетарсан. Шу гаплардан кейин энагаси дуолар ўқиб Зулайҳога дам урди, тутаткилар тутатди. Дев пари энди оромингни бузолмайди, деб кўнгил берди. Лекин Зулайҳо тушида кўрган йигитни телбаларча севарди. Севги дарди унинг гулдек юзини сўлдириб, алифдек қаддини эгиб қўйди. Зулайҳонинг ҳолатидан отасини воқиф қилдилар. Таймус подшоҳ Зулайҳони сўлғин, ғамли аҳволда кўриб, қизига ачинди. Етук табибларни, азайимхонларни йиғиб, қизининг дардига даво топишни уларга уқтириди. Кун кетидан кунлар, ой кетидан ойлар ўтди. Табиб ҳам, азайимхон ҳам Зулайҳонинг дардига чора

тополмади. Шоҳга айтдиларки; қизингиз ишқ дардига чалинган, севги, муҳаббат дардига ёрнинг висолидан ўзга чора топилмас, дедилар. Таймус Зулайҳога айтди: Қизим, тушингда кўрган йигитни топмоқ учун йигит кийимини кийиб, яқин канизакларингдан уч-тўрттасига ҳам йигит кийимини кийгизиб, ботир қўриқчилардан олиб, мамлакат бўйлаб саёхатга чиқ, одамлар орасидан севган йигитингни топсанг сени ўша йигитга берурман, ҳазинамдаги бойликнинг ярмини ҳам қўшиб берурман. Ўз бахtingни ўзинг излаб топ, -деб қизига оқ фотиҳа бериб, мамлакат бўйлаб саёхатга жўнатди. Зулайҳо бутун мамлакатни айланиб чиқди. Лекин тушида кўрган йигитни тополмай ғамгин бўлиб қайтди.

Тун қора чодирини осмону –фалакка ёпганда, само юлдузлари тун пардасини тешиб ўз жамолини кўз-кўз қилганда, бутун борликда осойишталик ҳукм сурганда Зулайҳо беҳол тўшагига чўзилди. Кўзлари уйқуга илинар-илинмас йигит пайдо бўлди. –Зулайҳо йигитга салом бериб, товозе қилди. Йигит Зулайҳони қўлларидан ушлаб, гўзал чехрасини томоша қилди. Йигитнинг қўлларининг тафти, табассумли нигоҳи Зулайҳонинг баданини жунбишга келтирди. Зулайҳо йигитни қайта йўқотишдан ҳадиксираб, унинг қўлларидан ушлаб, кимлигини, манзил-маконини сўраб бир фазал айтди:

Ўзинг кимсан, қайси ерда маконинг,  
Кулар юзли йигит қайдин бўлурсан?  
Султон бўлсанг қайда тахту-равонинг,  
Давлатли султоним қайдин бўлурсан?

Насли насабингни билай, баён эт,  
Номинг айтиб мушкулларим осон эт,  
Излаб топай манзиллингни айтиб кет,  
Кўнглим олган йигит қайдин бўлурсан?

Хусни-жамолингга кўнглим боғланди,  
Шодликларим ҳасратларга айланди,  
Олтин занжир оёғимга чўлғанди,  
Хушим олган йигит, қайдин бўлурсан?

Хусни –жамолингга кўзим тушибдир,  
Оғушингга кўнгил қуши шошибдир,  
Манзилинг тополмай ақлим чошибдир,  
Ақлим олган, йигит, қайдин бўлурсан?

Оҳу-нолам кўриб Мажнун дедилар,  
Ишқ дардига билмай ташдит қўйдилар,  
Оёғимга тилло занжир солдилар,  
Дард берган дилбарим қайдин бўлурсан?

Кўнглимни олдингу бўлмадинг дилдор,

Бедорликда ҳолим сўрмадинг бир бор,  
Канизакинг бўлай гар қилмасанг ёр,  
Шафқатсиз дилбарим қайдин бўлурсан?

Ошиқ деган шунча қайсар бўлурму?  
Зулайҳосин ҳижрон ичра қўюрму?  
Дилда ишқ ёнмаса кўзлар ёнурму?  
Кўнглим олган йигит қайдин бўлурсан?

Юсуф кўрдики, Зулайҳо ишқ дардида ўзини олдириб қўйибди. Гоҳ хушига келса, гоҳ хушидан айрилибдир. Гулдек юzlари сўлғин, сарвдек қомати эгилган, чарос кўзларидан, нам киприкларидан тушаётган кўз ёшлари ўзини юварди. Юсуф севган ёрини бу аҳволда кўриб юраги ачинди. Зулайҳога бўлган меҳри янада жўш урди. Зулайҳога узр айтиб, меҳрибонлигини кўрсатиб уни чин юракдан севиб қолганлигини айтиб шундай деди:

Курбонинг бўлайин гул юзли ёrim,  
Мафтун қилди шаҳло кўзларинг сени.  
Юракдаги ушалмаган армоним,  
Мафтун қилди кулар юзларинг сени.

Миср азизиман, Миср маконим,  
Сени деб оқади томирда қоним,  
Мен гўё бир танман, эрурсан жоним,  
Дилга тугён солди сўзларинг сени.

Бошдаги жигангга гавҳар бўлайин,  
Дардинг олиб сенга дармон берайин,  
Насиб қилса бирга даврон сурайин,  
Мафтун қилди ишва, нозларинг сени.

Икки ўрим сочинг тиззангта тушган,  
Қошга ўсма, кўзга сурма ярашган,  
Висолингни насиб қилгай яратган,  
Мафтун қилди нозик белларинг сени.

Севар ёrim кулар юзинг сўлмасин,  
Душман кулиб, дўстлар хуноб бўлмасин,  
Сур давронни дилда армон қолмасин,  
Мафтун қилди бошдан оёғинг сени.

Юсуф айтур, гўзалларнинг хонисан,  
Ошиқларнинг жисми билан жонисан,  
Оламда ягона бир жононасан,  
Тизга тушар узун талларинг сени.

Зулайҳо Юсуфдан бу сўзларни эшитиб шоду-хуррам бўлди. Гўзал ва шинам боғда ошиқу-маъшуқ ширин сухбат қилдилар. Осмон ўпар дарахтлар, қийғос очилган гуллар, ариқларда сокин оқаётган тиниқ сувлар, қушларнинг чуғурлаши, булбулларнинг сайраши шавқ ва завқ берарди. Мехр тўла кўзлар учрашганда дил туғёнга, бадан жунбишга келарди. Узоқ-яқиндан келаётган хўроларнинг қичқириғидан Зулайҳо уйғониб кетди. Ҳижрон ғамининг юқидан бош кўтараолмай ёстиққа бош қўйган Зулайҳо хушёрга бўлиб уйғонди.

Канизлар кўрдики, Зулайҳонинг аҳволида яхши тамонга ўзгариш бор. Энагаси Зулайҳонинг шодлигини кўриб хурсанд бўлди. Хурсандчилик хабарини Таймусга етказдилар. Таймус хурсанд бўлиб, Зулайҳони олдириб, ундан ҳол-аҳвол сўради. Зулайҳо отасига, энагасига тушида кўрган воқеани сўзлаб берди. Зулайҳо отасига юзланиб; мени ишқида ёндириб, ҳижрон азобига ташлаган йигит иккинчи бора тушига кириб номи Азиз Миср бўлиб, макони Мисрда эканлигини айтди.

Эй ота, Азизимни топмагунча, унинг висолига етмагунча оромим йўқдир, -деди ва қалбидаги тўлиб –тошиб турган туғённи отасига баён қилди:

Мақсадли кўнгил ичра бир оғатижон келди,  
Киприклари ханжардай қошлари камон келди.  
Неча йиллар йиглатиб жисмим тўла қон келди,  
Ошкора, пинҳон юриб ёрим бул замон келди.

Жонимда фароғат йўқ, улсиз менга роҳат йўқ,  
Хеч ўзга қаноат йўқ чин руҳи аён келди.  
Ҳам дардимдур ҳам дармон, жонимдур анга қурбон,  
Ўлдирса недур фармон ул шоҳи жаҳон келди.

Ишқинда ёниб доим йўлинда гирифторман,  
Ўлгунча харидорман чин нури аён келди.  
Анинг қадди жамоли куйдирди Зулайҳони,  
Шон-шавкатли, обрўли, давлатли меҳмон келди.

Таймус шоҳ Миср мамлакатига одам юбориб; уларга Миср мамлакатидан Азиз Миср исмли одамни топиб, насл-насабини аниқлаб келишни топширди. Таймуснинг изловчилари Миср мамлакатининг турли гўшаларида бўлдилар. Кўплаб одамлар билан мулоқот қилдилар. Ниҳоят Азиз Миср Миср шаҳрининг ҳокими эканлигини аниқлаб, ҳокимнинг даргоҳига бордилар Азиз Миср Таймуснинг одамларини қабул қилиб меҳмоннавозлик кўрсатиб, хурматларини жойига қўйди. Меҳмонлар билан ҳам сухбат қуриб, уларнинг фикрларини билди. Келганларга совғалар бериб мамлакатига кузатиб қўйди. Шоҳнинг одамлари унга хуш хабар олиб келиб, кўрган билганларини сўзлар бердилар. Таймус Зулайҳони воқеадан хабардор қилиб уни Мисрга юбориш тараддудини кўрди.

Зулайҳога совға-саломлар бериб, энагаси раҳбарлигига бир неча канизлар билан Азиз Мисрнинг олдига юборди. Азиз Миср катта тантана билан Зулайҳони никоҳига олди. Зулайҳо Азиз Мисрни кўргач, шодликлари ғамга айланди. Азиз Миср Зулайҳонинг тушида кўрган йигити эмас эди.

Зулайҳода қайғу аламларни ичига ютиб, тақдирига тан беришдан ўзга чора қолмади. Зулайҳо энагасига Азиз Миср тушида кўрган йигит эмаслигини айтиб шундай деди:

Тақдири азалнинг ўйинларидан,  
Юрагимга алам тушди, онажон.  
Кўнглим олган йигит қайдадир қолиб,  
Бегонага кўзим тушди, онажон

Тушда кўрган йигит ёшгина эди,  
Сўзлари мулойим, бўшгина эди,  
Шахло кўзли, қалам қошгина эди,  
Севган ёрим қайда қолди, онажон.

Оғушига тортди кекса мўйсафид,  
Азиз Мисрман деб у қилди таҳдид,  
Бағримни тарк этди чеҳраси хуршид,  
Дардимни кимларга айтай, онажон.

Отам, онам, Ватанимдан айрилдим,  
Мусофиридан қанотимдан қайрилдим,  
Ёрни излаб бегонага ёр бўлдим,  
Ёш умримни хазон қилдим, онажон.

Кўйнимда бир ёру кўнглимда бир ёр,  
Кўйнимдаги ёрдан эурман безор,  
Кўнглимдаги ёрим йифлатди зор-зор,  
Тақдирим бунчалар шўрдир онажон.

Ўйнаб-кулиб чимилдиққа киргандим,  
Зулайҳо дер, ёрим излаб келгандим,  
Бегонани тўшагида тўлғандим,  
Умидларим сароб бўлди онажон.

Зулайҳо кўзидан маржон-маржон ёш тўкиб энагасининг кўксига бош қўйди. Бир вақтлари тоғ охуларидек зийрак, хушчақчақ, қайғу ва ғамдан йироқ, очилиб сочилиб юрган Зулайҳони ёрнинг ҳижрони, севги дарди гулдек юзини сўлдириб, ақл-хушини олдириб, мажолини толдириб қўйди. Энагаси Зулайҳога сабр-тоқат тилаб, кўнглини кўтариб насиҳатлар қилди:

Сабр қилгин болам, ўзга чора йўқ,  
Сабр қилсанг муродингга етарсан.  
Сабр сўнги олтин кўнглинг бўлсин тўқ,  
Бахтинг кулиб бир кун яйраб кетарсан.

Дардингга давони оллоҳдан тила,  
Хар дарднинг давоси борлигин ўйла,  
Сабрли бўл болам, бесабр бўлма,

Сабр қилсанг муродингга етарсан.

Буғдойни тупроққа қориб кетдилар,  
Униб чиққач, ҳосилини кутдилар,  
Сабр қилиб хирмонига етдилар,  
Сабр қилсанг муродингга етарсан.

Яратган бандасин синааб кўради,  
Гоҳ йиғлатиб, гоҳ кулдириб туради,  
Ўзи берган дардни ўзи олади,  
Сабр қилгин, муродинга етарсан.

Болам ўқиб олгин онангни сўзин,  
Баданга кирмайди тикан беизн,  
Иншолло кўрарсан севганинг юзин,  
Ғам, ҳасрат йўқолиб яйраб кетарсан.

Зулайҳо ҳақидаги баённи шу ерда тўхтатиб эндиғи сўзни Юсуфнинг аҳволидан эшитинг. Шом мамлакатидан чиққан савдогарлар карвони Нил дарёсининг бўйига етиб келгач дами тинчини олмоқ учун дарё бўйида тўхтади. Молик Юсуфга дарёда чўмилиб, орасталаниб чиқишини айтди. Юсуф Нил дарёсида чўмилиб, сафар ғуборларидан орасталаниб, офтобдек балқиб дарёдан чиқди. Молик Юсуфи кимматбаҳо зардўз либослар билан кийинтирди. Юсуфни тахти равонга ўтказиб Миср бозорига олиб борди. Йўлда Юсуфнинг жамолини кўрган одамлар, қизлар, жувонлар тахти-равонга эргашиб Юсуфнинг ҳусни-жамолини томоша қилиб бордилар.

Юсуф Миср бозорига етганда унинг кетидан эргашган одамлар сони кўпайгандан кўпайиб, катта оломонга айланди. Зулайҳонинг кўнглида қандайдир шавқ пайдо бўлди. У ғам-андуҳларни унитиш учун сахрога сайр этгани чиқди. Зулайҳо сахрова бир неча кун сайр қилди, бироқ ғам-андуҳдан ҳоли бўлмади. Тахти-равонга ўтириб яна уйи томон равона бўлди. Келаётib қул бозорида йиғилган катта оломонга кўзи тушди. Зулайҳо одамлардан; “Бу не йиғин”, деб сўради. Шунда бир жувон Шом мамлакатидан келган савдогарлар Каънон вилоятидан келтирилган қулни ким ошди савдосига қўйганларини айтди. Зулайҳо канизларига бозор томон олиб боришни буюрди. Катта шосупа устига қўйилган тахтнинг устида бир йигит турибди. Ёқасига зар қайилган атлас либос кийган, белига олтин камар таққан, қопқора соchlари жингалак жингалак бўлиб елкасига тушган, қадди қомати келишган, гўзалликда тенгсиз Зулайҳо тушида кўрган йигитга кўзи тушиб, ҳушидан кетиб йиқилди. Канизлари беҳуш Зулайҳони уйига олиб келдилар. Энагаси Зулайҳони ҳушига келтириш учун гоҳ дам солар, гоҳ юзига гулоб сувин сепар эди.

Зулайҳо кўзини очса, ўз уйида ётибди. Энагаси унинг атрофида парвона, Зулайҳо энагасига юзланиб: эй она, қул қилиб сотилаётган йигит тушимда кўрган йигит бўлади; -деб дил дардини баён этди.

Гўзаллик мулкининг султони бўлган,

Тушга кирган йигит шу йигит эди.  
Үзини қул қилиб бозорга солган,  
Мени мафтун қилган шу йигит эди.

Нигоҳлари жисму-жоним титратди,  
Ҳижронлари юрагимни ўйнатди,  
Ёрни кўриб ҳушим бошимдан кетди,  
Ҳушим олган дилбар шу йигит эди.

Тушларимда севиб бошим сийпаган,  
Бедорликда ҳижронида қийнаган,  
Юрагимга севги дардин жойлаган,  
Мени севган йигит шу йигит эди.

Ўзин ғулом қилиб сотмоқда ёrim,  
Ёрни кўриб ортди оҳ ила зорим,  
Унга сарф айлайин ҳарнеки борим,  
Кўнглим олган йигит шу йигит эди.

Бир чорасин топинг қўлдан кетмасин,  
Ёrim ўзгаларга насиб этмасин,  
Дард ва алам билан умрим ўтмасин,  
Излаган севгилим шу йигит эди.

Энагаси Зулайҳонинг сўзларини тинглагач, унинг чекаётган дарди ва аламларига тушуниб етди. Зулайҳога насиҳат қилди. Бу сирни ҳеч ким билмасин, чеккан дардларингни яратганинг ўзи билиб турибди. Тақдир тақозоси билан севганингни сенга дучор қилибди. Сабр –тоқат қилсанг иншолло қайғуларинг якун топиб, баҳтли кунларга етарсан, деди. Энага:

-Эрингни қул бозорига олиб бор, ўша ғуломни сотиб олишга унда, деди. Зулайҳо эри Азиз билан Юсуф сотилаётган бозорга борди. Миср шахрининг ҳокими кўрдики, паҳлавон жуссали, арслон билакли, бургут қарашли, юзидан нур порлаб турган ёш йигит қул бозорида катта бир оломонни ўзига маҳлиё қилиб турибди.

Миср ҳокими савдогардан Юсуфни сотиб олди. Хотини Зулайҳога уни яхшилаб жойлаштиришни, парвариш қилишни, уни фойдаси тегиб қолса ўзларига фарзанд қилиб олишни уқтириди. Юсуф соҳдан қутилиб, иккинчи балога дучор бўлди. Яъни тутқунлик, қулликка тутилди.

Миср шахрининг ҳокими Азизнинг ишлари яхшилангандан яхшиланиб кетди. Юсуф қай ишга кўл урмасин у баракали бўлди. Юсуфдан кўнгли тўқ бўлган Азиз оиласда уни иш бошқарувчи қилиб тайинлади. Зулайҳо Юсуфнинг иззат-хурматини жойига қўяр, унинг билан ширин мулоқатлар қилар, яхши муомалада бўлар эди. Юсуф ҳам айрилиқ азобини ҳисобга олмаганда эркин, озод одамлардан ҳам яхшироқ ҳаёт кечирарди. Зулайҳо севган ёри билан ҳамдам бўлиб жамолини тамоша қилиб ҳижрон азобларини

ортда қолдириб, баҳтиёр кунларга етиб, яратганга шукуроналар айтиб шундай деди:

Тилакларим етиб етти самога,  
Дардлар кетиб жонимга дармон келди.  
Гүё шоҳлик етди ғариб гадога,  
Ғамли кунлар ўтиб хур замон келди.

Кунларим ўтарди оҳу-зор билан,  
Дийдорлашдим кўнглим олган ёр билан,  
Тушимда учрашган вафодор билар,  
Излаган дилбарим соғ-омон келди.

Шукурким ёrimни кўрдим саломат,  
Бўғзимда турганди жоним омонат,  
Жононга етишдим чекиб риёзат,  
Жисмимга жон, дилимга иймон келди.

Пойларига поёндозлар ёзарман,  
Бўйларини зар ипакдан безарман,  
Бошин сийлаб, ёр кўнглини ёзарман,  
Давлатли давроним, ёр омон келди.

Зулайҳо дер, раҳматим кўп худога,  
Муруватлар қилди, мендек гадога,  
Ёр йўлида жисму жоним садака,  
Бугун яна, жисмим ичра жон келди.

Зулайҳо Юсуф билан сұхбатлашиб ўтиаркан унинг насл –насабини суриштириди. Юсуф Шом мамлакатининг Каънон вилоятидан Ёқуб пайғамбарнинг ўғли эканлигини, ўгай оғалари уни йўқ қилиш учун чоҳга ташлагани каби бошидан ўтган воқеаларни гапириб берди.

Бир куни Зулайхонинг кўнгли ғаш бўлиб, кечалари уйкуси қочиб, кундузи ороми йўқолиб ўтириш, туришида ҳаловат қолмади. Номаълум бир дард унинг юрагини тирнади. Зулайҳо хисоблаб кўрса бу фароғатсиз кун Юсуфни чоҳга ташланган кунига тўғри келади. Зулайҳо буни эслаб ғамгин бўлди. Бироқ Юсуфнинг соғ-омонлигини кўриб ўзини хушҳол сезди. Ишқ, севги тоза, беғубор кўнгилда бўлади. Баднафс одамнинг дилида иймон бўлмаганидек, у дилда ишқ ҳам бўлмайди.

Ишқ шундай сехрга эгаки, икки дилни кўзга кўринмас ҳавои кўпирик орқали бир-бирига боғлаб туради. Шу боисдан маъшуқнинг қайгу ва қувончларини ошиқнинг юраги сезиб туради.

Маъшуқ қандай ҳолга тушса, ошиқ ўзи сезмаган ҳолда ё кўнгли ғаш бўлади, ё шоду-хуррам бўлади. Шу боисдан Юсуфнинг ранжу-аламларининг сояси Зулайхонинг дилига тушган эди. Зулайҳо ҳам бошидан кечирган ишқ азобларини Юсуфга сўзлаб берди.

Юсуф кўрдики, Зулайхонинг кўрган ранж-аламлари ўзиникидан ҳам зиёда экан. Ишқ инсонни ҳам ўтга солади, ҳам ўтдан олади. Юсуф ҳасадгўй оғалари дастидан азоб чеккан бўлса, Зулайҳо ишқ азобини чеккан. Такдир тақозоси билан икки мамлакат фарзанди Миср мамлакатида дийдор кўришди.

Зулайҳо Юсуфни қўлидан тутиб, нозу карашмалар қилиб дил розини изҳор қилди; кўрайлик не деди:

Тушда кўриб жамолингни ошиқи девонаман,  
Бунчалар бепарводирсан ишқингда сўзонаман.

Пешонингда ой балқийди, чехрангда нури жаҳон,  
Жон берувчи кўзларингни шавқидан мастонаман.

Башар авлодида йўқdir сен каби гўзал йигит,  
Висолингга етмоқ учун юртаро гирёнаман.

Ақлу хуш учди бошимдан сени кўргандан буён,  
Бегонага шайдо бўлиб, дўстларга бегонаман.

Сен бўлмасанг умрим ҳазон, ҳам қоронгу бу жаҳон,  
Шам чироғимсан ўзинг ёр мен сенга парвонаман.

Қалб сирини сенга айтар бу ғамгусор Зулайҳо,  
Сенга қўзим тушса магар доимо мастонаман.

Зулайҳо ишқ розини айтиб, Юсуфнинг бўйнига қўл ташламоқчи бўлди. Шунда Юсуф Зулайҳодан тисарилиб эй Зулайҳо, эринг менга оилада иш юритиш инъомини берди. Сени инъомингни бермади. Андиша билан иш қилгин, тағин ё сени, ё мени бошимга хумбузда ёнган хотиннинг куни тушмасин. Зулайҳо деди; баён қил, хотин не сабабдан хумбузда ёнган экан?

Юсуф деди; бир савдогарнинг яккаю ягона бир ўғли бор экан. Ўғли йигит етганда отасининг ёши анчага бориб, кексайиб қолибди. Ўғлига савдо қилишни ўргатмоқ мақсадида қўлига юз тилло бериб, рўзғор харажатини қилиб кел, деб бозорга юборади.

Бозорнинг дарвозаси олдида бир кекса одам “Бир гап бор, юз тиллога бераман”-деб ўтирибди. Йигит юз тиллони ҳалиги одамга берибди. У эса “Туз еган жойингга хиёнат қилма”-дебди.

Ўғли бозордан қайтибди. Отаси бозор харажатини сўраса, ўғли юқоридаги воқеани айтибди. Отаси ўғлининг ишидан рози бўлиб, сотиб олган гапингга ҳар доим амал қил, дебди. Ўғлига юз тилло бериб яна бозорга юборибди. Ҳалиги одам дарвоза олдида “Бир гапим бор, юз тиллога бераман”-деб ўтирибди. Йигит унга, менга сотган гапингизми?-дебди. Ҳалиги одам, йўқ бу бошқа гап дебди. Йигит юз тилло берибди. Ҳалиги одам “Буғи чиқиб турган ошни ташлаб кетма”-дебди. Ўғли отасига бу гал ҳам ҳалиги одамнинг “Буғи чиқиб турган ошни ташлаб кетма”-деган гапига юз тилло берганлигини айтибди. Отаси ўғлининг ишидан рози бўлиб, сотиб олган гапингга ҳар доим амал қил, дебди. Вақти етиб йигитнинг отаси қазо

қилибди. Йигит ёлғиз қолибди. Йигитнинг отасининг бой, бадавлат бир дўсти бор экан. У йигитни уйига олиб бориб, тарбия қила бошлабди. Жуда келишган йигит экан. Бойнинг ёш, келишган хотини бўлиб, йигитни яхши кўриб қолибди. Ёш хотин эри йўқ пайтида йигитни уйига киргизиб унинг билан қовушишни талаб қилибди. Йигит “Туз еган жойингга хиёнат қилма”-деган гапига амал қилиб, хотиннинг талабига кўнмай чиқиб кетибди.

Аламзада бўлган хотин эри келгач, унга йигитдан шикоят қилиб; сиз олиб келган йигит нонкўрлик қилди. Йўқлигингида ётоғимга кириб менинг билан қовушмоқчи бўлди. Дод солган эдим қочиб кетди. Уни жазоламасангиз бўлмайди, -дебди. Бой хумбуз пиширувчини чақириб бугун тушда хумбузга борган одамни оташхонага тиқиб юбор-дебди.

Хотин бу гапни эшишиб турарди. Хумбузчи кетгач, бой йигитни чақириб, туш вақтида хумбузчиларнинг ишларини кўриб келишни буюрибди. Йигит туш пайти хумбуз томон бораётган экан, йўлда бир дўсти йўлиқиб бир пиёла чой ичиб кет,-деб йигитни уйига киргизибди. Йигит ноннинг тузини тотиб ўрнидан турмоқчи эди, дўсти товоқда ош кўтариб киради ва йигитга таомни бирга ейишни таклиф қиласди.

“Буғи чиқиб турган ошни ташлаб кетма”-деган ўгит ёдига тушиб, ўтириб овқатланади. Бу пайтда аламзада ёш хотин йигитни хумбузда ёнганини кўраман, деб хумбуз томон борди. Хумбузчи хотинни дод-войига қарамай хумбузнинг оташхонасига тиқиб юборди. Шом пайти бой йигитни кўриб қолиб ҳайрон бўлибди. У хумбузчини чақириб, нега айтганимни бажармадинг,-дебди. Хумбузчи, айтганингизни бажардим, тушда хотинингиз борди, уни оташхонага тиқиб юбордим,-деди. Бой ғамгин бўлиб йигитни чақирди ва хотини билан бўлган воқеани айтиб, ўлимдан қандай омон қолганлигини сўради. Йигит бошидан кечирган воқеани айтиб берди. Кўраяпсанми, сенинг харакатинг бойнинг хотинининг харакатига ўхшайди. Ҳар қандай қабиҳ иш қилганни худо жазосиз қолдирмайди. Мен худойимдан қўрқаман-деди, Юсуф. Зулайҳо ниятига етолмай хуноб бўлиб қолди. Юсуф чўпонларнинг хабарини олиш учун чўлга йўл олди. Чўлда ёлғиз кетаётиб, худодан мадад сўраб шундай-деди:

Туз еган жойимга қандоқ иккилиқ айлай худо,  
Бу гуноҳдан ўзинг аспа, қилма иймондин жудо.  
Кўлимда ихтиёрим йўқ қул эруман қулингга,  
Инсоф бергин ул бекамга сенга қилгум илтижо.

Озодликдан маҳрумдурман кетарга ихтиёрим йўқ,  
Айтганимни қилурсан, деб зуғум қилур катхудо.

Ўзинг қўлласанг бало йўқ, қўлламасанг чора йўқ,  
Барча ишларга қодирсан расво айлама худо.

Не азобинг бўлса тортай қабиҳ ишдан асрагил,  
Жонимни олсанг олгину мен бўлай сендин ризо.

Мусофирман ҳам ғуломман, ўзингдан ўзга дўстим йўқ,  
Мададкорим ўзингдурсан ишим ўнглаб қўйгин худо.

Сабрдин яхшиси йўқ, бу йўлда сабр айлайнин,  
Юсуф айтур, ишим ўзинг айлагил жобажо.

Миср хотинлари Зулайҳо ўз қулига ошиғу бекарор бўлиб қолибди, деб таъналар қилдилар эмишки, Зулайҳо қулини ёқтирибди, қули эса Зулайҳони ёқтирмабди; Зулайҳо қулига ноз –карашмалар қиласмиш, қули бунга парво қиласмиш, Зулайҳо жон кўзи билан қулига қараса, қули кўзларини юмармиш, Зулайҳо қули ишқида жон куйдириб оҳу-нолалар тортса, қули қулармиш,-каби таъналар Зулайҳонинг қулоғига чалинди. Зулайҳо таъналардан қутилиш чорасини излаб, зиёфат ташкил қилиб, Мисрнинг гўзал хотинларини зиёфатга чақирди, хонани шундай безатдики, унда ейимлигу, ичимликларнинг адоди йўқ эди. Миср хотинлари ўзларига зеб бериб, зиёфатда ҳозир бўлдилар. Хонанда ва раққоса нозанинлар нағма соз қилиб, раққосалар товусдек хиром айлаб, зиёфат ахлини хушнуд қилдилар. Зиёфат меъерига яқинлашганда Зулайҳо хотунларга юзланиб деди; эй азизлар, Миср гўзаллари “Зулайҳо қулига ошиғ бўлибди, аёл ҳам шундай паст кетарми”, деб менга таъна тошларини отдингизлар, Агар у сарви қомат, фаришта сифат йигитни кўрганингизда ҳушингизни йўқотиб, йўлингиздан адашиб, менга қилган таъналарингиз ўринсиз эканлигини англаб пушаймон бўлардингиз.

Хотинлар деди: қулингни биз ҳам қўрайлик, сен таърифлаганча бормикан. Зулайҳо деди: Кўлларингизга пичоқ ва лимон олурсиз. Юсуф кириб келганда лимон тўғрашга машғул бўларсиз.

Хотинлар шартга рози бўлдилар. Зулайҳо Юсуфни зиёфатга таклиф қилди. Юсуф Зулайҳога рад жавобини берди. Шунда Зулайҳо Юсуфга ялиниб деди: Эй Юсуф сенинг ишқингда хотинларнинг таънасига қолдим, улар бошимга маломат тошларини отдила. Бу таъналардан мени сен қутқарурсан, сендан ялиниб сўрайман. Ўзингга оро бериб шоҳона кийимларингни кийиб меҳмонлар ёнига киргин. Юсуф рози бўлиб, Зулайҳо айтгандек кўринишида хонага кириб келди. Юсуфнинг ҳусни –жамоли мунаввар хонани янада мунаввар қилиб юборди. Хотинлар одам фарзанди бу қадар зебо бўлурми, бу фариштадан ҳам чиройлику, дедилар. Хотинлар кўзларини Юсуфдан узолмай ҳусни-жамолини томоша қиласдилар.

Зулайҳо хотинларга лимонларни кесинг,-деди. Миср гўзаллари ҳуশларини йўқотиб, лимон қолиб бармоқларини тўғрадилар. Зулайҳо хотинларнинг аҳволидан ҳайратланиб, шундай деди:

Ақлу-ҳушингизни олган шу дилбар,  
Дилимда ушалмас армоним менинг.  
Мени шу куйларга солган шу гўзал,  
Боқишлиари жонга дармоним менинг.

Мухаббат юракка ёлқинин сочса,  
Ажабмас таънадан сирларин очса,  
Не қиласай дилбарим бағримдан қочса,

Севгим сезмас қайсар дилбарим менинг.

Тилингизни менга ханжар қилдингиз,  
Азиз бошим маломатга қўйдингиз,  
Нега лабларингиз тишлаб қолдингиз,  
Билсангиз шу дилбар армоним менинг.

Ақлу-хушингизни ғуломим олди,  
Лимон қолиб бармоғингиз тўғралди,  
Дастурхоним қонингизга бўялди,  
Мафтункор гўзалдир ғуломим менинг.

Ёрнинг ишқи дилим ром қилиб олди,  
Зеболиги мени шу куйга солди,  
Тунларим, кунларим беором бўлди,  
Оромимни олди ғуломим менинг.

Миср гўзаллари Зулайҳонинг олдида изза бўлиб Юсуфнинг офтобдек балқиб турган хусну-жамолида дилларига олов солиб, жойларига тарқалдилар. Зулайҳо Юсуфнинг висолига етмоқ ниятида қатъий қарорга келиб, Юсуфнинг қўлидан ушлаб ичкарига етаклади. Ва кетидан эшикларни занжирлаб борди.

Еттинчи хонага кирганда тўхтадилар. Хонага юмшоқ каравотлар қўйилган, гул тувакларда гуллар ўстирилган, тўрт девори шифтига гўзал қизлар ва йигитларнинг жуфт –жуфт бўлиб турган, кўрганларда ҳирсий тугён қўзғатадиган жозибали сувратлари чизилган, Юсуф қай томонга боқмасин кўзи жозибали сувратларга тушарди. Юсуф эшик томон айланган эди, юпқа куйлак кийиб олган сиймобдек бадан куйлак ичидан кўзга ташланиб турган Зулайҳо уни бўйнидан қучоқлаб олиб тўшагига ўтказди. Титраган овоз билан Юсуфга ялиниб деди:

Ою йиллар ҳижронингда ўртандим,  
Сиру-асроримни сўрсанг не бўлди.  
Бугун дийдорингни кўриб шодландим,  
Холим сўраб кўнглим олсанг не бўлди.

Ишқинг вужудимга солди ғалаён,  
Истиғноларингга фидо бўлсин жон,  
Висолингга етмоқ дилдаги армон,  
Ёрга қучоғингни очсанг не бўлди.

Лабларингга лабларимни қўяйин,  
Гулгун яноғингдан бўса олайн,  
Қўлларим белингга камар қилайин,  
Нозик белларимдан қучсанг не бўлди.

Сен обу-ҳаётсан, мен сувга чанқоқ,

Сувингни аяма чанқоқдан бу чоқ,  
Талабимни қондир бўлсангчи тезроқ,  
Жонингни жонимга қотсанг не бўлди.

Бу хилватхонадан чиқиши унут,  
Баданим қизиган дилда ёнар ўт,  
Қучоғингга олиб тўшагимга ўт,  
Муродимни ҳосил қилсанг не бўлди.

Дардларимга бугун якун ясарман,  
Шитоб билан висолингга етарман,  
То қовушмагунча қўйиб юбормам,  
Ёрни оғушинга олсанг не бўлди.

Зулайҳо дер, бўлдим ишқингда банда,  
Муруват айлашни қилмағил канда,  
Менинг ихтиёrim сандадур санда,  
Илтижомни қабул қилсанг не бўлди.

Юсуф билдики, Зулайҳонинг қарори қатъий. У бу ишратхонадан  
кандай чиқиш чорасини ўйлаб Зулайҳонинг ниятидан қайтариш мақсадида  
шундай деди:

Хиёнат айласам эринг Азизга,  
Тириклиайн сомон тиқар теримга.  
Тузоғингдин бўшат, мени азизим,  
Севганингни йўлламагин ўлимга.

Сен билан бўлганнинг йўқдир армони,  
Ишқда ёнган дилнинг сенсан дармони,  
Бироқ қабиҳ йўлга йўллама мени,  
Эшигинг оч, тузоқ қўйма йўлимга.

Зино қилганларнинг жазоси ёмон,  
Ҳар икки дунёда топмайди омон,  
Гуноҳ ишга мени ундама жонон,  
Эшигинг оч, тузоқ қўйма йўлимга.

Айтганингни қилсам иффатим кетар,  
Беҳаёнинг дилин иймон тарқ этар,  
Иймонсиз бандалар дўзахга ўтар,  
Эшигинг оч, шафқат қилгин қулинга.

Шайтоннинг йўлига юрмагин эркам,  
Шаҳвоний ҳирсингга ҳай бергин бекам,  
Дардингга малҳамни кутмагин бу дам,  
Эшигинг оч, тузоқ қўйма йўлимга.

Юсуф айтур, сенга эй сарви қомат,  
Сабр қилсанг охир топарсан роҳат,  
Бесабр бошига ёғади оғат,  
Эшигинг оч тузоқ қўйма йўлимга.

Зулайҳо Юсуфнинг сўзларига парво қилмади. Эй севгилим, сени висолингга етмоқ учун ою- йиллар хижронингда азоб чекдим. Тасаввур қилгин, сен бир оқиб турган дарёсан, мен дарёнинг қирғоғида қолган сувга чанқоқ балиқман. Балиқнинг хаёлига сувга шўнғишдан бошқа нарса келмайди. Сен ёниб турган бир шамсан, мен парвонаман. Шам парвонанинг қанотларини куйдирса ҳам, танасини ёқса ҳам парвона доим шамга интилади. Юсуф,- деди: Эринг хўжам, ўзинг бекамсан, ёмон кунларда химоянгизга олдиларинг, устимга кийим, ошу-нон бердиларинг. Оилада иззат-хурматимни жойига қўйиб, мусофир қулга улуғ мартабалар бердиларинг. Сенинг билан айшу-ишрат қилсам эринг Азиз ҳам, бизни яратган Худо ҳам кечирмайди.

Нақадар жозибали жонон эканингни кўриб турибман, муҳаббат жисмингда ғалаён қўзгатганини билиб турибман не илож. Сен билан қовушсам эринг ҳамда Худонинг ғазабидан қўрқаман.

Ўтган аждодларим ҳалол ва пок яшаганлар, уларга иснод келтиришдан ор қиласман. Мени қўйиб юбор. Парвардигорим ҳамма нарсани хоҳ махфий, хоҳ ошкора бўлсин кўриб, билиб турувчиdir. Илтижоларинг даргоҳида қабул бўлса, бир сабаб билан висолга етармиз. Худонинг ўзи ишларни чиройли қилиб бажарувчиdir. Зулайҳо деди: сабр-тоқат қилишга бардошим етмайди. Мен бир қуруқ танаман жоним сенинг кўксингда, танам жонингга етмагунча бир дақиқа ҳам сабр қилмасман, деб Юсуфнинг белидан қучоқлаб ўзини тўшакка ташлади. Юмшоқ бадан, ҳароратли тан бир бирига чирмashiб кетди. Юсуф ҳушини йиғиб олиб, Зулайҳонинг қучоғидан қочиб, эшик томон югурди.

Эшикларнинг занжирини бир мушт уруш билан парчалаб ташқари томон интилди. Зулайҳо кўрдики, Юсуф қочиб боряпти. Юсуфнинг орқасидан қувиб, охирги эшикда орқасидан етиб куйлагидан ушлади. Юсуф куйлагининг бир парчасини Зулайҳонинг қўлида қолдириб, ўзи ташқарига чиқди.

Эшик олдида Азизга учрашди. Азиз кўрдики, Юсуф нимадандир ҳаёжонда, унинг безовталигини суриштирган эди. Юсуф сир бой бермасдан “Тинчлик”деб қўйди. Азиз Юсуфнинг қўлидан ушлаб ичкарига олиб кирди. Зулайҳо: Юсуф Азизга бор гапни айтиб қўйган деб ўйлаб, Юсуфнинг устидан Азизга шикоят қилиб, ўз сирини ўзи ошкора қилиб шундай деди:

Уйқуда ётардим оромим бузди,  
Нияти ёмондир йўқот бу қулни.  
Нозик баданимга қўлларин чўзди,  
Нияти бузукдир йўқот, бу қулни.

Ўғрилардек писиб тўшакка ўтди,

Аста куйлагимни тугмасин ечди,  
Ногоҳон баданим сесканиб кетди,  
Нияти бузуқдир йўқот бу қулни.

Бедор бўлиб дод устина дод солдим,  
Эшикка югурди изидан қувдим,  
Етиб куйлагидан бир парча юлдим,  
Нияти бузуқдир йўқот, бу қулни.

Банди зиндан айла, жазосин олсин,  
Зулайҳо кимлигин зинданда билсин,  
Бу иш ўзгаларга ҳам ибрат бўлсин,  
Нияти бузуқдир йўқот, бу қулни.

Азиз Зулайҳодан бу сўзларни эшитиб, фифони фалакка чиқиб кетди.  
Юсуфни нонқўрликда айблаб шундай деди:

Кул эмас, болам деб ардоқлар эдим,  
Орзуласим бугун барбод айладинг.  
Қабиҳ ишларингдан аламда қолдим,  
Яхшиликка ёмон жавоб айладинг.

Кўтара билмадинг иззат ҳурматни,  
Ошкор қилдинг дилингдаги иллатни,  
Бўйнингга осибсан тавқи лаънатни,  
Маккор шайтонлигинг ошкор айладинг.

Сени Зулайҳога топширган эдим,  
Хизматингда бўлсин канизлар дедим,  
Ўз мулкимни ихтиёрингга бердим,  
Яхшиликка ёмон жавоб айладинг.

Азиз айтур, банди зиндан қиларман,  
Бошингга юз турли зулм соларман,  
Худодан бошингга азоб тиларман,  
Яхшиликка ёмон жавоб айладинг.

Юсуф бу қадар ҳақоратларни эшитгач, виждан азобида қийналиб, ноҳақлик ўтида ёниб Азизга айтдики; кўз билан; қулоқ билан, қўл билан хукм чиқар. Азиз айтдики; бу нима деганинг? Юсуф деди; Бу шундай деганимки, одамни гуноҳкор қилиш учун уни кўз билан кўрмоғинг, сўзларини қулоқ билан эшитмоғинг, гуноҳ иш устида қўл билан тутмоғинг керак. Сенда бу далиллардан биронтаси ҳам йўқ.

“Кишининг қўли билан ўт эшарма”, деган гап бор. Зулайҳонинг сўзи билан мени ҳақорат лойига булғадинг, мен бунга лойик эмасман. Иймоним пок, худонинг олдида юзим ёруғ, -деб бу муҳаммасни ўқиди:

Оллоҳ ўзи қилмаса, агар қулини расво,  
Иймонга соя солмас, хуруж қилса ҳам ифво,

Шайтоннинг сўзи билан амал қилмадим асло,  
Тақдир ёзғитидандир ҳар неки келса бошга,  
Нафсимга қул эмасман шукур алҳамдуилло

Одам отадан бўён ғавғосиз эмас дунё,  
Агар нафсинг тиймасанг бошга ёғилур бало,  
Худо сақласа бало сақламаса йўқ чора,  
Бандасини қилмагай икки оламда расво,  
Нафсимга қул эмасман шукур алҳамдуилло.

Бу дунёning дардлари Одам отадан қолган,  
Ҳаромийлар дастидан ер юзини сув олган,  
Ҳақни билмаган Намрӯд Ҳалилни ўтга солган,  
Иймони пок Иброҳим оловдан омон қолган,  
Нафсимга қул эмасман шукур алҳамдуилло.

Омонатга ҳеч қачон мен хиёнат қилмадим,  
Оқлаб едим тузимни тузлиққа туфурмадим,  
Иймоним покдир менинг, эгри йўлга юрмадим,  
Ёмонларнинг дастидан мудом роҳат кўрмадим,  
Нафсимга қул эмасман шукур алҳамдуилло.

Севган қулига ишқни ато айлади худо,  
Ишқ тушган юракларда бўлди иймон мусаффи,  
Ошиғ дардига ёрнинг висоли бўлди даво,  
Алмудом Юсуфни деб ишқда ёнди Зулайҳо,  
Нафсимга қул эмасман шукур алҳамдуилло.

Зулайҳо Юсуфнинг сўзларини эшитиб мардона туришини кўриб айниқса “Севган қулига ишқни ато айлади худо алмудом Юсуфни, деб ишқда ёнди Зулайҳо” деган сўзларидан тасирланиб беайб Юсуфни айборд қилётганидан пушаймон қилиб ўзини соядек ерга ташлаб зор-зор йиғлади.

Азиз Зулайҳонинг зор-зор йиғлаганини Юсуфни унга қилган хўрлик ва зўрлигидан деб билиб Юсуфни сўзларига ишонмай яна унга нисбатан ғазаби ошди. Шу пайт бешикда ётган чақалоқ яъни Зулайҳонинг амакиваччаси аллоҳнинг иродаси билан тилга кириб гувоҳлик бериб дедики “Агар унинг куйлаги олд томондан йиртилган бўлса Зулайҳонинг гапи росттир ва Юсуф ёлғончилардандир. Агар орқа томонидан йиртилган бўлса у ҳолда Зулайҳонинг гапи ёлғондир ва Юсуф ростгўйлардан бўлур”. Азиз Юсуфнинг кўйлагининг орқа томонидан йиртилганини кўргач: эй Зулайҳо бу иш сенинг макр-ҳийлаларингдандир. Қилган гуноҳингга тавба қил. Чунки сен адашган кимсалардан бўлдинг, деди.

Тангри таоло ўзининг маъсум пайғамбари Юсуфни маъсум бир гўдак тили билан оқлади. Азиз Юсуфга бу гаплар бости-бости бўлиб, унутилиб кетгунча сени зинданда сақлаб турурман, - деб Юсуфни зинданбанд қилишга амр қилди.

Юсуф зиндонга тушганига бир томондан суйинса бир томондан ғамгин бўларди. Суюнишига сабаб, Зулайҳонинг гуноҳ ишга ундан қилаётган зуғумидан қутилиб иймонини саломат сақлаб қолгани бўлса, ғамгинлигига сабаб ота-она, қариндошларининг меҳрига зор бўлиб, озод бошини қул қилиб, дардини айтарга дўст тополмай, ноҳақ айблар оламида зиндонбанд бўлгани эди. Яратган оллоҳдан бошқа ҳимоячиси бўлмаган Юсуф ғамгин бўлиб яратгандан шафқат сўраб илтижо қилди:

Йўқдан бор айлаган яратган эгам,  
Бу ғавғодан бошим озод қил, мени.  
Азоб берар менга ноҳақлик ситам,  
Шафқат айлаб дардан озод қил, мени.

Туққан онам дийдорига тўймадим,  
Тенг тушларим билан ўйнаб юрмадим,  
Бузрукворим хизматида бўлмадим,  
Хижрон азобидан озод қил, мени.

Биродарлар ёмон ният этдилар,  
Уриб, судраб чоҳ тагига отдиilar,  
Озод бошим банда қилиб сотдилар,  
Шафқат айлаб бошим озод қил, мени.

Тўғри ишлар қилдим нотўғри бўлди,  
Туҳмат азобидан жигарим ёнди,  
Ноҳақлик қад ростлаб, ҳақиқат синди,  
Шафқат айлаб ҳимоянга ол, мени.

Хато қилсам иймон дилни тарқ этар,  
Тўғрилиқдан дилимга озор етар,  
Бирор хўсторим йўқ кўлимдан тутар,  
Ёраб ўзинг ҳимоянгта ол, мени.

Яхшилардан асло ёмонлик чиқмас,  
Хуши бор ёмондан яхшилик кутмас,  
Маломат ғавғоси бошимдан кетмас,  
Шафқат айлаб ҳимоянгга ол, мени.

Юсуф зиндонга ташлангандан кейин Зулайҳонинг бир дарди икки бўлиб, қилган ишларидан пушаймон бўлиб, виждан азобида тўлғаниб, истаган вақтда Юсуф дийдорини кўриб, ўзига тасалли бериб юрарди. Энди бундан ҳам жудо бўлиб, айрилиқ дардида ранглари сўлиб, суврати бутун, сийрати тутун бўлиб, ўзини узлатга олиб зор-зор йиглаб шундай бир муҳаммас ўқиди:

Ишқинг дилимга жо бўлди жонажоним ўртадинг,  
Хижрон азобига ташлаб жисми жоним ўртадинг,  
Ғурбатда ғарib эруман хонумоним ўртадинг,

Ишқинг тифи тилди бағрим оқди қоним ўртадинг,  
Парво қилмай ахволимга меҳрибоним ўртадинг.

То абад хусну -жамолинг кўрмагай эдим кошки,  
Кўрган билан сенга кўнгил қўймагай эдим кошки,  
Куйингда саргардон бўлиб юрмагай эдим кошки,  
Ёрга етмоқ илинжида бўлмайгай эдим кошки,  
Муҳаббатим рад этиб номеҳрибоним ўртадинг.

Умид билан висол сари қадам ташлаган эдим,  
Висолингга етай деб ёр қўлин ушлаган эдим,  
Вафодорим дебон сени кўнглим хушлаган эдим,  
Жамолингга меҳр билан нигоҳ ташлаган эдим,  
Умидларим сароб бўлди жонажоним ўртадинг.

Мен йиғламай ким йиғласин дилдоримдан айрилдим,  
Булбулам нола қилурман гулзоримдан айрилдим,  
Суду-савдодан қолибман, бозоримдан айрилдим,  
Дунёнинг дастидан войдод оромимдан айрилдим,  
Хижрон азобига ташлаб меҳрибоним ўртадинг.

Мен Зулайҳодек эларо сарсон бўлмагай ҳеч ким,  
Севган ёрига етолмай ҳайрон бўлмагай ҳеч ким,  
Шафқатсиз ёрнинг ишқида достон бўлмагай ҳеч ким,  
Менинг армонларим янглиғ армон қилмагай ҳеч ким,  
Дардларимга парво қилмай шифокорим ўртадинг.

Зулайҳо зинданбонга эҳсонлар бериб, зинданда ётган Юсуфни яхши парвариш қилишни уқтириди. Юсуф ўзининг ишбиларманилиги билан зиндан бошлигининг кўнглини топди.

Зиндан бошлиғи қамоқдаги бутун маҳбусларни Юсуфнинг қарамоғига берди. Энди у ердаги ҳамма ишларни Юсуф бошқаар эди. Миср подшосининг соқийси ва новвойи ҳам подшоҳга қарши жиноий ишда айбланиб қамоққа тушди. Юсуф қамоқхонада улар билан бирга эди.

Миср подшосининг соқийси билан новвойи бир муддат қамоқда ётганларидан кейин бир кечанинг ўзида иккаласи ҳам туш кўрди. Тушининг таъбири нима бўлишини билолмай ғамгин бўлиб ўтирилар. Юсуф уларни ғамгин ахволда кўриб ғамгинлигининг сабабини сўраган эди. Улар: Биз туш кўрдик, тушни таъбир қиласиган киши тополмадик,-дедилар. Юсуф уларга: тушнинг таъбирлари худодан эмасми? Менга тушларингизни айтиб берингларчи,-деди. Бош соқий тушини Юсуфга ҳикоя қилди; Тушимда бир узум кўрдим ундаги учта навдада узум бор экан. Навдаларда шингил-шингил узумлар пишиб турибди. Мен узумлардан шарбат тайёрлаб хожамга соқийлик қиласпман,-деди.

Юсуф тушнинг таъбирини йўриб деди: Уч навда –уч кун. Уч кундан кейин қамоқдан озод бўларсан. Подшоҳ мартабангни баланд қилар. Аввалгидек подшоҳнинг соқийси бўларсан-деди.

Бош новвой ҳам тушини Юсуфга айтиб таъбирини сўради:

Бошим устида учта сават бор эди. Уларнинг иккитасида нон, юқоридаги учинчи саватда подшоҳга тайёрланган овқат бор эди. Уларни подшоҳга олиб бораётган эдим, учинчи саватдаги овқатни қушлар чўқиб еб кетди-деди.

Юсуф тушнинг таъбирини шундай йўрди: Уч сават-уч кун. Уч кундан кейин подшоҳ сени дорга остиради. Қушлар келиб танангдан гўштингни чўқиб ейдилар,-деди. Уч кундан кейин бош соқий ва бош новвой зиндондан озод бўлдилар. Юсуф бош соқийга қараб, мени эслаб тур, деб шундай деди:

Озод бўлиб кетар бўлсанг бош соқий,  
Гуноҳсиз гуноҳкор дўстни унутма.  
Бизга бу қунларни солмиш илохий,  
Зиндондаги ғариб дўстни унутма.

Ғурбатда ғарифлик дарди ўртади,  
Мусофирнинг доди кимга етади,  
Ноҳақлик зулмидан жоним ўртанди,  
Гуноҳсиз гуноҳкор дўстни унутма.

Ғарифликда кулфат ёғди бошимга,  
Ҳеч ким парво қилмас кўзда ёшимга,  
Яратганинг ўзи етгай додимга,  
Гуноҳсиз гуноҳкор дўстни унутма.

Шам жисмини ёқиб ёғду сочади,  
Ноҳақ дардан жисимдан жон қочади,  
Ҳақиқат юзини қачон очади,  
Гуноҳсиз гуноҳкор дўстни унутма.

Бундан кетиб шоҳ хузурига етарсан,  
Илгиндан сultonга шароб тутарсан,  
Пайти келса мени эслаб ўтарсан,  
Гуноҳсиз гуноҳкор дўстни унутма.

Юсуф айтар, банди бўлдим бу замон,  
Яратганинг ўзи бергуси омон,  
Ноҳақликдан азоб чеккан кўп ёмон,  
Ноҳақ азоб чеккан дўстни унутма.

Орадан уч кун ўтгандан кейин подшоҳ ўзининг туғилган кунини нишонлаш учун бутун мулозимларига зиёфат ташкил қилди. Зиёфатга бош соқий билан бош новвойни ҳам чақирди.

Подшо бош соқийни ўз мансабига қайтарди. Бош соқий олдингидан ҳам ҳурматлироқ бўлиб, ўз ишини давом қилдирди.

Бош новвой эса Юсуф таъбир қилганидек дорга осилди.

Бош соқий Юсуфни эсдан чиқарди. У хақда подшоҳга сўз очмади. Юсуф эса узоқ йиллар зинданда қолиб кетди. Орадан икки йил ўтгач подшоҳ бир туш кўрди. Нил дарёсининг бўйида ўтлаб юрган еттига семиз сигирга подшоҳнинг кўзи тушди. Шу пайт еттига ориқ, кўримсиз сигирлар пайдо бўлиб, еттига семиз сигирларни еб юборди. Воқеа содир бўлган ернинг нарироғида еттига яшил, бўлиқ бошоқ ўсиб турарди ва яна шу ерда еттига қовжираган бошоқ ҳам ўсиб турарди.

Подшоҳ уйқудан уйғонгач, кўрган тушини эслаб анча вақт ғамгин бўлиб ўтириди. Кейин аъёнларини чақириб уларга тушини айтиб, туш таъбирини сўради.

Аъёнлар: бу олоқ-чолоқ тушлар экан биз тушингизни таъбир қилаолмаймиз, узуримизни қабул қилинг, -дедилар. Шу ерда бош соқий ҳам бор эди. Бош соқийнинг эсига зиндандаги ётган Юсуф тушди. Бош соқий подшоҳга юzlаниб деди: Зинданда Юсуф исмли бир иброний ётибди.

У тушнинг таъбирини тўғри айта олади. Бош новвой билан зинданда ётганимизда Юсуф биз билан бирга эди. Биз туш кўрдик. Тушимизни Юсуфга айтган эдик, у таъбирлаб берди. Мен ўз вазифамга қайтдим, новвой дорга осилди. Бу воқеа Юсуф таъбирлаганидек бўлди. Буюрсангиз тушингизни Юсуфга таъбирлатиб келаман. Шунда подшоҳ деди таъбирчининг сўзини ўзганинг оғзидан эшитгандан кўра, ўзининг оғзидан эшитган яхши. Подшоҳ Юсуфни зиндан олиб келиш учун одам юборади. Подшоҳ юборган одамларга Юсуф шундай деди: подшоҳнинг олдига қайтиб бориб ундан Зулайҳонинг зиёфатида ўз кўлларини кесган аёллар нима бўлганини сўранг. Парвардигорим уларнинг макрларини билгувчиdir. Шояд подшоҳ ҳам менинг бегуноҳ эканлигимни, шаҳар ҳокими йўқлигига унга хиёнат қилмаганлигимни, оллоҳ ҳеч қачон хоинларнинг ишини ўнгламаслигини мамлакат шохи ҳам билиб олсин. Элчилар подшоҳга Юсуфнинг сўзларини айтдилар. Подшоҳ Зулайҳо ва унинг зиёфатида бўлган аёлларни тўплаб деди:

Юсуфни йўлдан урмоқчи бўлган вақтингизда у ҳам сизларга мойиллик кўrsатганмиди? Аёллар айтдилар: Оллоҳ сақласин! Бизлар ундан бирон ёмонликни сезмаганмиз.

Зулайҳо деди: Мана энди ҳақиқат тантана қилди. Уни мен йўлдан урмоқчи бўлган эдим. У шак –шубҳасиз ростгўй инсондир. Подшоҳ Юсуфни зиндандан чиқаришга буйруқ берди. Юсуфни зиндандан озод қилиб, тоза либослар кийгизиб подшоҳнинг ҳузурига олиб келдилар. Подшоҳ Юсуфга ёнидан жой берди. Кўрган тушини баён қилиб шундай деди: Мен тушимда Нил дарёси бўйида турган эканман. Дарёдан еттига семиз сигир чиқиб қиёқзорда ўтлаб бошлади. Шундан кейин дарёдан яна еттига ориқ сигир чиқиб, халиги еттига семиз сигирни еб юборди. Шундан сўнг уйғониб кетдим. Кўзим яна уйқуга илинган эди. Яна туш кўрдим. Тушимда еттига

тўлиқ ва яшил бошоқни кўрдим. Унинг кетидан еттига қовжираган бошоқ чиқиб, ҳалиги етти тўлиқ, яшил бошоқни еб юборди.

Юсуф тушнинг таъбирини шундай деди: икки туш ҳам бир хил маънони билдиради.

Еттига яхши сигир –етти йил.

Етти яхши бошоқ-етти йил.

Бу етти йилда Миср мамлакатида дехқончиликда зироат мўл бўлиб, фаровонлик бўлади. Етти ориқ сигир-етти йил. Етти қовжираган бошоқ ҳам-етти йил. Етти йил фаровонликдан кейин, етти йил қаҳатчилик бўлади.

Туш подшоҳга икки марта намоён бўлиши шуни билдиради, бу ишнинг бўлиши муқаррардир. Худо буни кечиктирмай амалга оширади. Эй олампаноҳ, ақлли, доно, тадбиркор бир одамни Миср юртига раис қилиб қўймоқ лозим. Раис мўл –кўлчилик йилларида олинган донларнинг бир қисмини мамлакат омборларида қўйисин, кейинги қаҳатчилик йилларида захира қилиб қўйилган озиқ овқатлардан оқилона фойдалансин.

Шундай қилинса, мамлакат аҳолиси қаҳатчилик йилларидан эсон-омон ўтади. Бу гап подшоҳ ва унинг амалдорларига маъқул бўлди. Подшоҳ Юсуфга: Худо буларнинг ҳаммасини сенга маълум қилган экан. Сендан ақллироқ ва донороқ одам йўқ. Бу ишни сенга топшираман. Мамлакат устидан раислик қиласан. Мамлакат халқи сенинг амрингга қараб иш тутади. Подшоҳ бармоғидаги узугини Юсуфнинг бармоғига тақди. Шоҳона либослар кийдирди. Юсуф бутун Миср мамлакатига бошлиқ бўлиб тайинланганлигини халққа маълум қилиб жар чакирирди. Юсуф бу пайтда ўттиз ёшга кирганди. Кечагина ўзида эрки бўлмаган, қуллик азобини, зиндан азобини тортган, ғурбатда ғариблик дардини чеккан Юсуф бугун Миср мамлакатининг ҳокими. Дунёнинг ишларидан ҳайратланган Юсуф шундай бир ғазал ўқиди:

Ҳавонинг хаёlin шайтонга бериб,

Одамни жаннатдан қувган дунёсан.

Қобилнинг нафсини қўйига солиб,

Ҳобилнинг жонини олган дунёсан.

Куёш ҳам ой еру-осмон кўркидир,  
Еру –осмон жонзотларнинг мулкидир,  
Жонзотга раҳнома яратган қодир,  
Кечали-кундузли ажиб дунёсан.

Нух қавмин тўфоннинг қаърига солиб,  
Иброҳимни оловдан омон олиб,  
Ҳалилни қўлига болтани бериб,  
Бутларни чил-парчин қилган дунёсан.

Бир ёғингда ҳаёт тантана қилар,  
Бир ёғингда ажал соясин солар,  
Фарзанд ота-она ҳажрида куяр,  
Хар кимни ҳар ёна отган дунёсан.

Бўлмайдиган ишни баъзан бўлдириб,  
Кимнидир йиғлатиб, кимни қулдириб,  
Гадонинг бошига тожни кийдириб,  
Султонни девона қилган дунёсан.

Иллат излаганга берасан иллат,  
Ҳикмат излаганга берасан ҳикмат,  
Ҳақ йўлдан юрганин сақлаб саломат,  
Муаммога тўла сирли дунёсан.

Қора кунлар бугун бошимдан кетди,  
Бахт –иқбол тахтига оёғим етди,  
Ғанимлар бош эгиб пойимдан ўпди,  
Алғовли далғовли қайтар дунёсан.

Юсуфнинг бошига қўнди бахт қуши,  
Бунга сабаб бўлди подшонинг туши,  
Барчаси яратган оллоҳнинг иши,  
Бугун ёмон, эрта яхши дунёсан.

Етти фаровонлик йили бошланиб, дехқончилиқдан мўл ҳосил олинди.  
Юсуф бу даврда кейинги келадиган қаҳатчилик йиллари учун озиқ-овқатни  
йигиб шаҳар омборларида сақлаб қўйди.

Етти фаровонлик йили тугаб, қаҳатчилик йиллари бошланди. Ёмғир  
ёғмади, сув камчил бўлди. Ҳосилдор ерлар сувсизликдан яхши ҳосил  
бермади. Барча ўлкаларда очарчилик бошланди. Қаҳатчилик офати туфайли  
одамлар очликдан нобуд бўла бошлади. Шундай бир даврда Мисрда нон  
сероб эди. Юсуфнинг буйруғи билан халқа дон тарқатиларди. Бошқа давлат  
савдогарлари Мисрга келиб дон олиб кета бошлади.

Мисрда ғалла борлигини эшитган Ёқуб алайҳиссалом болаларини  
йигиб шундай деди:

Мисрда ғалла мўл экан, савдогарлар бориб у ердан озиқ-овқат  
келтираяпти. Сизлар ҳам Мисрга бориб дон олиб келинглар. Бўлмаса  
очликдан нобуд бўламиз. Ёқуб алайҳиссалом Юсуфнинг укаси Беняминни  
ёнида олиб қолиб, ўнта ўғлини ғалла олиб келиш учун Мисрга юборади.  
Канъон ўлкасидан чиққан карвон Мисрга етиб келди. Юсуфнинг оғалари  
унинг олдига кириб бошлари ерга теггунча эгилиб таъзим қилдилар. Юсуф  
акаларини таниди. Бироқ акалари Юсуфни танимади.

Юсуфнинг акалари унинг олдида бош эгиб турар экан, унинг ҳаёлидан  
кўрган туши, отасининг насиҳати, оғаларининг Юсуфни уриб, судраб чоҳга  
ташлаганлари бир –бир ўтди. Бироқ туғишган акаларининг дийдорларини  
кўриб ичидан қувонди. Бошга оғир кунлар келганда мард худодан, номард  
йўлдошидан кўради, деганларидек Юсуф бошидан ўтказган оғир кунларини  
худонинг иродаси туфайли эканлигини англаш етарди. Юсуф акаларини  
танимасликка олиб, саволга тутди:

Юсуф:-Қаердан келдиларинг? Акалари: -Биз Канъон ўлкасидан озиқ-овқат сотиб олгани келдик.

Юсуф: - Сизлар жосуссизлар, мамлакатнинг камчиликларини билиб олгани келгансизлар. Акалари:-Биз ҳаммамиз бир одамнинг фарзандларимиз, жосус эмасмиз, озиқ-овқат сотиб олгани келганмиз. Қаршингизда турган бандалар ўн икки оға-инимиз. Кичик укамиз отамизнинг ёнида қолган. Бошқа бири эса гойиб бўлган.

Юсуф:-Сўзингизга ишонч ҳосил қилиш учун сизлар синовдан ўтасизлар. Сизлардан бирингиз қамалиб турасиз. Қолганларингиз оиласизга донни олиб борасиз, токи улар очликдан ҳалок бўлмасинлар.

Укангизни олиб келгандан кейин сўзларингизга ошонаман, зиндондаги биродарингиз ҳам озод бўлади. Шундай қилмасаларинг менга рўбарў бўлманглар. Юсуф иш юрутувчисига акаларининг қопларини ғаллага тўлдириб беришни, берган кумуш тангаларини ҳам қопларига солиб қўйишни буюрди.

Юсуфнинг акалари қопларини эшакка ортиб Канъонга жўнадилар. Ёқуб алайхиссоломнинг болалари етиб келгач, отасига бўлган воқеани айтиб бердилар. Улар қопларини очиб ичида дон сотиб олиш учун берган кумуш тангаларини топдилар.

Бу сирнинг тагига етолмай Миср ҳокими ўта сахий экан, деб ўйладилар. Юсуфнинг акалари Юсуфнинг ота ва онаси бир бўлган укаси Беняминни ҳам олиб иккинчи марта дон олиш учун Мисрга бордилар. Юсуф укасини кўриб, уни қўлидан тутиб хонасига олиб кирди ва ўзини таништири: Мен аканг Юсуфман сени кўрганимдан хурсандман, лекин бу сирни ҳозирча оғаларингга айтмай тур, -деди.

Юсуф иш бошқарувчисига Беняминнинг юки орасига ўзининг тилло жомини солиб қўйишни айтди. Бенямин юкларини ортиб йўлга чиққач, подшоҳнинг одамлари карvon тўхтатиб, подшоҳнинг тилло жоми йўқолди уни сизлар ўғирлагансизлар, -деб тинтуб қилдилар. Тилло жом Беняминнинг юкининг орасидан топилди. Мамлакатнинг қонунига асосан Бенямин қул қилиб олиб қолинди.

Юсуфнинг оғалари унинг олдига келиб: укамиз Беняминни қул қилсангиз бизларни ҳам қул қилинг. Бизлар Беняминсиз отамизнинг олдига боролмаймиз. Отамизга Беняминни соғ-омон олиб келишга ваъда бериб қасам ичканмиз.

Беняминни ташлаб борсак, отамиз бу оғир жудоликка чидолмай ҳалок бўлади. Юсуф оға-иниларининг бундай забун ҳолатда кўргач тоқат қилолмасдан деди:

Ёш пайтингизда Юсуф ва унинг биродарларига нима ишлар қилганларингизни эслайсизларми? Улар;-Сен Юсуфмисан, -деб сўрадилар

-Ха мен Юсуфман, бу эса биродарим. Оллоҳга шукуроналар бўлсинким, шунча йил айрилиқдан кейин бизни яна бирлаштири.

Юсуфнинг акалари унинг оёғига бош қўйиб кечирим сўрадилар. Юсуф деди: мен сизларни кечирдим, бу ишларнинг бари худонинг иродаси билан бўлган. Энди оталаринг олдига қайтинглар ва мана бу кўйлагимни отамга

беринглар. Ёқуб алайҳиссаломнинг болалари кўп озиқ-овқат билан оталари олдига етиб келдилар. Юсуфнинг куйлагини бердилар. Ёқуб алайҳиссалом Юсуфнинг кўйлагини қўлига олар экан, бу матодан Юсуфнинг бўйи таралаяпти, -деб юз-кўзларига суртган эди, кўр бўлиб қолган қўзларига нур келиб кўрадиган бўлди.

Ёқуб алайҳиссалом бу мўъжизадан ҳайратга тушиб, Юсуфнинг ҳаёт эканлигини қалби сезиб, болаларидан Юсуфни сўради:

Хузур берар менга Юсуфнинг бўйи,  
Хабар беринг болам Юсуф омонми?  
Бошимдан кетмасди ҳаёли, ўйи,  
Хабар беринг нуридийдам омонми?

Бир парча матони юзимга суртдим,  
Шу матода Юсуф бўйин хис этдим,  
Бу на сирдир ёруғ жаҳонга етдим,  
Кўзим нури, азиз болам омонми?

Ғамли ҳасратларим бошимдан кетди,  
Сўқир кўзларимга равшанлик етди,  
Балким болам Юсуф каромат этди,  
Хабар беринг нури дийдам омонми?

Нури дийдам жондан азиз кўрардим,  
Эркаланиб келса бошин силардим,  
Ақл-идрокига қойил қолардим,  
Юрак қўрим, меҳрибоним омонми?

Юсуф кетиб забун бўлди ахволим,  
Сабр қилмоқ билан бўлди қарорим,  
Сабрли қул мурод топар ҳар доим,  
Хабар беринг болам Юсуф омонми?

Биринг кўзим, биринг қўлим, қулоғим,  
Юсуф эрур ҳаётимда тирагим,  
Ёқуб дер, эрурсиз танда юрагим,  
Хабар беринг болам Юсуф омонми?

Болалари айтди: аввало бизларни кечиринг, қолаверса бизларнинг гуноҳларимизни мағфират қилишни оллоҳдан сўранг. Бизлар хато қилғувчилардан бўлдик. Ўғлингиз яъни укамиз Юсуф соғу-саломат. Ҳозир Миср мамлакатининг ҳокими. Сизнинг омонлигингизни тилаб қўлингиздаги куйлагини бериб юборди. Олиб келган озиқ-овқатларимизни совға қилиб юборди. Шунингдек, бутун қаввингиз билан Мисрга келишингизна айтиб юборди. Ёқуб алайҳиссолом айтди: Сизларга мен оллоҳнинг меҳрибон, раҳмли эканлиги ҳақида сизлар билмайдиган нарсаларни билурман демаганмидим. Албатта парвардигоримдан сизларнинг мағфират қилмоғини

сўрайман. Оллоҳ мағфират қилғувчи, меҳрибондир. Ёқуб алайҳиссалом Юсуфнинг ҳаётлиги ҳақидаги хушхабардан беҳад шод бўлиб, оллоҳ таолога шукуроналар айтди. Ўзининг аҳли-оила, қариндош уруғларини тўплаб, етмиш нафар уруғи билан, чорвасини ҳайдаб Миср томонга йўл олдилар. Юсуф ҳам Миср шаҳрининг четига чодирлар қуриб ота-онасининг йўллариға қараб, интизор бўлиб турди. Сарҳадини кўз илғамайдиган чўлда одамлар тўдаси кўринди. Уларнинг олдида қўш ўркачли туя устига қурилган кажавада оқ соқолли нуроний чол-Ёқуб алайҳиссалом келарди. Юсуф отасининг олдига қараб пиёда йўлга тушди. Отаси ҳам туюдан ерга тушди. Бир-бирининг дийдорига зор бўлган ота-бола қучоқ очиб –бир-бирини бағирларига босдилар. Юсуф ота-онаси ва биродарларини саройга олиб келди. У ота-онасини ўзининг тахтига чиқарди. Улар Юсуфнинг ота-онаси ва оға инилари қўлларини қўксига қўйиб Юсуфга тавозе қилдилар.

Йиллар ўтиб Юсуфнинг кўрган тушининг таъбири оллоҳнинг иродаси билан рӯёбга чиқди.

Энди Зулайҳонинг ҳолидан хабар олайлик. Юсуф зиндандан чиқиб, Миср подшоҳининг ишончини қозониб, улуғ мартабага эришиб, Миср мамлакатига раислик қилиб, ҳалқ фаравонлиги йўлида ишга берилиб кетиб, Зулайҳони эсга олмай қўйди. Бу вақтда Азиз вафот қилиб, Зулайҳо бева қолди. Зулайҳо бир томондан Азизнинг мотамида ўртанса, иккинчи томонда қўнглининг остида ҳамиша нур сочиб турган юлдуз ишқи билан ҳаёл сурарди. Ўзини узлатга олиб ўз дарди билан ўзи сўзлашарди:

Биродарлар ажал доми айирди шоҳсуворимни,  
Фалак жабри яна бузди, бузилган рўзгоримни.

Қора кун соясин солди, сояда қолган бошимга,  
Дилдан пинҳона йиғларман ким тинглар оху-зоримни.

Ғурбатда ғарип эурман, яқин бир дўсти-ёrim йўқ,  
Тақдири азал ёзғити, йироқ қилди диёrimни.

Қаршимда мавж урган дарё, бироқ сувга ташнадурман,  
Фалак меҳрига зор қилди меҳри мөхрибонимни.

Сиртим бутун ичим тутун, ҳолимни сўрамайди ҳеч ким,  
Ҳижрон ели ҳазон қилди, гул фаслида баҳоримни.

Ишқнинг ҳарорати дилни, кабобдек жизғанак қилди,  
Фироқида фифон айлаб, тўкарман кўздан ёшимни.

Ўз ёғида ўзи ёнган дарди кўп Зулайҳодурман,  
Ҳолим сўрмаса сultonим, урарман қайга бошимни.

Ой кетидан ойлар, йиллар кетидан йиллар ўта бошлади. Зулайҳонинг ёши ҳам илгарилаб кета бошлади. Азизнинг мотамида Юсуфнинг ҳижронида қолган Зулайҳо олтин тақинчоқларини ташлади.

Атлас либосларни ечиб, оддий матодан кийиниб олди. Шамол тинч денгизда тўлқин ҳосил қилганидек, айрилиқнинг ҳасратли вақти Зулайҳонинг ойдек юзига соясини солиб ажинлар пайдо қилди.

Кора сочига оқ оралади, сарвдек қомати ёйдек эгилди. Қуёш билан чақ-чақлашадиган кўзларида нур камайди. Бироқ қуёш жаҳонни ёритганидек Юсуфнинг ишқи Зулайҳонинг ички дунёсини ёритиб, мусаффолаштириб, турарди.

Юсуф ҳақида сўз очган, хуш хабар айтган ҳар бир кишига садақа қиласади. Шу тариқа Зулайҳонинг бойлиги йўқолиб борди.

Бир умр сифиниб келган бутни олдига бориб, ундан дардларига даво сўраб илтижо қилди:

Бир умр қаршингда бош эгиб турдим,  
Ночор аҳволимга раҳм қил санам.  
Пойингга бош қўйиб ибодат қилдим,  
Илтижоларимни қабул қил, санам.

Жондек ардоқлардим жисму-жамолинг,  
Бугун кўрсат куч-қудрат ҳам камолинг,  
Муяссар қил ёраб бахти-икбалинг,  
Бугун муродимни ҳосил қил, санам.

Юсуфнинг ишқида адо бўлдим мен,  
Очилган гул эдим, бевақт сўлдим мен,  
Боримдан айрилиб гадо бўлдим мен,  
Юсуфнинг ёдига мени сол, санам.

Юздан чирой кетди, кўздан нур кетди,  
Кора соchlаримга оқлик ҳам етди,  
Орзу-армон билан умр ҳам ўтди,  
Орзу-армонларга ечим бер, санам.

Сиру асрорларим сенга аёндир,  
Юсуф ҳаётимда жону-жаҳондир,  
Ул ёрсиз тириклик менга гумондир,  
Илтижоларим қабул қил санам.

Зулайҳо Юсуф ўтадиган йўлнинг бўйига қамишдан кала қурдирди. Юсуфнинг дийдорини кўриш илинжида капага ўтиб ўтирди. Мамлакат подшоҳи уйидан Юсуф ўрдадаги уйига шу йўлдан ўтарди. Узоқдан отларнинг кишинагани эшитилди. Зулайҳо йўлнинг қирғогига чиқиб турди. Бир тўпор отликлар қўринди, ҳар томондан “Йўл бер” деган амрли овоз эшитиларди. Зулайҳо отликлар орасидан Юсуфни излади. Лекин унинг хиralашган кўзлари Юсуфнинг дийдорини кўролмади. Шундай бўлса ҳам Юсуфнинг бўйини сезгандай бўлди.

Отларнинг оёғидан кўтарилиган чанг –тўзон унга ҳаловот бергандай эди. Ночор қолган Зулайҳо йўлга бош қўйиб дилдан фарёд чекиб, унсиз йиғлади.

Дардлари олдингидан ҳам зиёда бўлиб уйига равона бўлди. Бир умр ардоклаб, сифиниб келган санамнинг олдига бориб аламларини тўқди:

Сенга худойим деб сифиндим, пойингга бош қўйиб ибодат қилдим, дардларимни айтиб ёрдам сўрадим. Менга бирон ёрдаминг тегмади. Тошсан тошбағирсан, эшийтмайсан шу сабабдан нажот беролмайсан. Сенга ибодат қилиб, яратгувчи, тилагингни берувчи гуноҳларингни мағфират қилгувчи раҳмонни, сарвари оламни унутдим, худога гуноҳкор бўлдим, -деб қўлига тўқмоқ олиб тошдан ясалган санамни чил –парчин қилиб ташлади.

Зулайҳонинг дарди енгиллашгандай бўлди. Қалбида пайдо бўлган журъатдан кўнгил осойиш топди. У қўлларини осмонга кўтариб, бутун борлиқни яратган, эй олам сарвари, жонлию жонсиз мавжудодлар ҳатто бу ҳайкални ясаган бутпарамастлар ҳам қаршингда тиз чўкади. Жаҳонни ёритгувчи қуёш билан ой, самодаги юлдузлар сенинг ироданг билан ҳаракат қиласди. Мен осий банда хато ишлар қилдим, сени қўйиб санамга ибодат қилдим, сендан мадад сўрамай санамдан нажот қутдим. Оқибатда ўзинг кўриб турган ахволга тушдим. Эй бағри кенг, гуноҳларни мағфират қилгувчи раҳмдил парвардигор гуноҳларимни кечиргил, муродимни бергил, деб яратганга илтижо қилди:

Хато қилмоқ мерос Ҳаво онадан,  
Ёраб, мағфират қил, гуноҳларимни.  
Одам борки холи эмас хатодан,  
Ёраб, мағфират қил, гуноҳларимни.

Сени қўйиб санамларга сифиндим,  
Мадад сўраб тошбағирга ялиндим,  
Ҳар қадамда дард-alamга чалиндим,  
Ёраб, мағфират қил, гуноҳларимни.

Тош билан гавҳарнинг қадрин билмадим,  
Ягоналигинингга амал қилмадим,  
Орзулар ечимин сендан сўрмадим,  
Ёраб, мағфират қил, гуноҳларимни.

Муҳаббатни дилга худо солади,  
Муҳаббат бор дилда иймон бўлади,  
Иймонлилар Ҳакқа яқин туради,  
Ёраб, мағфират қил, гуноҳларимни.

Аввал, охир хатоларим кечиргил,  
Кўзимга нур, кўнглимга иймон солгил,  
Ошиққа маъшуқнинг висолин бергил,  
Ёраб, қабул айла, тилакларимни.

Бу дунёга ким ҳам келиб кетмади,  
Бирор ошиқ муродига етмади,,

Ишқ үйлида раббим илгим тутмади,  
Ёраб ўзинг кечир, гуноҳларимни.

Қалбга муҳаббатни солган ўзингсан,  
Зулайҳони гирён қилган ўзингсан,  
Муродимга етказгувчи ўзингсан,  
Ёраб, ҳосил айла, муродларимни.

Бундай илтижолардан кейин Зулайҳо ўзида тетиклик сезди. Яратган тангри таоло хурматига таҳорат олиб ибодат қилди. Оллоҳга сифиниб яна йўлга чиқди. Узоқдан отларнинг оёқ товуши, посбонларнинг “Йўл бер”, “Йўл бер”, деган овози эшитилди. Зулайҳо посбонларнинг гапига парво қилмасдан йўлнинг ўртасида туриб олди. Зулайҳо Юсуфнинг отининг жиловидан ушлаб деди: Эй олампаноҳ, бугунги мартабали кунингда кечаги кунингни унутма. Шоҳлик ҳам, гадолик ҳам яратганинг изми билан бўлади. Қуёш ўз нурини кошонага ҳам, вайронага ҳам teng сочади. Мамлакат шоҳи фуқаросига teng карам қилмоғи лозим. Лекин мен сендан жабр кўриб дийдорингга зор бўлиб келмоқдаман, деб байт ўқиди:

Бир дам сўзларимни тингла султоним,  
Дардларимни айтар бўлдим дардингдан.  
Юрагимга сарвар бўлган сардорим,  
Ишқинг билан ўтар бўлдим дардингдан.

Муҳаббатнинг қозонида қайнадим,  
Ишқ ўтида азиз жонни қийнадим,  
Парвонадек олов билан ўйнадим,  
Ёниб, ёниб ўтар бўлдим дардингдан.

Оҳу-нолам етди етти самога,  
Сен парво қилмадинг мен мубталога,  
Куйингда айландим мунгли гадога,  
Армон билан ўтар бўлдим дардингдан.

Сарви қаддим ёйдир аламларингдан,  
Кулар юзим сўлғин ҳижронларингдан,  
Кўзда нур қолмади ситамларингдан,  
Фарёд чекиб ўтар бўлдим дардингдан.

Аввал-охир нигоҳингни солмадинг,  
Юрак дардин айтдим қулоқ қўймадинг,  
Кўзда ёшларимга парво қилмадинг,  
Йифлаб-йифлаб ўтар бўлдим дардингдан.

Мен сенга интилдим сен-чи сайландинг,  
Унутолмам юрагимга жойландинг,  
Ушалмаган орзуларга айландинг,

Ёр-ёр дейиб ўтар бўлдим дардингдан.

Зулайҳо қиласур сўнгги илтижо,  
Менинг илинжимни айла жобажо,  
Муқаддас севгимни қилгил дилга жо,  
Куя-куя ўтар бўлдим дардингдан.

Аламли, фарёдли ўткир сўзлар Юсуфни ҳайратга солди. Одамларга яхшилик қилишни шиор қилган, тинчлик, тўкин-сочинлик йўлида ҳаракат қилаётган мамлакат султонининг қарамоғида бундай аянчли ахволга тушган фуқаронинг борлиги уни сергаклантириб, ўйлантириб кўйди. Отининг жиловини ушлаб турган кампирнинг арзини мукаммал тинглаш мақсадида пособонга юзланиб:

“Кампирни қабулхонамга олиб бор”, деди. Юсуф қабулхонага ўтиргач, пособон кампирнинг қабулхонага киришга рухсат сўраётганини айтди. Юсуф киришга рухсат берди. Зулайҳо лабларида табассум билан аста-аста қадам босиб Юсуфнинг қаршисига келди. Юсуфнинг бўйидан баҳра олган Зулайҳо яратганга шукроналар айтиб Юсуфга соғлик-омонлик, хотиржамлик тилаб дуо қилди.

Фарёд чекиб, йиғлаб-йиғлаб армон билан ўтар бўлдим дардингдан, -деб кўзларида ёш билан фарёд чекиб турган кампир, лабларида енгил кулги, юзида майин табассум билан соғлик-омонлик тилаб уни дуо қилмоқда. Юсуф бу кўринишдан ҳайратланиб кампирнинг кимлигини, ахволини сўраб шундай деди:

Кўринишинг мени ҳайратга солди,  
Хабар бергил, насли насабинг кимдир?  
Аччик таналаринг ҳушимни олди,  
Хабар бергил, насли-насабинг кимдир?

Бир дам фарёд чекиб, бир дам куларсан,  
Аввал ранжиб кейин дуо қиласран,  
Не мақсадда мени излаб келарсан,  
Хабар бергил, насли насабинг кимдир?

Не савдолар тушди сенинг бошингга?  
Кимлар оғу қўшди тотли ошинингга?  
Ким сабабчи кўздан оққан ёшинингга?  
Хабар бергин, зулм ўтказган кимдир?

Ҳолинг кўриб дилим эзилиб кетди,  
Фарёдингдан кўнглимга қайғу етди,  
Кимларгадир овозинг ўхшаб кетди,  
Хабар бергин, насли насабинг кимдир?

Танишдек овозинг, чехраи олинг,  
Ғамдан букилибдир қадди камолинг,

Менга қараб паришондур хаёлинг,  
Хабар бергин, сиру асроринг недир?

Юсуфга баён эт, истагинг билай,  
Қилабилганимча ёрдамим қилай,  
Қурбим етмаганин оллоҳдан сўрай,  
Хабар бергин мақсад-муродинг недир?

Зулайҳо Юсуфнинг сўзларини тинглаб билдики, Юсуф уни танимаяпти, кампир деб муомала қиласяпти. Шундан ҳам билдики, ҳижрон азоби, ёр соғинчи Зулайҳони бевакт кексайтириб қўйибди. Юсуф эса ҳамон навқирон, ҳалиям ўша хусни-жамоли тиниқлашса тиниқлашганки хиралашмаган. Бунинг устига подшоҳлик савлати, бошидаги олтин тожи ипак либослари хуснига хусн қўшиб турибди.

Зулайҳо ўз ахволига ачинса ҳам бироқ, Юсуфнинг дийдори, “Қилабилганимча ёрдамим қилай, қурбим етмаганин оллоҳдан сўрай” –деб раҳмдиллик билан ҳол сўраб тургани Зулайҳонинг кўнглига тасалли берди. У Юсуфнинг хаёлига ўтган кунларини солиб бир сўз деди:

Севиб севганига ета олмаган,  
Ёр ишқида ёнган жонфидодирман.  
Ою, йиллар ҳижрон юкин кўтарган,  
Бепарво ёр учун мен адодирман.

Дийдорингни кўргач кўнгил боғладим,  
Йигитлар ичида уни танладим,  
Бор йўғимни ёр йўлида сарфладим,  
Молидан айрилган бир гадодирман,

Бўлмаган ишларни гоҳо бўлдирдим,  
Ёлғон сўзлаб ёр юзини сўлдирдим,  
Кажлик айлаб зиндонларга солдирдим,  
Қилган ишларимдан пушаймондирман.

Ёр куида ақлу-хушин олдирган,  
Хазон ели баҳорини сўлдирган,  
Ҳалил каби санамларни синдирган,  
Билмам на мусулмон на кофирдирман.

Ғурбатда юз тутиб ёрни изладим,  
Топиб султонимни дардим сўзладим,  
Гоҳо хушвақт бўлдим гоҳо бўзладим,  
Ишқ дардини чеккан Зулайҳодирман.

Юсуф Зулайҳони таниб тахтидан тушиб, унинг олдига бориб: -сен ўша Зулайҳомисан,-деди. Зулайҳо деди: Ҳа мен ўша Зулайҳоман. Юсуф Зулайҳонинг бу қадар тушкун, ғарив, бенаво ҳолда кўриб унга ачинди. Шабнам шудрингидек тиниқ кўз ёшлари юзини ювди.

Зулайҳо Юсуфнинг кўз ёшларини қўллари билан артиб, кўзларига суртган эди. Хира тортган кўзлари аввалгидек нурафшон бўлди.

Юсуф деди: Салтанат, бойликларинг қани? Ёшлигингни, гўзал жамолингни не сабабдан бевақт йўқотдинг? Зулайҳо деди: Бойликларимни сенинг йўлингда садақа қилдим, ёшлигим гўзал жамолимни сенинг хижронинг сўлдирди. Бугун бисотимда мусаффо севги, гардсиз муҳаббат, оташин ишқдан бошқа ҳеч нарса қолмади.

Юсуф деди:- Бугун мендан нима истарсан?

Зулайҳо деди: Сендан икки нарсани истарман, аввалгиси менинг ёшлигимни, гўзаллигимни бер, иккинчисини кейин айтарман.

Юсуф шоҳона либосларини ечиб, оддий кийимлар кийиб, тахорат олиб, оллоҳнинг зикрини дилига солиб Зулайҳонинг тилагини оллоҳдан сўраб дуога қўл очиб Зулайҳога дам урди.

Яратганинг қудрати билан мўъжиза ҳосил бўлди. Қирқ ёшда бўлган Зулайҳо ўн саккиз ёшига қайтиб, олдинги ёшлигидан ҳам гўзал мафтункор бўлиб кетди. Юсуф илтижоларини қабул қилган тангри талога санолар айтиб Зулайҳонинг гўзаллигига, қадди қоматига, садоқатига тасаннолар айтиб шундай деди:

Холис ниятларинг мустажоб бўлди,  
Ниятингдан кейин ниятинг недир?  
Дилдаги истагинг рўёбга чиқди,  
Истагингдан кейин истагинг недир?

Кексалиқдан нав –ниҳол ёшга қайтдинг,  
Гўзалликда ҳурларни мафтун этдинг,  
Орзунг ушалиб мақсадга етдинг,  
Орзунгдан кейин орзунг недир?

Аҳволингни кўриб дилдан йиғладим,  
Бахтинг тилаб ҳаққа дуо айладим,  
Энди чиройингта қараб тўймадим,  
Тилагингдан кейин тилагинг недир?

Орзу умидларинг ушалсин ҳар дам,  
Ниятларинг бўлсин ҳамиша ҳамдам,  
Бахт-саодат бўлсин дардингга малҳам,  
Умидингдан кейин умидинг недир?

Ҳақни ёд айласанг ҳаққа етарсан,  
Яхшиликлар қуршовида ўтарсан,  
Ўйнаб-кулиб муродингга етарсан,  
Муродингдан кейин муродинг недир?

Бир дамлар иймондан узоқлаб кетдинг,  
Бугун дарду ғаминг ошкоро этдинг,

Юсуф дуо қилди ниятга етдинг,  
Ниятингдан сўнгги ниятинг недир?

Зулайҳо Юсуфнинг “Бахтинг тилаб ҳаққа дуо айладим, энди чиройингга қараб тўймадим”-деган сўзларидан кўнгли кўтарилиб, товусдек хиром айлаб, Юсуфга нозли қарашиб қилди. Юсуф ҳам Зулайҳонинг қўлидан ушлаб тахти-равонга ўтқазиб, ёнидан жой бериб, Зулайҳони иккинчи истагини сўради.

Зулайҳо деди: -Иккинчи истагим умр бўйи орзуим бўлиб келган истак. У ҳам бўлса сени висолингга етишдир.

Бу истагимни қабул қиласанг менга ёшлиқ ҳам, ҳаёт ҳам мазмунсиздир. Юсуф сукут сақлаб андиша қилди. Шу пайт Жаброил фаришта ваҳий келтирди. “Эй Юсуф, андишага ўрин йўқ. Зулайҳонинг қалбидаги сўнмас ишқ-иймон гавҳаридир, яратгувчи ҳар ишга қодир. Қаҳҳор Зулайҳонинг истагини ҳисобга олиб сизларни самода никоҳлаб қўйди. Сен Зулайҳони ўз никоҳингга ол. Шунда Қаҳҳор сизлардан рози бўлади”.

Юсуф Жаброил фариштанинг ваҳийсидан мамнун бўлиб, Зулайҳога айтдики, мен айтган сўзларни такрорлагил; “Ашҳадуанна илоҳа иллоллоҳ ва ашҳадуанна Мухаммадан абдуҳу ва Руслуҳ” маъноси (Аллоҳдан ўзга маъбуд йўқ, -деб гувоҳлик бераман ва Мухаммад унинг бандаси ва элчисидир,-деб гувоҳлик бераман). Зулайҳо калимайи шаҳодатни айтиб дини исломга мушарраф бўлди. Юсуф никоҳ кечасида Зулайҳонинг ёнига кирап экан “Сен бир вақтлар истаган ҳаром хоҳишдан мана бу ҳалол шаръий никоҳ яхшироқ эмасми?” –деди.

Зулайҳо мамнун бўлиб бош иргади. Шунда Юсуф шодумон бўлиб бир сўз айтди:

Тутоқди ёнди жонимиз,  
Зулайҳожон, жиги-жиги.  
Қуриди танда қонимиз,  
Зулайҳожон, жиги-жиги.

Бир қара менга севдигим,  
Ўт солма танга севдигим,  
Зўрим йўқ сенга севдигим,  
Зулайҳожон, жиги-жиги.

Ул дунёнинг ҳирожини,  
Ҳуснинг оладур божини,  
Бахш этай тахту тожими,  
Зулайҳожон жиги-жиги.

Ёндиримагил, бу жонимни,  
Ортиримагил, фифоними,

Эшитгил оху додими,  
Зулайҳожон жиги-жиги.

Қолди Юсуф жафосина,  
Ишқ ўтининг балосина,  
Раҳм этгил гадосина,  
Зулайҳожон, жиги-жиги.

Оллоҳнинг иродасини қўрингки, Зулайҳо ҳали-ҳануз бокира экан. Юсуф ва Зулайҳо уч кеча кундуз тўй қилиб, халқа ош бериб, мурод ва мақсадларига етдилар.

### “ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН”

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Бисми субхона ва таоло сипос ва ситоиш ул қодири баркамол ва ҳашқи bemisol подшоҳигаким, “Кунту канзан маҳфиян” харамхонасидин “Фора рату ана арифа даражаси бирла “Фаҳлақата ал халақа” кошонасидин камоли кудрат ва ниҳояти азamat зоҳир қилиб, ўн саккиз минг оламни яратиб, ҳар қайсисини ўз мартабасида тартиб бериб, барқарор қилди.

Дуо ва дуруд ул сарвари коинот ва хулосаи мавжудот зоти бобарокатиға ким ҳижда ҳазор олам онинг туфайлидин намоён бўлди ва ул асҳоблариғаким “Асҳоби каллоҳума бой ҳама иқтада ятам ихада ятаму” мазмунига тамоми олам улар файзи илиа зеб ва ороиши топиб, равshan бўлди.

Аммо баад, маълум бўлсинким, барча ҳалойикларга ҳақ субҳано таоло фармонига камари хизматни маҳкам боғлаб убудият русумин зоҳир қилмоқ борчадин аҳамроқдур ва бу жумла тариқи ишқ бирла отashi муҳаббатда ўртаниб кўнглин ҳолис қилмоқ ҳаммадин бехробдур.

Ва лекин аваи ҳалойикға мұяссар бўлмас ва баъзилари маҳрум ҳам қолмас. Ва бу бобдин на чанд достонларни наср тартиби бирла поклик мартабасин баён қилиб, равshan қилмоқ учун шижаатбоб ва адолат иқтисоб ҳамияткиш, мурувватандиши, маъдани фаҳм ва фаросат ва мазҳари ақл ва киёsat, ҳазинаи дониш ва ганжинаи биниш, ҳужастахисол ва пасандида афол, аъни Ҳазрати **Авазбек** “Аъло Оллоҳу мартабатаху”нинг вақтларида факири ҳақири Умар Бокий беистетоат” “Лайли билан Мажнун”дин неча ҳикояларни тартиб бирла зоҳир иборатлар келтирди “Ва оллоҳу ал муваффиқу вал муин” аммо аҳли таҳқиҳлар ондин баён қилибдурларким, арабнинг қабиласида бир ҳожа мард бор эрди. Неча қабиланинг улуғи эрди. Аммо ўғил фарзанди йўқ эрди. Бисёр орзу бирла ҳақ таолодин талаб қилиб мутаважжих эрди. Ҳақ субҳоно ва таоло бир ўғил фарзанд ато қилди. Ул ҳожа бисёр шоду хуррам бўлди. Ул ўғлиға Қайс от қўйдилар. Неча вақт парвариш қилдилар эрса мактабга берур вақти бўлди. Ўз қабилаларида лойиқ мактаб йўқ эрди. Ўзга қабилалардаги мактабларға сарҳисоб бериб, жустужу қилиб эрдилар, ногоҳ бир қабилада бир асолатлиғ дунёдор, покиза олим бор эрди, фарзандларини ўқитғали мактаб топмай ўзи ўқитур эрди. Бу важиҳдин ўз маҳалласидаги болаларни ҳам ўқитур эрди. Қайсни ул олимға сипориш қилдилар. Ул олим ҳам муфтидлиг бирла таълим берур эрди.

Аммо Қайс бисёр ҳушфаҳм ва зийрак эрди, оз фурсатда тўлароқ фазилат ҳосил қилди. Бу аснода ул **олимнинг Лайли** деган бир қизи бор

эрди. Ҳусну малоҳатда беназир эрди. Неча вақт бетоб бўлиб, мактабға кира олмай ётиб эрди. Бу аснода сиҳат топди, мактабға кирмакни ирода қилиб ўзига бисёр зебу оройишлар бериб юз ишва карашма бирла мактабға кирди. Ўз шериклари ва ҳам тенглари бирла топишиб турад эрди. Ногоҳ Қайс кўриб ошиқи бекарор бўлди. Аҳволи бисёр заиф бўлди. Куч бирла ўзини тўхтатди. Барчалари Қайсни бу аҳволиға ҳайрон бўлдилар. Аммо фаросат бирла Лайли ўзига ошуфта бўлғонини билди. Бу аснода ул олим Лайли учун мактаб болаларини озод кўйди. Лайли барча ҳамтенгларини чохорбоғға бошлаб кирди. Қайсни ҳам таклиф қилиб, олиб кирдилар. Барчалари боғни сайр қилиб ўйинга машғул бўлдилар. Аммо Лайлининг кўнгли Қайснинг аҳволиға нозил эрди. Қайснинг аҳволини бисёр маҳзун кўрди.

Охир ул амр Лайли такаллум бирла Қайснинг аҳволини сўрди. Айдиким: “На боисдин мундоғ ошуфта бўлдинг? Магарким кишидин оташи ишқ кўнглумға тушди бўлғай? Кимга шайдо бўлдинг:” деб сўрди. Қайснинг кўнгли мундоғ итобларға сад чандон ошуфта бўлиб аиди: “Ишқ сандин тегиб, оташи муҳаббат сандин туташиб, яна кимдин сўрарсен?” –деб охи тортди. Бехуд бўлиб йиқилди. Қайснинг мундоғ аҳволиға Лайли ҳам ошуфта бўлди. Қайснинг ҳоли Лайлиға таъсир қилди, ул ҳам ошиқи нигорон бўлди.

#### **Байт:**

Кўзум жамолиға тушгач қарорсиз бўлдум,  
Кўнгулни олдурибон ихтиёrsиз бўлдум.

Деб Қайснинг бошини қучоғига олиб термулиб ўлтурди. Ногоҳ, Лайлининг икки канизаги бор эрди, етиб келдилар. Бу воқеани кўрдилар. Лайли бисёр ҳижил бўлиб уларнинг олдига келди.

Улар “нечук воқеадур?”-деб Лайлиға саржаниш қилдилар. Аммо Лайли шикасталиклар била воқеани баён қилди. У канизакларини бири муҳаббат тарафидин чошни олған эрди, дарҳол Лайлининг кўнглига мувофиқ сўзлар айтиб: “Сиз мунда турсангиз, киши англаса, сизни бадном қилурлар”-деб Лайлини уйифа чиқарди. Ул канизак Қайснинг бошида сақлаб ўлтурди. Охирламр кун кеч бўлди. Қайс ҳушиға келмади. Ул канизак Қайснинг бир кишисини қошида қўйиб, ўзи уйифа келди. Аммо Қайс сахар вақтида ҳушиға келди. Юз минг нола ва тазарру бирла бу кечани у ёритди. Қошида кишисини кўрди. Ул кишидин сўрди: “Мундағи ҳамроҳлар қаён борди? Ман нима бўлдим, мунда қолибдурман?” -деб Лайли бирла канизларни сўрди.

Ул киши Қайснинг беҳуш бўлғанини, Лайли бошини қучоқлаб ўлтироғонини, ул канизаклар Лайлини уйифа чиқарғонини тамаи баён қилди. Қайснинг кўнглиға оташи ишқ зўр қилди, охи тортди. Яна беҳуш бўлиб йиқилди. Бу канизак ҳайрон бўлиб Қайснинг мундоғ бўлғонини ота ва онасиға айтғали равон бўлди. Бу борғунча Қайс нега келмади деб излаб киши юбориб эрди, бу етиб борди. Қайсни воқеаларини тамом баён қилди. Улар ҳайрон қолдилар. Барчалари Қайснинг қошиға келдилар, Қайс тоғи беҳуш ётар эрди. Булар кўрдилар, бисёр паришон бўлиб нола ва афғон қўпордилар. Бу аснода Қайс ҳушиға келди. Ота ва онасини кўриб бисёр ҳижил ва шарманда бўлди. Қайсни мундоғ ҳижил бўлғонини билдилар. Қайсни маҳофаға солиб уйифа олиб бордилар. Қайсни ҳужрасиға қўйиб борчалари

үйлариға тарқашдилар. Аммо Қайсни оташи ишқ бисёр бечора қилди. Бекарор ва беором бўлиб, Лайлини ёдида кундузни кечага еткурди. Бу аснода бисёр бетоқат бўлиб бехудона ўрнидин қўпди. Лайлини қабиласи тарафиға равон бўлди. Бисёр нола ва зори бирла Лайлини қабиласига етди. Бисёр афғонлар қилди. Бу аснода Лайли ҳам Қайсни фироқида бисёр ожиз бўлиб, уйқуси келмади. Тафаккурда ётур эрди, Қайсни нола ва зори Лайлини қулоқига етди. Лайли Қайс эканини билди. Дарҳол ўрнидин **қўпди**. Қайс тарафиға равон бўлди. Бу аснода Лайлини бир энага онаси бор эрди, Лайлини мундоғ ҳолидин хабардор эрди. Оҳиста қўпиб Лайлини орқасидин равон бўлди. Охирламир Лайли Қайсни қошиға борди. Қайсга ўзини билди. Қайс Лайлини келганини билиб олдиға келди. Лайлини кўриб, охи тортди ва бехуд бўлиб йиқилди. Лайли ҳам сайха тортиб бехуш бўлиб йиқилди.

Лайлининг энагаси бу воқеани кўриб, буларни мундоғ дарди сўзлариға ҳайрон бўлиб, булар қошларида ўлтурди. Булар ҳушлариға келмадилар. Лайлининг энага онаси айди: “Мабодо мундоғ воқеани киши билса ёмон бўлур”-деб дарҳол қўрқиб Қайсни олиб бориб, бир гўшада кўйди. Лайлини ўз манзилиға юбариб ётқизиб кўйди. Ўзи ҳам ўрнида ётди. Бу аснода кеча кундузға мубаддал бўлди эрса Қайснинг ўрнида топмадилар, ота онаси бисёр паришон бўлиб, излаб киши юбардилар. Булар Қайснинг изича бордилар. Қайсни изи Лайли тарафиға борди. Ул қабиладин ҳам икки из чиқиб бир ерда қовушди. Иккиси бехуш бўлиб йиқилибдур яна бири тепасида ўлтирибдур ва бу йиқилғонларни бирини судраб бир тарафға юбардилар. Яна бирини қабила тарафиға олиб борибдурлар.

Бу воқеани кўриб ҳайрон бўлдилар. Ул судраган изича бордилар. Бир гўшада Қайсни топдилар бехуш ётибди. Қайсни кўтариб ота онаси қошиға олиб бориб қўйдилар. Ота онаси кўриб бисёр паришонлик қилдилар. Бу аснода Қайс ҳушиға келди. Бисёр насиҳатлар қилдилар, аммо суд бермади. Бу тариқа бирла неча вақт кечаларда биёбонға чиқиб нола ва тазаррулар қилур эрди.

Кундузи яна топиб келур эрдилар. Аммо кеча-ю кундуз Лайлини ёдида бухушлардек юрур эрди. Баъзилар мундоғ ошиқликни билур ва баъзилар девона дер эрдилар. Ҳар тарафға борса ушоқ болалар “жинни” деб тош отар эрдилар. Аммо Қайс ҳеч парво қилмас эрди. Бу жиҳатдин ҳамма Мажнун дер эрдилар. Кеча-кундуз жон-у дили бирла Лайлини ёдида бесарупо юрур эрди. Онга насиҳатлар қилур эрдилар. Аммо ҳеч суд қилмас эрди. Бу аснода Мажнун Лайлини ишқида мундоғ бўлғони Арабистонда машхур бўлди. Мажнунни ҳолини Лайлини отасига баён қилдилар. Лайлини отаси Мажнунға бисёр афсуслар еб, кимни ишқида ва кимни фироқида ва қайси қабилада мундоғ мاشақатлар тортди экан деб бисёр афсуслар қилди. Ва айди: “Сизлар англадингизларму, кимни фироқида бесарупо бўлмиш?” –деб булардин сўрди. Булар ночор Лайлиға таъллук топғонини айтдилар. Лайлини отаси ночор бўлиб, ҳайрон бўлди. Бисёр паришонлиғ қилдилар. Охирламир мундоғ бадномға тоқат қилолмай Мажнуннинг отасига айтиб юборди. Ўғлиға яхшилиғ берсин, анга унамаса уйга қамаб сақласин. Андоғ девонани банд бирла сақлағайлар. Агар мундоғ қилмаса ўғлидин умид узсин. Баногоҳ бу

тарафға келса ман ўлтуртуб ташлатурман. Ўзиға ва қабиласиға ихонат бўлур деб киши юбарди. Бу сўзларни Мажнуннинг отасиға тамом айтдилар. Мажнунни отаси бу сўзларға бисёр паришон бўлди. Мажнунни излаб топиб, отаси қошиға олиб келдилар. Ато ва онаси Мажнунни ҳолига бисёр паришон бўлиб, ночор бир ҳужрада маҳкам сақладилар. Кундин қунға Мажнунни дарду сўзи зиёда бўлди. Охириламр бир бедард, нодон табиб келтурдилар. Мажнунни кўриб Масхўлия бўлибдур деб дорулар қилди. Мажнунни дарди зиёда бўлди, кам бўлмади. Илгариgidин ҳам бандини зиёда маҳкамроқ қилиб, бисёр жафолар қилдилар. Ногоҳ бир кеча Мажнунға ишқ савдоси бисёр ғолиблиқ қилиб паришон бўлди.

Охи тортди, айдиким: “Кошки азройил келиб жонимни олғай эрди, мундоғ даври жафодин халос қилғай эрди ё банддин ҳақ таоло халос қилғай эрди. Бир биёбонға бориб, ўзлукумча ўлиб қолғай эрдим. Мундоғ жаври жафодин бир йўла қутулғай эрдим”-деб нола-ю тазарру бирла охи тортиб, ўрнидин сачраб кўпди. Дарҳол бут ва қўлидаги бандлар жудо бўлибдур. Мажнун бисёр шодмон бўлиб, ҳақ таолоға шукур-у сано айтиб, оҳиста бориб эшикни очди. Ҳужрадин чиқиб, одамни қадами етмагудек бир биёбонға борди. Ул биёбонда Лайлини ёдида тошдин тошға чопиб бесарупо юрур эрди бу аснода Лайли ҳам Мажнунни фироқида ошуфта бўлиб, жисми бисёр заиф бўлмиш эрди. Гоҳ гоҳи Мажнунни ёдида сайри боғ қилур эрди. Ногоҳ бир кун бир боғдин ёниб уйи тарафиға борур эрди. Бу вақтда Бани Асад қабиласида Ибн Салом деган бир навжувон бор эрди. Араблар орасида ондин зардор ва молдор киши йўқ эрди. Ўзи ҳам бисёр донишманд асолатлик эрди. Ул навжувон бу қабилага кириб эрди. Уйига ёниб борғунча, йўл узасида ногоҳ Лайлини кўрди. Лайлини оташи ишқ кўнглида барқарор бўлди. Ёниб уйига борди, эрса бекарор ва беором бўлди. Эрса Лайлини олмоқға ихтиёр қилди. Бисёр ҳадялар бирла сўзлашгали маъқулгўй киши юбарди. Булар Лайлини маҳалласиға келдилар. Буларни келғонини Лайлини отасиға хабар қилдилар. Лайлини отаси меҳмонхонасиға тушуриб, меҳмондорлик қилди. Охирил амр сўзларини айтдилар, булар ҳам маъқул кўрдилар. Валекин Лайлини жисми Мажнунни фироқида бисёр заиф эрди. Лайлини аҳволини билмай оғриқ ҳаёл қилур эрди. Ва бу оғриқдин сиҳат топгунча муҳлат тиладилар. Улар ҳам маъқул кўриб, шодмонлиғ бирла ёниб, Ибн Саломға айтдилар. Ибн Салом ҳам бисёр хушвақт бўлди. Бу аснода Лайлини қабиласи Ибн Саломни сўзларини эшитиб, шодмонлиғ бирла сўзлашур эрдилар. Охириламр Лайлини уруғ ва қабилалари Лайлини кўргали келдилар. Барча мазлумлар Лайлиға сўз қотиб мунгдашур эрдилар.

Ногоҳ бир мазлум Лайлиға сўз қотиб айтдики: “На яхши саодатманд, баҳтлик қиз экансиз, Ибн Саломдек дунёдор, асолатлиг кишиға насиб бўлдингиз”-деб Лайлиға сўз қотди. Лайлини яқин канизаклари Мажнунни ёдида мундоғ заиф бўлганини билур эрдилар. Ибн Саломни элчиси келиб сўзлашганини Лайли эшитиб, тоғи ҳам заъфи зиёда бўлур деб Лайлидан ёширур эрдилар. Ногоҳ ул мазлум бехабар айтиб солди. Лайли бу сўзни эшитиб ҳайрон бўлиб паришон бўлди. Гўё юракиға ҳанжар теккандек пора-пора бўлди. Охираламр борчалари тарқашдилар. Лайли ҳилватға кириб,

бисёр нола-ю тазаррулар қилур эрди. Энага онаси Лайлини ҳолиға йиглади. Аммо Мажнун тарафидин ҳеч хабар топмас эрдилар. Бу аснода Мажнунни отаси ҳешу қабиласи бирла Мажнунни излаб бир биёбондин топиб келдилар аммо Мажнунни отаси паришонлиғ бирла Мажнун учун ғамгин эрди. Бу маҳалда Ҳажни мавсуми эрди. Иттифоқ қилдиким, Мажнунни Маккаға олиб бориб, тавоф қилдириб, нола-ю зори бирла ҳақ таолодин талаб қилсак шоядки мундоғ девоналиқдин сиҳат топғай деб Мажнунни олиб Маккаға равона бўлди. Неча кунда Маккаға келдилар. Маккада бисёр халқ жам бўлдилар. Ул халқ орасиға кирдилар. Маккани тавоф қилиб юур эрдилар, ногоҳ халқ орасида бир шикастахол, шўрида киши бор эрди. Мажнунни кўзи онга тушди, ул кишини ўзиға ўхшаш паришонҳол кўрди. Мажнунни дарду сўзи бисёр ғалаба қилди. Охи тортди, сайҳалар бирла Каъбани жеврилиб, ҳақ таолоға мундоғ муножоат қилдиким: “Эй, мандек Мажнунни отаси ишқға гирифтор қилғон ва ҳижрон даштида зор қилғон, фироқ меҳнатида бечора қилғон, дарду мاشаққатда беихтиёр қилғон! Лайлини ҳамиша ҳусну жамолини зиёда қилғил. Онинг фурқатида мани содик қилғил, козиб қилмағил ва онинг ёдида дарду меҳнатимни зиёда қилғил кам қилмағил! Ошиқлиқ тариқида мақсадумға еткургил!” –деб ондоғ сўзларни худоға муножоотлар қилиб, ҳамиша Лайли деб Маккани жеврилур эрди. Мажнунни ҳолатиға борча ҳалойиқ ҳайрон бўлдилар. Бу аснода “Лайли”-деб охи тортиб бехуш бўлиб йиқилди. Отаси бошлиқ борча уруғ тўққони илик ювдилар эмди соғаюр эҳтимоли йўқ деб умиди мунқатиъ бўлиб, олиб ёндила. Аммо Мажнунни ҳоли зиёда бўлиб биёбонларга тушиб кетди.

### **Мажнунни Навфалға учрашгани ҳикояси**

Аммо ахли таҳқиқлар ондоғ дебдурларким, Мажнун Лайлини фироқида биёбонларда нола-ю зори бирла юур эрди. Борча ваҳший жонивор Мажнун бирла улфат эрдилар. Ҳар тарафға борса кийик, қулонлар эргашиб юур эрди. Бу аснода арабни Навфал деган бир улуғи бор эрди, бисёр баҳодир шижаатлиғ киши эрди. Ногоҳ овға чиқди. Биёбонларда ов овлаб юур эрди, бир бўлак қулонлар намоён бўлди. Навфал бирла ороға олиб, қувлаб келдилар. Бу жониворлар қочиб Мажнунни қошиға келиб жўрасида турдилар. Навфал келиб Мажнун била жониворларни мундоғ улфатини кўриб таажжублар қилди. Навфал Мажнунға салом қилди. Мажнун алик олиб бисёр шикасталиклар бирла бу жониворларни тилади. Навфал ҳам қабул қилиб жониворларға озор бермади. Навфал ҳайрон бўлиб, “Бу на кишидур? Нечук воқеадурким, ваҳший жониворлар мундоғ ром бўлғай”-деб таажжуб бирла ўз ҳалқиға боқди. Бу ҳалқни орасида Мажнунни билур киши бор эрди, ном-у насаби бирла Мажнунни Навфалға баён қилди. Лайлини фироқида мундоғ бесарупо бўлиб, овора бўлғонини ҳам баён қилди. Навфал ҳам оташин ишқиға гудоҳта бўлғон эрди, Мажнунни ҳолиға тараҳҳум қилиб айди: “Эй Мажнун сани маҳбубингға восил қилай. Агар пул ва мол бирла бўлса анинг бирла ва агар онинг бирла бўлмаса куч бирла мұяссар қилай”, -деб Мажнунға мундоғ илтифотлар қилди. Мажнун бу сўзларни эшитиб бисёр шоду ҳуррам бўлди. Охириламр Навфал Мажнунни олиб уйифа борди. Мажнунни дарду сўзи Навфалға таъсир қилиб кўнгли мумдек бўлди. Дарҳол

Навфал Лайлини отасиға әлчи юборди ва айдиким, “Қайс бисёр донишлиғ ва фазилатлиғ киши эркан, Лайлини ишқида девона бўлибдур. Сиздин одамият ва нечук муруватдурким, Қайсни хоҳиш қилмай ўзга кишини дегайсиз? Ҳар нечук бўлса ҳам бизни хотиримиздин Қайсға Лайлини берсангиз. Агар дунё борасида Қайсни камлиги бўлса, биз қўлимиздин келишига отадорлиқни қилурмиз. Агар бизни хотирлиқни сақлаб бизни сўзимизни қабул қилсангиз хўб, агар қабул қилмасангиз турар ерингизни ғамини қилинг. Икки яхши –ёмон бўлурмиз”-деб әлчи юбарди. Ул әлчи бориб Лайлини отасиға бу сўзларни тамом айтди. Лайлини отаси сулухат била аиди: “Лайли яна кишиға сўзлук эрди, бўлмаса агар Қайсдин кичикроқ кишиға десалар ҳам бажонидил қабул қилур эрдик. Ҳало ҳам ул сўзлук кишиси манъ бўлса раво бўлғай, бўлмаса нечук хоҳиш қилсалар ҳам бечорадурмиз”-деб сўзни тамом қилди. Элчилар келиб Навфалға айтдилар. Навфал бисёр ғазобнок бўлиб, қабилаларидин черик жам қилиб мардоналилик бирла равон бўлдилар. Мажнунни ҳам била олиб юрдилар. Неча кунда Лайлини қабиласиға етдилар. Икки тарафдин рост бўлиб жанг қилдилар. Чунон муқотала бўлдики, куштадин пушта қўпорилди.

Гуруҳо-гуруҳ жилва айлаб сипоҳ,  
Ики лашкар эрмас, ики ҳашар гоҳ.  
Тарақа –туруқи амудигарон,  
Жаҳон бўлди бозори оҳангарон.  
Ўлукдин кўтарилид қўп пушталар,  
Ётарди неча қонға оғушталар.

Аммо Навфал лашкари бисёр эрди. Лайлини тарафи озроқ эрди. Лайли тарафиға шикаст бериб, Навфални лашкари айланиб, ёниб тушдилар. Лайлини отаси бисёр қўрқиб, ваҳшат била ғамгин ёниб тушди. Уруғ қабилаларини жам қилиб маслаҳат қилдилар, сўzlари ҳеч ерга етмади. Охираламр Лайлини отаси аиди: “Бу нечук нангту номусдурким, Лайлидек жонимни пайвандини мандин безарбу зўр ва куч бирла олғай. Ман араблар орасида қандоғ бош кўтариб юурман. Мундоғ бўлиб душман қўлиға тушгунча ўлгани бехроқдур. Эрта Навфал яна жанг қилғали сафroz қилиб келур. Ул аснода ман Лайлини олиб чиқиб, тирборон қилай.

Андин кейин мани Навфал нечук қилса қилсун”-деди. Барчалари таҳсин ва офаринлар қилиб, бу сўзни маъқул кўрдилар. Мундоғ маслаҳатни барқарор қилиб тарқашдилар. Ногоҳ бу кеча Мажнун Лайли фироқида паришон бўлиб, висол умидида бир нав хушвакт бўлиб ухлаб қолди. Бисёр маҳкам уйкуда эрди, ногоҳ тушида андоғ қўрдиким, ул дилбари маҳлиқ ва маҳбуби жон фидо сад чандон ажзу инкисорлар бирла Мажнун қошиға келди ва аиди: “Эй ошиқлиқ йўлида содиқлиқ қилғон ва ҳижрон меҳнатига ризо берган, ман мундоғ ожизлик бирла санинг фироқингда бисёр ўртаниб, бекарор ва беором эрдим. Мани муродим санинг ёдингда жон бермак эрди, алҳамдулиллоҳ, муродимға етадурман. Мани санинг туфайлингдин ўлтурадурлар. Отам бошлиқ уруғ ва қабилалари мундоғ маслаҳат қилдилар, ман сани ёдингда кетадурман. Эмди сени ҳақ таоло саломат тутуб, мақсудимға етмакни насиб қилсун. Сенинг бирла хайрбад қилғали келдим”-

деб Мажнунни қучоғлаб күришиб, зор-зор йиғлаб, фарёд қилиб күздин ғойиб бўлди. Мажнун беҳудона сайҳалар тортиб ўрнидин сачраб қўпди. Бисёр беором ва бетоқат бўлиб Навфал қошиға борди. Навфалға айди: “Манинг учун мунда лашкар тортиб келдингиз, худойи таоло муродингизни берсун. Эмди талабим улдурким, уларға озор бермай ёнсангиз. Эмди мани жонибимдин уларға жабру ситам етмаса”-деб бисёр илтимос бирла Навфалға арз қилди. Навфал айди: “На боисдин мунда дейдурсен?”-деб сўрди. Мажнун тушида кўрганини баён қилди. Навфал Мажнунни ростлигини ва поклигини билган эрди. Бу воқеаға тасдиқ қилди.

Агар мундоғ бўлса ёнали, деб кўниб равон бўлдилар. Мажнун рухсат тилаб, яна бир тарафға равон бўлди. Лайлини қабиласи мундоғ ғолиб келиб туриб ёнғониға ҳайрон бўлдилар. Баъзилар, бизга фириб бериб, бехабар топиб яна келур, мундоғ ёниб кетмас деб ваҳшат бирла кўчиб яна бир ерға кетдилар.

Мажнун биёбонда юурур эрди, ногоҳ олдиға бир жўлида мўй, пашминакўш, аламзада, дардрасида киши учради. Мажнунға салом қилди, Мажнун алик олди. Мажнун бу кишини ўзидек шикастаҳол кўрди ва айдиким: “Эй мандек биёбонда бесарупо, саргардон бўлғон! Эй мандек ҳодисоти айёмдин ҳайрон бўлғон, на ердин келиб, на ерга борурсен? Ному насибинг кимдур?”- деб сўрди. Ул киши айди: “Ман Лайлини қабиласидин эрдим, мани Зайд дейдурлар. Манинг василам ҳар кимни эшикиға бориб, бир нима тилаб, таъма қилиб юурур эрдим. Ногоҳ Навфал деган золим Мажнун деган золимни туфайлидин лашкар тортиб келиб, бир кун жанг қилиб олғудек бўлғонда ўзидин ўзи ёниб кетди. Биз мундоғ бебоис ёнмас эрди, бизга макру ҳийла қилиб, яна келиб бизни олур деб кўчиб эрдик. Ногоҳ қабиладин озиб бир канорига тушиб эрдим, Навфални черигидаги икки кишига учрадим. Жавру жафолар қилиб, тўрт пулим бор эрди, олиб яна ҳеч нимарса топмай кетди. Ман қабилаға борур эрдим сенга йўлиқдим”-деди. Мажнун дарҳол отдин ўзини ташлаб Зайдни оёғига йиқилди.

-Ул Мажнун деган оввора мендурман, манинг жонибимдин санга мундоғ жаврлар етган бўлса, сен ҳам ҳар нечук хоҳиш қилсанг мани қилғил ва ул кишилар олғон пулингни ўрниға бу отимни олғил деб бисёр тазаррулар бирла отни Зайдға берди. Зайд ҳам бисёр шодмон бўлиб айтдики: “Мажнун сен бўлсанг менинг Лайлининг аҳволидан ҳам санинг фироқингда сандин зиёдароқ ўртанур. Агар хоҳиш қилсанг сани пайғомингни Лайлиға еткурай. Сандин зиёдароҳ инъомлар манга берур. Агар сўзинг бўлса айтиб бергил ман Лайлиға еткурай деди.

Мажнун айди: Манда сўз айтғунчалик мажол йўқдур. Аҳволимни кўриб маълум қилдинг. Яна ўзинг билиб сўз айтғил”-деди. Зайд Мажнун бирла ҳайрбод қилиб қабиласиға равон бўлди. Мажнун Лайлини қабиласи кўчон ерға борди. Лайлини боргоҳи тушган ерни топиб, юзини суртиб бисёр йиғлади. Мажнунни мундоғ холини кўрган киши ҳайрон бўлур эрди. Бу аснода Зайд Лайлини боргоҳиға борди, маҳрам канизаклари бирла учрашди. Лайлини хилватда топди, Мажнунни саломға пайғомини тамом баён қилди. Лайли бисёр шодмон бўлиб, инъомлар берди ва айди: “Агар мурувват

қилсанг мандин ҳам пайғом еткурғил”-деди. Зайд бажонидил қабул қилди. Лайли дарҳол бир нома битиб Зайдға берди. Зайд номани олиб, Мажнун тарафиға равон бўлди. Охириламр Мажнун қошиға келди. Зайдни кўриб, бисёр шодмонлиғ бирла Зайдни оёқлариға юз сурди. Зайд номани Мажнунға берди. Мажнун номани эъзоз ва икром бирла олиб, кўзига суртиб, очиб ўқиди. Нома бу эрдиким: “Бу шикастаҳол, паришонаҳвол, фироқингда заиф бўлғон бечора ва бенаводин ул ишқ даштида макон тутғон ва манинг фурқатимда қон ютғон, висол давлатидин маҳрум бўлғон, ҳижрон аламидин мамнун бўлғон мубталоға салом ва паём адосидин сўнгра мағхум улким, сани фироқингда ўлар ҳолатда эрдим. Зайд саломатлигингни еткурди, гўё янги бошдин жон топдим. Ҳар нечук бўлса, саломат бўлғил, деб ва яна Навфал бирла бир бўлиб келиб, ёнғонингни эшидим. Лашкар тортиб келиб бу қабилаға жавр еткурмак ошиқлик шевасидин нечук раводур ва яна Навфал куёв ўғил бўлғали қизига сўз солмишсен, деб эшидим. Они ҳам маъқул кўрдик. Навфални қизини ман кўрмуш эрдим ондоғ номуносиб эрмас эрди. Агар хоҳиш қилғон бўлсанг биз ҳам маъқул кўрдик. Санинг кўнглинг қандоғ хоҳиш қилса, биз ҳам анго ҳурсанддурмиз, ризо берурмиз. Аммо тўй қилсанг, бу хастани ҳам ёд қилғил, деб эрди. Бу сўзларни тамом ўқиди, аммо бисёр паришон бўлди. Дават-қалам, қоғоз бўлса эрди, ман ҳам бир нома битиб юборғай эрдим, деди. Зайд дават-қалам, қоғоз олиб келиб эрди, дарҳол чиқариб берди. Мажнун ҳам нома битди. Зайднинг қўлиға берди. Зайд номани олиб Лайли тарафиға равон бўлди. Мажнун илгаригидин ўн баробар зиёда дарди сўз бирла мунда қолди. Зайд номани олиб бориб Лайлиға берди. Лайли номани олиб ҳилватига кирди. Номани тамом ўқиди. Нома бу эрдики: “Ул назокат бўстонининг навниҳоли ва эрам боғининг соҳибжамоли, хусн иқлимининг шахсувори, латофат ҳалқининг тождори-паривашға бу ишқ ўтида кабоб бўлғон ва қаҳр меҳнатида хароб ва фурқат аламидин кўнгли вайрона бўлғон, жудолик уқубатидин девона бўлғон, ғарип хаста бўлғон, ҳақиру дилишикастадин басад салом, беҳазор гуна паён адосидин сўнгра маъруз улки, ул кунике, манга номанг келди, жону дил бирла ҳурсанд бўлдим. Аммо ул номада икки сўз юборибсен анго бисёр паришон бўлиб, кўнглим ранжида бўлди. Бири улке, Навфал бирла бир бўлиб, ёғи бўлиб, тиғ тортиб келдинг дебсан. Ман кишиға нечук тиғ тортай, боис улки, ман бир даштда, ҳажринг ғамида хароб ва фурқатинг ўтида кабоб, ҳайрон ва саргардон юрур эрдим, ногоҳ Навфал ов овлаб қошимға келди. Мани ҳолимни кўриб мандаги ҳол Навфалға таъсир қилибдур. На боисдин мундоғ Мажнун бўлдинг деб сўрабдур. Ман жавоб берганим йўқ. Қошидағи сипоҳлар санинг боисингдин мундоғ бўлғонимни айтибдурлар. Манга иноятлар бирла тараҳхум қилиб, уйига олиб бориб сани мұяссар қилмоқни ваъда қилиб, ҳиммат бирла мунда келибдур. Боғийлик йўсимида тиғ тортиб, жанг қиладурғонини мунда келиб билдим. Ажиз инкисорлар ва маъқул сўзлар бирла ман қилиб маъқул қилдим. Ул боисдин қўл йиғиб ёнди. Андин ўзгани билмадим. Ва яна Навфал мани қизига сўз солмиш дебсен, мундоғ овора ва бечоралигига нечук бадномликдур. Ўзингга Ибн Салом сўз солғонини манга бадном қилмоғинг нечук маъқулдур. Мундоғ бадном сўзлар

бирла мандек оворани тирик ўлдурмак мұхаббат йўлида нечук бўлур?” деб битиб эрди. Номани тамом ўқиди, бу сўзларга паришонлик бирла бисёр ҳижил ва шарманда бўлди.

### **Мажнунға Навфални қизини сўз солдириб тўй қилғони.**

Аммо ахли таҳқиқлар андоғ дебдурларки, бу аснода Мажнун тоғларда ва биёбонларда ҳайрон ва саргардон, ваҳший жониворлар бирла улфат олишиб юрур эрдилар. Ота онаси Мажнунни фироқида ҳайрон бўлиб, саргашталиқда фарзанд мұхаббати ғалаба қилди. Отаси излаб чиқиб, дашт бадашт, биёбон бабиёбон, кўх бакўҳ тай қилиб, бир вайронада топди. Кўрдики, оху афғон қилур ва гоҳ нола-ю зорлар қилур ва гоҳи девоналардек бесарупо югурур ва гоҳи ушоқ баччалардек уйдин томға чиқиб, жастаҳезлик қилур эрди. Мажнунни отаси мундоғ ҳолни кўриб нолау зори бирла қошиға борди ва айди: “Эй дам кунжида макон тутғон ва фироқ даштида бесарупо югурғон ва эй ҳижрон аламида қон ютғон жигарпорам, бери келгил”-деди. Мажнун отасини таниб, йиғлаб оёқиға йиқилди, бисёр тазаррулар қилди. Отаси бисёр насиҳатлар қилиб уйиға олиб борди. Онаси олдиға чиқди. Мажнун онасини оёғига йиқилди. Кўзини оёғига суртиб, бехудона қучушиб, учавлон бисёр йиғлашдилар. Охираламр борча хеш ва қабилалари жам бўлдилар, борча аҳил ва жамоалари Мажнунға бисёр насиҳатлар қилиб, сарупой кийдирдилар, меҳмондорлиқ қилдилар. Мажнун ночорлиқдин эл расми бўлиб қаторда ўлтурди. Борча хеш қабиласи хуш вақт бўлиб эрдилар. Мунча хушвақт бўлғонда уйлантирсак шоядки тузалгай, деб сўзлашур эрдилар. Бу аснода Мажнунни мундоғ бўлғони Навфалға эшитилди. Навфал ҳам бисёр шодмон бўлиб, Мажнунни кўрголи келди. Мажнунни ота онаси Навфални бисёр меҳмондорлиқ қилиб ёндуруди. Охираламр Навфалнинг бир қизи бор эрди, бисёр соҳибжамол эрди. Мажнунға ул қизни маслаҳат қилдилар. Иттифоқ бирла хушфаҳм пурсухан киши юбардилар. Навфал ҳам бисёр маъқул кўриб, қабул қилди. Булар ҳам шоду хуррам бўлдилар. Маслаҳатлари барқарор бўлди. Охираламр тўйнинг маслаҳатини қилишдилар. Мажнуннинг ота-онаси хеш ва қабиласи бирла Навфал қошиға бордилар. Навфал ҳам хушвақтлиғ бирла бисёр меҳмондорлиқ қилди. Бу аснода Мажнун уйида танҳо қолиб эрди ва яна Лайлини фироқида беором ва бетоқат бўлиб, кўзларидин дарёлар равон бўлди. Охи тортди, бехудона бошини уриб, биёбон тарафиға равон бўлди. Дашт бадашт, биёбон бабиёбон нола-ю зори, оху афғонлар бирла борур эрди, ногоҳ олдиға бир парча кўй учради. Яқин келди. Кўйчи Мажнунни кўриб таниди. Лайли бирла мактабда кўрмиш эрди, Мажнунға салом қилди ва бисёр эъзозу икром қилди. Мажнунға бисёр раҳми келди ва айди: “Ман Лайлини қўйчиси бўлурман. Ман сани Лайлиға восил қилай”-деди. Мажнун бисёр шодмон бўлиб дуолар қилди. Охираламр бир кун кеч бўлди, кўйни уй тарафиға ёндириди, Мажнун била олиб борди. Қабилаға яқин етдилар, эрса Мажнунға бир кўй терисини берди ва айди: “Бу кўй терисини пўшиш қилиб, кўй суратида бўлиб, кўйлар бирла оғилға киргил. Лайли ўғлоқ қўзиларни кўргали оғилға томоша қилиб келур, онда наззора қилғил”-деди. Мажнун терини кийиб, кўйлар аросида оғилға борди. Бу аснода Лайли қизлар била тамоша қилғали келди. Эрса

Мажнун Лайлини кўриб бетоқатлик била оҳи тортди, беҳуд бўлиб йиқилди. Лайли хабардор бўлиб, “Нечук воқеадур?”-деб Мажнунни тўфасиға келди. Мажнунни кўриб, таниди. Бу ҳам иштиёқлар била оҳи тортди ва беҳуш бўлиб Мажнунни тўфасиға йиқилди. Канизаклар бу воқеаға ҳайрон бўлиб, яқин келиб Мажнунни кўрдилар, бўғузлағон тери ичидаги ётадур. Булар ҳам паришон бўлдилар. Лайлини маҳофаға солиб уйига олиб кирдилар. Бу аснода Мажнунни отаси Навфални уйидин ёниб, ўз уйига келди. Мажнун йўқ эрди, излаб топмади. Бисёр паришон бўлиб, изича излаб чиқди. Эрса излай-излай бу оғилда топди. Теваға юклаб, уйига олиб келди. Онаси бошлиғ борча жамоаси мунтазир эрдилар, етиб келдилар. Мажнунни уйига олиб кирдилар. Мажнун ҳушиға келди. Дард-у сўз бисёр паришон қилди, аммо хижолатда маълум қилмади. Ота онаси бисёр паришонлик бирла панд-у насиҳатлар қилдилар. Ота онасини дард-у сўз бирла қилған насиҳати Мажнунға таъсир қилди. Охираламр амр этдилар бизнинг бир сўзимиз бор, агар қабул қилсанг хўбдур ва агар қабул қилмасанг биз рози эмасдумиз, дедилар. Мажнун ночор қабул қилди. Булар айтдилар: “Сўзимиз ул ким, Навфал араб ичидаги бисёр қобилу мукаррам ва муazzам кишидур. Аммо санга бисёр кўнгли мойил бўлубдур. Онинг бир қизи бор, хусну жамолда, ақлу фаросатда баркамолдур. Ул қизга сени муносиб кўриб, ихтиёр қилмиш эрди. Сен бу тариқада бўлдинг. Навфалдек киши мундоғ ҳоҳиш қилса нечук фахру мубоҳотдур Ҳоло бизни рози қилсанг они ҳоҳиш қилғил”-дедилар. Мажнун ночор қабул қилди. Улар бисёр шодмон бўлдилар. Қабилаларини жам қилдилар. Тўйнинг асбобини рост қилиб, Мажнунға подшоҳона саруполар кийдирдилар ва Навфалнинг уйи тарафиға равон бўлдилар. Навфалға хабар қилдилар. Навфал ҳам бисёр шодмонлиғ била ўз қабилаларини жам қилиб, муҳайё бўлдилар. Бу аснода етиб бордилар. Бисёр шодмонлик бирла неча кун базму мажлис ороста қилдилар. Охираламр тўйға муқаййид бўлдилар, никоҳ қилдирдилар, сарупой кийдирдилар. Охираламр Мажнун бирла қизни бир ҳужра тайин қилиб, онда олиб бориб туширдилар. Борча ҳалойик тарқашдилар. Бу аснода Навфал бир гўшада мажлис қилур эрди, кўнглига ранго ранг тафаккурлар етди. Аҳли мажлисни тарқатиб, оҳиста қўпуб, Мажнун бирла қизини тушурган уйга келди. Борча ҳалойик уйқуға машғул бўлмиш. Бир тарафдин уйни шикор қилиб, наззора қилди, Мажнун уйни бир бурчагида ғамгин ўлтурибдур. Навфалнинг қизи қўпуб, Мажнуннинг қошиға борди ва айди: “Эй ишқ даштида ягонаи замон ва муҳаббат водийсида нодираи даврон, аввал худонинг тақдири, иккинчи ота онамизнинг ҳоҳиши бирла мани санго жуфт қилдилар. Аммо санинг Лайлини фироқида мундоғ шайдо бўлғонинг оламни тутиб эрди. Манинг ҳам бир бечора ошиқим бор эрди, менинг ишқимда бисёр бекарор ва беором эрди. Ман ҳам онинг фироқида бетоқат эрдим. Ул бечора мани санинг бирла жуфт қилғонин эшитса, ахволи нечук бўлғай?” –деб бисёр паришонлик қилди. Мажнун ҳам Лайлини ёдида бисёр шарманда ўлтириб эрди, бу сўзлар таъсир қилди. Оҳи тортди ва айди: Ман ҳам Лайлини фироқида шармандалиқдин паришонликимни санга айттолмаб эрдим. Агар сен ҳоҳиш қилсанг, бу маломатни бошимға олиб, Лайлини кўйига борсам. Сен ҳам ўз ихтиёрингча

қолғил”, -деб қўпиб, ҳайрбод қилиб, биёбон тарафиға равон бўлди. Навфал бу воқеаларни тамом кўриб, ҳайрон бўлиб ёнди. Бу аснода бу қизни бир ошиқи бор эрди, тўй бўлғонини эшитиб, қўлиға пичоқ ва шамшир олиб, улар хилват қолғонда иккаласини ўлтурай, деб келиб, бу уйнинг яна бир тарафидин шикор қилиб, томоша қилиб, ўлтуриб эрди. Ул ҳам бу воқеаларни тамом кўриб, вақтни ғанимат топиб, дарҳол маҳбуби қошиға кирди. Маҳбуби қўриб, ҳайрон бўлиб, дарҳол қўпуб, оёғига йиқилди. Иккавлон зор-зор йиғлашиб, бехуш бўлдилар. Сахар вақтида яна хушиға келиб, қўпуб ошиқини ўз манзилиға юбарди. Қиз уйда ёлғиз қолди. Эртаси Мажнуннинг борча ҳеш ва қабиласи Мажнуннинг қошиға шоду ҳуррам бўлиб кирдилар. Кўрдиларки Мажнун йўқ. Излаб топмадилар. Қизни кўрдилар, ёлғиз ўлтирибдур. Ҳайрон бўлдилар, ёниб чиқдилар. Бисёр паришонлик била Навфалға маълум қилдилар. Навфал айди: “Тақдирға ҳеч чора йўқдур. Биз онча насиҳат қилдуқ, қўлимизнинг киришича тадбир қилдиқ. Ҳеч фойда бермади. Эмди сизлар ёниб боринглар”, -деб рухсат берди. Улар ёндишар. Бу аснода Ибн Салом ҳам Лайлиға тўй бошлаб келиб, тўй қилмиш эрди. Лайлини Ибн Саломға никоҳ қилиб, Ибн Саломни Лайлини ҳужрасиға олиб бордилар. Лайли бечора бисёр паришон бўлиб, Мажнунни фироқида ҳайрон эрди, айди: “Мажнун манинг фироқимда борчадин кечиб, биёбонларда юрғай, нечук ҳаёдурким, ман яна бировни дегайман. Мундоқ қилғунча ўлган яхшироқдур, деб бир ханжари обдор пўшида сақлаб эрди, мабодо даст дарозлиқ қилса ханжар бирла бир урай, жон берсин, деб ўлтурур эрди. Ибн Саломға ул одат эрдиким, шароб тўла ичса, хафақон бўлиб, бехуш бўлиб, икки, уч кун йиқилиб қолур эрди. Бу аснода шароб тўла ичиб, маст бўлмиш эрди. Лайлини ҳужрасиға келгунча хафақон бўлиб йиқилди. Барчалари оғриқ тегди, деб ҳайрон бўлди ва баъзилар ўлди хаёл қилдилар. Ночор Ибн Саломни ўз манзилиға олиб ёндишар. Барча ҳалойик онинг бирла мубталоликға қолдилар. Лайли ўз фироқида ёлғиз қолди. Лайли вақти ғанимат топиб, ёнида бир дашт бор эрди, қўпуб, бир теваға сувора бўлиб, ул даштға равон бўлди. Неча фарсанг йўл бориб эрди, бир овоз эшитилдиким, Лайли мутахаййир бўлиб, қулок солди. Бисёр дарду сўз бирла тазарру қиладур. Мажнуннинг овозиға ўхшатиб яқин борди. Ногоҳ Мажнун Навфалнинг қизи қошидин чиқиб, бу даштға келмиш эрди. Мажнунға яқин бориб, оҳи тортиб, оёғига йиқилди. Мажнун ҳам Лайли эканини билди. Лайлини қучогиға олиб, бир оҳи тортиди, бу ҳам бехуш бўлиб йиқилди. Бир соатдин кейин яна ҳушлариға келдилар. Анча рози дил айтишдилар: Лайли воқеани баён қилди, Мажнун ҳам ўз воқеасини баён қилди. Худонинг қудратиға офарин қилдилар. Бир-бирлари била қўришганлариға шукру сано қилдилар. Бу аснода кеча қундуз мубаддал бўлди. Лайли оҳиста бориб, ҳужрасиға кириб, ўлтурди. Мажнун ул биёбонда қолди.

### **Мажнун била Лайлининг фироқ меҳнатида бир-бирлариға жон нисор қилғонлари**

Алқисса, ривоятларда андоғ баён қилибдурларки, Мажнун Навфални қизи қошидин чиқиб, биёбонға борди, эрса эртаси борча ҳалойикға маълум бўлди, Мажнунни ота-онаси Навфал бошлиқ борча ҳалойикға бисёр хижл ва

шарманда бўлиб ёндила, эрса ўз манзилариға ёнғунча Мажнунни ота-наси ноҳуш бўлди. Келиб табибларға онча боқтиридилар, сихат топмади. Кундин кунға заъфи зиёда бўлди. Охираламр тақдирға ҳеч чора топмай оламу фонийдин олами боқийға рихлат қилди. Аммо Мажнунни онаси ўғли учун дарду доғда эрди, мотами икки баробар бўлди. Бисёр паришонлиқда дафн қилдилар. Икки кишини фироқида онаси ҳам вафот топди. Охираламр бу ҳам олами боқийға рихлат қилди. Бу аснода Мажнун Нажд тогида макон тутмиш эрди, ногоҳ тушида кўрдиким, икки кабутар бир ерда уя қўйди, бир бачча чиқарди. Неча кун ул баччани тарбият қилди. Ул бачча ҳавоға парвоз қилди, вахший жонларға қўшилди. Онча сабаб қилди, ўзлариға ром бўлмай сахроға чиқиб кетди. Бу аснода ҳаводин икки қуш пайдо бўлди, бу икки кабутарни олиб кетди. Мажнун сесканиб уйғонди, ўрнидин сачраб қўпди. Бу тушиға таъбир мулоҳаза қилиб, ўзиға мувоғиқ топди, айди: “Ул кабутарни ҳаводин қуш келиб олғони отам бирла онамни олами боқийға рихлат қилғони бўлғай, деб ҳойхуй бирла равон бўлди. Буларни тайинлиқ мозоротлари бор эрди. Мажнун ул мозорға борди. Кўрдики, янги икки қабр зоҳир бўлди. Маълум қилдиким отаси бирла онасининг қабри бўлғай, деб қабрни қучоқлаб ийқилди. Бисёр нола-у зори бирла йиглаб айди:

Ки эй боний бинағ вужудим,  
Исёне забон ризоси сувдин.  
Иршодингни билмадим ғанимат,  
Юз войки, фавд ўлинди фурсат.  
Юз ҳайфки тутмадим тариқинг,  
Бир неча кун ўлмадим рафиқинг,  
Файзинг манга ўлмади мұяссар,  
Сен хайр дединг мен айладим шар.  
Эй маншойи жавҳари ҳаётим,  
Хушнуглиғингдадур нажотим,  
Билдимки ишами гуноҳкорам,  
Келдим санга хору шармисорам,  
Дунёда сени мен айладим зор,  
Уқбода мени сен айлама хор,  
Чун кўрди отасини мозорин,  
Шам айлади анго жисми зорин,  
Лавҳ айлади кўксини мозора,  
Тирноғила қилди пора-пора.  
Афғон ила қилди тоза мотам,  
Афғон ичида дер эрди ҳар дам:

Эй отам бирла онам, мандин бисёр дарду алам бирла кетдинглар. Сизларга ўғил бўлиб хизматларингни қилолмадим. Сизларни маслаҳатларингизга кириб, сизларни шод қилмадим. Сизларни олдларингизда шармандадурман. Рўсиё қолдим, қайси тил бирла сизларга узр қўяй. Ҳар нечук бўлса бу рўйисиё жигар пораларингни афв қилиб, биҳил бўлинглар деб, бисёр нолаю зорлар қилиб, бир дарди ўн баробар зиёда бўлиб, қабрға юзини суртиб ётар эрди. Бу аснода бу воқеа Лайлиға эшитилди. Лайли

бисёр паришон бўлиб, Мажнунни ҳоли нечук экан, деб бағрини пора қилиб, оху афғонлар қилиб, дарду меҳнатни зиёдалигидин ранжу бўлиб, ўрнидин қўпа олмади. Табибларга анча боқдирдилар сиҳат топмади. Кундин кунға зафи зиёда бўлди. Ўзи ҳам маълум қилдиким, Мажнунни фироқида кетарман. Барча хеш ва қабиласи ҳам бўлакча эканини билдилар. Охираламр борчалари биҳиллашдилар. Лайли ҳилватни ихтиёр қилди. Мани ҳужраға олиб киринглар, деди. Ёлғиз ҳужрага олиб кирдилар. Лайли борча уруғ ва қабиласини чорлади ва айди: “Манинг бир васиятим бор, агар мани рози қилсанглар Мажнунни келтиринглар, деди. Аноси бажонидил қабул қилди. Лайли айди:

Ҳолоки муқаррар бўлди кетмак,  
Фарз бўлди бу сирни зоҳир этмак,  
Ўлсин санга эй заифа равшан,  
Ким тифи ҳаво ҳалокидурман,  
Жисмимда йўқ ўзга дард тоби,  
Илло ғами ишқ изтироби,  
Савдоси бирла йўқ бўлди борим,  
Кечди ҳавас ила рўзгорим,  
Ман ошиқи зору бенавоман,  
Бир маҳлиқоға мубталоман.  
Кўп орзу айладим жамолин,  
Бирдам кўра олмадим висолин.  
Холо кетурам кўнгилда сўзи,  
Қўлдин на келур бу эрса рўзи.  
Мажнун мани зора мубталодур,  
Саргаштаю зору бенаводур.  
Мандинdur они жунуну афзун,  
Қайс эркан ўлибдур оти Мажнун.  
Доим кечиур ғамимда айём,  
Бир кун онга ҳосил ўлмаюб кам.  
Расвойи замона ўлди мандин,  
Офоқа афсона ўлди мандин.  
Бехуда эмас фигону оҳи,  
Ёқмасми мани онинг гуноҳи.  
Ман ким кетурам бу ҳокдондин,  
Дардим буки, шармисорам ондин.  
Эй муниси рўзгорим она,  
Ғамхориму ғамгусорим она.  
Ман дори бақоға азм этурда,  
Дунёни видо этиб кетурда.  
Менсиз кечиб оҳлар фигонлар,  
Саҳролара туштуғум замонлар.  
Тушса йўлинг ул ўлан диёра,  
Арзи ғамим айла ул фигора.  
Зинҳор анга ўлғонингда восил,

Хуш кимсадур ондин ўлма ғофил.  
Туш оёгина ризосин иста,  
Ман мужрим учун дуосин иста.  
Арз айлаки, эй вафоли дилдор,  
Жон берди йўлингда Лайлийи зор.

Эй она, мани васиятим улки, мани олами боқийға риҳлат қилғонимни Мажнун эшитур ва яна мени фироқимда бесарупо юргани борчаларингизга маълум эрди. Mast тевадек гуркураб мени мозоримға келур. Албатта, ул ерда жон фидо қилур. Рухи мани рухим тарафиға борур. Албатта, они сизлар эъзоз ва икромлар била ораста қилиб, мани қабримға қўйинглар. Мундоғ қилмасангизлар маним ёним ерга тегмас. Ул бечора ҳам ғариб бўлиб қолмасин, деб васиятин тамом қилиб, Мажнунни ёдида жон баҳақ таслим қилди. Ибн Салом ҳам ноком қолди. Борча ҳалойиқлар зор-зор йиғлашдилар. Бу аснода Мажнун ота онасини қабрида йиғлаб ётур эрди, бу воқеалар ғойибдин тамом қулоқиға эшитилди. Мажнун охи тортиб, mast тевадек гуркураб етиб келди. Бу воқеани тамоми халқ кўрдилар. Мажнун ҳам келиб, бир охи сард аз дили пурдард тортди ва жон баҳақ таслим қилди. Борча ҳалойиқ кўриб ҳайрон бўлдилар. Лайлидин зиёдароқ Мажнунга мотамдор бўлдилар. Охираламр буларнинг иккаласининг поклиғи борчаға маълум бўлди. Иккисиға бир каған қилдилар, бир кағанға иккисини олиб жанозаға солдилар.

Бир наъшқа солдилар иккавни,  
Жонсиз келин ва ўлик куёвни.

Иккаласини намозини ўтаб, бир марҳадда қўйдилар. Ишқи мажозийда онча жабру жафолар тортдилар. Худойи таоло муҳаббатларини ҳақиқатга мубаддил қилиб, муроду мақсадлариға етдилар ва ҳар бандай мўмин поклиғ била эътиқодини рост қилиб мақсадига қадам қўйса, ҳақ субҳон ва таоло нечук маҳрум қўйғай ва ҳар ким диёнат бирла кўнглини холис қилиб, ишқи мажозийда ўртанса ва муҳаббат йўлида паймол бўлса, ишқи ҳақиқийға мушарраф бўлса не ажаб дуурур.

“Ва Оллоҳул ҳодий ила сабил ил иршод”

Илоҳи ул ошиқи содиқларнинг ҳаққи ҳурматидин борча мўминларни ғайдрин бегона қилиб ўз муҳаббатингға ошно қилиб, дийдорингға мушарраф қилғил.

## ОШИҚ ҚУМРИ

Аммо ровийлар андоғ ривоят қилурларким, Бағдод шаҳрида Одилхон деган подшо бор эрди. Унинг бисотида ўғли йўқ эрди. Кунлардан бир кун жума кечаси подшо тахт устида ухлаб бир туш кўрди. Тушида айтдиларки, сенга худо бир ўғил берур, отини Қумрихон қўй, деб қўздин ғойиб бўлдилар. Подшо еридин туриб хушвақт бўлди. Шукур бисёр қилди Подшонинг тўққиз заифаси бўлиб, шулардан бирини жуда яхши кўрар эди. уни Гуландом паризод дер эрдилар. Ногоҳ у заифага олло таоло бир ўғил берди. Подшонинг кўрган воқеаси ёдидин чиқиб, олимларга кенгашиб айди: “Ўғлимга яхши от қўйинглар”. Шул вақтда кун ботар тарафдин бир оқ соқоллик киши келиб

айди: “Эй нодон, бу ўғлоннинг оти Қумрижон деб аввалдин қўйилган эмасми”, деб кўздан ғойиб бўлди. Ондин сўнг подшо юртиға қирқ кечакундуз тўй бериб, очга нон, ялонғочга тўн бериб, мамнун қилди. Ногоҳ ўғлонни беш ёшида мактабга бердилар. 12 ёшида тамом илмни олло таоло қўнглида жо қилди. 14 ёшида сахро қилурға май қилди. Қумрижон отасидан ижозат олиб бир сўз аиди:

Қиблагоҳим ижозат бер чўллара,  
Манинг кўнглим базми шикор айласун.  
От илғатиб мурғзорли чўллара,  
Манинг кўнглим базми шикор айласун.

Кимга поён этди ёлғон дунёни,  
Кўнглим орзу этар дала майдонни,  
Беажал чикмасдур маҳлуқнинг жони,  
Манинг кўнглим базми шикор айласун.

Хизр бобом ўқидилар ҳал эта,  
Мустафо нуридан тушмас нур зиё,  
Қиблагоҳим, жоним йўлингда фидо,  
Манинг кўнглим базми шикор айласун.

Қодир олло йўқтин мени яратди,  
Кўнглим орзу этар дузда ёронлар,  
Ғафлатимда отим қўйди эранлар,  
Манинг кўнглим базми шикор айласун.

Бағдод шоҳи таваккал қил оллоға,  
Сабр этарман ҳақдин келган балоға,  
Мен келгунча машғул бўлғил дуоға,  
Манинг кўнглим базми шикор айласун.

Шоҳимардон худойимнинг шеридир,  
Кўнглимиизда айролиқнинг ҳажридир,  
Ғовсул Аъзам Қумрижоннинг пиридур.  
Манинг кўнглим базми шикор айласун.

Шаҳзода бу сўзларни тамом қилгандин сўнг подшо ўғлига насиҳат қилиб бир сўз аиди:

Болам кетар бўлсанг Боғдод элидин,  
Аввал бир худони қўйма тилингдин,  
Дод этарман каж фалакнинг илгидин,  
Ҳақ расул оллони қўйма ёддингдин

Тангрининг каломи ўттиз сад пора,  
Айролиқ солибдир сийнангга яро,  
Тоғда маскан тутган ул Увайс қаро,

Норинжон Валини қўйма ёдингдин.

Сигиндим мен сенга ё раббим Аҳад,  
Ба ҳаққи хурмати Аллоҳу Самад,  
Баҳоваддин пири қулол Нақшбанд,  
Сойил кезганларни қўйма ёдингдин.

Кўнглингнинг карвони айланмай кўчди,  
Эмди бул чироғим ёнмайин ўчди,  
Пайғамбар ёрони даҳ ёр беҳишти,  
Ал хусус тўрт ёрни қўйма ёдингдин.

Ҳақнинг забурини ўқиган Довуд,  
Зул Жалол ўзингдин етишгай махсуд,  
Ҳаким ўғли ё Асқари Маҳмуд,  
Забардаст Валини қўйма ёдингдин.

Ҳасан бирла Ҳўсин ўн икки имом,  
Аларни тилингдин қўймагил мудом,  
Ҳақ зикрини жорий қилгин субҳи шом,  
Ҳафтанини қўйма ёдингдин.

Расулнинг қўллари мўйи муборақ,  
Кунинг тўлмай қазо йўқдир бедарак,  
Ба ҳаққи хурмати ёсин таборак,  
Ҳақнинг каломини қўйма ёдингдин,

Ота-аввал ўқир оқдин-қародин,  
Ҳақ сақлагай бемаҳалда балодин,  
Кудрат билан ерни кўкни яратган,  
Бир улуғ даргоҳи қўйма ёдингдин.

Алқисса, бу жавобни айтгандин сўнг шаҳзода кўнгли бузилиб, ҳалқи билан хайрлашиб, бир ғазал аиди:

Мен кетар бўлдим шикора,  
Эллар олло ёринг бўлсин.  
Таваккал этдим Жаббора,  
Эллар олло ёринг бўлсин.

Юрагимда кўпдир алам,  
Мен чекар бўлдим дарду ғам,  
Оқ сут берган Каъбам онам,  
Отам, олло ёринг бўлсин.

Ваъда этсам жавонлари,  
Бедов миниб сайронлари,

Аҳли сулук эшонлари,  
Пирлар олло ёринг бўлсин.

Бағдодда манзил-маконим,  
Ҳажр ўтиға ёнди жоним,  
Орзуланган қирқ полвоним,  
Сани ҳам олло ёринг бўлсин.

Билманам насиб қаёна,  
Абу Бакр Умар, Усмона,  
Қараб турган қиз-жувона,  
Барчанг олло ёринг бўлсин.

Отамдин олдим рухсати,  
Тилаб ҳақдин инояти,  
Бағдоднинг барча шавкати,  
Барчанг олло ёринг бўлсин.

Ошиқларга борму далил,  
Муродимни берсин Жалил,  
Этма шикоримни сабил,  
Барчанг олло ёринг бўлсин.

Бекларнинг олдинда бозлар,  
Қумриға бўлан дамсозлар,  
Бўйни давочали қизлар,  
Қизлар, олло ёринг бўлсин.

Шаҳзода Қумрижон бу сўзни айтиб, минг беш юз отлиғ лашкари бирла  
Қосим Вазирни олиб, Ҳазрати Ғовсул Азамнинг муборак гумбазларига  
бордилар. Ўзининг ёш бошига шикор ҳаваси тушиб, ёшлигидин хавф этиб,  
бир сўз айди:

Сифиндим мен сенга сунъи илоҳи,  
Қодир олло сен билурсан ҳолими.  
Банданг гуноҳкордир кўпdir гуноҳи,  
Қодир олло сен билурсан ҳолими.

Ёш бошимдин азм айладим шикора,  
Муножот айладим ҳақ бирубора,  
Тоғда маскан тутган ё Увайс қаро,  
Эр бузруклар сен билурсан ҳолими.

Макканинг устуни Ханнону-Маннон,  
Ҳолимдин хабар ол карамли султон,  
Муҳаммад пайғамбар охир замон,  
Ё Муҳаммад сен билурсан ҳолими.

Ҳасан билан Ҳусинжонларнинг гули,  
Кетимиизда қолди Бағдоднинг эли,  
Сифиндим ман санга Норинжон Вали,  
Саттор эгам сен билурсан ҳолими.

Мунча лашкар бирла чўлда юурсан,  
Билман, тақдир насиб қаён борурсан,  
Яратган Зулжалол ўзинг билурсан,  
Қодир олло сен билурсан ҳолими.

Билмам не савдолар тушар бошима,  
Улуғлар тараҳхум айлар қошима,  
Ёшим етмиш ўн уч-ўн тўрт ёшима,  
Аввал охир сан билурсан ҳолими.

Отам билан онам қолдилар йиғлаб  
Айролик ўтина бағрини доғлаб,  
Ман чиқмишам таваккалга бел боғлаб,  
Раҳмон эгам сан билурсан ҳолими.

Қумрижон сиғиндим ё Раббим Жалил,  
Агар сен қарғасанг топилмас далил,  
Макка бунёд этган Иброҳим Халил,  
Ҳақ Мустафо сен билурсан ҳолими.

Ал қисса, бу жавобларни тамом этиб, ўн кун йўл юриб, Сафо тоғининг канорига бориб тушдилар. Ўн кун от чопуб, кураш туттириб тўй бердилар. Сўз вақтида Қумрижон айтди. “Эй вазир бобо, бу тоғларни сен кўп кезгансан”. Манга баён қил. Бу тоғни на тоғ дерлар? Анда вазир аиди: “Эй шаҳзода у тоғни отини айтсам ҳам, айтмасам ҳам бўлади. Лекин отангизз үттиз кунда қайтиб кел деб эрди”, анда Қумрижон аиди: “Билғил ва огоҳ бўлғил, отам бўлса Боғдодда қолиб турур, тез бўл, баён қил деб”, ғазаби хурушиға кириб ханжарини олиб, вазирига ҳамла қилди. Анда вазир жон ҳавлижон еридин туриб, аиди: “Ҳай-ҳай тўрам, жоним сизга фидо бўлсин. Бу тоғни отини Сафо тоғи дерлар. 360 авлиёнинг манзилгоҳи турур, лекин қайси кеча ҳозир бўлур маълум эрмас”, анга воқеаларни баён қилғач, шаҳзода тоғнинг устига чиқиб боргоҳини барпо қилиб шул кеча истиҳола қилиб ётди. Аммо Қумрижонни шу кеча сахар чоғи воқеасинда тўрт чаҳорёр, ўн икки имом, олти ойлик йўлдан шаҳри Зарнигор подшоҳнинг қизи маликаи Тўтижонни олиб келиб, никоҳ қилиб бердилар. Шаҳзода тушида бу воқеани кўриб сесканиб турди. Махрамлари, вазирларини чақириб бир сўз деди:

Беклар сиза сирим баён айласам,  
Бошланг мани Зарнигорнинг элина.  
Жонимни йўлинда қурбон айласам,  
Бошланг мани Зарнигорнинг элина.

Бошимизда бордир давлат ёронлар,  
Висоли етгунча бўлдим дарбадар,  
Атрофимни қуршаб олди эранлар,  
Бошланг мани Зарнигорни элина.

Жам бўлиб келдилар тўрт моҳитобон,  
Абу Бакр, Сиддиқ, ул Умар, Усмон,  
Шул вақт ёхти жаҳон бўлибди равшан,  
Бошланг мани Зарнигорни элина.

Ақлу хушим, чошиб кетди ҳарёна,  
Қибла ёндин келди якка девона,  
Оғзиндин ўт сочар ёхти жаҳона,  
Бошланг мани Зарнигорнинг элина.

Хаёлим олдириб ақлим йитирдим,  
Ҳақнинг бирлигина имон келтирдим,  
Хизр орқасида бир хирқа қўрдим,  
Бошланг мани Зарнигорни элина.

Ғарқилдашиб, ўрдак учар ғоз билан,  
Булбул сайрап гул шавқида ёз билан,  
Балоға қолибман данжик қиз билан,  
Бошланг мани Зарнигорни элина.

Эранлар жам бўлиб шароб ичдилар,  
Нафас ўғлим деюб бўйним қучдилар,  
Софима, сўлима анбар сочдилар,  
Бошланг мани Зарнигорни элина.

Кумри айтур, тушни ёлони бўлмас,  
Иншолло етарман гумони бўлмас,  
Йўлинда ўлганни армони бўлмас,  
Бошланг мани Зарнигорни элина.

Алқисса, бу жавобларни тамом қилгандан сўнг Қосим вазир айди: Бу  
келган эранларни танирмусиз, деди. Анда Қумрижон бир сўз айди:

Жума кечасида, сахар чоғинда,  
Мағрибдан Машриққа эранлар келди.  
Кўзим ғафлат олди Сафо тоғида,  
Атрофимиз қуршаб эранлар келди.

Ақлим лол бўлибдир аларни кўриб,  
Алар мени кўриб, насиҳат бериб,  
Никоҳ қилиб берди марҳамат қилиб,

Хаққа хазинадор бўлганлар келди.

Маскани Зарнигор, Шоҳ Маҳмуд қизи,  
Туққан ойдай кўрдим илгари ўзин,  
Юз минг шева билан ўлдурди бизи,  
Ноз билан ақлимни олганлар келди.

Бу сўздин сўнг 5500 отлик лашкар бирлан шахри Зарнигорга равона бўлдилар. Йўлда борурда Қумрижонни ёдина Тўтижон тушиб бир сўзни айди:

Барчани яратган олло,  
Зарнигора етири мани.  
Диним Муҳаммад Мустафо,  
Тўтижона етири мани.

Хақдин биза бўлди фармон,  
Юракда кўп қолди армон,  
Хақ ҳурмати фахрий жаҳон,  
Севар ёра етири мани.

Тўхтамас қўнглимни боди,  
Аҳли пайғамбар авлоди,  
Тангрини мингда бир оти,  
Севар ёра етири мани.

Муҳаммад олама сарвар,  
Қилма бошимни дарбадар,  
Бахакқи жумла пайғамбар,  
Севар ёра етири мани .

Қайда дардимнинг давоси,  
Худо ҳар banda паноси,  
Хизр Илёснинг онаси,  
Севар ёра етири мани .

Тангрининг калими Мусо,  
Марям ўғли Ҳазрат Исо,  
Ҳаққима айланг бир дуо,  
Тўтижона етири мани.

Худодир пушти паноҳим,  
Даргоҳинга етгай оҳим,  
Ғовсул аъзам сайилгоҳим,  
Севар ёра етири мани.

Эмгакимни этма зиё,  
Баҳаққи сураи таоло,  
Хурмати дашти Карбало,  
Севар ёра етири мани.

Күзда ёшим бўлди алвон,  
Мундин ортиқ қўйма армон,  
Қумри айтур, шоҳимардон,  
Тўтижона етири мани.

Алқисса, бу жавобни тамом қилгандин сўнг лашкар бирлан бир неча манзил йўл юриб, бир дарёнинг канорина бордилар. Анда вазир айди: “Эй тўрам бу дарё санинг юртингда бўлса эрди, санинг хотирингдин кемачилар ўтиргай эрди. Энди бу дарёи хунхордан нечук ўтгайсан”, деди. Шунда Қумрижоннинг қаҳри келиб бир сўз деди:

Тўрт чорёр келди асо шайланиб,  
Қирқ чилтан келдилар қилич бойланиб,  
Бир девона келди ғирлаб айланиб,  
Бурхи сармаст бузург бўлонлар келди.

Бир одам келдилар осмона боқиб,  
Зикр айтиб, кўзларидин ёш оқиб,  
Чодирнинг ичига машъаллар ёқиб,  
Баҳоваддин бузрук деганлар келди.

Сўнгра келди қора тўнли бир киши,  
Ҳасрат бирла ўтган ёз бирла қиши,  
Осий уммат учун оқиб кўз ёши,  
Муҳаммад хирқасин кийганлар келди.

Манго қилди бир карамлик иноят,  
Эранлар дуосин қилди ижобат,  
Кўзима кўринди бир шўх малоҳат,  
Зулфини белига солғонлар келди.

Қиймириб ёнима келди шул замон,  
Танимда қолмади бир зарра дармон,  
Жилвасидин ҳеч ким қутилмас омон,  
Олама ғулғула солонлар келди.

Экин экиб, мевасидин тотмадим,  
Сийнам очиб соясинда ётмадим,  
Қўл узатиб жуфт мамасин тутмадим,  
Жонима ўтларни солонлар келди.

Қўл узатиб севар ёрни ўзина,

Күзларим тушибидир гулдек юзина,  
Ёхти жақон тор бўлибди кўзима,  
Шуъласи оламни олонлар келди.

Қумри айтур, ноҳақ ўтға ёнмадим,  
Ўз қўлиндин шароб ичиб қонмадим,  
Аҳдим будур иқроримдин дўнмадим,  
Ноз бирла ақлимни олонлар келди.

Бу сўздин кейин Қумрижон дарёға қараб бир муножот айди:  
Ерни, кўкни халқ айлаган эй жаббор,  
Манга мадад беринг, дарё эранлар.  
Карамли подшоҳим ман мазлум ночор,  
Манга мадад беринг, дарё эранлар.

Қудрат бирлан қўқдан энган тўрт китоб  
Сигиндим ман санга Умари Хаттоб,  
Ёшимни ўн тўртда айладим ҳисоб,  
Манга мадад беринг, дарё эранлар.

Шайтон манманликдин бўлибди маълун,  
Хожатим даргоҳда айлагил қабул,  
Баҳакқи ҳурмати ҳабиби Расул,  
Манго мадад беринг, дарё эранлар.

Пано бериб ўзинг сақладинг Жалил,  
Намруднинг ўтиға сабр этган Халил,  
Пайғамбара ваҳий келтирган Жаброил,  
Манго мадад беринг, дарё эранлар.

Отам била онам қолди ко ҳишда,  
Ёраб мани ўзинг ўстир бу ишда,  
Ҳақ ҳурмати тўрт муқаррар фаришта,  
Манго мадад беринг, дарё эранлар.

Бир пари деб элдин кечдим ғойбона,  
Тушда қўриб бўлдим дали девона,  
Ҳақ ўзи етиргай айши даврона,  
Манго мадад беринг, дарё эранлар.

Алҳамда ёзилмиш айну ғайндин,  
Ё Ҳазрати ёсин ё етти мубин,  
Ёра етмаклигим айлагил тайнин,  
Манго мадад беринг, дарё эранлар.

Бахти иқболимни айла муazzам,  
Ишқнинг кемасида ғарқ бўлиб сузам,  
Баҳаққи ҳурмати маҳзаби Аъзам,  
Манго мадад беринг, дарё эранлар.

Хатоли бандаман кўпдур гуноҳим,  
Даргоҳинга қачон етар бу оҳим,  
Сан эрурсан арз этувчи подшоҳим,  
Манго мадад беринг, дарё эранлар.

Аввал аzon айтган ҳазрати Билол,  
Мани мундин ортиқ айлама камол,  
Кумри айтур, бир яратғон Зулжалол,  
Манго мадад беринг, дарё эранлар.

Алқисса, бу жавобдан сўнг “инна фатахна” сурасини уч маротаба ўқиб, бир тупроққа дам солиб дарёга ташладилар, ўтиб кетабердилар. Етти кечакундуз йўл юриб бир чўлистона етдилар. Кумрижон сувсаб вазирига бир коса сув беринглар, деди. Вазири камоли лашкари бирлан ахтариб, бир қатра сув топа билмади. Алқисса, эртадан пешингача юриб, биёбоннинг ҳароратидан тоби тоқат эта билмай, тамоми лашкари хароб бўлиб ўлиб қолдилар. Қосим вазир бирлан Кумрижон омон қолди. Кумрижон Қосим вазира қараб лашкарларини йўқлаб бир сўз аиди:

Чора йўқдир ҳақдин келган балоға,  
Бирга чиққан сирдошларим, хўш энди.  
Айюб сабр айлади келган балоға,  
Шаҳид бўлғон ғўччоқларим, хўш энди.

Қаҳбо фалак ёқдинг юрак ёғимни,  
Кима айтай сийнамдаги доғимни,  
Бир гул эдим хазон урди боғимни,  
Бирга келган сирдошларим, хўш энди.

Бизнинг билан келган ёру ёронлар,  
Чўлга чиқиб ширин жонин беранлар,  
Дастгирик этмади кўрган эранлар,  
Армон билан ўлганларим, хўш энди.

И момлардек ташна бўлиб чўлларда,  
Шум насиба кездиргандир бу ерда,  
Каромат бормикан улуғ пирларда,  
Шаҳид бўлган ғўччоқларим, хўш энди.

Онадин шум толеъ баҳти қароман,  
Нечун Бағдод ўлкасидин жудоман,  
Кисматимға рози бўлиб бораман,

Хазон урган ғунча гуллар, хўш энди.

Манинг кўнглим дарё каби тошибдур,  
Фалак ўрдам бузиб ақлим чошибдур,  
Тушда ёра Хизр пиrim қўшибдур,  
Армон билан ўлганларим, хўш энди.

Машаққат кўп чекдим жабру жафони,  
Ё раб қачон кўргузурсан вафони,  
Ҳақ мұяссар этсин, завқу сафони,  
Бирга келган биродарлар, хўш энди.

Қумрижоннинг нафси шайтон танинда,  
Туфроқ тақдирининг шикор еринда,  
Кўришгаймиз тонгла маҳшар қунинда,  
Бирга келган навжуонлар, хўш энди.

Алқисса, бу жавобни тамом қилгандан сўнг Қумрижон зор-зор йиғлаб  
бир сўз айди:

Тангрини билибман ҳамиша ҳозир,  
Ёраб бу ерларда берма хавотир,  
Ҳақфа хазинадор ҳазрати Хизир,  
Менинг соҳиб жамолимни кўрдингму.

Бикам бехабардир, кезар ойишда,  
Ё раббано қўйма мани койишда,  
“Кароман қаъбайин” икки фаришта,  
Менинг соҳиб жамолимни кўрдингму.

Макканинг стуни Ҳаннону Маннон,  
Худойимдин манго бўлди бу фармон,  
Дев парига подшо бўлган Сулаймон,  
Менинг соҳиб жамолимни кўрдингму.

Арш устинда ўн икки минг муқаррап,  
Ё жонимни олғил, ё мақсудим бер,  
Юз йигирма тўрт минг ўтган пайғамбар,  
Менинг соҳиб жамолимни кўрдингму.

Кавсарнинг лабинда жаннат ичинда,  
Ишқим сийнасинда, сумбул сочинда,  
Сулаймондин ошоқ аршнинг буржинда,  
Менинг соҳиб жамолимни кўрдингму.

Отамиз Одамдур, онамиз Ҳавво,  
Дастим ёқамдадур, тилимда тавбо,

Жанодилда ўлган Адҳам Саҳоба,  
Менинг соҳиб жамолимни кўрдингму.

Бандадурман, қилған ишларим хато,  
Яхшиликни доим айлагил ато,  
Маҳшадда жой тутган ё Имом ризо,  
Менинг соҳиб жамолимни кўрдингму.

Ошиқ Қумри чекар ишнинг ғамини  
Ахтариб топмадим рўйи замини,  
Ё ҳазрат Жабраил тангри амини,  
Менинг соҳиб жамолимни кўрдингму.

Ақисса, етти кеча-кундуз йўл юриб, бир чинорнинг тагига етдилар.  
Чинорнинг тагида бир неча қизлар жам бўлиб, бир неча завқу томошолар  
етиб юрар эрдилар. Анда шахзода аиди: “Эй вазир, тоғ бўрисиз бўлмас, эл  
ўғрисиз бўлмас”, бу қизларнинг орасида шояд бизнинг дилдоримиз бўлгай  
деб, қизларга қараб бир сўз деди:

Қаршим олиб турган қизлар,  
Зарнигорни йўли қайдা?  
Тилим сўзлаб, дийдам йиглар,  
Эркажоннинг йўли қайди?

Тушда кўриб хайрон этган,  
Кўнглим уйин вайрон этган,  
Чўлларда саргардон этган,  
Паривашнинг йўли қайди?

Қумрижон бу сўзни адo қилғач, бир нозанин хушсурат қиз ўрнидан  
туриб, қўлларини алиф лом қилиб, юз минг таъзиму тавозе қилиб, шахзода  
Қумрига қараб, жилва қилиб, бир ширин сўз қилғони:

Отим Жамиладур қассобнинг қизи,  
Ёр бўлмақа қабул айладим сизи,  
Ойнадан тиниқdir сийнамнинг ўзи,  
Бир замон сийнамда роҳат олиб кет.

Ёшим ўн тўртдадур, қаддим баркамол,  
Мўмин бўлсанг, бечоранинг кўнглин ол,  
Муродингни бергай қодир Зулжалол,  
Кўнглим бир Каъбадир они олиб кет.

Бу сўздан сўнг шаҳзоданинг қаҳри келиб, Жамилахонга насиҳат билан  
бир сўз деди:

Пандим сенга ҳаддин ошиб сўзлама,  
Мард ўғлиман, беникоҳни севманам.  
То ўлгунча ёмон йўлни кўзлама,  
Мард ўғлиман, беникоҳни севманам.

Мани беш вақт учун яратди Жаббор,  
Билиб қўриб, нечун бўлай гуноҳкор.  
Икки эгнимдадур гувоҳим Жаббор,  
Аҳд, этибман, бевафони севманам.

Бу жавобни тамом этгандан сўнг воҳасрато, надомато деб, шаҳзодага қараб, Жамилахон бир сўз деди:

Берган таваллом олмадинг,  
Бир балоға учрағайсан.  
Додима қулоқ солмадинг,  
Бир балоға учрағайсан.

Бу дунёға келган кетар,  
Нолишим оллоғо етар,  
Сайрадим булбулдан баттар,  
Бир балоға учрағайсан.

Алқисса, бу жавобни адо қилғоч Қумрижон Табриз вилоятидан кўчиб юрий берди. Бир неча манзил тай қилиб, бир куни бир гумбази ҳазораға етишдилар. Кеч бўлғонга ҳайрон саросима бўлиб ўлтурдилар. Вақти хуфтон шаҳзода Қумрижон гумбази ҳазораға кириб, жами бузруклардан мадади истеътоат тилаб бир сўз деди:

Йўқдан бор айладинг тангри таоло,  
Расул барҳақ сани бир деб келиб ман.  
Молу лашкаримдан, элдан айрилиб,  
Мунглиман иложим қўриб келибман.

Кўкрагим дарёдек қайнаюб, тошиб,  
Отам зор қолди йиглашиб, қарошиб.  
Ман келибман кеча тоғлардан ошиб,  
Асбобим очарсан, бир деб келибман.

Алқисса, бу жавобларни тамом қилғандин сўнг кун ботар орқа тарафдин яшил асоли бир бобо ҳозир бўлди. Бобо Масих нафаснинг олдиға чиқиб, юз минг одоб бирла қўлин алифлом қилиб бир сўз айди:

### **Саволи Қумри:**

Ман бугун йўлдин адашдим,  
Сиринг изҳор айла бобо,  
Ишқнинг ўтиға туташдим,  
Ани изҳор айла бобо.

### **Жавоби бобо:**

Жонинг қурбондур йўлингда,  
Аввал худо бирдур болам.  
Қудрат оллонинг алинда,  
Дининг Расул диндир болам.

### **Саволи Қумри:**

Сан нечук чиқдинг бу ёна,  
Рахминг келсин ширин жона,

Сирингни айла баёна,  
Ани изҳор айла бобо.

**Жавоби бобо:**

Рухсати Расул тўрт ёри,  
Ғариларнинг хавондори,  
Бир худо хазинадори,  
Санго ҳамдам пирдур болам.

**Саволи Қумри:**

Айтарсан ҳақнинг ёдини,  
Эшитиб фақат додини,  
Баён айла ўз отингни,  
Оting изҳор айла бобо,

**Жавоби бобо:**

Тўрт кишининг пиридумиз,  
Эранларнинг эридумиз,  
Фиёс хожа Хизрдумиз,  
Олло ёринг бўлсин болам.

**Саволи Қумри:**

Қумри айтур, бағрим пора,  
Айролиқ қилди бечора,  
Етмак борми нозли ёра,  
Ани изҳор айла бобо.

Алқисса, ондин сўнг бобо аиди: эй қўзим ҳоло чошгоҳ туур, пешинда бир жойга етурсан, Балх шаҳри дерлар. Батамоми халойиқ қора кийгандир, пешонангга ёзилган бўлса кўрарсан, деб кўздин ғойиб бўлди. Қумрижон парининг амрини тутиб отина бир тазёона урди. Барқу бод масаллик шаҳри Балхга этишди. Сахарда ногоҳ дарвозаи Балхдан кириб, атрофиға донишмандлик бирлан назар қилса, шоҳу-гадо 7 яшардан 70 ёшгача мусибатзодалардек эйинларига қора кийиб жаза паза бирла паришон ҳол бўлиб, ранглари тайғир топған, аларни қўриб, олдиға бориб, вазирнинг алинда ойболта, ул ҳам қора кийиб ўлтурубдуур. Қумри вазирдан қора киймақдан не сабаб деб сўради:

**Саволи Қумри:**

Муҳаммад уммати худонинг қули,  
Касбми, расмму киймаклик қаро.  
Саринга дўнайин бул юртнинг ули,  
Касбми, расмму киймак қарони.

**Жавоби вазир:**

Қурбонинг бўлайин нердан келарсан,  
Қирқ кун бўлди касб киймоқ қорани.  
Бир-бир боқиб жоним ўтға соларсан,  
Қирқ кун бўлди расм киймак қарони.

**Саволи Қумри:**

Бошингни туганмас балоси борму,  
Ё бироннинг етган давоси борми,

Фалак сенда қасди ҳавоси борми,  
Касибму, расмму киймоқ қарони.

**Жавоби вазир:**

Эллик йил шаҳарда турибди аждар,  
Уч йил подшо бўлолмади баробар,  
Юртнинг қизи бари кетди саросар,  
Ул сабабдин расм киймак қарони.

**Саволи Қумри:**

Ошиқ Қумри ўқир айну доли,  
Худо очгай бандасининг иқболи,  
Ман ҳам билай ул аждарнинг ахволин,  
Расмму, касбму киймак қарони.

**Жавоби вазир:**

Шоҳ Салим подшомиз отим Жаҳонгир,  
Эранлар бўлмади бу йўлда дастгир,  
Барча одам мотам билан ўй фикр,  
Ул сабабдин расм киймак қарони.

Алқисса, бу жавобни тамом қилгандан сўнг вазир Қумрижонни олиб шаҳарга келди. Қумрижонни подшонинг олдига олиб борди: Шунда шоҳ Салим шаҳзода Қумриға қараб бир сўз деди:

**Саволи подшо:**

Наслингни баён эт гул юзли ўғлон,  
Эй соҳибқироним, қайдин бўларсан?  
Ҳар бир сўзинг хаста дардларга дармон,  
Сўзла навжувоним, қайдин бўларсан?

**Қумрижон жавоб берди:**

Ўн тўртимда сайри сафо азм қилдим,  
Бир парининг ҳайрониман ҳайрони.  
Сафо тоғ устинда бир тушни кўрдим,  
Бир парининг ҳайрониман ҳайрони.

**Саволи подшо:**

Нечук тушдир кўрдинг Сафо тоғинда,  
Ё ярим кечада, сахар чоғинда,  
Ул нечук паридир кимнинг боғинда,  
Сўзла навжувоним, қайдин бўларсан?

**Жавоби Қумри:**

Ул тушни кўрмишам сахар чоғинда,  
Булбуллар сайрашар гул будоғинда,  
Оти Тўти Зарнигорни боғинда,  
Ул парининг ҳайрониман, ҳайрони.

**Саволи подшо:**

Йўқ парига ўзинг зоё этибсан,  
Кўкрагинга бир сўз бино этибсан,  
Бошинга шўришу ғавро этибсан,  
Тоза гулистоним, қайдин бўлурсан?

**Жавоби Қумри:**

Бир париваш келди сўлина боқиб,  
Ҳажр ўтига манинг жонимни ёқиб,  
Юз минг жилва бирлан қошини қоқиб,  
Ғамзалининг ҳайрониман, ҳайрони.

**Саволи подшо:**

Оти кимдур Зарнигорнинг элинда,  
Булбулдайин сайрамишсан гулинда,  
Юзин кўриб бош қўйибсан йўлинда,  
Тоза гулистоним, қайдин бўлурсан?

**Жавоби Қумри:**

Отим Қумри дерлар, отам Одилжон,  
Қўзғама аламни юрагим вайрон,  
Маскани Зарнигор, оти Тўтижон,  
Ул парининг ҳайрониман –ҳайрони.

Алқисса бу жавобдин сўнг подшо бошидин ўтган воқеаларни баён қилиб аиди: Эллик йил бўлубдир. Бул юртимда бир аждархо пайдо бўлибдур ҳар кунда бир қизни олиб кетиб хароб қилди. Шу кун ўзимнинг ёлғиз қизимга навбат етибдуур, деб турган ҳолда ташқаридан бир ғавғо келди:

Баногоҳ подшонинг қизини маҳофага солиб, аждаҳога олиб бормоқчи бўлиб турган эканлар. Анинг ғавғоси эркан, аммо жон ҳавлида Бибижон бир ғазал ўқиди:

Ёлғончи дунёга келдим,  
Найлайн армонли кетдим.  
Дунёга келиб на кўрдим.  
Найлайн армонли кетдим.

Ғунчаликда урди хазон,  
Рози бўлинг ёру ёрон,  
Дунёдин ўтдим навжувон,  
Найлайн армонли кетдим.

Дунёда ишрат сурмадим,  
Гуноҳим надур билмадим,  
Мурода етиб ўлмадим,  
Найлайн армонли кетдим.

Кўнгил мақсадим бўлмади,  
Оллонинг раҳми келмади,  
Ҳеч ким қазодин қолмади,  
Найлайн армонли кетдим.

Қаримай белим букилди.  
Бахтима каро чекилди,  
Кўшки айвоним йиқилди,

Найлайин армонли кетдим.

Ажал келиб этди ғарип,  
Бу дардима ёўқтур табиб,  
Аждарҳога бўлдим насиб.  
Найлайин армонли кетдим.

Бибижон дер, бағрим пора,  
Жудолик этди бечора,  
Ҳақ амрина йўқдир чора,  
Найлайин армонли кетдим.

Алқисса, ондин сўнг Қумрижон анинг ноласига раҳми келиб бир сўз  
айтди:

Ғофил эрдим бу кун келдим қошингга,  
Йифлама ғамлардин халос айларам.  
Сўзла на иш тушди санинг бошингга,  
Иншоллоҳ ғамлардин халос айларам.

Навбатида кечар шоҳ ила гадо,  
Ҳар бошлаган ишга бандаси ризо,  
Даргоҳинда ажал йўқтур беказо,  
Иншоолоҳ ғамлардин халос айларам.

Уч юз олтмиш пирдин дуо олганман,  
Лашкар ўлиб вазир бирлан қолганман,  
Ишқнинг савдосида дали бўлганман,  
Иншоллоҳ ғамлардин халос айларам.

Лайли Мажнун сенга йўқтур зор этган,  
Бирдур бизни, аждарҳони яратган,  
Сенинг кўз ёшлиаринг мени лол этган,  
Иншоллоҳ ғамлардин халос айларам.

Ошиқ Қумри ёд этарман субҳонни,  
Яратганим танда қўйса бу жонни,  
Оқизиб аждардан қирмизи қонни,  
Кўргин неча ишлар бунёд айларман.

Алқисса, бу сўзни айтиб бўлгач, Бибижонни маҳофага солиб тенгизга  
олиб бордилар. Ҳамишаси аждарҳога келтирган қизларни солиб кетатурғон  
қора уйга солиб кетдилар. Тамоми аркони давлат қайта бердилар, Андин сўнг  
шаҳзода Қумрижон Бибижоннинг ёнига бориб, юз турли марҳамат бирлан,  
соғ тизина бошини қўйиб, айтди. Эй барнойи жаҳон, сарви равон, кўнглингга  
бу иш малол келмасин, сенинг гулдек баданингга раҳм қилмай бир неча  
ноинсофлар бу балойи жабрга ташлаб кетдилар. Лекин ман тириклигимда,  
санга келган балоға ҳиммат кўрсатурман. Суворимни жавлонға киргузиб

ғазаб майдонинда суриб, қаҳр қиличин яланғоч қилиб, иншооллоҳ ишлар кўрсатсан керак, деб, Бибижоннинг тиззасига бошин қўйиб, бир замон хобигафлатда ором олиб ётди. Бу тариқада кун ҳам намози аср вақтига яқинлашиб келди. Алқисса сўз кўп, муҳтасар қилмоқ керакдур. Вақт- хуфтон бўлғач, аждарҳо ҳам шарлаб дарёни икки бўлиб, чор тарафни қалтиратиб, келаберди. Бибижоннинг нарғиздай қўзидан оқғон қатра-қатра ёш боди муҳолиф бирла келган, санг резадек шарақлаб ёпишиб келгани ҳамона Қумрижон сесканиб қўзини очди. Кўрса, Бибижон қазо домиға гирифтот бўлғанин кўриб, Қумрижонға айди, эй Қумрижон чап тарафингга назар қилғил, деди. Ул ҳам дарҳол назар қилса узуни 12 газ, эни 6 газ бир аждарҳо келиб туур. Шу пайт Қумрижон қўлига қиличини олиб, худога ёлвориб бир муҳаммас ўқиди:

Икки оламни яратган қодирий, Ғаффорий Аҳад,  
Бир отингдир қулфу оллоху Аҳаддур, бири оллоху самад.  
Бас нечук дунёга келдим, толе шум, баҳти бад,  
Дастимни очиб дуо қилдим, худойим қилма рад,  
Ки бу кун мушкулдаман ё Ғовсул Азам қил мадад.

Ҳолима раҳминг келсин сан олами сайёрсан,  
Бенаво кас, ғарип, бечораларға ёрсан,  
Барчани бир кўзда кўрган сан ҳамиша борсан,  
Ки, ҳамманинг ҳожатин битказгуси биру борсан,  
Ки бугун мушкулдаман ё Ғовсул Азам қил мадад.

Бир алима ҳақ Али шери худонинг қуввати,  
Гар худо бандам деса бўлсан Мұҳаммад уммати,  
Кажрави тўққиз фалак солди бошима шиддати,  
Йиғладим балки умид қилдим худодин ҳиммати,  
Гар бугун мушкулдаман ё Ғовсул Азам қил мадад.

Ул қаломиға ёзилмишдур айн бирлан ғайн,  
Сурай алҳамда бор “ҳазо сиротил мустақим”,  
Ҳазрати ёсинда бордур ҳурмати етти мубин,  
Ман мадад сендин тиларман эй худо ванди қадим.  
Гар бугун мушкулдаман ё Ғовсул Азам қил мадад.

Бул ажалнинг илгидин барча келганлар беомон,  
Гар ажал ҳақ буйруғидир бемаҳал ўлган ёмон,  
Ман санго юз тутмишам пайғамбари охир замон,  
Ўз паноҳингда мани тутғил бугун сен бегумон,  
Гар бугун мушкулдаман ё Ғовсул Азам қил мадад.

Нола қилдим бирлигинг ҳақинда эй қодир худо,  
Бенаво кас, бечораларға бўл ўзинг муттако,  
Ман ғарип бечораға бўлғил ўзинг сен раҳнамо,

Золим аждарнинг қўлиндин сен ўзинг бергил пано,  
Гар бугун мушкулдаман ё Ғовсул Аъзам қил мадад.

Чархи кажравнинг илгидин найлайин овораман,  
Бирлигинг ҳақида токай ман санго ёлвораман,  
Ҳазрати Жиржис каби бағри юрак садпораман,  
Қайда борсам ман ғариб, бечора баҳти қароман,  
Гар бугун мушкулдаман ё Ғовсул Аъзам қил мадад.

Шум фалакнинг гардишидин бағри бирёнман бугун,  
Юсуфидин айрилон Ёқуби Канъонман бугун,  
Ҳеч очилмас ғунча янглиғ таҳбатаҳ қонман бугун,  
Манки баҳти қаролиқдин дийда гирёнман бугун,  
Гар бугун мушкулдаман ё Ғовсул Аъзам қил мадад.

Шукр қилғил, бўлма ғамгин қил худоға муттако,  
Кумриға айланг шафоат, ё Мұхаммад Мустафо,  
Бандаман ожизману дармонда қўйма мубтало,  
Гар манга айлаб карам, бўлғил манга сан раҳнамо.  
Ки бу кун мушкулдаман, ё ғовсул Аъзам қил мадад,

Алқисса, бу жавобдин сўнг кунботар тарафдан бир бобо келиб,  
Кумрини қўлиндан қиличини олиб, қўлиға каса тутдириб ғойиб бўлди, эрса  
аждарҳо шахзодани дамнашидасига тортди. Қумрижон ҳам қиличини каса  
тутиб, гўё бир узим пахтани ел учиргандек, аждарҳони оғзидан кириб,  
қўйруғидан икки бўлак қилиб чиқиб кетди. Ондин сўнг аждарҳони  
ўлдирганига вақти хуш бўлиб бир сўз айди:

Ёлғончи дунёсан йўқтур поёниг,  
Ҳар кима бир шева этарсан, дунё.  
Борму мунда асло тузук қўйғонинг,  
Келганни остинга отарсан дунё.

Кўзинг кўрганини олмай қўймассан,  
Бош кесарсан, қон ичарсан, тўймассан,  
Коғир билан мусулмонни билмассан,  
Кундан кундин қаҳри бадтарсан дунё.

Бир қисм туфроғдин одам яратти,  
Юз йигирма тўрт минг пайғамбар ўтди,  
Санго келган қайси бири ер тутди,  
Қўймассан борини ютарсан дунё.

Қани санго келган Одаму Ҳавво,  
Борисини яксон айладинг андо,  
Қани Рустам, Пурзўр, Искандар Доро,  
Бир кун ёқосидин тутарсан, дунё.

Кимсани айладинг тахт узра султон,  
Кимсани күнглини айладинг вайрон,  
Ҳазрати Ёқуб ўғли Юсуфи Кањон,  
Мисрга қул этиб сотарсан дунё.

Одам фарзандидир шаҳона тўли,  
Етти дарё бордур ҳеч бўлмас фоний,  
Қирқи бирдан ўлди Довуднинг ўғли,  
Ҳар кима бир олам этарсан, дунё.

Кимларни йиғлатиб кимни кулдирдинг,  
Бошдин бошқа каззобликни билдиридинг,  
Эллик йиллик аждархони ўлдиридинг,  
Ошимиза оғу қотарсан, дунё.

На ёмон кунларни солдинг бошима,  
Эранлар раҳм этди кўзда ёshima,  
Қушлар эга бу аждарнинг лошина,  
Бу мори, каждумни нетарсан, дунё,

Чархи кажрав фалак қароринг йўқтур,  
Ҳаргиз бир мақомда туроринг йўқтур,  
Ҳеч ким бирла равиш мадоринг йўқтур,  
Шоҳ билан гадони натарсан, дунё.

Ҳасратда йиғлатдинг отам-онамни,  
Юрагима солдинг қайғу аламни,  
Ё раб сандин истаб бугун карамни,  
Этганинча ситам этарсан, дунё.

Ошиқ Қумри айтур, дунё ёлондур,  
Бу дунё кўплардин кечиб қолондур,  
Ким суюнса бу дунёға нодондур,  
Кўрганларни ҳар дам алдарсан, дунё.

Алқисса, бу жавобларни тамом қилғондин сўнг эндиғи сўзни Балх вилоятидин эшитинг, вазири жўжагини топшириб кетган ёйифа назар қилса ёғ томиб туур. Бул вақтда вазирнинг вақти хуш бўлиб тонгнинг вақтида икки ракъат намози шукур вузуъ ўқиб, келиб подшога салом берди. Эй, подшоҳим мен бир туш кўрдим. Ё ўзинг ё йўратурғон топғил, деди. Подшонинг Мулла гўё деган бир кишиси келиб айди. Эй, подшоҳим, жавоб бўлса бу тушни йўрайин, деди. Анда вазир бир сўз айди:

Ётурдим бир кеча бир аҳвол кўрдум,  
Бир бўлак жамоат, турғил, дедилар.  
Хизр келиб тутди ўнг ён дастимдин,

Сўлингдаги тўрт чориёр дедилар.

Жам бўлиб келдилар бир неча подшо,  
Бириси Ҳаводур, Бибиғотима,  
Барчаси айдилар ҳамд ила сано,  
Қўрқма банда олдингдадур, дедилар.

Кун ботардин келди икки девона,  
Бир дамини олмас ҳақдин бегона,  
Бурхи сармаст, шоҳ Машраб девона,  
Қўл очиб доимо дуо қилдилар.

Жам бўлиб келдилар ўн икки имом,  
Аларни ёдингдин қўймағил мудом,  
Тилимдадур ҳақнинг зикри субҳу шом,  
Жуфтиңг Балх шоҳининг қизи дедилар.

Тўрам оҳи етган экан, жаббора,  
Тангри тақдирина топилмас чора,  
Аждарни қилибдур ул икки пора.  
Шахри Балҳда даврон сургил, дедилар.

Атрофимни қуршаб олди эранлар,  
Юз йигирма тўрт минг ўтган пайғамбар,  
Абубакр, Умар, Усмону Ҳайдар,  
Мехнатинг йўқ бўлди, кулгил, дедилар.

Қосим вазир тушни ёлони бўлмас,  
Иншолло қўнглим армони бўлмас,  
Етарман мақсадга гумони бўлмас,  
Бу сўз айтиб кўздин ғойиб бўлдилар.

Алқисса, Қосим вазир бу сўзни тамом қилғандин сўнг воқеа жойига  
Қўрқмас кални юбордилар. У бориб аждаҳодин уч тасма олиб келди ва  
Салим подшога қараб бир сўз деди:

Арзимни эшитгил Балхнинг подшоси,  
Юртинга бир соҳибқирон келибдур.  
Сифиндим ман санга каъба худойи,  
Гўё Маҳдий охир замон келибдур.

Мудом кезар бир оллонинг йўлинда,  
Али зулфиқори бордур белинда,  
Аждарҳо ётибдур соғу сўлинда,  
Юртинга бир соҳибқирон келибдур.

Ҳуснини кўрмишам гулдин гузора,

Бир нолиши етган экан жаббора,  
Қора уйдин чиқиб бокмай ночора,  
Гүёки бир Юсуфи Канъон келибдур.

Сўзимни олдинга айлай мухтасар,  
Суратингни кўрдим мисли Искандар,  
Урушда гўёки мисли ғазанфар,  
Тирилиб Рустами достон келибдур.

Қўркмас кал дер, вაъда шулдур султоним,  
Юракда қолмади зарра армоним,  
Балх келини бўлсин менинг хирмоним,  
Юртинга бир соҳибқирон келибдур.

Алқисса, бу сўзларни тамом этгандан сўнг Қўркмас кални кулли қулларга калантар қилиб улуғ ва кичик денгиз канориға бориб тушдилар.  
Анда подшо Қумрижонга қараб бир сўз аиди:

Нечук султон эдинг келдинг устима,  
Молу мулким санго бўлсин, жон қўзим.  
Жон поёндоз оёқингнинг остина,  
Тожи тахтим санго бўлсин, жон қўзим.

Уч йил бориб сийнаб кўрдим ўзимни,  
Жоним қурбон сен эшитгили, сўзимни,  
Ўлжа қилиб олдинг боғдин қизимни,  
Нозли қизим санго бўлсин, жон қўзим.

Суратингни кўриб мумдай эрибман,  
Ҳисоб этсам эллик ёшга кирибман,  
Умр қисқа подшолиқға қизибман,  
Эрку давлат санго бўлсин, жон қўзим.

Кетма, санго тожи тахтим берайин,  
Соғлиқингда беш кун даврон сурайнин,  
Хаётим боринча бўйинг кўрайин,  
Эрку давлат санго бўлсин, жон қўзим.

Подшо Салим айтар, ихтиёр санда,  
Ҳеч тоқат қолмади жон бирла танда,  
Сотсанг қулингдурман, сақласанг бандা,  
Бир дуогўй қулингдурман, жон қўзим.

Алқисса, шоҳ Салим бу сўзни тамом қилгандан сўнг Қумрижоннинг вазирина Салимшоҳнинг қизи Бибијонни никоҳ қилиб бердилар. Андин сўнг шаҳзода Зарнигорга ёлғиз равона бўлди. У Балх вилоятидин чиқиб, етти кун йўл юриб, бир чўл-у биёбонга борди. Анда вазирнинг қадри ўтиб муножот қилиб, бир сўз деди:

Ерни кўкни халқ айлаган бирубор,  
Барча ишни ё раб ўзинг билурсан.  
Яккалиқда дардга бўлдим гирифтор,  
Барча ишни ёраб ўзинг билурсан.

Қудрат била манго айлагил карам,  
Юрагимдин чиқар бу дарду алам,  
Исонинг онаси эй Биби Марям,  
Барча ишни ёраб ўзинг билурсан.

Арз айласам сандин ўзга кимим бор,  
Бир отинг Каримдур, бир отинг Саттор,  
Яна бир отингдур Аҳмад ул Қаҳхор,  
Барча ишни ёраб ўзинг билурсан.

Ошиқ Қумри кўрган тушим ёлғонму,  
Боғдоддаги бизни эллар омонми,  
Ё эранлар, ёра етмак гумонми,  
Барча ишни ё раб ўзинг билурсан.

Алқисса, бу сўзни тамом қилгандан сўнг бир оққуш Қумрижонни кўтариб ўз бекасининг боғига келтириб ташлади. Қумрижон ҳайрон бўлиб, бу на қуш эркан, деди. Шу пайт оққуш бир силкиниб, Қумрижоннинг олдина келиб, бир бобо суратида бўлиб айди:

“Эй шаҳзода энди ғам ема, боғ ўз бекангни боғи турур-деб кўздин ғойиб бўлди: Қумрижон кўзини очса тонг отибдур. Анда Қумрижон эранлар сўзи ёлғон эмас, деб зор-зор йиглаб бир ғазал айди:

Келдим санго меҳмон бўлиб,  
Севар ёrim, уйғон энди,  
Тоза боға боғбон бўлиб,  
Севар ёrim, уйғон энди.

Эранлар келдилар мунда,  
Ман бўламан санга банда,  
Манинг даркор важим қанда,  
Манинг жоним, уйғон энди.

Танимадингми ёрингни,  
Олло эшитгай зорингни,  
Истасам жуфт анорингни,  
Манинг бикам, уйғон энди.

Тушда никоҳ қилди сани,  
Фалак кўп ўртади мани,  
Икки кўзимнинг равшани,  
Нозли ёrim, уйғон энди.

Чекдим кўп жабру жафони,  
Кўп ўртадинг сен меҳмони,  
Келди дардингни дармони,  
Нозли гўзал, уйғон энди.

Қумри дер, оллонинг қули,  
Очилди умримнинг гули,  
Олиб келди ҳазрат Али,  
Тур, нозанин, уйғон энди.

Алқисса, бу сўздан сўнг Тўтижонни Ақл канизи Қумрижонга навозиш  
қилиб бир сўз деди:

Сан нечун келдинг бу боға,  
Сўзла ўғлон, на корасан,  
Кўзинг ўйиб солсам чохға,  
Сўзла ўғлон, на корасан.

Сани ким келтирди мунда,  
Ё гадамикан ё газанда,  
Бир каромат бордур санда,  
Сўзла йигит на корасан.

Бу жойга келмагинг ҳавас,  
Баланд кўнглинг этибсан паст,  
Бикам, санго лойиқ эмас,  
Сўзла йигит на корасан.

Жондир бу танда омонат,  
Асл зотингни баён эт,  
Бу ерни дўзах гумон эт,  
Сўзла ўғлон на корасан.

Бу боғни дерлар Зарнигор,  
Танда жонимдур бекарор,  
Ўтдим гуноҳингни дилдор,  
Сўзла ўғлон на корасан.

Ақл каниз манинг отим,  
Оллоға етгандур додим,  
Икки дунёда муродим,  
Сўзла ўғлон на корасан.

Ондин сўнг каниз бу сўзни тамом қилгач, Қумрижон канизга қараб бир  
сўз деди:

Холима огоҳ бўл ёрнинг маҳрами,  
Мани бу тақдира олло келтирди.

Лоладек кўзимнинг оқди шабнами,  
Дини барҳақ Расул оллоҳ келтириди.

Тангрининг каломидур ўттиз пора,  
Гоҳи ерда шодмон, гоҳи бечора,  
Тоғда маскан тутган ё Вайсул Қаро,  
Султон Ҳубби, Дарғон ота келтириди.

Бикангни кўрмишам сабо тоғинда,  
Оти Тўти Зарнигорни боғинда,  
Субҳидам вакътинда, сахар чоғинда,  
Ўн икки имому тўрт чориёр келтириди.

Молу лашкарларим чўлларда қолди,  
Худонинг тақдирни бизга шул бўлди,  
Биканг учун қизил юзим соралди,  
Тонгда эсган боди сабо келтириди.

Ошиқ Қумри нетар бибинг билмаса,  
Ажал етиб паймонамиз тўлмаса,  
Иложим йўқ ҳақдин карам бўлмаса,  
Илёс хўжа ақли расо келтириди.

Алқисса, Қумрижон бу сўзни тамом қилгандан сўнг, Тўтижон канизига айди, меҳмонни мунда олиб кел, деди. Ўзи еридин туриб ўлтурди. Тўтижон айди:

“Эй йигит бу боғга нечун келдинг”? Ондин сўнг шаҳзода Тўтига қараб бир сўз деди:

**Қумри:**

Қулоқ солиб арзим эшит султоним,  
Хўрлама бу келган меҳмон паризод.  
Тасаддуғинг бўлсин бу ширин жоним,  
Ўтмасин беш кунлик даврон паризод,

**Тўтижон:**

Сан келибсан Зарнигорни юртина,  
Бекангни танирсан, биканг танирсан.  
Бир қулоқ қўй, дўстинг айтган сўзина,  
Бикангни танирсан, биканг танирсан.

**Қумри:**

Паризодим ўзинг гулсан, сўзинг гул  
Рафторинг гул, гуфторинг гул, юзинг гул,  
Чаманлар ичинда ман келган булбул,  
Чекарман куйингда нолам паризод.

**Тўтижон:**

Манинг учун кирдинг жафо дастина,  
Ажал етказади ернинг остина,

Кел чиқиб, сайр эт сийнам устина,  
Хурингни танирсан, биканг танирсан.

**Қумри:**

Неча күн куйингда дарбадар юрдим,  
Гоҳида йигладим, гоҳида кулдим,  
Жаҳонни ўзима қоронғу билдим,  
Юрагимда доғу хижрон паризод.

**Тўтижон:**

Зулфим санинг белларинга боғлансин,  
Дарёларинг тўлиб, суви лойлансин,  
Шикаста кўнглингдан жўранг айлансин,  
Жўрангни танирсан, ёринг танирсан.

**Қумри:**

Сафо тоғда берди эранлар сени,  
Ман демадим ёrim сандан ўзгани,  
Паризодим икки кўзим равшани,  
Бу дунё беш кунлик даврон паризод.

**Тўтижон:**

Сайр этиб келибсан бу тоза боға,  
Нолишинг етибди қодир худоға,  
Ёринг бўлсин қоматингдан садоға,  
Ёрингни танирсан, ёринг танирсан.

**Қумри:**

Қумри айтар, келдим санга ғойибона,  
Ҳасратингда бўлдим дали девона,  
Энди машғул бўлсанг айши даврона,  
Олай оқ сийнангда ором паризод.

**Тўтижон:**

Тўти айтар, ихтиёrim қўлингда,  
Жоним қурбон бўлсин санинг йўлингда,  
Кел ўйнасанг жуфт анорим қўлингда,  
Ёрингни танирсан, ёринг танирсан.

Аммо иккилари бу жавобни айтишгандан сўнг шаҳзода Қумрижонни Тўтижон ҳарам саройига олиб бориб, оқ сийнасидан жой бериб, иккилари боғдаги очилган гулдек бир-бирининг бўйнига қўлларини солиб, икки ошиқ-маъшуқ муродларина етдилар. Илоҳи ҳамма уммати Мухаммадни муродиға еткургайсан.

**“САЁДХОН ҲАМРО” ДОСТОНИ**

Озарбайжоннинг Таракамон юртида ошиқ Аҳмад, Ошиқ Маҳмуд деган икки дўст бор эди. Буларнинг иккови қиёматликни ўртага солиб дўст бўлган эдилар. Ошиқ Аҳмад аиди: -Ошиқ Маҳмуд дўстим”, “Агар, менинг ўғлим, сенинг қизинг бўлса, сен қизингни менинг ўғлимга бер, агар, менинг қизим, сенинг ўғлинг бўлса, мен қизимни сенинг ўғлингга берайин,-деб ваъда этиб, ваъдалашдилар. Авлиё-ма-авлиё тунадилар, зиёрат этдилар. Сахар вақтида

ухлаб ётар эдилар. Ошиқ Аҳмад! Сенга бир ўғил бердиқ, Ошиқ Маҳмуд-сенга бир қиз бердиқ-дедилар.

Ошиқ Аҳмад ўридан туриб кўрса, сахарнинг файзли вақти эди. Туриб уйларига қайтдилар. Ошиқ Аҳмад билан Ошиқ Маҳмуд хотинлари билан жуфтлик қилдилар. 9 ой, 9 қун деганда Ошиқ Аҳмаднинг ўғли бўлди, отини Ҳамроҷон қўйди. Ошиқ Маҳмуднинг қизи бўлиб, отини Салбиниёз қўйди. Бир неча йил орадан ўтди. 7 дан 8 ёшга қадам қўйганда болаларни элтиб, муллага бердилар. Булар бир-бирлари билан ўйнашмоқни машқ қилдилар. Ҳамроҷон 15 дан 16 ёшига чиқди. Салбиниёз ҳам 16 ёшга чиқди. Энди гапни Ошиқ Аҳмаддан сўранг. Ҳамроҷон қадди камола келди. Ошиқ Маҳмуд дўстим энди буларнинг иккисини тўй қилиб, томоша қилиб, қўшсак нечук бўлар экан?-деди, Ошиқ Аҳмад. Анда Ошиқ Маҳмуд:-Ажаб бўлар, деди.

Етти кечакундуз тўй-томуша этиб, Ҳамроға Салбиниёзни бердилар. Энди сўзни кимдан эшит, Ошиқ Аҳмаднинг бир дўсти бор эди. Қалъама-қалъя, кентма кент юриб, карвон билан савдогарчилик этар эрди. Бир қуни шу дўсти Ошиқ Аҳмаднинг карвон саройига келиб тушди. Ошиқ Аҳмад билан омон эсонлик сўрашди. Қани дўстим: Ўғлинг борми!-деди Ошиқ Аҳмад: Орий бор бўлса керак, деди. Дўстим, ўғлингни чақир, ўз кўзим билан кўрайин-деди. Ошиқ Аҳмад-ажаб бўлар, –деб Ҳамроҷонни чақирди. Ҳамроҷон келиб, одоб билан Ошиқ Аҳмаднинг дўстининг қўлини олди. Салом берди, ўғлинг шуми – деди дўсти. Орий шул бўлса керак, деди Ошиқ Аҳмад.

Қани, бул ўғлингни Уйлантирдингми?-деди. уйлантирган бўлсанг келинни ҳам чақир-деди. ўз кўзим билан кўрайин дўстим, тенгини топиб олиб берибсанми ё йўқми-деди.

Ажаб бўлар-деб Салбиниёзни ҳам чақирдилар, у кўшкка келиб, салом бериб, Ҳамроҷоннинг қошиға келиб ўтириди. Ошиқ Аҳмаднинг дўсти – келининг шуми,-деди, –шу, деди Ошиқ Аҳмад. Салбиниёз қўшкига қараб қайтди. Салбиниёз кетгандан кейин, эй Ошиқ Аҳмад дўстим, ўғлинг-ку ҳазрати Юсуфнинг нишони сингган ўғил экан, бунинг тенгини топиб олиб бермаган экансан. Унда Ошиқ Аҳмад: Менинг ўғлимнинг тенги қаерларда бор,-деди.

Ўғлингнинг, тенгини мен айтаман-деди дўсти. –Рум шахри деган шаҳар бор, унинг Маматхон подшоҳ деган подшоси бор. Қизил олма деган жойда 40 таноб боғи бор, Сарҳовузи бор. Қув ва ғози бор, унинг Саёдхон пари деган қизи бор. Ёнида қирқ кангизи бор. 90 газ кўшки бор. Шу кўшкда бўлади, ўғлингнинг тенги-деди.

Бул сўзни айтиб карвон йўлига- тушиб равона бўлди. Энди сўзни кимдан эшитинг, Ҳамроҷондан эшитинг. Бир йилдан бери Саёдхонни тушида кўриб, ичидан касал бўлиб, не ердалигини билмай юрур эди. Унинг дарагини эшитганинг эртасига аzonда ирғиб еридан туриб, эгнига созини олиб, икки этагини чизғаб, Озарбайжон-Таракамон юртидан чиқиб, “қайдасан Рум шахри, Маматхон подшонинг юрти” –деб, йўлға тушиб равона бўлди. Энди сўзни кимдан эшитинг, Салбиниёздан эшитинг. Ҳамроҷоннинг кетиб боришини канизи айтиб келди. Салбиниёз ирғиб

еридан туриб, “Ҳамрожонни қайтарайин” деб, қора кийиб, мотам тутиб, Ҳамрожоннинг кейнидан югуриб деди. Бир неча мазгил йўл юриб, Ҳамрожоннинг кейнидан етди, олдига чиқиб, йиғлаб ётаберди. Ҳамрожон айтти: -Во дариф! Энди мунга не дерман?, бир давр соз, бир давр сўз айтсан, шу сўзга тушуниб, кетмасмикан, деган хаёл пайдо бўлди. Эгнидан созини олиб, Салбиниёзга қараб бир сўз айтиб, турган экан кўринг, не дер экан:

Юзингни дўндириб, читма қошингни,  
Кел-ҳо, нозлим сен киймагил, қорани.  
Хумор, ола қўздан тўкма ёшиングни,  
Кел-ҳо, нозлим сен киймагил, қорани.

Ўзинг бир подшосан тахtingда бордир,  
Агар сабр айласанг баҳtingда бордир,  
Қора кийма, сенинг ҳаддингда бордир?  
Кел-ҳо, нозлим сен киймагил, қорани.

Сарховуз бўйига доллар ярашур,  
Оқ юзинга қўша холлар ярашур,  
Ёрим қора кийма, қизил ярашур,  
Кел-ҳо, нозлим сен киймагил, қорани.

Ер юзида қиблагоҳни севарсан,  
Арш устинда ул даргоҳни севарсан,  
Қора кийма, бир оллони севарсан,  
Кел-ҳо, нозлим сен киймагил қорани.

Не сабабдан этган аҳдинг унутдинг,  
Тириклийн менинг аъзамни тутдинг,  
Ҳамронинг ўлганин сен қабул эттинг,  
Кел-ҳо, нозлим сен киймагил қорани.

Деб, бу сўзни айтиб Ҳамрожон йўлга равона бўлди. Ҳамрожондан бу сўзни эшитиб, Салбиниёз йиғлай-йиғлай қўшкига қайтаберди. Келаётib ўйлади. Мен отасининг ёнига борайин, отасига Ҳамрожоннинг кетиб бораётганини айтайн, отасининг айтгани билан қайтмасмикан?-деган хаёл пайдо бўлиб, Ошиқ Аҳмаднинг тилло пўш саройига қараб йўлга тушиб, равона бўлди. Ошиқ Аҳмаднинг эшигини очиб юбориб, адаб билан салом берди. Ошиқ Аҳмад алик олди ва ҳайрон бўлди. Нечук келди экан бу деб. Шул вақтда Салбиниёз Ошиқ Аҳмадга қараб, Ҳамрожоннинг кетиб бораётганини баён этиб, бир сўз айтиб туриди. Кўринг не дер экан:

Эй ёронлар мусулмонлар,  
Бизнинг ёр кетмали бўлди.  
Бошимни қўйдим йўлина,  
Босибон ўтмали бўлди.

Кўринглар ёрнинг ишини,

Оқизиб кўздан ёшимни,  
Ўзга юртларга бошини  
Олибон кетмали бўлди.

Аввалда мени шод этиб,  
Дўсту-душманга от этиб,  
Ахирда яна ёт этиб,  
Тоза ёр тутмали бўлди.

Мен чекарман бу жафони,  
Ўзгалар сурар сафони.  
Муҳаббат меҳри-вафони,  
Ёрим унумали бўлди.

Кунимни дўндириб ёса,  
Кўна дардим этиб тоза,  
Оташ айлаб Салбиниёза,  
Ҳамроҳон кетмали бўлди.

Бул сўзни эшитиб Ошиқ Аҳмад ўғлининг кетганини билиб, Салбиниёз келинини эргаштириб йўлға равона бўлди. Бир неча мазгил йўл юриб, Ҳамроҳоннинг кейнидан қичқириб борар эрди. Ҳамроҳон кейнига қараса отаси билан Салбиниёз ёрининг келишини кўриб тўхтаб турди. Ошиқ Аҳмад билан Салбиниёз ёри этиб борди. Ҳамроҳон отасига салом берди. Ошиқ Аҳмад айтди:-Эй ўғлим Ҳамроҳон, қайда борарсан?-деди. Онда Ҳамроҳон:-мен Рум шаҳрига борарман,-деди. Онда Ошиқ Аҳмад: -ўғлим Ҳамроҳон: Ул юртларга сен кетма, Рум шаҳри деган узоқ юрт бўлса керак. Сенинг керагинг, сўрафинг яхши қиз, яхши келин бўлатурғон бўлса, эгнингда созинг, юр ўғлим қалама-қалъя, кантма-кант ахтариб хоҳлаган қизингни олиб берайин-деди. Ҳамроҳон: -Йўқ ота, мен Рум шаҳрига бормасам, Мамадхон подшонинг қизи- Саёдхон парини олмасам, тоби-тоқатим бўлмас,-деди. Отасининг айтганини тингламай, қайдасан, Рум шаҳри деб йўлға тушиб равона бўлди. Ошиқ Аҳмад ҳам ўз кўшкига қайтди. Салбиниёз ҳам қайтиб кела ётиб ўйланди:-Иккимизни ўқитган мулланинг уйига борсам, Ҳамроҳоннинг кетиб бораётганини айтсан, мулласидан уялса-да қайтар, сийласа-да қайтар,-деган хаёл пайдо бўлди. Мулланинг уйига қараб йўлга равона бўлди. Мулланинг уйига этиб борди. Эшигини очиб юбориб, адаб билан салом берди. Мулла саломга алик олди. Онда Салбиниёз Муллога: -ўғлингиз Ҳамроҳон, Рум шаҳридаги Маматхон подшонинг қизи Саёдхон парига ошиғу гирифтор бўлиб кетиб бораёттир, бир тавалло этсангиз нечук бўлар экан-деди. Мулла-ажаб бўлар қизим,-деб ирғиб еридан туриб ҳассасини қўлига олиб, Салбиниёзнинг олдига тушиб йўлға равона бўлди. Бир неча мазгил йўл юриб, Ҳамроҳон, деб қичқирди. Ҳамроҳон кейнига қараса мулла билан Салбиниёз ёрининг келишини кўриб, келиб тўхтаб турди. Муллоси билан Салбиниёз кейнидан этиб борди. Ҳамроҳон муллосига адаб билан салом берди. Мулло! -Эй ўғлим Ҳамроҳон! Қайда борурсан?-деди. Ҳамроҳон:-Бораётган ери

пинҳони ошиқлик, айтмайин деса бўлмади. Ахири алина созини олиб “бир давр соз, бир давр сўз айтсам тушунмасмикан” деб, кетиб бораётган томонини айтиб бир сўз айтиб турибди. Кўринг не дер экан:

-Энди бундан кетар бўлдим бош олиб,  
Бир парининг совдосина тушибман.  
Бағрим эзиб, қўзларимга ёш олиб,  
Хон парининг савдосина тушибман.

Ишқقا тушган ақлу-хушин олдирап,  
Ўзи йиглаб, душманини кулдирап,  
Оға бул дард бир кун мени ўлдирап,  
Бир парининг савдосина тушибман.

Фалакнинг алиннан жисмим ёқарман,  
Бир ёрнинг дардидан қонлар ютарман.  
Тавалло айламанг, муллам кетарман,  
Хон парининг савдосина тушибман.

Ошиқ Ҳамро ошиқлиқнинг йўлида,  
Сўналар ғарқ урар чашмим кўлида,  
Бош қўйибон хон Саётнинг йўлида,  
Хон парининг савдосина тушибман.

Деб бу сўзни айтган вақтда муллога бу сўзлар яхшигина таъсир этди. Мулло айтди: Бунга тавалло бекор кетар, бунга гап айтмайин- деб, “Бор ҳам рожон ўғлим, йўлинг бўлсин”-деди. Оқ фотихани бериб қолаберди. Ҳамрожоннинг вақти хуш бўлиб йўлга равона бўлди. Мулло билан Салбиниёз уйларига қараб қайтаберди. Хабарни энди Ошиқ Аҳмаддан сўранг. Ёлғиз ўғлимни ёт юртларга юборавердим, не яхшилик бор, не ёмонлик бор, ўғлимнинг кейнидан кетайин, не бўлса иқболимдан кўрайин, деб бир йўргани эгарлаб, ўзи минди. Бир йўргани эгарлаб етаклади. Озиқовқатларни жам этиб, мешик-мутроларни сувдан тўлдириб, қайдасан Рум шахри-деб, Озарбайжон Таракамон юртидан чиқиб, йўлға тушиб равона бўлди.

Бир неча кун юриб, Ҳамрожоннинг кейнидан етди. Бир қора кўрдим кўринаверди. Ҳамрожон кўп узоқ кетган экан. Ҳамрожоннинг кейнидан қичкирди. “Хей Ҳамрожон ўғлим! Тўхта шу ерда”,-деди. Ошиқ Аҳмаднинг қичкирған товуши Ҳамрожонга этиб борди. Ҳамрожон кейнига қараса отасининг от чопиб келишини кўрди. Ҳамрожон тўхтаб турди. Қараса отасининг бир йўргани миниб, бир йўргани етаклаб эгнига созини осиб, келаётғанини кўриб, Ҳамрожон ҳайрон бўлди. Отаси этиб келди. Ҳамрожон одоб билан салом берди. Отаси “алик” олди. Ўғлим Ҳамрожон! Ёт юртларда не яхшилик бор, не ёмонлик бор, иқболимдан кўрайин, ана бу отга мин-деди. Ҳориган одамнинг иши ўзларингизга маълум-ажаб бўлади-деб, Ҳамро иргиб отга минди. Ҳа ота! Энди ўзинга келибсан-деди, Ҳамрожон.

Отали-болали иккиси Озарбайжон Таракамон юртидан чиқиб, Рум шаҳри қайдасан?-деб йўлга тушиб равона бўлдилар. Бир неча кун йўл юрди, бир неча кун чўл юрди. Кунлардан бир куни буларнинг сувлари туканди. Ошиқ Аҳмад айди:-Эй Ҳамроҷон ўғлим! Бу чўлу биёбонда сувсизликдан ўлиб қолмойиқ, сен шу ерда отларни сақлаб қолсанг, мен бир сув топарнинг иложини топсам, нечук бўлар экан, ўғлим?-деди.

-Ажаб бўлар! Деб Ҳамроҷон отларни сақлаб қолаберди. Ошиқ Аҳмад бир буюк тўбанинг устига чиқиб ҳар тарафга қаради. Қараса ўнг томонда кўз учиди ялтираб бир чашма кўринди. Ошиқ Аҳмад мешк-мутроларини орқалаб шу чашмага қараб юрди. Бир неча мазгил йўл босиб шу чашмага етиб борди. Сув ичди, сероб бўлди. Мешиқ, мутроларини ҳам тўлдирди. Энди қайтайин деб турганда, чашманинг кун ботар тарафидан бир бўлак қизлар, келинлар қўлларига мис тунг ушлаб, саллонишиб сувга келабердилар.

Яқин-яқин келгач қараса, буларнинг ичида бир, қиз бор 17 дан 18 га қадам қўйган, 14 кечанинг ойи қаби бир кечанинг қори қаби. Ошиқ –Аҳмад бу қизни кўриб, ёш йигит вақтидаги кўхна касаллари қўзғалиб тураберди. Бу қизлар ҳам сув олиб, сероб бўлди. Мис тунгларини сувдан тўлдирди. Анда Ошиқ Аҳмад: –Бу қизларни кўрган ҳам, кўрмаган ҳам армонда,. 5-6 оғиз сўз айтган ҳам армонда-айтмаган ҳам армонда-деб бир сўз айтиб, қизларга қараб қийғириб тур. Кўрик не дер экан:

Чашмасидан мис кўзасин тўлдиран,  
Мамали қиз, бобонг билан кел таниш.  
Ошиғин ўлдириб яна жон беран,  
Сўнали қиз, бобонг билан кел, таниш.

Бош бўлибсан бир бўлакча ушоға,  
Сўз соланда бўйнинг солма ошоға,  
Ошиқ бўлдим белингдаги қўшоға,  
Мамали қиз, бобонг билан кел, таниш.

Сағринга солибсан узун сочингни,  
Ошиқларға бағишларсан жўжингни,  
Минг тумана берсанг, олам ўзингни,  
Мамали қиз, бобонг билан кел, таниш.

Мис кўзани кўтарибсан долинга,  
Қурбон бўлсам юзингда холингга,  
Лабим қўйсам лабингдаги болинга,  
Мамали қиз, бобонг билан кел, таниш.

Узоқ йўлдан келиб эдим ғойибона,  
Сени кўрган боқмас ҳуру ғилмона,  
Ошиқ Аҳмадни сен келтирдинг омона,  
Мамали қиз, бобонг билан кел, таниш.

Бу сўзни айтған вақтда янгоғи қизларнинг ичидаги гўзал қизни –Хон пари деб атар эдилар. У юртларда оқсоқолли кишини –хўжа киши-дер эди. Соз кўтарган кишини шоир -дер эди. Хон пари айди: -Эй Хўжа киши-бундай сўзларни айтмоққа ўёлмасмисан-деди. Бизлардай келинининг ҳам бордир, қизинг ҳам бордир, уят эмасми,-деди. Қўлида сози бўлмаса-да, тилида сўзи, Ошиқ Аҳмадга қараб бир сўз деб турибди. Кўринг не дер экан.

Таракамон ошиқи нердан келарсан,  
Оллони севарсан бобом ал кўтар.  
Чор тарафдан неча хабар берарсан,  
Оллони севарсан, бобом ал кўтар!

Бобо сенинг ожжи-ожжи сўзинг бор.  
Манглайингда тошдан қаттиқ кўзинг бор,  
Менингдайин келининг бор, қизинг бор,  
Шуларни севарсан бобом, ал кўтар!

Бобо ўзинг қартайибсан-чишибсан,  
Хўжа бўлиб сен ҳаддингдан ошибсан,  
Бир бўлакча қиз кейнина тушибсан,  
Оллони севарсан бобом, ал кўтар!

Сийнама солибсан мунчалик доғи,  
Сени киргизмаслар кишининг боғи,  
Ошиққа ярашмас соқолнинг оғи,  
Оллони севарсан бобом, ал кўтар!

Сувга чиққанимни ҳеч ким билмади,  
Икки оғам мендан хабар олмади,  
Чошган қарри қопталимдан қолмади,  
Оллони севарсан бобом, ал кўтар!

Хон пари дер, чўх савдоға тушибсан,  
Эътиқодинг кимлар билан кўшибсан,  
Магар қартайибсан, йўқса чишибсан,  
Оллони севарсан, бобом, ал кўтар!

Деб бул сўзни айтган вақтда, Ошиқ Аҳмад: “ал кўтар, сал кўтар билан ўзинг бой бўлавер”-деб қутирган кўппак ёли югуриб боғда қизнинг ёнига бориб, қучоқлаб остига босиб, ўпаберди. Ошиқ –Аҳмаднинг тишлари қизнинг бетини дандона суйрагандай этиб, йиртиб-йиртиб ташлади. Бунга Хон парининг ёнидаги қизларнинг аччиғи келиб айтди: Хон парини хўжа киши қўлига ташлаб қўймайлик, қўлидан олайлик, хўжа кишини ура-ура қувмоқ керак, хон парини олмоқ керак, деб бари бирдан югурди. Қизлардинг ургани ўзларингизга маълум, ким уриб қочиб бораётир, ким буриб қочиб бораётир, ким тепиб қочиб бораётир. Ошиқ Аҳмадни улар эсанкиратди. Қизлар Ошиқ Аҳмаднинг ким оёғидан, ким қўлидан, ким ёқасидан, ким

пешонасидан, тутиб судраб олиб, ўта кетди. Бир тепанинг устига чиқарди. Ошиқ Аҳмад ётқизиб қўйди. Икки пеши билан қўлларини ўрадилар. Қизлар жамлашиб туриб, тепадан пастга қаратиб, бари бирдан тепиб юбориши. Қизлар келган йўли билан, мис тунгчаларини орқалаб, қочиб кетиши. Энди хабарни Ошиқ Аҳмаддан сўранг. Шу тепадан тушишда Ошиқ Аҳмад юмалаб пастга тушди. Иргиб ўрнидан туриб, кўзини очиб қараса, қизлар қўз учидаги кетиб борар эканлар.

Ошиқ-Аҳмад чўғирмасининг чангларини қоқишидириб бошига кийди. Қайта қизларнинг изидан қувиб ўтириди. Қизлар ҳам қочиб ўтириди. Ошиқ Аҳмад қизларнинг кетидан етдим-етдим деган вақтда қизлар бир тепадан оширилиб тушди. Ошиқ Аҳмад тепанинг устига миниб қараса, қўз учидаги бир чорва элатини кўрди. Ошиқ Аҳмад айди: -Менинг узоқ йўлим яқин бўлди, Ҳамроҳонни олиб Рум шахрига кетиб юргандан, шу элатга келиб, соз чертиб, сўз айтиб, Ҳамроҳонга Хон парини олиб беришнинг иложини кўрайин-деган хаёл пайдо бўлди. Чашмага қараб қайта берди. Чашма бошига келди, сув ичди. Мешик матраларини сувга қайтадан тўлдирди. Ҳамроҳоннинг ёнига қараб йўлга равона бўлди. Бир дамларда Ҳамроҳоннинг ёнига етиб келди. – Эй Ҳамроҳон ўғлим! Шу ерда мен бир қиз кўрдим, бор бўлса Саёдхонинг шунчакли бордир, йўқ бўлса унинг қўлига сув ҳам қуёлмас. Узоқ йўлимиз яқин бўлди. Юр ўғлим, ўбосига бориб, соз четиб, сўз айтиб, сенга олиб берарнинг иложини кўрайин, -деди. Анда Ҳамроҳон: -Хов ота! У элат не деган элат экан?-Анда Ошиқ Аҳмад: –Ҳасанли курд –деган чорва элати-деди. Анда Ҳамроҳон: -Ота! у элат биз билан ёвми, элми?-деди. Анда Ошиқ – Аҳмад: -Ҳасанли курд-деган чорва элати,-деди. Анда ошиқ Аҳмад: биз билан ёв бўлса керак,-деди. Анда Ҳамроҳон?-Анда ота, у элатга бизлар бормайлик. Агар у элат ёв бўладиган бўлса, бизнинг элимизни еган қарға бу юртларда турмас, деди. Анда Ошиқ Аҳмад,-Йўқ ўғлим, шу элатга борайлик, олажак Саёдхонинг шунчалик йўқдир. Рум эли қайда, бирор қайда. Шу қизни олиб бериш иложини кўрайин ўғлим,-деди.

Ҳамроҳоннинг аччиғи келди. Азондан бери Ҳамроҳон отасининг этган ишларини бир тепанинг устида ўтириб кўриб турган эди:-Хов ота! Сен аzonдан берли этарингни этдинг. Қиларингни қилдинг ҳеч бир вақтда отасидан қолган нарсани боласининг олгани борми?-деди. Бу сўзни айтиб, Ҳамроҳон отга миниб, йўлга тушиб, Рум шахри қайдасан-деб от чопиб, бадар кетди. Ошиқ Аҳмад ҳам ноилож бўлиб, боласининг кетига тушаберди. Бир неча кун йўл юрди. Бир неча кун чўл юрди. Рум шахрининг бир четига етишдилар. Шундай бир ўбанинг ичидан ўтиб борар эдилар, бир бўлак қизлар, келинлар қўлларига гул ушлаб, сайрон этиб соллонишиб ўтабердилар. Ошиқ Аҳмад қараб турса бул қизларнинг ичидаги бир қиз бор. 15 дан 16 ёшга қадам қўйган. Ой деса оғзи бор, кун деса қўзи бор. Ошиқ Аҳмад шул қизни кўргандан кейин ёш йигит вақтидаги кўҳна касали яна қўзиб тураберди. Ошиқ Аҳмад айди:-Хой Ҳамроҳон ўғлим! Тур шу ерда, алинга ол созингни, баланддан чиқар овозингни, алингнинг созин кўрсин гапингнинг тузин кўсин, шу келаётган қизларга бир давр соз, бир давр сўз айтиб ўт. Агар Саёдхон ёринг шуларнинг ичидаги бўлса, бир хабарин бериб

ўтар, деди. Анда Ҳамројон:-Менинг ёрим Маматхон подшонинг қизи бўлса, ё боғда бўлса керак, ё боғчада бўлса керак, мунингдай ўба кезиб юрмас. Бунингдай юрт кезиб юрган қизларга созимни ҳам, сўзимни ҳам зоя этмасман,-деди. Анда Ошиқ Аҳмад айтди. –Эй Ҳамројон ўғлим! Айтмасанг айтма, чертмасанг чертма, мунингдай қиз, келин кўрингандা, отангда ҳам 5-6 оғиз варсақи сўз топилиб қолар-деб эгнидан созини олиб Ошиқ Аҳмад қизларга қараб бир сўз айта берди. Кўринг не дер экан:

Неча алвон дўнар юз турли боғлар,  
Боғларнинг сафоси ёз билан келар.  
Бир бўлак нозлилар чиқмиш сайронা,  
Соллона-саллона ноз билан келар.

Парим кўксингдаги қўша жумрилар,  
Кўксингни кўрмасин жоҳил- жумрилар,  
Боғдод ўлкасидан тўти, қумрилар,  
Қўшилмас ўрдакга ғоз билан келар.

Кўзларимдан оқиб давом қонли ёш,  
Нечук раҳминг келмас золим бағри тош!  
Уйридан айрилган ёлғиз ёшил бош,  
Улар ҳам юз турли соз билан келар.

Йигитга ярашур орувлик, поклик,  
Мавлонга ярашур яккалик, еклиқ,  
Тур энди шу ерда сабр айла каклик,  
Бек ўғли устингга боз билан келар.

Қизил гулни даста- даста теранлар.  
Хабар беринг ёр жамолин кўранлар  
Ошиқ Аҳмад айтур: пирим эранлар!  
Хар қулнинг олдина ёзилган келар.

Деб, бу сўзни айтган вақтда , қизлар менга айтдингми, яна бировга айтдингми, демай, орқасига қарамай бораётган йўли билан кетаверди. Ҳамројон аиди:- Айтмадимми ота! Буларга созингни, сўзингни зоя этма, деб. Анда Ошиқ Аҳмад:- ҳой Ҳамројон ўғлим! Бунингдай қизларни кўрганда не бир созлар, не бир сўзлар зоя бўлиб кетаверса керак. Айтганда айтатурғон мен, чертганда чертатурғон мен шунинг учун Ҳамројон ўғлим хафа бўлма,- деб Ошиқ Аҳмад отини минаверди. Ҳамројон ҳам отини минди. Отасининг айтган сўзига аччиғи келиб, отига қамчи уриб, бадар кетди. Ошиқ Аҳмад ҳам кетида бораверди. Кун кеч бўлди. Кун ботар вақтида бир чорва чўпонлар қўшида меҳмон бўлдилар. Чўпонлар буларга зиёфат қилдилар. Тонг отди, кун чиқди. Кун ботардан бир кун чиқди. Кун чиқардан ҳам бир кун чиқди. Анда Ошиқ Аҳмад аиди: - эй чўпонлар! Жўралар! Кун чиқардан чиқсан кун ўзимизнинг кун, кун ботардан чиқсан кун не кун бу? – деди. Чўпонларнинг саркардаси айтди: - кун ботардан

чиққан- кун эмас – деди. Онда Ошиқ Аҳмад айтти: - у не? – деди. Чўпонлар саркардаси:- Бу Рум шахри – деган шаҳар, Маматхон подшо деган пошоси бор. Қизил олма деган ерда қирқ таноб боғи бор. Боғида сарҳовузи бор, қув ва ғози бор, Саётхон пари деган бир қизи бор. Ёнида қирқ канизи бор. Сарҳовуз бошида тўқсон газ кўшки бор. Кўшкига олтиндан –кумушдан ранг берилган. Кун билан ёлтираб турган шунинг кўшки, деди. Анда Ошиқ Аҳмад айтди: - Ўзларимизнинг хам излаб келаётирганимиз шу кўшк эди,- деб отларни эгарлашга киришди. Зартанг – забартанг, қойим- эгарлаб, жуфт айилларини маҳкам чекиб, иргиб отини миндилар. Рум шахри қайдасан? – деб ота- бола иккови от чопишиб, бадар кетдилар.

Бир неча мазгил йўл юрди, бир неча мазгил чўл юрди, боғнинг бир четига етиб бордилар. Ошиқ Аҳмад билан Ҳамроҷон от чопишиб боғни уч айландилар. Кўрсалар киравга йўл йўқ. Ён эшиклари танбали. Дарвозалар кўмилган. Ошиқ Аҳмад буни кўриб ҳайрон бўлди. – Эй Ҳамроҷон ўғлим! – Саётхонни оламиз- деб, бир қамалиб ётган юртга келдик- деди. Анда Ҳамроҷон айтди: - ха нечун деди. – Йўқ ўғлим! Кўрмадингми? Ёз эшиклар, дарвозалар кўмилган, бунинг не еридан кирамиз ўғлим?- деди. Анда Ҳамроҷон айтди:- ҳов ота! Ҳовлиқма- деди. Теварагингга бир қара, – деди. Қарасалар боғнинг орқа ёни дарё экан. Дарёдан бир оёқ солма олиб кирибдирлар. Уни тешиб, боққа ўтказибдирлар. Ошиқ Аҳмад айтди – ана киратурғон ерни топдим, ўғлим – деди. Ҳамроҷон айтди: - Ота! Буни не деб айтадилар?- деди. Отаси бу киратурғон ернинг оти бор ўғлим,- деди. Анда Ҳамроҷон: - отини айтиб беринг, мен ҳам ўрганайин, деди. Ажаб бўлади ўғлим деди. Хонқа лабзинда- раванак- дерлар. Ҳазорасп тилида- муғдор дерлар, Мори тилида – сувадуш дейди. Юқори тилида – боғнинг сув ўткармаси, дейди. Туркман тилида- гечирма дейдир. Ўзбек лабзида, тўппатўғри сўз- тўнғиртқа- дейдир. Ошиқ Аҳмад айтди:- Ўғлим Ҳамроҷон! – сен шу ерда отларни сақлаб қолсанг, мен бир қари одам, шу боғнинг ичига кирсам, не яхшилик бор, не ёмонлик бор, иқболимдан кўрсам. Нечук бўлар экан ўғлим? – деди. Анда Ҳамроҷон: - ҳов ота! Шунча йўлдан келиб, сен ошиқма, мен ошиқма, ким ошиқади, деди. Анда Ошиқ Аҳмад:- мен ошиқ- пошиғингни биласман ўғлим, боғнинг ичига кираман, деди. Анда Ҳамроҷон ушлади отасининг пешидан, ул у ёққа тортди, бул бу ёққа тортди. Отаси боласи иккови ҳинқта- ҳингқ тўбалаштурган бўлди. Анда Ошиқ Аҳмад айтди:- Ҳамроҷон ўғлим бир шарт бор. Шу шартга туармисан, – деди. Ҳамроҷон:- ҳов ота! У не шарт, - деди. Йўқ, ўғлим иккимиз кураш этамиз, йиқилган одам отларни сақлаб қолсин, йиққан одам боққа кирсин – қани шунга турасанми -деди . Ҳамроҷон айтди: Ажаб бўлади, ота,- деди. Ул шартингга турдим, –деди. Отларни югандан қантариб ташладилар. Бироннинг таноб яrimдай бир буғдой шудгори бор эди. Отали бола иккови чирмашиб олиб ўта кетди. Гоҳ Ошиқ Аҳмад ураётир ёнбошни,гоҳ Ҳамроҷон ураётир ёнбошни, қари одамнинг иши ўзларингизга маълум, урди Ҳамроҷонни белидан қучоқлаб, Ҳамроҷонни зўрға тиз чўқтириди.- Энди отларни сақлармисан, ўғлим- деди. Ота! Ҳали мен йиқилдимми? –деди.- Туркманча тиз чўксанг- йиқилғанинг- деди.- йиқилсам йиқилдим, деб,

қўлини юбориб тура берди. Ҳамрожон отларнинг ёнига бориб, икки отни ушлаб, тураберди. Хабарни кимдан, Ошиқ Аҳмаддан эшитинг. Ошиқ Аҳмад югуриб келиб урди ўзини тўнгуртқаға-ўтмади. Уст-бошларини ечиб, енгилроқ бўлиб кирсам, деган хаёл пайдо бўлди, кўйлак-иштонидан бошқасини ечиб очиб, боғ девордан ошириб зингди. Кўйлак иштони билан югуриб бориб урди ўзини тўнгиртқаға тўнгиртқадан йилишмади. Ошиқ Аҳмад кўйлак иштонни ҳам ечсан, йилмароқ бўлсан, ўтмасмиканман-деб, кўйлак-иштонини ҳам ечиб, девордан ирғитиб уриб, югуриб келиб урди ўзини тўнгиртқага ўтмади. Ўйланиб, мен бу ерда тураверсам, подшонинг боғбони кўрса,-бокқа тушаётирган ўғри-деб олиб борса Маматхон подшонинг олдига. Мендан бошқа одамни дорга осиб ўлдирмас деб, тўнгиртқанинг оғзига кетди. Ошиқ Аҳмад айтди:-Бу ерда кўп иркилиб, тураверсам, нарёғидан бировлар келиб, кийимларимни олиб кетса, мендан бошқа одам шарманда бўлмас, нарёғига ўтайин бунинг-деб, югуриб келиб урди тўнгиртқага йилишиб бораётир эди. Нариёғига ўтдим, ўтдим деган вақтда тўнгиртқанинг ўрта ерида бир атаноғи бор эди. Бундан Ошиқ-Аҳмаднинг калласи ўтиб, икки эгни атаноқдан ўтмай, тирп этмай ётаверди. Ошиқ-Аҳмад айтди:-Ажалим етиб бу юртларга келган эканманов ўлигимни –тиригимни киши билмас бунда мен ётаверсам, не орқамга чиқолмасам, не олдимга чиқаолмасам, Ҳамрожон ҳам ўлигимни, тиригимни билмаса, бир кун ўтирап, икки кун ўтирап, Озарбайжонга қараб қайтаверса, мен ҳам бу ерда ётаверсам, подшонинг қизи ҳам бир эрка бўлади. Боғлар сувсади деб боғбонни чақириб, бокқа сув оч-деб буюрса, боғбон ҳам дарёдан сувни очиб юборса, сув ҳам келиб тўнгиртқага келиб бир қатра оқмай тураберса, анда Саёдхон пари ҳам бокқа сув кирмади-ку деб, тўнгиртқага бир чўп илди керак деб, бир телбанинг кўлига берса, бир қора толнинг узун ходасини, олиб уриб юборса, нима қиласман,-деб кўп қайғурди. Ошиқ Аҳмад айтди:-кел бунга бир зўр этиб кўрайин деб, оёғини бир тираб юборди. Шу билан атаноқни синдириб боғнинг ичига ўтди. Ошиқ Аҳмад ҳовлиқиб, куйлак иштонларини қараса ҳеч ким олмаган экан. Ташлагани ташлаган жойида, тушгани-тушган жойида ётган экан. Ошиқ-Аҳмад кўйлак-иштонларини кийиб олди. Бокқа назар этиб қараса бир боғки, гуллар очилиб турган, булбуллар сайраб турган, қушлар ҳамду сано ўқиб турган, булоқлар ҳар тарафга оқиб турган. Боғнинг ичи гулу-гулзор гўё, фасли баҳор бўлиб турган. Назар этиб қараса, олма, анор, писта, бодом, боғда ўзи пишиб, ўзи тушиб ётиби. Ошиқ-Аҳмад айтди, шунча кундан бери оч наҳор юрибман, бундай бокқа назарим тушган вақтда қорнимни мевалардан тўйғазиб олиб, ундан сўнг Саёдхонни қидирганда бир нима бўладими, деди. Олмани бир четидан емакка киришди. Хиёл таъриф этиб айтсак таноб яrim ернинг олмасини еб битирди. Ошиқ Аҳмаднинг қорни тўлиб яна яrim бўлди. Ошиқ Аҳмад юқорига боқиб қараса, олманинг шохасида кўш муштдай, чойнақдай қип-қизариб пишиб ётан олмаларга кўзи тушди. Ошиқ-Аҳмад айтди: бунинг остида ётиб курт-қумурсқадан қолган чирик ҳаромларини еб юрган эканман-ов-деб, “туф-туф” –деб, тупуриб, югуриб ўта кетди. Бир солманинг бўйига борди. Оғизларини сувдан чайқаб ташлаб, “егангага кўра бунинг ҳалолидан еяйин”-деб, югуриб келди олманинг

тубига, тирмасиб бошига чиқди. Тепиб у шохани у ёқقا синдириди, тепиб бу шохани бу ёқقا синдириди. Олмадан тўманга тушди. Олмаларни термакка қаради. Бир ерга хирмон этиб уйди. Бордошни текисдан ташлади. Қизилидан, яххисини олиб, Ҳамрожоннинг пойи бўлсин- деб, қўйинлариға тифиб тўлдирди, киссасидан паранги чаққисини чиқариб, олмаларни сўйиб, емага машғул бўлди. Ошиқ Аҳмаднинг қорни тўйди.

Олманинг сувини сўриб иккисини икки томонга пуркиб ташламакка қаради. Бул сўз бу ерда турсин, энди сўзни кимдан, эшитинг Сайёдхон паридан эшитинг.

Сайёдхон пари қирқ канизи билан тўқсон газ кўшки устида ўлтириб, буни кўриб ўтирган эди. Канизлариға айтти:-Боринглар! Боқقا бир хўжа киши кирди. Ура-ура икки қўлини орқасига боғлаб, бунда келтиринглар,-деди. Нечук бежавоб боқقا кирган у, – деди. Ажаб бўлади- деб, эрмак топмай юрган канизлар, кетишди югуриб. Канизлар етиб борса, бир хўжа киши олмаларнинг еганини ебди, емаганини сувини сўриб қолганини икки ёқقا пуркаб ўтирибди. Дархол канизлар туш- тушидан ушлаб, икки қўлини орқасига қайириб тангдилар. Сайёдхон парининг олдига қараб, ўртага олиб, ҳайдаб борар эрдилар. Сайёдхон пари ҳам кўшкидан пастга тушиб, боғимга нега бежавоб кирдинг?- деб Ошиқ Аҳмадга қараб бир сўз айтиб турибди. Кўринг не деяр экан:

Хўжа киши гуноҳингга қойилсан,  
Нечун тердинг олмаларни боғимнан?  
Кўзларимни жамолина мойилсан,  
Нечун тердинг олмаларни боғимнан?

Ўз ўзингдан қасд айладинг жонингга  
Раҳминг келмас бекларингга – хонингга,  
Буюрсам канизлар бўяр қонингга,  
Нечун тердинг олмаларни боғимнан?

Муҳаммаднинг йўлин гузар этмадинг,  
Бобо сен ўзингга назар этмадинг,  
Қахри – ғазабимдан нечун қўрқмадинг?  
Нечун тердинг олмаларни боғимнан?

Боғбон бўлсам, тар очилган гулингга,  
Така қўйсам соғинг билан сўлингга,  
Хўжа киши тўғри келдинг ўлимга,  
Нечун тердинг олмаларни боғимнан?

Саёдхон пари дер шохи хўбондир,  
Кулиб ўйнамага тили- забондир,  
Урарман- сўкарман хукмим равондир,  
Нечун тердинг олмаларни боғимнан?

Деб бу сўзни айтган вақтда Саёдхон пари айтди:- у юртларда оқ соқолли кишиларни хўжа киши дер эди. Соз қўтарган- одамни шоир дер эди. Ҳа, хўжа киши, боққа кирдинг, олмадан, анордан қорнингни тўйдирдинг, бунда индамадим. Кейин қўйинларингни тўлдирдинг бунда индамадим. Йўқ, унгода қаноат қилмай, югуриб олманинг бошига чиқдинг, тепиб у шохини у ёққа синдирдинг тепиб бу шохини бу ёққа синдирдинг, яна тушиб хирмон этиб уйдинг, бундада индамадим. Еганингни единг, емаганингни икки ёққа жиннидай пуркаб ташлаб ўтирибсан. Менинг балога қолиб мис тунг билан сув орқалаб олиб келиб етган иморатимни нечун вайронладинг, деди. Унда Ошиқ-Аҳмад айтди:-Йўқ Саёдхон пари, менинг сизга арзим бор-деди. Саёдхон пари айтди:-Айт, арзинг бўлса,-деди. Анда Ошиқ-Аҳмад айтди: гуноҳимни кечсанг, айтарман-деди. Саёдхон пари айтди:-Бор кечдим, гуноҳингдан,-деди. Канизларига: -қўлларини ечинглар бобонинг, деди. Канизлар дарҳол унинг қўлларини ечдилар. Ошиқ-Аҳмад айтди:-Эй Саёдхон пари бизнинг юртимизга Озарбайжон- Таракамон юрти –деб от берарлар, бул юртларда олма, анор, писта, бодом ҳар турли мевалар пишиб ётар эрди. Олган олиб еяр, емаган емас, синдирган синдирап, ўчоққа ёқкан –ўчоққа ёқар. Биз бу юртга келиб, билмадик бир туп ёғочнинг минг эгаси борини-деган вақтда Саёдхон пари айтди: -поҳ Хўжа киши! Осмонни еб ерга тушган экансан,-деди.

Эгнингда созинг бордай кўринади, не касби, коринг бор, бобо-деди. Анда Ошиқ –Аҳмад айтди: -Саёдхон қизим! Менинг оз-моз шоирчилигим бор. Анда Саёдхон пари айтди:-Анда Хўжа киши, ол алингга созингни, баланддан чиқар овозингни, алингнинг созин кўрали, гапингнинг тузин кўрали-деди. Ошиқ –Аҳмад: -Ажаб бўлди деди. Ошиқ Аҳмад алина созин олиб Саёдхон парига бир сўз айтиб, қийқириб турибди. Кўринг не жавоб берур экан: Гоҳ форсийлаб, гоҳ туркийлаб, гоҳ арабийлаб ғазал айтиб турибди:

Ошиқ сайлга келмиш боғ орасина,  
Орайиш айладинг будоқи олма.  
Боғ эгаси дегил, боғбон дегилам,  
Истасанг берайин будоқи олма.

Мени қитмир айлаб ёнинга олғил,  
Калпинга йўлдош эт, қопинга солғил,  
Қўша норинг каби сийнанга олғил,  
Кўтарсин бўйнингнан будоқи олма.

Ошиқ Лола дерлар булбоғ дегилгил,  
Жонима ўт салон бул боғ дегилгил,  
Лоланинг истаги бул боғ дегилгил,  
Лоланинг суйдиги будоқи олма.

Ошиқ Аҳмад хато қилма ишингни,  
Ажал савдосига солма бошингни,

Кўзингнан оқизма қонли ёшингни,  
Сел бўлиб иярсин будоқи олма.

Деб, бу сўзни айтиб бўлгандан кейин, Саёдхон пари айтди: Ҳой Хўжа киши!-деди. У юртларда оқ соқолли кишилари хўжа киши, соз кўтарган кишини шоир дер эди. Эй хўжа киши, бул сўзингдан нуқат чиқиб турибди, деди. Бу гапингга ўзинг маъно бер,-деди. Анда Ошиқ-Аҳмад айтди:-Айтувчи аҳмоқ бўлса, тингловчи доно дейдирлар. Айт-дединг айтдим, черт-дединг, чертдим. Маъно берсанг ўзинг беравер-деди. Анда Саёдхон пари айтди: Сен билмасанг, биз биламиз, қат-қат маъно берармиз, ўзимиз, –деди. Анда Ошиқ-Аҳмад айтди:-берсанг-бер, қани эшитайлик-деди. Анда Саёдхон пари:

-Сен айтиб ўтирибсан, “Мени қитмир айлаб ёнингга олғил, деб, Қитмир деб форсий лафзда эчкига айтадилар, қўй-қўзиларнинг орасида эчкидай бўлиб юрмоқ эканда сенинг мақсадинг, яна айтаётисан, қалпинга йўлдош, эт, қопинга солғил, дейсан, қалпи деб форсий лафзда итни айтадилар. Ит бўлиб қопимида ястаниб ётмоққа келган экансан-да. Сенинг хаёлинг, яна айтиб ўтирибсан “Кўша норинг каби синангга олғил”- дейсан. Келар-келмасингдан икки сийнам ўртасига бошингни ташлаб биз билан ачомлашмоққа келибсанда, янада айтиб ўтирибсан, лолангни севдиги будоқи олма, дейсан лола деб қизил бош лафзинда ёш йигитни айтадилар. Мени олмоққа келган ё ўғлинг ё бир ининг борга ўхшайди. Ҳой хўжа киши, ростини айт!- деди. Анда Ошиқ Аҳмад айтди: - Иним ҳам йўқ, ўғлим ҳам йўқ. Айт дединг айтдим, черт дединг, чертдим,- деди. Саёдхон пари айтди: канизларга буюрди, бу хўжани ура-ура ўлдириб ўликларини келтиринг, –деди. Ўтарман- кетарман ҳеч ким эшитмасин буни- деди.

Анда қирқ каниз Ошиқ Аҳмадга тўпилдилар. Ошиқ Аҳмад таёқдан кўркиб:- тўхтаб турсинлар, тўппа- тўғрисини айтаман,- деди. Ажаб бўлади деб, қирқ каниз урмай, тўхтаб турдилар. Ошиқ Аҳмад алина созини олиб, янгалдан Саёдхон парига қараб бир сўз деб, форсийлаб, туркийлаб гоҳ арабийлаб бир сўз айта берди, кўринг не жавоб берар экан:

Бугун сенга бир густоҳлиқ айлайнин,  
Бир неча термишман олма, боғингда.  
Гуноҳкорам гуноҳимни билмасман,  
Бул ғарип жонимни олма боғингда.

Кўзингни мангзатдим олғир лочина,  
Хар бир холинг тегар Чинумочина,  
Муродим бер кирдим боғнинг ичина,  
Парвонадай ўтга солма боғингда.

Сенинг оти – овозангга келмишам,  
Бир ғарипман, хизматингда бўлмишам,  
Гуноҳкорам гуноҳимни билмишам,  
Бу нохақ қонима қолма боғингда.

Ошиқ Аҳмад айтур, шулдур гуноҳим,

Тилагимни бергай зулли – илоҳим,  
Илтимос айлайкўр парилар шоҳим,  
Бул ғарип жонимни олма боғингда.

Деб, бул сўзни айтгандан сўнг Саёдхон пари айтди:- Эй хўжа киши, -  
бу гапингдан нуқат чиқиб турибди. Бу гапингга ўзинг маъно бер,- деди.

Анда Ошиқ Аҳмад айтди: - айт дединг айтдим, черт дединг, чертдим  
маъно, санонгни билмасман, айтувчи аҳмоқ бўлса, тингловчи доно бўлса  
керак, деди. Маъно бературган бўлсанг ўзинг беравер,- деди. Анда Саёдхон  
айтди:- Ҳақиқат берарман маъно, – деди. Берсанг айт, деди Ошиқ Аҳмад.  
Саёдхон пари айтди: - сен айтиб ўтирибсан – “кўзингни мангзатдим олғир  
лочина”, – дейсан. Лекин ул гапинг дуруст. Яна айтиб ўтирибсан – “Ҳар бир  
холинг тегар Чинумочина”, – дейсан. Ҳой хўжа киши!, мен ҳар бир холимни  
Рум шахридан улуғ шаҳар йўқ, шунга ҳам бермасман,- деди. Яна айтиб  
ўтирибсан “ Парвонадек ўтга солма боғингда” – дейсан, парвона деб  
форсийда губалакка айтадилар. Сен бу гапингда бизни “ўт” этиб, ўзингни  
губалак этиб ўтирибсан. Бизнинг фироқимизда куйиб ёниб йўқ бўлмоққа  
келган экансан –да- деб, канизларга қичқирди: Эй канизлар...! бу хўжа  
кишини ура- ура ўлдиринглар, ўлигини келтиринглар. Ўтарман- кечарман  
ҳеч ким билмасин,- деди. Қирқ каниз ҳам олакетди таёқнинг тагига. Ошиқ-  
Аҳмад айтди:-Ҳов! Менини не ётиш бу. Бу ётишимда мени ўлдирадар булар:

мундан қочқан қутилар, турғон тутилар, деб, иргиб еридан туриб олиб  
ҳар канизни бир ёққа зингиб, кўтарди ўкчани. Ошиқ Аҳмад кичик соқолин  
тишлаб, икки этагин чизғаб, “қайдасан боғнинг ичидағи тўнғиртқа” деб бокқа  
қараб қочиб ўта кетди.

Қирқ канизлар ҳам, “қийда-қийди” солиб қувиб бораётир, Ошиқ Аҳмад  
ҳам қочиб бораётир. Шул қочишида қирқ таноб боғни бир айланиб қочди.  
Чиқарга йўл топмади. Ошиқ Аҳмад ҳовлиқиб кетиб, бояги кирган  
тўнғиртқани топмади. Бир маҳаллари Ошиқ Аҳмаднинг кўзига тўнғиртқа  
кўринди. Югуриб келди, тўнғиртқанинг ёнига, қайтадан урди тўнғиртқага  
ўзини, бурун қип-тайлоқ ўтган одам бу сафар қорни тўйған , кўйинлари  
тўлғон калла бети кириб, икки оёғи шиллақлаб ётаберди. Қирқ каниз югуриб  
келиб Ошиқ-Аҳмадни урмоққа киришдилар. Бу ердан ҳам бир ҳийлалар  
билан ҳар канизни бир итариб ташлаб, боғнинг қописи бетга қараб кўтарди  
ўкчани. Ошиқ-Аҳмад қирқ таноб боғни уч айланди. Чиқарға йўл топмади.  
Ошиқ-Аҳмад “ўлдим ўлдим” деган вактда олдидан бир эшик дучакор бўлди.  
Майдонга чиқатурған эшик чиғар” деб кириб бориб қопини тепиб юборди.  
Ул ҳам ўз олдига йигирма таноб юзум боғи экан. Юзум боғнинг ичидаги Ошиқ  
Аҳмад тулкининг қарисидай буқоноқлаб, у ёна чиқди, буқоноқлаб бу ёна  
чиқди. Шул қочиб юрганида юзим боғда бир поя оёғидан илиб кетди. Ошиқ –  
Аҳмад боши ошоқ оёғи юқори бўлиб, дустамон бўлиб йиқилди. Оғзи ер  
қопди қирқ каниз дарҳол югуришиб келиб Ошиқ-Аҳмадни тутиб олиб,  
янгалдан тепкининг остига олавердилар. Бу қирқ канизнинг ичидаги Саёдхон  
парининг Болли каниз, Жаҳон каниз исмли иккита маҳрам канизлари бор эди.  
Болли каниз билан Жаҳон каниз қизларга урманглар,-деди.

Ўзимиз ростини айтдирамиз, дедилар. Ул вақтда канизлар айтди: шунчамиз бўлиб шунча таёқ билан ростини айттира олмагандан, сиз иккингиз нечук ростини айттиражаксизлар? –деди. Болли каниз айтди:-Менинг айтганимни этасизларми, қизлар-деди. Қизлар албатта этамиз, дедилар. Болли каниз айтди: -Агар менинг айтганимни этатурғон бўлсангизлар, ҳар бирингиз иккитадан-иккитадан навқоннинг нартини келтиринг,-деди. Ўзи ҳам буғдой пишиғида кесилған бўлсин, ўзи ҳам сифир қуйруғи бўлиб, етилган бўлсин, ана шунда ўзим хўжа кишига ростини айттираман, –деди. Канизлар ажаб бўлади, деб югуришиб кетиб ҳар бири иккитадан-иккитадан навқон нартини келтирдилар. Болли каниз билан Жаҳон канизлар Ошиқ-Аҳмадни қип-тайлоқ этиб яланғочлади. Чалқончасига ётқизди. Калласини бир канизига бостириди. Оёгини бир канизига бостириб қўйди. Болли каниз жуфтдан чибиқни олиб Ошиқ-Аҳмаднинг қорнининг қоптали билан, сонини тирмаштириб, юпқа ерларининг усти билан тирмаштириб, шарта –шарта ураберди.

Чивикқа Ошиқ Аҳмад чидолмай –“дод ўғлим бор”, “бедод! Ўғлим бор” деб қичқира берди. Қизлар дарҳол уни турғизиб Саёдхон парига олиб жўнадилар. Саёдхон ёнига олиб бордилар. Саёдхон пари айтди: “Не иши бор экан бунинг” ?-деди.

Ўғли бор экан бунинг –дедилар, Саёдхон айтди: -Эй: Хўжа киши! Ўғлинг бормиди? –деди.

Ошиқ Аҳмад айтди: Орий бор бўлса керак,-деди. Эртадан бери не айтмадинг уни,-деди Саёдхон.

Анда Ошиқ Аҳмад айтди:

-Хов Саёдхон пари: -энди айтаверганда бирор нарса бўладими? –деди.

Саёдхон пари айтди: -Тур ўғлингни чақир!- деди.

Ошиқ-Аҳмад: Ажаб бўлади,-деб боғнинг ичига бориб, бир йўғон теракка орқасини бериб, алина созини олиб, аччиғи келиб, ўғли Ҳамроҳонга қараб бир сўз айтиб турибди. Кўринг не жавоб дер экан:

Кел болам сени истарман,

Истагинг боғда экан-боғда.

Бало қазонг мен олайнин,

Саёдхон боғда экан боғда.

Моҳи мунавардир юзи,  
Шириндан шакардир сўзи,  
Маматхон подшонинг қизи,  
Саёдхон боғдадир-боғда.

Ўрдаги бор ғозлар билан,  
Сухбати бор созлар билан,  
Бир бўлакча қизлар билан,  
Саёдхон боғда экан боғда.

Солланиб ёнимга келди,

Келиб мендан хабар олди,  
Отанг шунча иззат күрди,  
Истагинг боғда экан боғда.

Кел Аҳмад уйғил оллоға,  
Юзунг дүндар қиблагоҳа,  
Ҳамро билан киргил боға,  
Саёдхон боғда экан боғда.

Деб, бу сўзни айтиб бўлгандан сўнг, Саёдхон сўради:-Ўғлингни  
кичқирдингми? –деди.

-Орий қичқирдим-деди.

Саёдхон пари айтди:-Агар қичқирган бўлсанг деди, Болли каниз билан  
Жаҳон канизга –боринглар, дарвозани очинглар. Ҳамрожон маҳтал бўлиб,  
дарвозадан киролмай турмасин, деди. Канизлар –ажаб бўлар-деб, Болли  
каниз билан Жаҳон каниз югуриб дарвозага бордилар. Борсалар, Ҳамрожон  
қичқирмоқни айб санаб, кўлида дастали қамчини олиб дарвозани аста –аста  
уриб турган экан. Болли каниз билан Жаҳон каниз бориб дарвозани  
жаранглатиб очиб юбордилар. Ҳамрожонни кўриб Болли каниз билан Жаҳон  
канизнинг, калласи ғувлаб, кўзлари ёшариб, этида қалтиратма пайдо бўлиб,  
бекон бўлиб, ҳайрон бўлиб турабердилар.

Болли каниз айтди:-Ҳай Жаҳон каниз, менинг айтганимни этасанми –  
деди.

-Этайн-деди Жаҳон каниз.

Агар этар бўлсанг, бунингдай ўғлон оламга келмас, буни кўрган ҳам  
армонда, кўрмаган ҳам армонда. Буни бир оқшом олиб қолиб суҳбатлашиб,  
завқ –сафо суриб, дунёдан беармон бўлармиз. Буни форсий тиллар билан,  
арабий тиллар билан қўрқитсак, шунда қолар, деди. Ул вақтда Болли каниз  
алина созини олиб, Ҳамрожонга қараб бир сўз айтиб қўрқитмоқчи бўлиб,  
турган экан. Қани не деб турган экан:

Бул боғнинг сайёди қўпдир,  
Овлаюрлар ўғлон сени.  
Ушбу чаманлар ичинда,  
Кувлаюрлар ўғлон сени.

Менинг бу пандимни олсанг,  
Оқ қўлинг бўйнимга солсанг.  
Адаб билан бўса берсанг,  
Кулдираман ўғлон сени.

Кетабер келган йўлингга,  
Қарама соғу сўлингга,  
Тўғри келибсан ўлима,  
Ўлтиурман ўғлон сени.

Сўзимни десам Жаҳона,

Фаҳм айла яхши- ёмона,  
Саҳар вақти бу зиндана,  
Солдиарман ўғлон сени.

Отим каниз Болли- Жаҳон,  
Йўқдир бу сўзимда ёлон,  
Мамат хона ҳализамон,  
Билдиарман ўғлон сени.

Деб сўзни айтган вақтда Ҳамроҷон ҳам, канизлар қўнглиниңг юмшаганини билди ва кел буларнинг ҳам кўнглига тегмайин, буларга қараб бир давр соз, бир давр сўз айтсам тушунмасмиканлар?- деб, алина созини олиб, Болли каниз, Жаҳон канизларга қараб бир сўз айтиб, турган экан, кўринг не дер экан:

Бир қиз билан бир келиннинг,  
Зулфи ёноқина тушар.  
Тақиниб ҳайкал туморин,  
Ҳардам қучоғина тушар.

Алларин бўёб хинадан,  
Фарқ этиб бўлмас сўнадан,  
Айрилган ота- онадан,  
Жаннатнинг боғина тушар.

Ёлғиз бошим қолди дарда,  
Ақлу – хуш қолмади сарда,  
Мұҳабbat бўлмас ёт ерда,  
Ёрнинг ўтоғина тушар.

Дали қўнглим қайнаб жўшмас,  
Ишқнинг ўтига туташмас,  
Ҳамро ўзга ёрга жўшмас,  
Ёрнинг ўтоғина тушар.

Деб, бу сўзни айтган вақтда, канизлар айтди:- Ҳамроҷон кўп ёмон ўғлон экан. Саёдхоннинг ёнига борсак унга ёмонлаб, бизга кўп таёқ едирад, шу сабабдан сир билдирамай, отининг икки жиловидан иккимиз ушлайлик, Саёдхонга ҳеч нарса билмаган кишидай бўлиб олиб барайлик – деб, йўлга равона бўлдилар.

Боратуриб канизлар ўйландилар:

Бизлар Ҳамроҷондан бир жуфт, бир жуфт бўса олармиз десак, Ҳамроҷон бизларнинг айтганимизни этмайтурган бўлдиёв,- деб Болли каниз билан Жаҳон каниз унинг отининг жиловидан ушлаб кетавердилар. Болли каниз айтди:- мен яхшиман- деди. Жаҳон каниз айтади- мен яхшиман – деди. Иккиси жиққа- жиқ эжашабердилар.

Анда Болли каниз айтди: -Ай Жаҳон каниз! Бизларнинг қайсимиз яхши, қайсимиз ёмон эканлигини Ҳамроҷон айтиб берсин,-деди. Ҳамроҷон-ажаб

бўлар-деди. Анда Болли каниз айтди:-Эй Ҳамрожон! Ол алинга созингни, баланддан чиқар овозингни, алингнинг созин кўрали, гапингнинг тузин кўрали,-деди. Ҳамрожон! –Ажаб бўлар-деб, алина созини олиб, канизларга қараб бир сўз айтиб турибди. Бу канизларнинг бирори қиз эди. Бирори келин эди. Қизнинг ҳам, келиннинг ҳам кўнглига тегмайин-деб иккисини ҳам хушомадлай берди. Кўринг не деган экан:

Бир қиз билан бир келиннинг баҳси бор,  
Келин айтар ёшилим бор, олим бор,  
Шаҳду-шаккар қайнар оғзим ичинда,  
Лабларимда кўп покиза болим бор.

Қиз ҳам айтар мангзамишам энама,  
Хинжи-маржон тақинибман сийнама,  
Ал узатма, оғритарсан, қўлима,  
Яноқимда даста-даста гулим бор.

Келин айтар мен ростимни деярман,  
Мазгилимга қанду-новвот еярман,  
Соқолсиз-муртсиз ўғлон сурман,  
Ҳар кечада минг туманлик нозим бор.

Қиз ҳам айтар манга олам йиқилур,  
Олтин-қубба, ҳайкал, тумор тоқилур.  
Истамбулда қўшки айвон ёпилур,  
Хон олдида Хунхордайин тилим бор.

Келин айтар, келинларнинг бошиман,  
Сўм билазук, олтин юзук қошиман,  
Ҳелам бўлса сендай қиздан яхшиман,  
Қиз сўйлама, бир кечалик ҳолинг бор.

Ҳамро айтар: сиз ҳам, биз ҳам ўлармиз,  
Ошиқликда қўл бўйнина солармиз,  
Биз кетганда сизлар бунда қоларсиз,  
Мен қўрқарман айрилиқ бор, ўлим бор!

Деб, бу сўзни айтгандан кейин қизнинг вақти хуш бўлди, келиннинг ҳам вақти хуш бўлди. Саёдхон парининг қўшкига қараб олиб боравердилар. Бир неча манзил йўл юриб, Саёдхоннинг қўшкига етиб бордилар. Саёдхон пари ҳам қўшкининг олдида шосупанинг устида олтиндан-кумушдан, зарваракдан ранг берилган каровотнинг устида ўтириб, эрди.

Саёдхон Ҳамрожонни кўриб, иргиб еридан туриб, Ҳамрожонга қараб бир минг ноз, тўқсон минг жилва, ўттиз икки минг ғамза билан эгилиб, бир таъзим берди. Мисоли ой таъзим бергандай бўлди. Саёдхон пари Ошиқ Аҳмадга қийғирди. Ҳой хўжа киши! Шуми ўғлинг?-деди.

Анда Ошиқ Аҳмад:-Орий шул бўлса карак,-деди. Саёдхон пари:-Соз биларми ўғлинг?-деди.

Ошиқ Аҳмад айтди: - Оз-моз билар,-деди. Саёдхон пари айтди:-Сўз биларми?-деди. Ошиқ Аҳмад айтди:-Кам-кам билар-деди. Анда Саёдхон пари айтди: -Унда ўғлинг бизга бир давр соз, бир давр сўз айтиб берсин,-деди. Алиниңг созин кўрали, гапининг тузин кўрали деди. Анда Ошиқ Аҳмад айтди:-Ажаб бўлар,-деди. Ҳамроҳонга қийғирди:-Ҳой, Ҳамроҳон! Ўғлим! Ол алинга созингни, баланддан чиқар овозингни. Саёдхон парига қараб бир давр соз, бир давр сўз айтиб бер, ўғлим!-деди.

Ҳамроҳон айтди: ажаб бўлар-деди. Анда Ошиқ Аҳмад айтди: -Эй ўғлим Ҳамроҳон-деди. -Ҳа не гап ота!-деди, Ҳамроҳон.

-Айтсанг хабардор бўлиб айт, ўғлим,-деди, Ошиқ Аҳмад.

-Ҳа нечун?-деди Ҳамроҳон.

Анда Ошиқ Аҳмад айтди:

Бу ноинсоф қизнинг “нуқат”-деб тутаверадиган бир жанжали бор,-деди. Анда Ҳамроҳон айтди:-Ҳой ота! Мен нуқат-пуқатни билмасман, “айт” деса аитарман, “черт” деса чертарман,-деди. Анда Саёдхон айтди:-Айт Ҳамроҳон! -деди. Ҳамроҳон:-Ажаб бўлади,-деб алина созин олиб гоҳ форсийлаб, гоҳ туркийлаб, гоҳ арабийлаб бир сўз айтаберди, кўринг не жавоб дер экан:

Ночор боға кирдим боғбон дуймади,  
Кўзларим соташди ёр олмасина,  
Гуноҳкорам гуноҳимни билмасман,  
Ал узатсам етмас ёр олмасина.

Қалпи бўлур зулфинг бўёки найлар,  
Ҳар сапалар зулфинг бўёки найлар,  
Мушкилга пол бўлди бўёки найлар,  
Шоҳдек муродим бор ёр олмасина.

Булбулни маскани боғ яхши керак,  
Мудом бағрим боши мор яхши керак,  
Жами ошиғларга ёр яхши керак,  
Ёр кўнглим йифибман ёр олмасина

Бир ёрим бор фалак санго бермасман,  
Сенингдек кимсага санго бермасман,  
Бас бу дам ёр дейиб санго бермасман,  
Ёр кўнглим йифибман ёр олмасина.

Деб, бул сўзни айтгандан сўнг Саёдхон, пари айтди:

-Эй Ҳамроҳон!-деди бу сўзингдан нуқат чиқиб турибди, деди, бу сўзинга ўзинг маъно бер, деди, ул вақтда Ҳамроҳон айтди:-Саёдхон пари! Мен “айт” дединг айтдим, “черт” дединг чертдим.

Маъно-санонгни билмасман,-деди. Анда Саёдхон пари айтди:- бу ноинсофнинг ўғли отасидан ҳам қайсар эканов деди, сен билмасанг ҳам мен

билиб ўлтирибман, деди. Ҳамрожон айтди: Айтувчи аҳмоқ бўлса, тингловчи доно бўлиши керак, ўзинг маъно беракол, деди. Анда Саёдхон пари айтди:

“Шоҳдек муродим бор ёр олмасина” деб ўлтирибсан, “шоҳ” деганинг бир кўкча қуш бўлар, олма пишгунча сайрайди, олма пишгандан сўнг чундигини олмага суқади, олма чириб сарф бўлади, ўзи ҳам ўлиб йўқ бўлади.

Бу гапингда бизни олма этиб ўлтирибсан, ўзингни эса шоҳ қуш этиб ўлтирибсан.

Бизни ўлдириб йўқ этмоқ эканда сенинг муродинг. Эй канизлар! Йигирмангиз отасини, йигирмангиз ўғлини ура-ура ўлдирингиз, ўликларини капдирингиз, ўтарман-кечарман ҳеч ким кўрмасин, деди. Ажаб бўлади, –деб, қирқ канизнинг йигирмаси отасини, йигирмаси ўғлини ётириб таёқнинг тагига олмоққа қаради. Ошиқ-Аҳмад бу ишга ўрганишган қизлар урган сайин ҳаз этиб ётиби. Хабарни энди кимдан сўранг, Ҳамрожондан сўранг. Ҳамрожон таёқнинг ваҳмидан қўрқиб, алина созин олиб, канизларга қараб ялиниб –ёлвориб бир сўз айтиб йиғлаб ўлтирибди, қўринг не жавоб дер экан:

Оғалар қоши қоранинг,  
Дод алиндан, дод алиндан.  
Сиё зулфи чор поранинг,  
Дод алиндан, дод алиндан.

Қоши қўзи сузиклининг,  
Ўн бармоғи юзуклининг,  
Аллари билак юзуклининг,  
Дод алиндан, дод алиндан,

Қиё-қиё боқишлининг,  
Жоним ўтқа ёқишлининг,  
Ўн бармоғи нақишлининг,  
Дод алиндан, дод алиндан.

Қоғоздан юпқа юзлининг,  
Шириндан шакар сўзлининг,  
Дол бўйи жайрон кўзлининг,  
Дод алиндан, дод алиндан.

Ошиқликнинг дарори йўқ,  
Бир сўзинда турари йўқ,  
Саёдхоннинг оёри йўқ,  
Дод алиндан, дод алиндан.

Нори пишибдир боғининг,  
Майи туканмас соқийнинг,  
Ҳамро деяр, шу ёғининг,  
Дод алиндан, дод алиндан.

Деб бу сўзни айтган вақтда Саёдхон Ҳамрожоннинг йиғлаб ўлтирганига раҳми келиб:

Хой ноинсоф канизлар! Ҳамрожоннинг гуноҳини тиласанглар бўлмайдими, деди. Анда канизлар айтди, гуноҳини тилайдирган бўлсангиз нега урдириб ўтирибсиз дедилар. Анда Саёдхон пари айтди: Сўнгинда бул ҳам отасидай сўзни ёмонга қочирмасин, деб кўзинни ўтини олайн деб калтаклатдим, деди.

Анда канизлар айтди: Ҳамрожоннинг гуноҳларини ҳаммамиз тиладик, деди. Ажаб бўлади деб, -Саёдхон пари Ҳамрожоннинг гуноҳини ўтиб Ҳамрожонни ёнига олиб келиб каровотнинг устида ўтиргизиб, Ошиқ Аҳмадга қичқирди: Ҳай хўжа киши, Ино бу канизни ол, деб Саёдхон пари бир канизни Ошиқ Аҳмадга қўлини ушлатиб юбораверди. Бор хўжа киши тилла-пўш саройфа бор, кир-чирингни ювдир, қўлингдан келса қайшаланг-қийшаланг ҳам этавер, ноинсоф деди. Ажаб бўлади –деб, Ошиқ Аҳмад канизни тилла пўш саройифа равона бўлди. Ошиқ Аҳмад ётаберсин, сўзни кимдан эшитинг, Саёдхон пари билан Ҳамрожондан эшитинг. Кўлларини бўйнига илишиб муҳаббат бўсалар олиб солланана-мастона тилла пўш саройифа қараб юришдилар. Эл миннаатдор бўлса борайин, ернинг қаймоғин бузмайин деб, ноз билан жилва билан тилла пўш саройифа бордилар.

Кўрса, бир саройнинг ўн тўрт жойига устун ўрнатилган, баланддан бостирилган зарнигор, нақшу нигор шамлар ўрнатилган. Ҳамрожон қараб турса, уни Саёдхон қозонча қайнаб турган, самоварлар ҳаллослаб турган, қандиллар шуъла бериб турган бир жойга олиб борди.

Саёдхон пари айтди: -Эй Ҳамрожон, эртадан бери созингни, сўзингни не деганингни билганим йўқ.

Менга шу ерда қўлга олсанг созингни, баланд чиқарсанг овозингни. Алингнинг созини кўрсак, гапингнинг тузини кўрсак, нечук бўлар экан Ҳамрожон- деди. Анда Ҳамрожон ажаб бўлади, деб ноинсофнинг қизини хушомадлаб, ялиниб-ёлвориб кўрайин, деб алина созини олиб Саёдхон парига қараб бир сўз айтди. Кўринг не деган экан:

Бир салотин бўйли сарви санобар,  
Лабларингда ширин шакар бол бўлсин.  
Қаддинг гула мангзар, қоматинг ар-ар,  
Чаманлар ичинда бўйинг хол бўлсин.

Сурма чекилибдур шул қаро кўзга,  
Ёrim, ёшинг еткай эллига, юзга,  
Не ёздим янгилдим тақдирим сизга,  
Бир ғализ сўз айтсам тилим лол бўлсин.

Богингда очилур ранг баранг гуллар,  
Шохасинда сайрап шайдо булбуллар,  
Гоҳ ёнар, гоҳ куяр хизматкор қуллар,  
Кеча кундиз хизматингда бор бўлсин.

Менинг ёрим келан кула-куложа,  
Кирқ канизи билан била-келажа,  
Эйнинг ярошур яшил гиянжа,  
Кийдигингиз ёшил бўлсин, ол бўлсин.

Менинг ёрим кияр зарбоб-даройи,  
Жойи жаннат экан, кўшки –саройи,  
Ҳамрожон дер: оёқинда ду пойи,  
Сағри кавуш, олтин-кумуш нал бўлсин.

Деб бул сўзни айтган вақтда Саёдхоннинг вақти хуш бўлиб, Ҳамрожонга қараб, қийшанглаб, кулиб қўя берди. Ҳамрожон билан Саёдхон пари тилла пўш саройнинг ичинда базми давронга машғул бўлабердилар.

Энди сўзни кимдан эшитинг Ошиқ Аҳмад билан бояги каниздан эшитинг. Ошиқ-Аҳмад тўққиз кеча –кундуз ётди. Ахири ўйланди:-Хов, менга бу не ётиш, деб иргиб еридан туриб, Саёдхон парининг кўшкига қараб равона бўлди. Бир дамда Саёдхоннинг кўшкига етиб келди. Ошиқ-Аҳмад келиб, Саёдхон паридан жавоб сўради, Саёдхон пари ҳам жавоб берди. Саёдхон пари айтди:-Эй, хўжа киши: ўғлингни олиб кетармисан ёки ташлаб кетармисан,-деди.

Анда Ошиқ Аҳмад айтди: -Олиб кетарман ўғлимни –деди.

Саёдхон пари айтди:-Агар олиб кетатурғон бўлсанг уни нега олиб келдинг-деди. Ундай бўлса мен изида доф бўлиб қолаберарканман-да-деди.

Анда Ошиқ-Аҳмад айтди:-Эй Саёдхон пари! Менинг ўғлимнинг сабабидан неча бир элларда, неча бир юртларда неча бир қизлар, неча бир келинлар доф-доф бўлиб қолғондир, сен ким бўлибсан,-деди. Анда Саёдхон пари айтди: -Хов хўжа киши, ҳали биз ҳам шулардай доф бўлиб қолаберадиганми,-деди. Анда Ошиқ Аҳмад айтди: Ховва! Саёдхон пари!

Доф бўлиб қоладиганнинг аввал боши сенсан,-деди. Йўқ-деб Саёдхон пари-йиғлаб, ёлвориб, ялиниб ўғлингни ташлаб кет!-деб хўжа кишининг олдига тушиб ётаверди.

Анда Ошиқ Аҳмад айтди:-Кел энди сен кўп-кўп ялинавердинг, чўх-чўх ёлборавердинг, ўғлимни ташласам ташлаб кетарманда-деди.

Саёдхон пари ундан вақти хуш бўлиб, қуллуқ айтиб, таъзим бериб ўтириди. Саёдхон пари отларини эгарлаб Ошиқ Аҳмадга тайёрлаб берди ва хонасидан бир хуржин тилла тўлдириб, уни ҳам отларга ортиб берди.

Ошиқ Аҳмад икки отига икки хуржин тиллани ортиб Рум шахридан чиқиб Озарбайжон Таракомон юрти қайдасан, деб йўлга тушиб равона бўлди.

Саёдхон пари, хўжа кишини узатиб Рум шахрининг кун ботар тарафи тўқай эди. Шу тўқайдан ўтказиб, хайр- хўш, деб қолаберди.

Энди хабарни кимдан сўранг, Ошиқ Аҳмаддан сўранг. Тўқайистонни оралаб кетиб бораётиб эди. Қараса, бир сарховуз бўйига йўлиқди. Бир хуш хаво, дам олмоға қойим жой –деб, отдан тушиб, кел шунча кундан бери хориб-чарчаб юрибман, кун ҳам кун ўрта бўлди. Бир соатгина ором олайин деган, хаёл пайдо бўлиб, отларини соя ерга қантариб ташлаб, Ошиқ Аҳмад

сарховуз бошида соянинг қуюқ ерида чакманини қия ёпиниб хурраги дуд фалакка чиқиб ухлаб қолаверди.

Ошиқ Аҳмад ётаверсин, хабарни кимдан эшитинг қоровуллардан эшитинг. Маматхон подшонинг тўқайни сақлаб ётган қирқ барзанги қоравули бор эди. Бу Ошиқ Аҳмад ётган сарховуз шу қоравулларнинг тушда дам олатурған манзилгоҳи эди. Бул қоровуллар тушлайлик деб, от чопишиб, сарховуз бошига келдилар, кўрсалар сарховуз бошида икки от қантарилиб турибди. Ҳар отнинг орқасида бир-хуржин бир-хуржун қизил тилла бўқтарилган. Қараса шосупанинг устида, сарховуз бошида бир хўжа киши парвойи палак ухлаб ётибди. Анда қоровулларнинг саркардаси айтди: -Ана холос йигитлар! Бизларнинг кўқдан тилаганимизни ердан бердов бу. Подшонинг хазинасини тешиб, ухлаб ётган ўғри ҳақиқат шул экан,-деди. Қоровулларнинг саркардаси айтди: Шу ётган ерида икки қўлини орқасига танғиб, Маматхон подшога олиб борайлик! Подшодан кўп-кўп инъомлар олармиз, подшомизнинг ўзи дорга чекиб ўлдирап деб, Ошиқ-Аҳмадни ётган ерида икки қўлини орқасига қайриб тангдилар.

Қоровулларнинг саркардаси уни уйғотмоқчи бўлиб калласига қамчи билан туртиб-туртиб юборди. Ошиқ-Аҳмад жон-ҳавулжон кўзини очиб кўрса, устида қирқ барзанги қоровулнинг турганини кўрди. Буни кўриб Ошиқ Аҳмаднинг юраги ёрилиб кетди. Водариг, сардориға: менинг ўлигимни еган қаргалар бу юртларда турмайдиган бўлдов-деб, барзангиларнинг ўртасига тушиб йиғлаб кетаверди. Ошиқ Аҳмад икки қўли тангувли бир неча манзил йўл юрди. Бир неча манзил чўл юрди.

Ошиқ Аҳмад бораётиб тўрт тарафга боқиб кўрса, осмонда беш турна Озарбайжон-Таракамон юртига қараб ўтиб бораётир. Ошиқ Аҳмаднинг кўнгли бузилиб элини-юртини, Гулширин деган ёрини соғиниб, уларга салом айтиб, али боғли, алинда сози бўлмасада тилинда сўзи, бир сўз айтиб йиғлаб бораётир экан. Кўринг не деб жавоб берар экан:

Кўқдан учған бўлак-бўлак турналар,  
Арзи ҳолим севар ёра дегайсан!  
Йиғлайиб кечирдим моҳи-солимни,  
Йиғлайиб- йиғлайиб қолди дегайсан!

Ёмон йўлда юрган тангридан топар,  
Тонгла бир кун яна аросат қўпор,  
Турна менинг саломимни сен етири,  
Ошиқ-Аҳмад дўстинг қолди дегайсан!

Барзангилар боғладилар қўлимни,  
Шоҳимардон банд айлади йўлимни,  
Кимга айтай буқун ўлар ҳолимни,  
Йиғлайиб-йиғлайиб қолди дегайсан!

Ёр кўзима Озарбайжон кўринур,  
Бағрим боши тилим-тилим бўлинур.

Салом етказакўр ёrim Шириндур,  
Ошиқ Аҳмад дўстинг қолди дегайсан!

Ошиқ-Аҳмад ошиқлиқнинг йўлинда,  
Сўналар ғарқ ураг чашмим қўлинда,  
Банда бўлдим барзангилар қўлинда,  
Ошиқ-Аҳмад дўстинг ўлди дегайсан!

Деб, бу сўзни айтган вақтда, бу жой турналарнинг тушиб, дам олиб ўтатурган манзилгоҳи эди. Барзангилар бу турналарнинг Ошиқ-Аҳмад сўзи билан бу сарховуз бўйига тушаётганларини кўриб, қўрқиб юраклари ёрилиб-ҳов! ноинсофлар, бул бир хўжа киши ўхшайди, бир оғиз сўз билан учиб бораётирган турналарни ерга қўндириди, ёздиринглар ноинсофлар қўлларини деди, барзангиларнинг саркардаси. Қоровуллардан яна одам бошидан икки танга йифнаб олиб, Ошиқ Аҳмадга бердилар ҳамда Ошиқ Аҳмадни Озарбайжон йўлига солиб қолавердилар.

Ана эндиғи сўзни кимдан эшитинг, Ошиқ Аҳмаддан эшитинг. Шул юришига бир неча кун йўл юриб, бир неча кун чўл юриб, кунлардан бир кун Озарбайжон юртига етишди. Ўз уйига бориб Гулширинжон кампирига қовушиб вақти хуш бўлиб, шул ерда қарор топиб ёта берсин. Эндиғи гапни кимдан сўранг, Саёдхондан сўранг. Саёдхон парининг бир дўсти бор эди. Ул ҳам бўлса Гуржистон подшосининг қизи эди.

Отига Маликахон деб от берарлар эди. Маликахон эшитди, Саёдхон пари дўстларининг ёнига Озарбайжон – Таракамон юртидан бир ажойиб ўғлон келиб, бир неча кунлардан бери базми-сухбат қуриб ётган эмиш – деб. Саёдхон парининг боғини қараб, ўн икки канизларини эргаштириб йўлга равона бўлдилар. Бир неча мазгил йўл юриб, Саёдхон парининг боғига етишдилар.

Дарвозадан кириб келабердилар. Хабарни кимдан сўранг, Ҳамроҳондан сўранг.

Ҳамроҳон боғнинг ичидагул териб ўйнаб юриб эрди. Ҳамроҳон бул ўн икки канизни кўриб ҳайрон бўлди. Назар солиб қараб турса ўзининг юртида қолган ўз ёри Салбиниёзга ўхшаган қизлар экан. Ҳамроҳон шунда алина созини олиб, Гуржистон подшосининг қизи Маликахонга қараб бир сўз айтиб турибди. Кўринг не дер экан:

Эй ёронлар мусулмонлар,  
Бугун бизга жон йўлиқди.  
Бизнинг сари қадам босиб,  
Кўзлари мастан йўлиқди.

Уйдан чиқар гул-гул кийиб,  
Хол устинага холлар қўйиб,  
Қарқарани эгри қўйиб,  
Жиғоси ларзон йўлиқди.

Бу боғларнинг гул-лоласи,

Чўл даштининг ғузоласи,  
Шириннинг оҳу-ноласи,  
Сарви хиромон йўлиқди.

Уйдан чиқар қумғон олиб,  
Икки бўйи гул-гун ёниб,  
Қарчигайдай хиёлланиб,  
Дардима дармон йўлиқди.

Ҳамро айтар шикастаман,  
Орий бўйинга бас таман,  
Ўлгунча санго хастаман,  
Дардима дармон йўлиқди.

Бу сўзни айтгандан сўнг, канизлар Саёдхон парининг тилла пўш қўшкига қараб йўлға равона бўлдилар. Бир неча манзил йўл юриб, Саёдхоннинг тилла пўш саройига кириб бордилар. Саёдхон пари ҳам қирқ канизи билан базми-давронга машғул бўлиб ўтириб эди.

Гуржистон подшосининг қизи Маликахон дўсти ҳам ўн икки канизлари бирлан Саёдхон дўстининг олдиға кириб бордилар. Тилла пўш саройининг ичи эллик икки каниз саройга киргандан сўнг, қирқинчи қандил ёққандай шуъла бериб қўя берди. Ул вақтда малика Саёдхондан паридан сўради. -Эй дўстим Саёдхон! Сизнинг ёнингизда бир ажойиб ўғлон бор эмиш деб эшидик. Бизлар шуни кўришга келдик. Чақирсанг нечук бўлар экан?-деди. Анда Саёдхон пари айтди: -Ажаб бўлар-деди. Боғда ўйнаб юрган Ҳамрожонга бир канизни югуртириб юбориб:-бор, Ҳамрожонни олиб кел! – деди. –Ажаб бўлади-деб, ул каниз Ҳамрожонга айтди:-Юр Ҳамрожон! Сизни Саёдхон пари чақирадир, деди. –Ажаб бўлади-деб, Ҳамрожон тилла пўш саройга етиб келди. Анда Саёдхон айтди:-Эй Ҳамрожон: шул дўстим Маликахонга бир давр соз, бир давр сўз айтиб берсанг, нечук бўлар экан,-деди. Ҳамрожон қизлар билан чой олишиб, ичишиб, Гуржистон подшосининг қизи –Маликахонга кўзи қизиб ўзи бир сўз айтишнинг иложини топмай ўтирган эди. Саёдхон парининг бул сўзи Ҳамрожонга маъқул тушиб тураберди. Ҳамрожон бечора жўшиб кетиб, алина созини олиб, Маликахон билан ўн икки канизларига қараб, бир сўз айтиб турибди.. Кўринг не жавоб айтар экан:

Бир салотин бўйли саллониб келан,  
Кўзимга соташди холи гуржининг.  
Кўрган ошиқ ақли-хушин етиран,  
Ҳасрати жонимда қолди гуржининг.

Боғчасидан шайдо булбул ўтишмас,  
Оҳ чекарман нолам ёра етишмас,  
Дардим чўхдир дармон алима тушмас,  
Кечар эграмчидан бели гуржининг.

Кийдиги ёшилдир ўртиги ола,  
Қадди гула мангзар лаблари бола,  
Бўйи Салбига мангзар қомати дола,  
Тили турки дегил, тили гуржининг.

Пирим Шоҳимардон даврон ўстирмиш,  
Алмудом ёр дейиб фарёда бермиш,  
Боди сабо зулфин эгнида бўлмиш,  
Тўкилар тўрт ёна тали гуржининг.

Ошиқ Ҳамро гулин терсам боғининг,  
Тўйиб ичсам пиёласин соғининг,  
Кезсам қописинда ёр ўтоғининг,  
Мен бўлсам ходими қули гуржининг.

Деб, бул сўзни айтган вақтда Саёдхон парининг қўкрагида бир хаёл пайдо бўлди.

Бул Ҳамроҳон айтиб ўтирибди:-Кийдиги ёшилдир “ўртиги ола”, яна айтиб ўтирибди: “Бўйи Салбига мангзар, қомати дола”-деб. Ҳамроҳоннинг юртида қолган бир Салби деган ёри борга ўхшайди-ов-деб гумон этиб қолаберди. Эртаси чошгоҳ вақтига яқинлашганда Саёдхон парининг дўсти-Малика ўзининг ўн икки канизлари билан, дўстидан жавоб олиб ўз қўшки саройига қараб йўлга тушиб равона бўлиб кетавердилар. Энди бул сўз бу ерда тураверсин, эндиgi сўзни Саёдхон паридан эшитинг. Саёдхон пари айтди: -Эй Ҳамроҳон: Юр иккимиз сарҳовуз бошига бориб боғларимизда сайр этиб, вақтимизни хуш этиб бир сайр этиб қайтали-деди. Анда Ҳамроҳон ажаб бўлади-деб, ирғиб еридан туриб, Саёдхон парининг бўйнига қўлларини солиб, Тилла пўш саройдан чиқиб, сарҳовуз бошига қараб йўлга тушдилар. Булар сарҳовуз бошига етишдилар. Саёдхон парининг сарҳовузида юрган бир бўлак сўналари бор эрди. Ул юртда сўна –дер эдилар. Бул юртда ўрдак – дер эдилар. Саёдхон пари айтди:-Эй Ҳамроҳон! Ол алинга созингни, баланд чиқар овозингни, бизнинг шул турган сўналарни бир таъриф этиб берсанг нечук бўлар экан?-деди.

Ҳамроҳон айтди:-Ажаб бўлади,-деди. Ҳамроҳон алина созини олиб, сўналарга қараб бир сўз айтиб турган ўхшайди. Кўринг не жавоб айтар экан:

Келар эрдим ёшил боша ўградим,  
Сўна бизни кўриб юрмага тушди.  
Ўзини чўмдириб дарё тубина,  
Эграмча парларин тузмага тушди.

Истар эрдим ўзим изидан отам,  
Алимни узатиб саридан тутам,  
Бир хаёл айладим тош билан отам,  
Олиб қаламларин ёзмага тушди.

Сўна бизни кўриб чекди қироғо,

Кўзим ёша тўлди, кўнглим фироға,  
Салбидан айрилиб тушдим йироғо,  
Тўзмаган кўнглимиз иззага тушди.

Ўпар эдим оқ юзининг холидан,  
Эмар эдим лабларининг болидан,  
Айро тушдим Салбижоннинг элидан,  
Кўнглим талвас этти, кезмага тушди.

Ошиқ Ҳамро қурбон бўлсам-ўзина,  
Танишганда жон эмранар сўзина,  
Ҳинжу-маржон тақинибdir юзина,  
Ёр хумор кўзларин суzmага тушди.

Деб, бул сўзни айтган вақтда, Саёдхоннинг аччиғи келди: Гуржистон подшосининг қизи-Маликахон келган вақтда, Салби-деган гапни қўзғаган эди. Бул сафар ҳам Салбидан айрилиб тушдим “йироғо” –деб ўтирибди. Бунинг Салби деган ёрининг борлиги рост бўлди-деб Саёдхон пари Ҳамроҷон билан сўзлашмасдан аччиғи келиб, қаҳр этиб иргиб еридан турдида, кўшкига қараб ўта кетди. Энди хабарди кимдан сўранг, Ҳамроҷондан сўранг. Ҳамроҷон ҳам бир соат ўтирди, икки соат ўтирди. Ҳамроҷон айтди:- Меники бу не ўлтириш, -деди. Кел, бунинг изидан борайин, бунинг билан янгалдан сўзлашайин,-деб, иргиб еридан туриб, Саёдхон парининг кейнидан йўлга тушиб, равона бўлди. Саёдхон парининг тилла пўш саройига кириб, бу ерда ҳам бир соат-икки соат ўтирди. Сўзлаша олмади.

Ахири Саёдхон парининг қарори чидамади. –Эй Ҳамроҷон!-деди. Нечун сен Гуржистон подшосининг қизи –Маликахон дўстим келганида ҳам айтиб эдинг-ки: “Салбидан айрилиб тушдим йироға”-деб, бул сафар ҳам айтиб ўтирибсан?- сенинг ўз юрtingда Салби отли ёринг бор экан. “йироқ” деб узоқ йўлни айтадилар. Агар мен бурундан сенинг Салби отли ёрингнинг борлигини билганимда сенга бунчалик кўнгул бермас эдим. Энди агар отам иккимизнинг бу боғда бўлиб ётганимизни била қўйса, иккимизни ҳам дорга чекиб ўлдиради. Ҳамроҷон: нечун сен айтмадинг, Салби ёрингнинг борлигини, мен сенга бекорга кўнгул берган эканман,-деди Саёдхон пари. Анда Саёдхон парига Ҳамроҷон айтди:-Эй Саёдхон пари! Менинг ҳам сенингдай бўлмаса-да ҳар ҳолда қирқ танобдай боғим бор, сарховузим бор. Кув ва ғозим бор, Сарховуз бўйида бир “Сарви” деган дараҳтим ҳам бор. Шу дараҳтим ёдимга тушиб кетиб-сарви-деганим турур. Унда не бўлибди?-деди. Мен лекин Салби деб айтмадим-деди. Саёдхон айтди:-Айттинг, деди. Ҳамроҷон –Айтмадим,-деди.

Бул “айтмадим”-деди. Ул “айттинг”-деди. Иккиси “ҳингда-ҳингқ” бўлдилар. Саёдхон пари айтди: Шул Салби демаганинг учун онт ичармисан, Ҳамроҷон?-деди.

Ҳамроҷон айтди:-Ўзимнинг юртимнинг онтини берсанг ичарман деди. Анда Саёдхон пари айтди: Сизнинг юртники нечук бўлар?-деди.

Ҳамрожон айтди: бу ноинсофнинг қизини бир алдайин,-деди. Ана бизнинг юртнинг онти бунингдай бўлар-деди:

“Ул таёфи: бул таёфи иккимизгада теккан шул таёфи”-деди. Анда Саёдхон пари айтди: Паҳ, Ҳамрожон: Шундан ҳам онт ичган бўлами, деди. Ҳамрожон айтди:-Бизнинг юртларда буни “чўпон онти” –деб от берадилар-деди. Саёдхон пари айтди:-дуруст чиқар,-деди. Қиз бу сўзга инонди. Ундан сўнг орага канизлари тушиб:-Эй Саёдхон пари: Сизнинг тарлон қушларингиз бор, жайрон қушларингиз бор, каклик қушларингиз бор, ана шуларни бир-бир келтириб, Ҳамрожонга таъриф эттириб кўринг.

Буларни тарифлагандада Салби-деяберса, сиз туриング боши учинда, бизлар турайлиқ оёқ учинда, ура-ура ўлдирайлик ўликларини келтирайлик, ўтарман-кечарман, ҳеч ким эшитмасин буни,-деди.

Бул сўз Саёдхонга маъқул тушиб, бир ерда сақлаб қўйган тарлон –деган бир қуши бор эди. Бул юртда тарлон-дейди. Ул юртда қарчиғай-дейди. Эй Ҳамрожон:-деди, Саёдхон пари-ол алинга созингни, баланддан чиқар овозингни, алингнинг созини кўрайлик, гапингнинг тузини кўрайлик, бизнинг шул тарлонни бир таъриф этиб бер, деди.

Ҳамрожон!-Ажаб бўлади-деб алина созини олиб, тарлонни таъриф этиб-Саёдхон пари билан канизларига қараб бир сўз айтиб ўтирганга ўхшайди. Кўринг не жавоб дер экан:

Қиши заҳмати чиқиб ёза келганда,  
Эрийиб тўкилар ёғи тарлоннинг.  
Сабзи чамалларда табил чоғинда,  
Қуёш тегса оқар ёғи тарлоннинг.

Қушчиға ярашур йўрға олажа,  
Ўнгидан отланса сўлига туша,  
Табили қоқилса тарлон келмиша,  
Ботар тирноқлари қона тарлоннинг.

Мунаққашдур унинг пари боллари,  
Кўлда ўрдак кўрдик титрар таллари,  
Анинг юрти Озарбайжон эллари,  
Келар қийғачланиб оғи тарлоннинг.

Давралиб-давралиб чиқар осмона,  
Кўзлари жаллоддир ўт солар жона,  
Қирғин солур чўлда кезган ҳайвона,  
Аждаҳога мангзар кўзи тарлоннинг.

Устимииздан ўтган оғир жилвалар,  
Ўтирган қозилар, ичинг оғалар.  
Қизил, ёшил бошга санчиб жиғалар,  
Ҳамрожон дер, ўтди оғи тарлоннинг.

Деб, бул сўзни айтган вақтда, Саёдхон пари эшитиб турса, бунинг ичидан “Салби” деган сўз эшитилмаганидан вақти чандон хуш бўлиб, вақтининг хуш бўлганлиги шундаки, бир жойда сақлаб қўйган жайрон деган бир қуши бор эрди. Ана шуни олиб келди, Ҳамроҳоннинг ёнига. У юртда жайрон дейди. Ҳозил-дейди. Саёдхон юртида марол дейди бу юртда эса кийик –деб ном берадилар. Саёдхон пари айтди: Эй Ҳамроҳон!-деди. Ҳамроҳон-Лаббай –деди. Бизнинг шу жайрон қушни ҳам бир таърифлаб берсанг нечук бўлар экан?-деди.

Ҳамроҳон айтди:-Ажаб бўлар!-деди. Қўлига созини олиб, жайронни таъриф этиб бир сўз айтди. Кўринг не деб жавоб қилас экан:

Сарим қурбон бўлсин сени кўрганда,  
Бизнинг элнинг жайронидир бул жайрон!  
Феъли кетган жайрон бунда нишласин,  
Ўз элимнинг жайронидир бул жайрон!  
Узоқдан кўринган жайроннинг тўзи,  
Сарининг устинда қўша мўғизи,  
Эгам сурмалармиш шул қора кўзни,  
Бизнинг элнинг жайронидир бул жайрон!

Оққан чашмаларин сувдан тўлдирган,  
Қизил юзим гул бандимни сўлдирган,  
Олғир қушим, югурак тозим ўлдирган,  
Бизнинг элнинг жайронидир бул жайрон!

Жайрон кетди тоғдан тоша дўланиб,  
Дўланибон чашмасина булониб,  
Ошиқ Ҳамро гадой каби тиланиб,  
Бизнинг элнинг жайронидир бул жайрон!

Деб, бул сўзни айтган вақтда бул сўздан ҳам нуқат топмади. “Салби” деган сўз айтилмади. Саёдхоннинг чандон вақти хуш бўлди. Вақтининг хуш бўлгани шундаки, бир жойда қафасда қуйган бир каклик деган қуши бор эди. Шуни кўтариб Ҳамроҳон ёнига ўзи келтирди. Эй Ҳамроҳон:-деди, Саёдхон пари. Бизнинг каклик қушларни ҳам таъриф этиб бер, деди.

Ҳамроҳон -Ажаб бўлади,-деди. Алина созини олиб, каклик қушни таъриф этиб, бир сўз айтди. Кўринг не жавоб берар экан:

Бизга ҳиммат беринг улуғ зот эллар,  
Ёраб менинг ҳолим олишар бўлди.  
Мағрибда, машриқда ўтган эранлар,  
Кўнгул мақсадина етишар бўлди.

Мағрибда, машриқда ўтган эранлар,  
Унинг ҳукмидаги замину –зарлар,  
Бир оҳ урсам ёқар етти қат ерлар,  
Жоним ишқ ўтина туташар бўлди.

Жам бўлиб келинглар оғалар, беглар,  
Сурмали кўзларинг мени чўх англар,  
Жилвадан айрилган югурак какликлар,  
Ҳар дам “қоқоғ” уриб, қулишар бўлди.

Хинолар қўйибди икки дастина,  
Билса рақиб келар булар қасдина,  
Мен минибман ёрим сийнанг устина,  
Қўша норинг пича эзилар бўлди.

Лочин каби урсам боғинда давр,  
Мендан бошқа ёрдан юзингни ўтири,  
Саёдхоним бунча айладинг жабр,  
Ҳар дам ёр жабрина дўзилар бўлдим.

Мени оғлар қўйиб шод бўлан Салби,  
Ошноликдан биздан ёт бўлан Салби,  
Азалдан Ҳамрода от бўлан Салби,  
Ҳардам ётлар билан қучишар бўлди.

Деб, бу сўзни айтгандан сўнг, Саёдхон пари Ҳамроҳоннинг Салби отли ёрининг борлигини тақиқ билиб, канизларига бақирди. –Боринглар! Ҳамрони олиб бориб зиндонга ташланглар!-деб буйруқ берди. Канизлар югуриб бориб Ҳамроҳоннинг икки қўлини орқасига боғлаб, зиндонга олиб жўнадилар. Бир неча манзил йўл юриб, Ҳамроҳонни келтириб зиндонга солдилар. Эшигига қулф урдилар. Не ош бор, не нон бор, Ҳамроҳон очдан-оч ётаверди. Ҳамроҳон зиндонда ётаберсин. Эндиғи хабарни кимдан сўранг, Саёдхондан сўранг. Саёдхон пари ҳам сал ўтмай, Ҳамроҳоннинг ишқида бўлди бир касал. Ошиқнинг иши ўзларингизга маълум. Ошоқдан тўрга ағнади, тўрдан туриб ошоққа ағнади. Бу ҳам уч кунгача касал бўлиб ётаверди.

Уч кун деган вақтда Саёдхон парининг қарори чидай олмай, ирғиб еридан туриб, Ҳамроҳоннинг ётган зиндонига қараб йўлга тушиб равона бўлди. Узоқдан зиндоннинг панжарасидан сар этиб қаради. Бул сўз бу ерда тураверсин, эндиғи сўзни Ҳамроҳондан эшитинг.

Ҳамроҳон зиндоннинг ичида уч кун ётди. Ўзи ҳам очдан оч ётди. Ҳамроҳон кўп қийин ҳолда бўлди. Кўнглига камлик келди. Ўзининг хўрлангани эсига тушиб йиғлаб ўтираверди. Саёдхоннинг бундай этарини аввалдан билганимда бу юртларга келмас эдим, –деди. Фойдаси бўлмади. Ҳамроҳон шуларни ўйлаб хафа бўлиб ўтирган эди. Зиндоннинг панжарасидан ичкарига бир куннинг шуъласи тушгандай бўлди. Ҳамроҳон Саёдхоннинг келганини билиб, панжарарадан қараб, алина созини олиб, бир сўз айтиб йиғлаб турибди. Кўринг не дер экан:

Ўғрин-ўғрин панжарарадан боқсан ёр,  
Шул қора кўзларинг не тилар меннан!  
Юрак бағрим ишқ ўтина ёқкан ёр,  
Ёр қора кўзларинг не тилар меннан?

Шул қора кўзларинг уйқу ўғриси,  
Менинг дейтурганим сўзнинг тўғриси,  
Ёр қора кўзларинг сўнар ўғриси,  
Шул қора кўзларинг не тилар меннан?

Курбонинг кетайин йўла кел, йўла,  
Умидвор қўлларинг бўйнима дўла,  
Жодигўй кўзларинг жонимни олар,  
Шул қора кўзларинг не тилар меннан?

Шул қора кўзинга banda бўлайин,  
Мен сендан айрилиб қайда борайин,  
Мен бир тилла юзук сенда бўлайин,  
Шул қора кўзларинг не тилар меннан?

Баланд-баланд тоғнинг кетмас думони,  
Мункирнинг кўнглидан кетмас гумони,  
Саёдхон Ҳамронинг севгили ёри,  
Шул қора кўзларинг не тилар меннан?

Деб, бул сўзни айтгандан сўнг, хабарни кимдан сўранг, Саёдхон паридан сўранг. Саёдхон пари Ҳамрожоннинг товушини эшитиб, ошиғи бекарор бўлиб, калласи ғувлаб, кўзлари ёшга-тўлиб, этига қалтиратма тушиб, зиндоннинг панжарасига югуриб келиб қолганини билмай қолди.

Анда Ҳамрожон айтди:

-Бу ноинсофнинг уч кундан бери мени очдан-оч зиндонда ётқизиб қоқлаб, хўрлагани етар. Бу ноинсофнинг бир аччиғини келтирайин ё зиндонда ўларман, ё чиқарман,-деган хаёл пайдо бўлиб, Ҳамрожон зиндоннинг ичидаги туриб, Саёдхон пари зиндоннинг панжарасининг оғзида турибди, Ҳамрожон бир сўз айтиб турибдир. Кўринг не жавоб айтар экан:

Оға беглар бир гўзала мойилман,  
Динга кирмас арманидур-армани.  
Кеча кундуз ёр жабрина қойилман,  
Кўздан солиб, ҳолдан айирди мени.

Устимиизда Гуржистоннинг тоғидир,  
Мангзамишлар бизнинг билан ёғидир,  
Саёдхоннинг қучмоли бир чоғидир,  
Қизил гулнинг хирмонидир хирмони.

Ишқнинг шаробини менам ичардим,  
Кунда юзминг ёниб, юзминг ўчардим,  
Ота-эна, эл –кунимдан кечардим,  
Ғариф кўнглим дармонидир дармони.

Бизнинг беглар ишбоз эди, боз эди,  
Насиб қайси тақдир қайси –ёз эди,  
Динга кирмас тарсо пари қиз эди,  
Ночорликда ёмон этди ёр мени.

Қизил гулни даста-даста терарлар,  
Териб-териб оқ синага саарлар,  
Саёдхон қиз панжарадан қаарлар,  
Ҳамро айтур, кўра келди ёр мени.

Деб, бу сўзи айтган вақтда Саёдхон пари: Ҳой ноинсоф канизлар!-деб қичкирди. –Зиндандан дарҳол чиқариб олинглар, ўлиб қолакўрмасин, деб қичкиргандан сўнг, ажаб бўлади!-деб канизлар югуриб бориб зиндан очиб қўрсалар, қичқира-қичқира Ҳамрожон уч куннинг очлигидан ҳолдан кетиб, беҳуш бўлиб йиқилиб ётган экан.

Саёдхон пари Ҳамрожоннинг ёнида бир-икки соат ўтируди. Ҳамрожон бир вақтлари хушига келди. Ҳамрожон хушига келгандан кейин Саёдхон пари шу ерда ўттиз икки таомларни келтириб, Ҳамрожоннинг олдида қўйди. Ҳамрожонни овқатлантириб бўлиб, канизларига топширди:-Эй канизлар:-деди. Ҳамрожонни ҳаммомга олиб бориб орасталаб, менинг ёнимга олиб келинглар! деди.

-Ажаб бўлади!-деб Ҳамрожонни канизлар ҳаммомга олиб, равона бўлдилар. Ҳамрожонни ҳаммомга олиб бориб орасталаб, ювиб, яхши, турли гуллар билан сийлаб кийинтириб, Саёдхон парининг тилла пўш саройига қараб, олиб жўнатдилар. Энди хабарни кимдан сўранг, Саёдхон паридан сўранг. У Ҳамрожоннинг келар йўлига боқиб, ўттиз икки турли киймларни кийиниб ўзига пардоз бериб, қошларига сурма чекиб Ҳамрожоннинг келар йўлига боқиб ўтираберди.

Ҳамрожон канизлар билан келаётиса, Саёдхон парининг ўттиз икки турли кийимларни кийганини кўриб Ҳамрожоннинг ҳам кайфи кўтарилиб, бу зангарнинг қизини узоқдан хушомадлаб бормасам, яна бир балога гирифтор этмасин -деб Ҳамрожон алина созини олиб, шул келишида Саёдхонни хушомадлаб, бир сўз айтиб, келаётир. Кўринг не дер экан:

Эй ёронлар мусулмонлар,  
Ёр қирмизи кийинибдир.  
Ишқ ўтига ёнган жонлар,  
Хол қирмизи кийинибдир.

Келишингиз жайрон каби,  
Рафторингиз марол каби,  
Икки зулфи шомор каби,  
Ёр қирмизи кийинибдир.

Ёрим келар кула –кула,  
Кулиши мангзар булбула,  
Ёнинда қирқ каниз била,

Ёр қирмизи кийинибдир.

Юр Саёд кетали боға,  
Ёр билан кирсак ўтоға,  
Ҳамронинг жонин олмоға,  
Ёр қирмизи кийинибдир.

Деб, бул сўзни айтган вақтда Саёдхон парига қараса, Ҳамрожоннинг йўлига боқиб ўтирган экан. Анда Ҳамрожонни канизлар, Саёдхоннинг тилла пўш саройига олиб бордилар.

Ул вақтда Саёдхон пари Ҳамрожонга айтди: Эй Ҳамрожон! Ол алинга созингни, баланддан чиқар овозингни, менга бир давр соз, бир давр сўз айтиб берсанг нечук бўлар экан?-деди. Қўрқкан одамнинг иши ўзларингизга маълум, Ҳамрожон айтди:-Ажаб бўлади,-деди. Ҳамрожон айтди:-Бу ноинсофнинг қизи мени яна бир балоларга чатмасин деб, ўзининг тоғ одами” эканини баён этиб бир сўз айтиб ўтирибди. Кўринг не жавоб айтар экан:

Қодир оллоҳ бадр айламиш жамолим,  
Гўё икки қошим ҳилола душмиш.  
Олло Ғариф берса шугун мисолин,  
Гўё булбул каби бидола душмиш.

“Алиф”нинг олдига “мим” тушан каби,  
Семурғнинг танидин пар тушан каби,  
Дибиржоқ-дибиржоқ тер тушан каби,  
Лабингдан бол оқса пиёла душмуш.

Ўжа доғдан анжир ун тушан каби,  
Холлар орасига тун тушан каби,  
Жами рўзалардин кун тушан каби,  
Зинадин қўлларинг зулола душмуш.

Етиб бўлмас ошиқларнинг зориннан,  
Холинг хориж этар Чиннинг ёридан,  
Мен ақлим йитирдим ҳарна боридан,  
Кўранда бир ажиб хиёла душмуш.

Ҳамро-ақли бўлмас тоғ одамининг,  
Тўбаси гул бўлар боғ одамнинг,  
Сахро далисининг, тоғ одамининг,  
Кўзлари сенингдай қизлара душмуш.

Деб, бул сўзни айтган вақтда Саёдхоннинг чандон вақти хуш бўлиб, Саёдхон пари Ҳамрожонга тиздан тўшак солиб, белбоғдан ёстиқ солаберди.

Саёдхон пари туриб айтди:-Эй Ҳамрожон!-деди. Шул вақтда энди бир вақти хушлик учун алинга ол созингни баланд чиқар овозингни, бизга бир давр соз, бир давр сўз айтиб берсанг нечук бўлар экан дўстим!-деди.

Ҳамрожон:-Ажаб бўлар-деди. Ҳамрожон Саёдхон парига қараб бир сўз айтиб турибди. Ғазали Ҳамрожон дерлар, кўринг не дер экан:

Ногоҳонда савдо тушди сарима,  
Тегса менга тегсин, ёра тегмасин!  
Қаҳбо фалак тегма менинг ёrima,  
Чунки менга тегсин, ёра тегмасин!

Гўзаллар ичинда сен гўзал шоси,  
Бир замон кўрмасам бўларман осий,  
Қишининг зимистони, ёзниг ҳавоси,  
Ул ҳам менга тегсин, ёра тегмасин.

Гўзаллар ичинда сен гўзал шовқи,  
Кўзимдан оқиздинг қон билан қўқи,  
Оллонинг фармони, ажалнинг ўқи,  
Чин душманга тегсин, ёра тегмасин.

Эгнига кийибdir оқдан олалар,  
Уни қўриб шайдо булбул нолалар,  
Кўқдан ерга энган юзминг балолар,  
Чин душманга тегин ёра тегмасин.

Боғингда очилмиш ранг-баранг гуллар,  
Ишқинда сайрашур шайдо булбуллар,  
Ошиқ Ҳамро деяр айролиқ кунлар,  
Ул ҳам менга тегсин, ёра тегмасин!

Бул сўзни айтгандан сўнг Саёдхон парининг вақти чандон хуш бўлиб, Ҳамрожон билан тилла пўш саройнинг ичида айшу ишратга машғул бўлиб, шу ерда қарор топиб, мурода мақсадига етиб қолабердилар.

## **Лугат**

### **А**

Ал-қўл

Амудигарон-оғир амуд (бошни мажақлайдиган темир тўқмоқ)

Ар-ар-арча

Атоноқ-қўшув белгиси шакли, чарх (крест)

Аҳлан вассахлан-(арабча) хуш келибсиз

### **Б**

Беганмоқ-қаноатланмоқ

Бехроб-яхши, устун

Биҳил-бўйсуниш

Бордош-чордона

Ботил-берк

Буқоноқламоқ-писиб юрмоқ

Бўйла-бундай

Бўктарилмоқ-ғамламоқ

### **В**

Важ-нарса

Ваззихо-очик, нур, ёруғ кун

Во-эй

Волий-ҳоким, вилоят ҳукмдори

Валлайло-тун қоронгуси

Варсақи-сўз, баён

### **Г**

Гада –пасткаш, ёмон

Ганжинаи биниш-бор бўлган ганж

Гизламоқ-яширмоқ

Губалак-капалак

Гунаш-куёш

Гўндармоқ-жўнатмоқ

### **Д**

Дали-жангари, чапани

Дандона-тиш

Данжик-жангари, чапани

Дегра-дош-чор атроф

Дейил-феълнинг инкор шакли (эмас)

Дилситон-дилни овловчи

Дошинда-теварагида

Дуз-ташқари

Дуруд-олқиши, дуо

Дустамон-ағдарилмоқ

Душвор-мушкул

Дўланди-боғланди, бириқди

Дўрамоқ-туғилмоқ

**Ё**

Ёзгармоқ-бўшашмоқ

Ёзғит-такдир

Ёли-каби

Ёсини таҳо-қуръон суралари (Ёсин ва Тоҳо)

Ёсона-мотамхона

Ёқти-ёргуғ

**Ж**

Жастаҳез-аста-секин

Жиржис-мифик пайғамбар исми

Жониб-томон

Жумри-юмри-юмалоқ нарса

Жустужӯ-излаш

Жўжинг-қўзинг

Жўлида мўй-тарқоқ соқол

**З**

Закариё-пайғамбар исми

Зили бам-оғир оҳанг (мусиқага оид)

Зингмоқ-ирғитмоқ, отиб юбормоқ

Зоринжи-ёлбориш

**И**

Имир –туман

Иноҳат –қаршилик

Инкисор-сифиниш, ожизлик

Истеътоат-чидам

Иргиб –сакраб

Иқди никоҳ-никоҳланиш

**Й**

Йитирмоқ-йўқотмоқ

**К**

Каж-тескари

Капдирмоқ-қуритмоқ

Каҳан-сомондай

Киса-чўнтак

Кўппак-ит

Кўшагим-бўталофим

Кўшиш-таъсир кўрсатмоқ

**Л**

Лабз-шева

Ложарам-хижил

**М**

Мавт-ўлим

Мазҳари ақл-ақл хазинаси. (маҳзан сўзининг бузилган шакли)

Марқад-мозор (марқад)

Масоҳиб-сұхбатдош  
Маҳшар-қиёмат  
Маҳзан-хазина  
Мешик-мутро-сув идиш ва хуржун  
Мубаддал-алмашинган  
Муқаддар –хафа, маҳзун  
Мажаррам-балки  
Музтариб-изтироб чекувчи  
Мукаррам-азиз  
Мунқатиъ-ажралган  
Мутаважжих-юзланиш, қарамоқ  
Мутағайир-ўзгача  
Мафқум-фаҳмланган  
Мосил-ясовул  
Мужрим айбли  
Муруватандиши-муруватли  
Муқотала-уруш, қирғин  
Муқайид-боғланган

## **Н**

Навқон-ипак қурти  
На корасан-қанақа одамсан, касбинг нима  
Нарт-новда  
Нишатса-нима қилса  
Нозил-юқоридан тушган

## **О**

Оёқ солма-арик  
Орув-поклик  
Орқайин-хотиржам  
Ошоқ-паст  
Офоқ-олам, уфқлар

## **П**

Пайғом-хабар  
Покидомон-иффатли  
Пурсухан –сўзамол  
Пўшиш-бекик, ёпик

## **Р**

Раванак-сув қувури  
Роҳизан-қароқчи

## **С**

Сувадуш-сув қувури  
Сайҳа-наъра, бақириш  
Санги хора-қаттиқ тош  
Сар солмоқ-назар солмоқ  
Саржаниш-кесатиш, ранжитиш (сарзаниш)

Сарка-бошчи  
Сармок-ёймоқ  
Саросар-бошдан оёқ  
Сипориш-хурмат эҳтиром  
Сулухат-келишув

**Т**

Тааммул-сабр  
Тавилан-узунлик  
Така-ёстик  
Тал-соҷ  
Таракамон-тарокима, туркманлар  
Тараххум-раҳм қилмоқ  
Тайғир-ўзгариш (тағири)  
Ташдид-шиддатли  
Ташминқўш-жун кийимли  
Тирборон-ўқ ёмғири  
Тирп этмай-қимир этмай  
Тунг-сув идиш (мисдан ишланган)  
Тўбалаш-тортишув, жанжал  
Тўман-паст  
Тўз-чанг –ғубор  
Тўба-тепа  
Тўнгиртқа-сув қувури

**У**

Убудият-бандлик, қуллик  
Уйри-тўда  
Ушоқ-кичик, бола маъносида  
Уқбо-охират

**Ф**

Фигор-мажрух

**Х**

Ховандор-ҳомий, таянч  
Ховар-шарқ, қуёш  
Хори мўғилон-ёнтоқзор  
Хужастахисол-қутлуғ одат  
Хўбрўй-чиройли

**Ч**

Чархи дун-тескари дунё  
Чатмоқ-қўшмоқ, биритирмоқ  
Чаққи-пичноқ, қаламтарош  
Черик-навкар  
Чизғамоқ-шимармоқ  
Чоки-гирибон –қалбни пора қилмоқ  
Чундук-тумшуқ  
Чусти чобук-тез

Чуғул-чақимчи

Чўх-кўп, жуда

**Ш**

Шатир-шутур-тез-тез, чаққон

Шомор-илон (шоҳ мор)

Шона-тароқ

Шўрида-паришон

**Э**

Эжашмоқ-ҳазиллашмоқ

Элти-мулланинг хотини

Эмгак-меҳнат

**Я**

Янгоғи-ҳалиги

**Ў**

Ўба-эл, қавм

Ўкта-устун, кучли

Ўкча-товор

Ўтлашмоқ-меъёрдан ошмоқ

**Қ**

Қийғириб тур-баланд овозда қўшиқ айтиб турмоқ

Қопи-эшик

Қоптол-ён, ён атроф

Қосид-хабарчи

Қўпди-турди, қўзгалди

**Ғ**

Ғузола-ҳашаротнинг бир тури

Ғўчкоқ-жасур, мард

**Ҳ**

Ҳаз-маза

Ҳовва-ҳа

**“Ошиқнома” мажмуаси 5-китобига киритилган достонлар ҳақида**

**маълумот**

**“Тоҳир ва Зухра”**

“Тоҳир ва Зухра” достони туркий халқлар орасида кенг тарқалган. Ёзма адабиётда Сайёдий ва Мулланафасларнинг достонлари жуда машҳурлик қозонган.

Сайёдийнинг “Тоҳир ва Зухра”си А.Вамбери томонидан 1867 йилда Лейпцигда нашр ҳам этилган.

Достоннинг халқ варианти 1974 йилда Тошкентда нашр қилинган. Унинг оғзаки вариантлари анчани ташкил этади. Собиқ қўлёзмалар институтида достоннинг 86 варианти мавжудлиги каталогда қайд қилинган.

Биз нашрга тайёрлаётган ушбу матн шовотлик Ниёзжон халфа бисотидан олинган қўлёзмага асосланади. Достон Мулланафаснинг асарига жуда ўхшаш, лекин шеърий парчалар ундан анча кўп, шунингдек, бошқа

шөърий парчалар, насрий матнлар ҳам вариант берарлик даражада алоҳидаликка эга. Фикримизча, бир пайтлар Мулланафас варианти қўлёзма тарзида халқ орасида ёйилиб, котиблар томонидан қайта қўчириш жараёнида турли вариантлар юзага келган.

Мазкур вариант илк маротаба чоп қилинаётир.

### **“Юсуф ва Зулайҳо”**

“Таврот”даги Гўзал Иосиф, “Куръон”даги Юсуф билан боғлиқ ривоятлар асосида шаклланган бу достон IX асрдаёқ ёзма адабиётга кириб келган. Фирдавсий, Балхий, Рабғузий, Шерозий, Дурбек ва бошқа қатор шоирлар ушбу сюжет асосида асарлар яратишган. Уни халқ достонлари услугига яқинлаштириб ижод қилган шоир Андалибdir.

“Юсуф ва Зулайҳо”нинг оғзаки вариантлари бахшилар репертуарида учрамайди. Достон фақат қиссаҳонлар ижросида ўқиб келинган.

Биз нашрга тайёрлаётган қўлёзма шовотлик Ниёзжон халфага тегишли бўлиб, у 1909 йилда кўчирилган.

Достон ўзбек тилида биринчи бор эълон қилинмоқда.

### **“Лайли ва Мажнун”**

Мажмууга киритилган мазкур достон Умар Боқий қаламига мансубdir. Бу асар 1910 йилда Гулом Ҳасан Орифжоновнинг тошбосмасида чоп этилган. Асар “Лайли ва Мажнун” сюжетининг насрий баёни бўлишига қарамай, унинг таркибиға 68 мисра шеър киритилган. Асарнинг тили Мунис, Оғаҳий каби тарихнавислар услугига анча яқин.

Достон илк маротаба табдил қилиниб чоп этилмоқда.

### **“Ошиқ Қумри”**

Бу достон Хоразмда “Қумри ва Тўти”, “Қумри тўра”, “Ошиқ Қумри” номлари билан кенг оммалашган. Достон бошқа туркий халқлар фольклорида нашр этилмаган. Асар асосан халфалар репертуарида қисса сифатида ижро этилиб келинган. Ушбу вариантни Хонқа туманининг Томадурғидик қишлоғида яшовчи Олмахон халфа Отажонова бисотидаги қўлёзма асосида филология факультети талабаси Бекметова Хуршида ёзиб олган.

Матн 1993 йилда мулла Тожибой томонидан араб алфавитида кўчирилган бўлиб, 71 сахифадан иборат. Кейинчалик ёзиб олинган матн биз томонимиздан аслиятга солиштирилиб, камчиликлар тузатилди. Мулла Тожибой мазкур матнни 1908 йилда кўчирилган қўлёзмадан қайта кўчирган экан.

Достон илк маротаба нашр этилмоқда.

### **“Саёд ва Ҳамро”**

“Саёд ва Ҳамро” достонининг қўлёзма нусха асосидаги нашри “Ошиқнома” мажмуасининг 2006 йилда чоп этилган, 1-китоби таркибиға киритилган эди.

Достонинг оғзаки вариантлари ҳам бўлиб, унинг мангитлик Хўжамурод бахши variantини 1938 йилда лотин алфавитида Буюк Каримий ёзиб олган.

Бу матн ЎзР ФА ТАИ фольклор бўлими хазинасида 620- инвентар-раками остида сақланади. Унинг айрим сахифалари очик қолдирилган. Биз нашрга тайёрлаган вариантни манғитлик Худойберган бахши Ўтагановдан 1960 йилда Усмон Аҳмедов ёзиб олган бўлиб, қўллёзмада 61 сахифани ташкил этади. Достоннинг мазкур варианти Хўжамурод бахшидан ёзиб олинган вариантдан ҳажман икки баравар каттадир. Бироқ достонни ёзиб оловчи киши фольклоршунос бўлмаганлиги сабабли кўпгина хатоларга йўл қўйган. Масалан, “Жайрон” сўзи “жаранг”, “Таракамон” сўзи “Талакамон”, “ходим” сўзи-“қодим”, “шакардан ширин” бирикмаси “шириндан шакар” тарзида нотўғри ёзиб олинган.

Шундай бўлишига қарамай мазкур вариант Хўжамурод бахши вариантига қараганда батафсиллиги, шеърий мисраларнинг кўплиги, бўёқдор ибораларга бойлиги билан мукаммаллик касб этади.

Достоннинг оғзаки варианти биринчи марта эълон қилинмоқда.

### **Мундарижа:**

1. “Тоҳир ва Зухра” .....	3
2. “Юсуф ва Зулайҳо” .....	128
3. “Лайли ва Мажнун” .....	167
4. “Ошиқ Қумри” .....	180
5. “Саёд ва Ҳамро” .....	205
6. Луғат .....	239
7. Мажмуага киритилган достонлар ҳақида маълумот .....	244

**Мусахҳих: Ё. М. Иброҳимова**